

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PHD. 03/04.06.2020. PED.113.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:-371.011

ҲОШИМҲОНОВ МЎМИН

ИЖТИМОЙ – ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР НЕГИЗИДА
ТАЛАБАЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ – АХЛОҚИЙ КАМОЛОТИНИ
ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(БОБОРАҲИМ МАШРАБ АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

Педагогика фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тақдим
этилган диссертация

Жиззах - 2023

**МАВЗУ: ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР НЕГИЗИДА
ТАЛАБАЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ–АХЛОҚИЙ КАМОЛОТИНИ ТАЪМИНЛАШ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (Бобораҳим Машраб асарлари мисолида)
МУНДАРИЖА**

КИРИШ.....	3
I-БОБ. ТАЛАБАЛАР МАЪНАВИЙ–АХЛОҚИЙ КАМОЛОТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ–НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	14
I.1. Талабалар маънавий-ахлоқий камолотини такомиллаштириш – педагогик муаммо сифатида	14
I.2. Талабалар маънавий-ахлоқий камолотини такомиллаштиришнинг ижтимоий жиҳатдан зарурлиги	49
I.3. Талабаларга маънавий-ахлоқий тарбия беришда Машрабнинг ижтимоий–маънавий мероси дидактик асос сифатида	80
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	107
II-БОБ. ИЖТИМОЙ–ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР НЕГИЗИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ–АХЛОҚИЙ КАМОЛОТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.....	110
II.1 Талабалар маънавий-ахлоқий камолотини такомиллаштиришда Машраб асарларининг роли ва ўрни	110
II.2. Талабалар маънавий-ахлоқий камолотини такомиллаштиришда Машраб ижтимоий–педагогик қарашларини татбиқ этиш тизимини такомиллаштириш.....	128
II.3. Талабалар маънавий-ахлоқий камолотини такомиллаштиришга оид Машраб асарларидаги дидактик омилларнинг ўрни.....	144
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	175
III-БОБ. ТАЛАБАЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ–АХЛОҚИЙ КАМОЛОТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА МАШРАБ АСАРЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ ТИЗИМИ.....	177
III.1 Талабалар маънавий-ахлоқий камолотини такомиллаштиришнинг дидактик таъминоти.....	177
III.2. Талабалар маънавий-ахлоқий камолотини таъминлаш тизимини такомиллаштириш	205
III.3. Талабалар маънавий–ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизими методлари (Бобораҳим Машраб асарлари мисолида).....	217
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	235
IV-БОБ. ТАЛАБАЛАР МАЪНАВИЙ–АХЛОҚИЙ КАМОЛОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИНГ ПЕДАГОГИК САМАРАДОРЛИГИ ВА ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ НАТИЖАЛАРИ.....	236
IV.1. Талабалар маънавий-ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизимини амалиётга жорий этиш.....	236
IV.2. Талабалар маънавий-ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизимининг педагогик самарадорлигини аниқлаш мезонини ишлаб чиқиш	257
IV. 3. Тажриба – синов ишлари ва уларнинг натижалари таҳлили.....	278
Тўртинчи боб бўйича хулосалар.....	279
ХУЛОСАЛАР	281
ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	288
ИЛОВАЛАР.....

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сўнги вақтларда дунё халқларининг маънавий–ахлоқий қиёфасини такомиллаштириш, халқаро маданий трансфорция жараёнини меъёрлаштириш, умумбашарий қадриятларни юксак мақомга кўтариш, башариятни ягона мақсад сари бирлаштириш ва ўзаро ҳамжиҳатликка йўналтириш каби талабларга жавоб берадиган умуминсоний хусусиятларга эга конструктив маънавий қадриятлар тизимини ишлаб чиқиш долзарб бўлиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёнида маънавий қашшоқлик, ахлоқий нигилизм каби умубашарий характерга эга бўлган иллатларга қарши курашишда ворисийлик ва замонавийлик принципини уйғунлаштирган ҳолда олиб бориш, жумладан, ижтимоий педагогик фикрлар негизда талабаларнинг маънавий – ахлоқий камолотини таъминлаш тизимини такомиллаштириш, ҳозирги давр янгиликлари билан синтезлаш зарурияти педагогик эҳтиёжга айланиб бормоқда.

Дунё педагогикасида олиб борилган илмий изланиш ва тадқиқотлар Машраб ижодида диний–ахлоқий, ижтимоий–фалсафий, педагогик тафаккурнинг юзага чиқишидаги ўрни каби масалалар ҳақида илмий маълумотлар бериб борилаётганлиги билан қимматли ва аҳамиятлидир. XVII–XVIII асрлар Мовароуннаҳр худудида илм-фан ривожини Европанинг кўплаб мамлакатларига, шунингдек, Америка Қўшма штатларигача етиб борганлиги билан, бу тадқиқотлар кўлами жаҳон машрабшунослиги тараққиётида Бобораҳим Машраб меросининг умуминсоний қадриятларга дахлдорлиги ва бунинг таълим–тарбия соҳасига татбиқ этилиши билан ўзига хосдир.

Мамлакатимизда маънавий – ахлоқий қадриятларнинг ижтимоий таъсирини ошириш, талаба-ёшларни ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний ғоялар асосида тарбиялаш, ҳар қандай даврнинг энг муҳим, долзарб масалаларидан бири эканлиги билан аҳамиятлидир. Шарқнинг бетакрор мутафаккир алломаларининг ижтимоий – маънавий меросига учинчи Ренессанс даврида эътиборнинг кучайиши, Мовароуннаҳр худудида мутафаккир

алломаларининг жаҳон ижтимоий фани соҳалари, шунингдек, педагогика фани тараққиётига қўшган ҳиссалари билан аҳамиятлидир. Мовароуннаҳрда яшаб ижод этган аллома мутафаккир, мураббий устоз, ижодкор шоир Бобораҳим Машраб, унинг маънавий мероси жаҳон тамаддунида, инсонпарварлик ва ахлоқий кадриятларга содиқлик, баркамол инсонни тарбиялаш каби ғояларнинг мазмун – моҳиятини илмий нуқтаи назардан ёритишда ўзига хос қимматлидир.

Ушбу диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, 2020 йил ПФ – 6017 – сон “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора – тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ – 6108 – сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим – тарбия ва илм – фан соҳаларини ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ – 2995 – сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 23 июндаги ПҚ – 3080 – сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора – тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271 – сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш тўғрисида”, 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ – 2894 – сон “Алишер Навоий номидаги миллий боғда Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида” ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар амалга оширилишида ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги: Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий

ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” мавзусидаги устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий – тадқиқотлар шарҳи¹. Шарқ цивилизациясига катта ҳисса қўшган мутасаввифларнинг тасаввуф, ахлоқ, ўзликни англаш, маънавий меросни бугунги кун нуқтаи назардан ўрганиш, уларни умуминсоний қадрият сифатида Шарқ мамлакатлари педагог фикр ривожига қўшган ҳиссасини, жаҳон тамаддунида тутган ўрнини аниқлаш масалалари бўйича дунёнинг етакчи илмий тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасалари жумладан, Indiana University of Bloomington(USA), University of Harvard, University of California, University of Michigan, Universitat Bonn (Germany), University of Oslo (Norwegian), University of Vienna (Austria), University of Western Canada, Institute of Central Asia (Франция), Al – Ashar University (Миср), Istanbul Universiteti (Туркия), Институт Восточных рукописей РАН (Россия), Казанский федеральный Университет (Қозон), Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёт университети, Низомий Ганжавий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика университети (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Бугунги кунда дунёда фалсафа ва адабиёт тарихи фанларида мутафаккир шоир Бобораҳим Машраб ижтимоий – маънавий мероси, унинг тасаввуфий қарашлари бўйича илмий натижалар қўлга киритилган. Жаҳон фондларида мавжуд қўлёзма ва тошбосма нусхалари асосида “Мабдаи нур”, “Кимё”нинг турли вариантлари яратилган. Бу хусусда шоир асарларини яратилиш тарихини тадқиқ қилиш, таржима қилиш ишлари амалга оширилган. Бироқ, педагогика тарихи фанида мутафаккир ижодининг педагогик жиҳатларини очиқ берувчи тадқиқотлар йўқ. Шу нуқтаи назардан, мутафаккир шоир Бобораҳим Машраб ижодининг жаҳон педагогика тарихига қўшган ҳиссаси, таъсири, унинг шеърлятидаги ўзига хос умуминсоний хусусият ва ғояларини, қадриятларини

¹ 09.00.03. 6-бетни олиш

тарғиб этувчи томонларини глобал техноген цивилизация шароитида ўрганиш ахлоқ тарбиясида ўзига хос муҳим моҳият касб этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Халқимизнинг бой илмий – маданий мероси, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, бебаҳо меъморий обидалар, нодир қўлёмалар, турли осори атиқалар давлатчилик тарихимизнинг 3000 йиллик теран илдиэларидан далолат беради. Ўзбекистон Республикасининг президенти Ш.М. Мирзиёевнинг маънавий меросни қадрлаш ва юксалтириш ҳақидаги асарлари, концептуал ғоялари баркамол авлод тарбиясини амалга оширишда хусусан, талаба-ёшларга касб тарбияси беришда мазкур тадқиқотга илмий – методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Бир гуруҳ европалик олимлар, жумладан, Мартин Хартманн Берлиндан чиқиб, Европа ва Осиёни боғловчи илмий ишни амалга ошириш мақсадида Қора ва Каспий денгизи орқали Тифлистан Тошкентга келиб, Самарқанд орқали Терек довонидан ошиб Қашқарга келишади. Хартманн гуруҳи 7 ой давомида Ёркент, Хўтан, Ўқсалур, Оқсув шаҳарларида режа асосида иш олиб бордилар. 1903 йил февраль ойида Терек довонидан ошиб, Ирқиштом ва Олуғчат қишлоғи орқали Ўшга, ундан Тошкентга қайтиб келдилар. Шу йил мартгача экспедиция кўплаб материал тўплаб, Берлинга қайтишди. Экспедиция тўплаган халқ оғзаки ижоди ва Машраб ҳақидаги китоблар немис тилига ўгирилиб, Машрабнинг пири Офокхожа эшон шажараси ёритилган “Тазкираи Азизон” китоби шарҳ ва изоҳлар билан ғарб таржимашунослари томонидан Европада нашр этилди, бу исломшунослик фанининг катта ютуғи бўлди².

Хорижлик шарқшунос, педагогик олимлар Н.Веселовский, М.Хартманн, Ҳерман Вамбери, А.П.Хорошхин, В.Л.Вяткин, И.С.Ликошин, С. Улудоғ, Л.

² Hartmann M. Das Buhwesen in Turkistan und Drucke Hartmans// Westasiatische Studien,1904, MSOS zu Berlin. – S69 – 104;Chademjai// Orientalische Literaturzeitung. (OLZ) – Berliv, 1903; 1903. – S. 361-368 ; Beitrage zur Kenntniss des Orient. // WZf.d.KM.B.1. – Berlin, 1903; Ostutrkische Handshriften der Sammlung Hartmans// Westasiatische Studien, (WAS) 1904, MSOS zu Berlin,. – S. 1 – 21; Das Buhwesen in Turkistan und die turkishen Drucke der Sammlung Hartmans // WAS, 1903,MSJS zu Berlin – SS. 69-104; Zur Geshichte Euroasiens// Orient. Literaturzeitung, (OLZ) B. VII, Berlin , 1904. – S291 – 303; Ein turkisher TEXT aus Kaschar// Kelete Szemle , B. VI. Budapest, 1906. – S. 26-65; Die Geshchte von den 40 Leibern (cilton) . Ein turkishcher Text aus Jarkent// W.A.S. B. VIII. – Berlin, 1905. – S. 25 – 56; Eine Grabstelle aus Taschkent // O.L.Z., 20. 12. 1905, naechstes Heft; Arheologusches aus Russisch Turkistan// JLZ. B. VIII. – Berlin, 1905. B. IX, 1906; Hartmann M, Dr. Futterer . Durch Asian. – Berlin, Muhammad Sadiq. Taskirai asison von M. Sadiq. Ein Heiligenstaat in Islam. – Berlin: Wolf Preiser Verlag, 1905. – 300 S.

Миронова, Н.А.Пантусов, У.Е. Остроумов шоир ва мутафаккир Машраб ижодининг баъзи томонларини тадқиқ этганлар³.

Ўзбекистон педагогика тарихи фанининг бир қатор олимлари тадқиқотлар ўрганилаётган мавзунинг баъзи жиҳатларини олий таълим дарсликларида очишга ҳаракат қилганлар⁴.

Педагогика фанлари докторлари А. Зуннунов, Б.Тўхлиев, Х. Масъудов, К. К.Ҳошимов, С.Нишонова, М.Иномова, Р.Ҳасанов. Ж.Ҳасанбоев, О.Ҳасанбоева, Ҳ.Ҳамидов каби олимлар Машраб ижодининг у ёки бу қирраларини илмий асарларида ёритишга ҳаракат қилдилар.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасининг илмий - тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика университети илмий тадқиқот ишлари режасининг “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси” доирасидаги “Глобаллашув шароитида янги тараққиёт стратегияси ва фалсафа фанларининг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий йўналишида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Ижтимоий – педагогик фикрлар негизида талабаларнинг маънавий – ахлоқий камолотини таъминлаш тизимини такомиллаштириш контекстида Бобораҳим Машрабнинг умуминсоний ва

³ Н.И.Веселовский. Восточные заметки-Петербург, 1895; Н.С.Ликошин. Дивана-и Машраб. –Т., 1910; В.А.Вяткин. Ферганский мистик Дивана-и Машраб. –Т., 1923.

⁴ 1.Тузувчи-муаллиф: профессор А.Зуннунов. Ўзбек педагогикаси тарихи. –Т.: “Ўқитувчи”, 1997. 2.А.Зуннунов, Б.Тўхлиев, Х.Масъудов. Педагогика тарихи.-Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2002. 3. Руздатзода Қодиркул Руздат ўғли. Хожамназар Хувайдо диний-мистик қарашларининг XVII-XVIII асрлар Марказий Осиё тасаввуфи ривожига ўрни. Фалсафа фанлари доктори (DSc) диссертацияси, 2020. 4. Ҳамроева Дилором Юнусовна. Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Тошкент: 2004. 5. Дўстқораев Б. Ўзбек насрида Машраб тимсолини яратиш тажрибаси ҳақида мулоҳазалар / Мустақиллик даври адабиёти. Тўплам.-Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. 6. Тоджиходжаев Мусо Муйдинбаевич. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари Мартин Хартманн таржимаси ва талқинида. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати, Наманган, 2021. 7. К.Ҳошимов, С.Нишонова, М.Иномова, Р.Ҳасанов. Педагогика тарихи. –Т.: “Ўқитувчи”, 1996. 8. Масъул муҳаррир: М.М.Хайруллаев. Маънавият юлдузлари. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1999. 9. K.Hoshimov, S.Nishonova. Pedagogika tarixi.-Т.: Alisher Navoiy nomidagi O‘zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2005. 10. Ойниса Мухаммадиева. Бедил ва ахлоқий кадрятлар фалсафаси.-Т.: “YANGI NASHR”, 2016. 11. R.Orzibekov. O‘zbek adabiyoti tarixi. –Т.: O‘zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg‘armasi nashriyoti, 2006. 12. Йўлдош Жумабоев. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан.-Т.: “Ўқитувчи”-“Зиё ношир”, 1997. 13. А.Зуннунов, Б.Тўхлиев, Х.Масъудов. Педагогика тарихи.-Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2002. 14. О.Ҳасанбоева, Ж.Ҳасанбоев, Ҳ.Ҳамидов. Педагогика тарихи.-Т.: “Ўқитувчи”, 1997.

инсонпарварлик ғоялари моҳиятини ёритиш, шунингдек, жаҳон педагогик тафаккури ривождаги моҳиятини кенг жараёнда ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

талабалар маънавий-ахлоқий камолотини такомиллаштириш педагогик муаммо сифатида эканлигини ўзига хос жиҳатларини тарихийлик ва педагогик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш;

талабалар маънавий-ахлоқий камолотини такомиллаштиришнинг ижтимоий жиҳатдан зарурлигини замонавий педагогик нуқтаи назардан ёритиб бериш;

талабаларга маънавий-ахлоқий тарбия беришда Машрабнинг ижтимоий-маънавий мероси дидактик таълим асоси сифатида эканлигини очиб бериш;

талабалар маънавий-ахлоқий камолотини такомиллаштиришда Машраб асарларининг ўзига хос жиҳатларини ва хусусиятларини таҳлил этиш;

талабалар маънавий-ахлоқий камолотини шакллантиришда Машраб ижтимоий-педагогик қарашларини татбиқ этиш тизимини такомиллаштириш тамойилларни ёритиш;

талабалар маънавий-ахлоқий камолотини такомиллаштиришга оид Машраб асарларидаги дидактик омилларнинг концепциясини ёритиш;

талабалар маънавий-ахлоқий камолотини такомиллаштиришнинг дидактик таъминотини акс эттирувчи ғояларни тадқиқ қилиш;

талабалар маънавий-ахлоқий камолотини таъминлаш тизимини бугунги кун доирасида очиб бериш;

талабалар маънавий-ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизими методларини Бобораҳим Машраб мероси мисолида ёритиш;

талабалар маънавий-ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизимини амалиётга жорий қилишни тадқиқ этиш;

талабалар маънавий-ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизимининг педагогик самарадорлигини аниқлаш мезонини ишлаб чиқиш даражасини аниқлаш;

тажриба-синов ишлари ва уларнинг натижалари, талаблари таҳлилни ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бобораҳим Машраб ижодий мероси бўйича яратилган манбалар, илмий тадқиқотлар ва мақолалар, XVII – XVIII асрлар ижтимоий – ахлоқий ҳамда педагогик мероси танланган.

Тадқиқотнинг предмети - Бобораҳим Машраб ва XVII – XVIII асрлар ижтимоий – ахлоқий, маънавий ва педагогик мероси хусусиятларини ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий билишнинг объективлик, тизимлилик, ворисийлик, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, умумлаштириш, тарихийлик ва мантиқийлик каби усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XVII – XVIII асрлар Марказий Осиёда яшаб ижод этган, педагог алломалар, кўплаб дарслик сабоқлар яратган каттакўрғонлик Сўфи Оллоёр, чимёнлик Хожамназар Ғойибназар ўғли Хувайдо, наманганлик Бобораҳим Машраб ва бошқа мутасаввиф мураббийларнинг асарларида маънавий мерос, умуминсоний қадрият, гуманистик ғоялар, ахлоқий – таълимий қоидалар, ибрат ва одоб контекстидаги фикрлар аниқланган;

Машраб ижодининг маҳсули бўлган асарлари, “Ижтимоий – педагогик фикрлар негизда талабаларнинг маънавий – ахлоқий камолотини таъминлаш тизимини такомиллаштириш”, унинг педагогик мероси, мутафаккирнинг шеърлятидаги дидактик ғоялар, шоирнинг тасаввуфий, бадий, педагогик қарашлари акс этган “Мабдаи нур”, “Кимё”. “Қиссаи Вайс ул-Қараний” каби асарларидаги таълимий, ахлоқий қарашлар исботланган.

Машрабнинг педагогик қарашларини шаклланишига таъсир кўрсатган улуғ мутасаввифлар Иброҳим Адҳам, Боязид ал-Бистомий, Мансур Ҳаллож, Жалолиддин Румий, Шайх Шиблий, Робиа Адавия, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳидоятулло Офокхожа, Алишер Навоий, Сўфи Оллоёр каби алломаларнинг унинг ижодига ижобий таъсир кўрсатганлиги далилланган.

Машраб асарларидаги турли педагогик жанрларнинг мактабларда ўрганилиши, шунингдек, хорижий мамлакатларда унинг ижодига бўлган эътибор ва қизиқишларнинг ортиши, хусусан, Европанинг кўплаб мамлакатларига, ҳатто Америка қитъасигача етиб бориши, ўзбек шеърляти билан бошқа халқларни таништириши каби омиллар ўз исботини топган.

Машраб меросидаги педагогик фазилатлар, ахлоқ ва комил инсон муаммоси ҳақидаги ғоялар, маърифий фикрлар, тарбиявий, миллий-маънавий аҳамияти, умуминсоний қадриятлар нуктаи назаридан педагог мутафаккир ижодининг жанр хусусиятларини ўрганиш методикаси кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Улуғ мураббий Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодини, фаолиятини, ўша давр жамиятига қўшган таъсири доирасини ўрганишда XVII – XVIII асрларда Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларида таълим – тарбия, мактаб, фан ва маданият равнақи, шоир ижодига таъсир этган муҳитнинг ўзига хос жиҳатларининг акси, унинг ҳаёти ва ижодий меросига бўлган муносабатнинг ижтимоий – педагогик фикр ривожига тутган ўрнини ўрганишга қаратилган методологик тавсия ва кўрсатмалар ишлаб чиқилганлиги билан аҳамиятлидир.

Машраб меросида педагогик фазилатлар, ахлоқ ва баркамол инсон муаммоси ҳақидаги ғояларга аниқлик киритилган, шеърлятининг ғоявий йўналишлари ва унинг педагогик қарашларидаги таълимотлар таҳлил қилинган. Айниқса, Машраб меросида катта из қолдирган кубровия – нақшбандия тариқатидаги умуминсоний фикрлар, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур шеърлятига хос ҳамоҳанглик мотивлари уйғунлиги кенг ёритилган.

Мутафаккирнинг ижтимоий – маънавий, маърифий ва дидактик қарашлари, Марказий Осиёдаги сўфийлик таълимотининг ғоявий ва мафкуравий жиҳатлари, унинг меросидаги илғор фикрлар, Ўзбекистон қаҳрамони Иброҳим Ғафуровнинг фикрича, манифест ғазалларининг жамият ҳаётидаги акси, шоир ижодиётидаги ахлоқий, таълимий, маънавий, тасаввуфий

хамда насихатомуз, ўгитомуз, ибратомуз, дидактик қарашлар ҳақидаги мулоҳазалар очиб берилган.

Машраб ижодининг хорижда ўрганилиши ва умумтаълим мактабларда шоир шеърятининг жанр хусусиятлари ҳақидаги таълимотларини ўрганишда Марказий Осиё ва Европа халқлари, хусусан, ўзбек халқи ўртасидаги дўстлик, буюк биродарликнинг ёрқин намунаси юзага чиқди, Машраб ҳаёти ва ижоди нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам катта қизиқиш уйғотганлиги кенг ҳолатда ёритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотжараёнида қўлланилган назарий қарашлар, услубий ёндошувлар, усуллар ва илмий маълумотларнинг манбалардан, ишончли далиллардан республика ва халқаро миқёсидаги илмий конференциялар, симпозиум материаллари тўпламлари ОАК рўйхатидагимахсус журналлар ҳамда илмий журналларда нашр этилган мақолалар, чоп этилган монографиялар ва у ҳақдаги тақризлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилган олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан ҳарактерланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ушбу тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти XVII – XVIII асрлар педагогика фанининг улуғ намояндаси Бобораҳим Машраб ижодий меросининг ижтимоий – педагогик фикрлар негизида талабаларнинг маънавий – ахлоқий камолотини таъминлаш тизимини такомиллаштиришда, педагогика тарихи учун янги илмий назарий маълумот ва хулосалар бериши, амалдаги мавжуд дарслик, қўлланмаларнинг такомиллашувида педагог мураббийлар ва олий таълим мутахассислари учун қўлланма, манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, педагогика тарихи фанлари бўйича таълим тизимининг маълум йўналиш ва босқичларида талабаларга дарс машғулотлари олиб боришда, махсус курс, амалий машғулот ва семинарлар ўтишда, шу фанлар бўйича ўқув қўлланмалар, дарслик, мажмуалар, атамалар луғати яратишда оммавий ахборот воситаларида Машраб ижодини ва XVII –

XVIII асрлар шеърятини тарғиб ва ташвиқ қилишда унумли фойдаланиш мумкинлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши Бобораҳим Машраб асарлари мисолида педагогика фани контекстида ижтимоий педагогик фикрлар негизида талабаларнинг маънавий – ахлоқий камолотини таъминлаш тизимини такомиллаштириш, ундаги илмий таклифлар бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ижтимоий-педагогик фикрлар негизида талабаларнинг маънавий-ахлоқий камолотини таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги таклифлар бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Бобораҳим Машраб асарларидаги таълимий, ахлоқий қарашлар Жиззах вилоят “Истиқбол” минтақавий тадқиқот марказининг “Жамият барқарорлигини таъминлашда ёшлар маданиятини юксалтиришнинг инновацион омиллари” мавзусида 2021 йилда бажарилган 07-рақамли грант лойиҳаси ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Жиззах вилоят “Истиқбол” минтақавий тадқиқот марказининг 2022 йил 1 апрелдаги № 8 сонли далолатномаси). Натижада, Бобораҳим Машраб тасаввуфий қарашларининг аҳолининг маънавий маданияти ва фуқаролик масъулиятини ошириш борасидаги эмпирик тадқиқотларни олиб боришдаги амалий ишларда таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш масалаларида диссертациядаги ғоялар муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

XVII-XVIII асрлар Марказий Осиёда яшаб ижод этган педагог алломалар Сўфи Оллоёр, Хожамназар Хувайдо, Бобораҳим Машраб асарларидаги ахлоқий-таълимий, ибрат ва одоб контекстидаги фикрлардан Жиззах вилоят “Истиқбол” минтақавий тадқиқот марказининг “Аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда жамоатчилик таъсирини оширишнинг инновацион йўлларини жорий этиш” мавзусида 2020 йилда бажарилган 68-11/78-рақамли грант лойиҳасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Жиззах вилоят “Истиқбол” минтақавий тадқиқот

марказининг 2022 йил 10 июндаги № 11 сонли далолатномаси). Натижада, Бобораҳим Машраб тасаввуфий қарашларининг миллий маънавиятимиз тарғиботи чора-тадбирларида, таълим тизимида талабаларнинг маънавий маданияти ва ижтимоий масъулиятини ошириш борасидаги амалий ишларда таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш масалаларида муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ўзгаришлар, таълим ислохотлари орқали учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш, уни мазмун – моҳиятини жамиятимиз аъзоларига сингдиришга оид илмий – амалий таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021- 2022 йилларда ўтказилган тарғибот фаолиятида тадбиқ этилган. “Беш муҳим ташаббус” доирасида амалга оширилган чора – тадбирлар “Аждодларга муносиб ворис бўлайлик” мавзусида ўтказилган маънавият соатларини ташкил этишда диссертация материалларидан фойдаланилган. (Асос: Республика Маънавият ва маърифат маркази Жиззах вилояти бўлимининг 2022 йил 24 майдаги маълумотномаси) Натижада, диссертацияда Бобораҳим Машраб педагогик қарашларида илгари сурилган таклифлар, тавсиялар ёшларда юксак маънавий фазилатлар, катталарга ҳурмат, ёшларга ғамхўрлик, эзгулик ва инсонийлик, меҳрибонлик ва бағрикенглик, Ватан ва халққа садоқат туйғуларини шакллантиришга хизмат қилди.

Диссертация илмий натижалари бўйича мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, ёшларнинг ҳаётдаги ўрни ва ролини янада оширишга доир истиқболларини ўрганиш масаласига эътиборни кучайтириш механизмларини ишлаб чиқишда фойдаланилди. (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2022 йил 06 июлдаги далолатномаси.) Ёшлар ишлари агентлиги жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ишларини самарали ташкил этишда, тизимли ишларни амалга ошириш мақсадида махсус йил дастури лойиҳасини ишлаб чиқишда Бобораҳим Машраб педагогик қарашлари тадқиқотидан мунозара маданиятини такомиллаштириш мақсадида ўқув - семинар, тарғибот тадбирларида материал

(қўлланма) сифатида фойдаланилмоқда. Натижада, ёшларда ижтимоий – сиёсий жараёнларни англаш, ёшларга оид давлат сиёсатининг моҳияти, таъсирчанлиги, амалий аҳамиятини олиб боришда қўлланилди.

Мумтоз адабиётимизнинг йирик вакили бўлган, оташин шеърляти билан нафақат Марказий Осиё, балки Шарқ мамлакатларида машҳур бўлган Бобораҳим Машраб ижодини ёш ижодкорларга яқинлаштириш мақсадида Мўмин Ҳошимхоновнинг “Ижтимоий-педагогик фикрлар негизида талабаларнинг маънавий-ахлоқий камолотини таъминлаш тизимини такомиллаштириш” (Бобораҳим Машраб асарлари мисолида) номли диссертациясида асосланган илмий янгиликлардан ижодий ҳамкорлик ишларида фойдаланилди. (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси 2023 йил 3 мартдаги №01-03/347 сонли далолатномаси). Натижада, докторлик диссертациясида ишлаб чиқилган, асосланган илмий хулосалардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги “Онажоним шеърлят” тўғарагида фойдаланилди. Бобораҳим Машраб ижодининг ўзига хос педагогик хусусиятлари, уларнинг фалсафий, ижтимоий ва ахлоқий қарашларини янгича назарий-услубий ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда таҳлил этишда М.Ҳошимхоновнинг илмий иши қўлланилди.

Исломшунослик муаммоларини бирламчи манбалар ва аждодларимиз диний – маърифий меросини тизимли таҳлил қилиш асосида ёш авлодни, соғлом эътиқодни шакллантириш каби мавзулардаги амалий тадқиқотлар лойиҳасида фойдаланилган. (Ўзбекистон мусулмонлари идораси 2023 йил 13 март №744 сонли далолатномаси). Диссертацияда олинган қуйидаги илмий хулоса натижалари амалий грант йўналиши учун хизмат қилган. Илмий лойиҳани бажаришда Бобораҳим Машраб ҳақидаги тасаввуфий тушунчалар, Қуръони карим, ҳадиси шарифларга оид мақолаларни ёзишда ҳамда маънавий – маърифий тафаккурида тутган ўрнига доир маълумотлар Ўрта Осиёлик алломалар ижодида қўлланилган атамалар қомусига киритилган. Қомус материаллари мовароуннаҳрлик олимлар илмий асарларида келтирилган атамалар билан бойитилган. Натижада, Ўзбекистон мусулмонлари диний

идораси тасарруфидаги Тошкент ислом институти ва бошқа олий таълим муассасаларида 2021/2022 ўқув йили давомида Машраб ижодига бағишланган илмий мақола ва рисоалардан талабаларга зарур билим, малака ва кўникмалар, педагогика тарихи бўйича мутахассислик хусусиятларини шакллантириш ҳамда диний – маънавий таълим мазмунини такомиллаштириш учун фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий – амалий конференцияларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 34 та илмий иш чоп этилган, шундан 2 та монография, 1 та ўқув кўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 14 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилаган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган. Диссертациянинг ҳажми 291 бетни ташкил этади.

**I-Боб. Талабалар маънавий – ахлоқий камолоти тизимини
такомиллаштиришнинг илмий – назарий асослари**

I.1. Талабалар маънавий- ахлоқий камолотини такомиллаштириш– педагогик муаммо сифатида

Антик даврда Юнонистонда ёнган илм машъаласи тўққизинчи – ўн иккинчи асрларда Марказий Осиё ҳудудида қайта порлади. Бу даврда юртимиз ҳудудида биринчи Ренессанс вужудга келди ва у бутун дунё тан оладиган машҳур даҳоларни етиштириб берди. Хусусан, Муҳаммад Хоразмий , Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий сингари ўнлаб буюк алломаларнинг жаҳоншумул илмий – ижодий кашфиётлари умумбашарият тараққиёти ривожига бекиёс таъсир кўрсатди.

Амир Темур асос солган ва унинг муносиб авлодлари давом эттирган муҳташам салтанат юртимизда иккинчи Уйғониш, яъни иккинчи Ренессанс даврини бошлаб берди. Бу даврда Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Коший, Али Қушчи сингари беназир олимлар, Лутфий, Саккокий, Ҳофиз Хоразмий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Бобораҳим Машраб каби мумтоз шоир ва мутафаккирлар майдонга чиқди. Донишманд халқимиз ҳар икки Ренессанс даврида жаҳоннинг энг илғор тараққий этган халқлари қаторида бўлгани барчамизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 1 октябрь “ Ўқитувчи ва мураббийлар куни”га бағишланган тантанали маросимдаги нутқида: Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик. Бу ҳақда гапирар эканмиз, учинчи Ренессанснинг мазмун – моҳиятини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чуқур англаб олиши керак. Халқимизнинг бой илмий – маданий мероси ,тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, бебаҳо меъморий обидалар, нодир кўлёмалар, турли осори атиқалар давлатчилик тарихимизнинг теран илдизларидан далолат беради.

Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий – маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, куч –қувват ва илҳом бағишлаши лозим. Авваламбор,

миллий таълим тизимини ана шундай руҳ билан суғоришимиз керак⁵, - деб таъкидлаган эди. Президентимизнинг юқоридаги кўрсатмасидан келиб чиққан ҳолда, халқ таълими ва олий таълим тизимида ўзбек шоири ва мутафаккири Бобораҳим Машрабнинг педагогик қарашлари таҳлил қилинган тадқиқотда куйидаги фикрларни ўқувчи ва талаба ёшлар ўрганиши зарурий ҳол деб биламиз.

Бобораҳим Машраб Ўрта Осиё, Афғонистон ва Шарқий Туркистонда машҳур буюк мутасаввиф шоир, ислом ва унинг йўл-йўриқлари, бутун мусулмон Шарқида яратилган тасаввуф адабиётининг йирик намояндаси ва билимдони. Бутун ҳаётини саргардонликда, дунёни кезиб оддий халқ орасида шуҳрат қозонган, халқ билан ҳамнафас бўлиб яшаган, халқ учун қайғурган жаҳонгашта, қаландар шоирдир. У Шох Машраб, Девона Машраб, Телба Машраб номларини бежиз олмаган.

Машраб таржимаи ҳоли чалкаш ва ноаниқ, турли афсоналар билан суғорилган. Шоир ҳақида XVII аср тарихий манбаларида ҳеч қандай маълумот берилмаган⁶.

Шуни эътироф этишимиз керакки, Совет даврида Машраб ижодига адабиётда синфийлик ва социалистик реализм асосида бутунлай нотўғри ёндошилди. Унинг ижодига Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёрлар қатори қараб, уни гоҳ сўфий шоир, асарлари диний-тасаввуфий асосида ёзилган, ўрганишга арзимайди, халқ онгини захарлайди, деган фикрлар асосида шоир ижодини ўрганишдан чўчиб, унга ҳаққоний, илмий ёндошилмади. Гоҳо эса Машраб даҳрий шоир, ўз асарларида дин ақидаларига қарши курашган деб, шоирнинг тасаввуф руҳида ёзилган шеърлари бутунлай нотўғри талқин қилинди.

Машраб ижодини тўғри ўрганиш, ҳаққоний, холисона, илмийлик асосда тадқиқ ва таҳлил қилиш ўзбек адабиёти ва педагогикасида уни буюк шоир сифатида ўрганиш пайти энди келди.

⁵ Шавкат Мирзиёев. Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир. Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. “Халқ сўзи”. 2020 йил 1 октябрь.

⁶ Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Сўзбоши. Бобораҳим Машраб.Т., Мабдаи нур. “Фан”, 1994.-Б.3

Машраб ёшлигидан ёши улуғ кишиларни шошириб қўювчи зукколиги, ўткир ақли ва истеъдоди билан тенгдошларидан кескин ажралиб турган. Маънавий покликни ўзига шиор қилиб олган Машраб ноинсоний истаклардан тўла воз кечган, оила ва мол-дунё қилмаган, шаҳар ва қишлоқларни кезиб, дарбадарликда ҳаёт кечирган. Машраб қаерга бормасин, меҳнаткаш халқ манфаатини ўз манфаати сифатида қабул қилган. Ноҳақликка мурасасиз бўлганлиги зулмпеша амир-амалдорларни, порахўр қозиларни ва бидъатчи зоҳидларни доимо танқид қилганлиги, ҳақоратлаганлиги оқибатида шоир дорга осилиб қатл этилган⁷.

Абдурауф Фитрат Машраб яшаган ижтимоий шароит, сиёсий вазият, Мовароуннаҳрдаги иқтисодий тушқунлик, маданият, санъат ва адабиёт ҳақида шундай маълумот берган: Ўлкада иқтисодий, сиёсий тузум давом қилди. Ҳарбийлар қабила бошлиқларининг ғалабаларини, эҳтиёжларини таъмин қилу (в) мумкин бўлмай қолди. Шунинг билан хонларнинг нуфузи камайди. Турли исёнлар майдонга чиқди, вилоятлар айрилди, хонлар ўлдирилиб, сарой ўзгаришлари ясалди. Хонлик шайбонийлар сулоласидан аштархонийлар сулоласига ўтди (1597). Аштархонийлар замонида ўлканинг тинчсизлиги, тартибсизлиги, иқтисодий тушқунлиги кучайди, сарой қашшоқланди. Мамлакатнинг, адабиётнинг, умуман, нафис санъатнинг тараққийсиға, ўсувиға майдон қолмади. Бир кўб шоирлар, санъаткорлар, олимлар Ҳиндустондак Бобур Мирзо томонидан қурилган мўғул ҳукуматининг пойтахтиға ҳижрат қила бошладилар. Ўрта Осиёда қолғон шоирлар эса, саройда ҳимоя кўра олмағач, омма орасидан ўқувчилар таъмин этувға киришдилар. Шунинг учун саройнинг мухташам такаллуфли, безакли услубини ташлаб, омма услубиға яқинлашувға тиришдилар. Бу давр ўзбек адабиётининг санъатга тубан тушган даври бўлуб, 19-асрнинг бошлариғача давом қилди⁸.

Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий аҳволида юз бераётган ўзгаришлар ҳам Машрабнинг ахлоқий фикрларига таъсир қилди. Мутафаккир асарлари эркин

⁷ Мусурманов Эркин Раббимович. Раҳимбобо Машраб ва унинг бадиий адабиётдаги талқини. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Самарқанд, 1995. –Б. 3.

⁸ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. II-жилд.Т., “Маънавият”, 2000.- Б.58.

фикрларга бой инсонпарварлик ғояларни ўзида мужассамлаштирган ва у, шубҳасиз, Ўрта Осиё ижтимоий-фалсафий ҳамда ахлоқий ҳамда педагогик тафаккур тарихида муҳим рол ўйнади.

Ҳадисларда билимни такрорлаб бориш, билимни фақат уни олишга иштиёқманд кишиларгагина бериш жоизлиги қайд қилинган. Шунингдек, ҳадисларда билим кишининг фаҳм-фаросатини ўткир, зехнини зукко, хотирасини кучли қилиши таъкидланади ва “илму ҳунарни Чин (Хитой)да бўлса ҳам бориб ўрганинглари”,-деб даъват этилган. Шунга кўра, “Олим бўл ёки билим ўрганувчи бўл, ёки тингловчи бўл, ё бўлмаса билимга ва илм аҳлига муҳаббатли бўл. Бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан”⁹, -дейилган.

Марказий Осиёдаги фалсафий, педагогик ва ахлоқий фикрларнинг дастлабки куртаклари қадимги эртақлар, афсоналар, ривоятларда ва халқ мақолларида ўз ифодасини топган. Ёзув пайдо бўлишига қадар халқ руҳини ифодаловчи мазкур асарлар қадимги кишилар маънавий фаоллигининг бирдан-бир манбаи бўлган.

“Ўзбек педагогикаси тарихи” муаллифи, проф. А.Зуннуновнинг қайд этишича, Бобораҳим Машраб яшаган XVII-XVIII асрларда Мовароуннаҳрда сиёсий аҳвол ёмонлашиб, мамлакат ҳудудида сиёсий бошбошдоқликлар, урушлар кучайиб, халқ аҳволи ночор ҳолатда эди:

XV асрнинг иккинчи ярми ва, айниқса, аср охирида Мовароуннаҳрда темурий беклар ўртасида ҳокимият учун кураш ва ўзаро урушлар кучайди, бу эса шимолдан ўзбек хонлари, хусусан, Шайбонийхоннинг босқинчилик юришларининг авж олиб кетишига имкон яратди. Мовароуннаҳр ва Хуросондаги мустаҳкам давлат инқирозга юз тутди. XV аср охирида Шайбонийхон Ўтрор қалъасини босиб олади ва Туркистонни, сўнгра Бухоро ва Самарқандни, Фарғона водийсини, 1506 йилда эса Ҳиротни босиб олади. Шайбонийхон Эрон шоҳи Исмоил I билан урушда ҳалок бўлади.

XVI асрнинг охирида аштархонийлар ҳукмронлик қилади. Бу даврда Ўрта Осиёда ўзаро низолар янада авж олади. XVII асрда Имомқулихон,

⁹ Закои Кўнрапа. Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар.Т., “Камалак”, 2019.-Б.61.

Субхонкулихонлар тахт учун курашни давом эттириб, мамлакатни бирлаштиришга интиладилар, лекин ўзаро келишмовчиликлар, урушлар, халқни талон-тарож қилиш янада кучаяди¹⁰.

“Педагогика тарихи” дарслигининг бир гуруҳ муаллиф олимлари К.Ҳошимов, С.Нишонова, М.Иномова, Р.Ҳасановларнинг таъкидлашларича, ўша давр фан ва маданияти соҳасида турғунлик кузатилган:

XV асрнинг охири ва XVI аср бошларида Мовароуннаҳрда бир юз эллик йил ҳукмронлик қилган темурийлар сулоласи инкирозга учради. Унинг ўрнига шайбонийлар ҳукмронлиги ўрнатилди. Шайбонийхон (1451-1510) Мовароуннаҳрда кучли марказлашган давлат барпо қилишга уринган бўлса ҳам, унинг ўлимидан сўнг ўзаро урушлар авж олиб кетди ва бу ҳудудда учта хонлик, аввало, Бухоро ва Хоразм, XVIII аср охирига келиб, Қўқон хонлиги қарор топди. Аммо, хонликлар ўртасидаги бетўхтов ўзаро урушлар мамлакатни маълум даражада хароб эта бошлади, фан ва маданият соҳасида турғунлик юз берди.

Мамлакат иқтисодий аҳволини мустаҳкамлаш мақсадида, 1502 йилда Зарафшон дарёсига сувайиргич қурилди. 1507-1508, 1529-1530, 1583, 1598 йилларда пул ислоҳоти ўтказилди¹¹.

Шу тариқа давом этиб келган низолардан кейин салтанат аштархонийлар сулоласига ўтади. Афсуски, бу салтанат ва унинг сиёсати ниҳоятда заиф, ахлоқсиз ва нотурғун бўлганлиги туфайли ҳукмдорлар ўртасида ўзаро ихтилофлар кучайиб кетади. Фақат Имомқулихон (1611-1642) ҳокимият тепасига келиши билан сиёсий кескин вазиятни бирмунча барқарорлаштиришга эришади. Аммо хонликларнинг бўлиниб бориши учун барча ижтимоий вазият етилиб келаётган эди¹².

Ҳожамназар Ҳувайдо яшаган ва ижод қилган давр Марказий Осиёда ижтимоий-сиёсий беқарорлик авж олган, аштархонийлар сулоласининг сўнгги

¹⁰ Тузувчи-муаллиф: профессор А.Зуннунов. Ўзбек педагогикаси тарихи. –Т.: “Ўқитувчи”, 1997. –Б.132.

¹¹ К.Ҳошимов, С.Нишонова, М.Иномова, Р.Ҳасанов. Педагогика тарихи. –Т.: “Ўқитувчи”, 1996. –Б. 221-221.

¹² Тўлқин Алимардонов. Сиёсат ва ахлоқ. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2005. –Б.45.

вакили Абулфайзхон (1711-1747) ҳукумати инқирозга юз ўгирган, чекка вилоятларда сиёсий бошбошдоқлик ва солиқлар зулмидан норозилик кучайган, хусусан, Чодак (Чуст шаҳридан 30 км. шарқдаги қишлоқ) саййидлари Бухоро амирлигидан мустақил бўлган Фарғона хонлигини ташкил этишга киришган, минглар уруғининг энг обрўли зодагонларидан бири бўлган Шоҳруҳбий уларнинг ёрдами билан Хўқанд хонлигини ташкил этган (1709 й.) йилларга тўғри келади¹³.

Бухоро хонлигидаги ички курашлар, марказий ҳокимиятнинг заифлашуви сабабли у XVIII аср бошларида иккига бўлиниб кетди. Аштархонийлар ҳукмронлигининг заифлашуви оқибатида Фарғона водийсига унинг шимолида ташкил топган Жунғорлар давлати тез-тез бостириб кирадиган, талон-тарож қиладиган бўлиб қолди. Бундай вазият Фарғонадаги ички кучларнинг бирлашувига, мустақил давлат тузишга интилишини кучайтирди¹⁴.

Қўқон хонлари Фарғона водийсини, Хўжанд, Ўратепани бирлаштиргач, Қўқон хонлигининг мустақиллиги XVIII аср ўрталарида Бухоро давлати томонидан тан олинди¹⁵.

Хўқанд хонлигининг пойтахти дастлаб Тепақўрғон қишлоғи бўлиб, хонлик таркибига Қўқон, Наманган, Марғилон, Конибодом, Исфара шаҳарлари ва уларнинг атрофларидаги қишлоқлар кирган. Хонлик ҳудудининг кенгайиши ва мустақамланиши Шоҳруҳбий (1709-1721) вафотидан сўнг тахтга ўтирган унинг ўғли Абдурахимбий (1721-1733) даврида рўй беради. Ана шу йилларда хонлик таркибига Андижон, Хўжанд, Самарқанд шаҳарлари ва уларнинг атрофларидаги қишлоқлар киритилди¹⁶.

Мовароуннаҳрда сўнгги асрлардаги тахт учун курашлар, парокандалик аста-секин ягона давлат таркибидан турли шаҳарларнинг ажраб кетиши,

¹³ Рузматзода Қодиркул Рузмат ўғли. Хожамназар Хувайдо диний-мистик қарашларининг XVII-XVIII асрлар Марказий Осиё тасаввуфи ривожигаги ўрни. Фалсафа фанлари доктори (DSc) диссертацияси, 2020. –Б. 107.

¹⁴ Қ.Усмонов, М. Содиков, Н.Обломуродов. Ўзбекистон тарихи. I қисм. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. –Б.200.

¹⁵ Ўша асар. –Б.201.

¹⁶ Рузматзода Қодиркул Рузмат ўғли. Хожамназар Хувайдо диний-мистик қарашларининг XVII-XVIII асрлар Марказий Осиё тасаввуфи ривожигаги ўрни. Фалсафа фанлари доктори (DSc) диссертацияси, 2020. –Б. 107.

мустақил Хива ва Қўқон хонликларининг ташкил топиши, улар ўртасидаги уруш-зиддиятнинг авж олиши ижтимоий-иқтисодий соҳаларда кўнгилсиз оқибатларга олиб келиш билан бирга, маданий-маънавий ҳаётга ҳам салбий таъсир кўрсатди, унинг ривожига ғов бўлди, орқага кетувига олиб келди.

Хонликнинг Қўқон, Марғилон, Наманган, Ўш, Хўжанд сингари шаҳарларида ҳунармандчиликнинг мисгарлик, заргарлик, ўймакорлик, кулолчилик, қоғоз ишлаб чиқариш, пичоқчилик, тўқимачилик, темирчилик сингари соҳалари ривожланган эди¹⁷.

Қўқон хонлигининг ижтимоий ва маънавий ҳаётида, шубҳасиз, саййидлар, эшонлар, дин пешволари етакчи ва муҳим роль ўйнаган. Ислом дини асосларини чуқур эгаллаш ва тарғиб этиш эмас, балки илмни тирикчилик воситасига айлантириш, мурид овлаш, сохта авлиёлик аста-секин ислом дини асосларига жиддий путур етказа бошлайди. Авом халқни ҳидоят йўлига бошлаш, унинг диний билим ва саводхонлигини ошириш эмас, балки турли фирибгарлик йўли билан молу дунё орттиришга интилиш уламолар, шайхлар ўртасида кенг урф бўла бошлайди¹⁸.

Шу давр маданий-маънавий ҳаёти ҳақида файласуф, академик М.М.Хайруллаев қуйидаги фикрларни таъкид этган эди: XVIII асрнинг иккинчи ярми Туркистон тарихида иқтисодий-сиёсий жиҳатдан ўзаро низолар, урушлар, бошбошдоқлик, парокандалик аҳолининг ниҳоятда қашшоқлашган, маданий-маънавий жиҳатдан тушкунликка учраган даври эди. Ўзаро ички низоларнинг кучайиб кетганлигидан фойдаланган Эрон шоҳи Нодиршоҳ 1740 йиллар Бухорони ва Хивани босиб олиб ўзига қарам қилди. Бухоро тахтига ўз одами Муҳаммад Ҳаким оталиқни ўтказиб қайтди. Лекин Нодиршоҳ вафотидан сўнг (1747) Ҳакимхоннинг ўғли Муҳаммад Раҳим аштархонийлар сулоласини умуман четлатиб, 1753 йили ўзини амир деб эълон қилди. Шундай қилиб, Бухорода манғит қабиласидан чиққан сулола ҳукмронлиги бошланди¹⁹.

¹⁷ Ўша манба. –Б.108.

¹⁸ Ўша манба. –Б.109.

¹⁹ Масъул муҳаррир: М.М.Хайруллаев. Маънавият юлдузлари. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1999. –Б.27.

Шунингдек, файласуф Абулғози Баҳодирхон мероси ҳақида ҳам зарурий манбаларни кенлтирган: 1598 йили Субҳонқулихон яна Хоразмни Бухоро хонлигига қарам қилади. Узоқ вақт ўтмай Хива яна мустақил хонликка айланди. XVII асрда Хива хонлиги маданияти тарихида энг йирик арбоб сифатида иш кўрган хон Абулғозихонни кўрсатиб ўтиш мумкин. У фақат йирик давлат арбобигина бўлиб қолмай, машҳур тарихчи ва табиб ҳам эди. Абулғозихон Бухоро, Тошкент, Эрон шаҳарларида қувғинда, бир неча бор қамоқда бўлган, ниҳоят 1643 йили Орол ўзбеклари уни хон қилиб кўтардилар ва 1645 йили Хива тахтига чиқади. У деярли йигирма йиллик (1645-1663) хонлик даврида марказлашган давлат тузишга, мамлакат ривожини таъминлашга интилди, маданиятга эътибор берди. 1663 йили тахтни ўғли Анушахонга топширди. Абулғозихон фан тарихида машҳур олим, Хоразм тарихнавислигининг асосчиси сифатида ном қолдирди. Унинг қаламига мансуб “Шажарайи тарокима” (“Туркманлар тарихи”) ва “Шажарайи турк” (“Турклар шажараси”) каби асарлар Марказий Осиё тарихига оид муҳим манба ҳисобланади. Бу асарлар немис, француз, рус тилларига таржима этилган ва шарқшунос олимлар орасида маълумдир. XVIII асрнинг охирига келиб Фарғона бутунлай Бухородан мустақил бўлиб ажраб чиқди ва Қўқон хонлиги вужудга келди. Бу хонликнинг асосчиси минг қабиласидан чиққан Шохрухбий бўлиб, у XVIII аср бошларида Фарғонада мустақил давлат барпо этади. Бу давлат аста-секин атрофдаги қишлоқ ва шаҳарларни босиб олиш ҳисобига кенгая боради²⁰.

Бухоро хони Абдуллахон даврида бошқа давлатлар билан ҳар томонлама алоқалар ўрнатилишига эришилди. Жумладан, Ҳиндистонда шоҳ Акбар, Шарқий Оврупода Иван Грозний билан халқаро муносабатлар ўрнатилди.

К.Ҳошимов ва З.Нишоновалар “Педагогика тарихи” дарслигида XVII-XVIII асрлар Мовароуннаҳр адабий муҳити, илм-фан равнақи хусусида фикр юритиб, қуйидагича маълумот берганлар:

²⁰ Ўша асар. –Б.27-28.

Марказий ҳокимиятнинг мустақамланиши кўплаб ижтимоий бинолар қуриш имкониятини берди, Абдуллахон 1001 работ ва сардоба, кўплаб мадраса, масжид, хонақо, кўприк, сув омбори ва бошқа иншоотларни қурдирди.

У атрофига ёзувчи, шоир ва олимларни тўплаб, уларга ҳомийлик қилди. Шоирлар орасида айниқса, Мушфиқий ўз мадҳиялари, лирик шеър ва хажвлари билан шуҳрат топди. Буюк муаррих Ҳофиз Таниш Бухорода «Абдуллонома» номли катта тарихий китоб ёзди.

Бу даврда тиббиёт соҳасида Султонали Самарқандий «Дастур ал-илож», Муҳаммад Юсуф «Таҳқиқ ал-хумайёт», «Зубдат ул-кахҳолин» асарларини; шоир ва адиблардан Бобур, Муҳаммад Солих, Мажлисий, Ҳасан Нисорий, Биноий, Восифий, Убайдий, Ғойибий Самарқандий баракали ижод қилдилар²¹.

XVII асрдаёқ давлатга тегишли ҳамма ёзиш-чизиш ишларини ўз қўлларига тўплаб олган анча-мунча тўралар пайдо бўлди.: булар ҳар хил маҳкама ходимлари, котиблар, мирзалар, девонбеги қўл остида солиқ рўйхатлари, молия ҳисоботлари тузувчи, хон саройидаги мол-мулкларга қараб турувчи молия ходимлари ва бошқалар эди. Хоннинг ўзига котиблик қилувчи муншини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим, у одатда ўқимишли киши бўлиб, баъзи пайтларда хонга атаб мадҳия, шеър тўқиш, ҳатто, шоҳлик даврининг хроникасини ёзиб чиқиш вазифасини ҳам бажарарди. Хонларнинг ўзлари ёзиш-чизишларни диққат билан кузатиб боришарди. Хон кутубхонасини сақлаб юритиш учун махсус кутубхоначи тайинланарди. Бу ҳақда файласуф олим, Ўзбекистон тарихининг тадқиқотчиси, академик Иброҳим Мўминов қуйидаги фикрларни қайд этган: Саройда мунажжимлар ҳам бўларди, улар янги туғилган шаҳзодаларнинг пешонасига ёзилганни билиш учун юлдуз кўришар, ҳарбий юришлар, янги бино қуриш ва “бахтли соатлар” ҳақида фолбинлик қилишарди. Ниҳоят, хон иморатлари устидан доим назорат қилиб турадиган махсус одам (муҳандис) бўларди. Диний маросимларнинг бажо келтирилиши, ўлчов тарози ва бозор нарх-навоси устидан назорат қилиб туриш вазифаси раисга

²¹ К. Hoshimov, S. Nishonova. Pedagogika tarixi. -T.: Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2005. –B. 173.

(мухтасибга) юкланган бўларди. Бу вазифаларнинг ҳаммасига кўпроқ саидлик унвонига эга бўлганлар, яъни ҳақиқатан, кўпинча номига Муҳаммад пайғамбар авлодидан бўлганлар кўйиларди²².

Кўпгина шоирлар хунармандлар оиласидан чиққан эди. Хуснихат устаси Муҳаммад Обид ибн Муҳаммад Зоҳид Самарқандий, дўкондор Мўъин Бухорий (бир неча йил Самарқандда яшаган ва ижод этган), атоқли шоир, «Ғолиб ва Матлуб» достонининг муаллифи, зардўз Фитрағи Зардўзий Самарқандий, савдогар Мусиҳо Самарқандий, кийим тикувчи (мадраса талабаси) Сарафроз Муҳаммад Самарқандий, иморатларнинг ичини пардозловчи уста Мулҳами Самарқандий бўёқчилар-Забехои Яҳудин Самарқандий, Раҳмини Яҳудин Самарқандий, муқовачи-хаттотлар-Абдулло Самарқандий, Дўстмуҳаммад Садри Самарқандий, мулло Муҳаммад шайх Ғариб Самарқандий, Муҳаммад Хусайн ибн Мирзо Муҳаммад ибн Шайх Валад Самарқандий, Хўжа Али ибн Мироқайн Самарқандий, Хўжа Миршоҳ Самарқандий ва бошқалар шулар жумласидандир²³.

“Риёзу шуаро” асарининг муаллифи Содик Самарқандий, 1855 йилда «Маҳбуб ал-қулуб» асарини кўчириб ёзган Неъматулло ибн Ёқуб Самарқандий, «Қушлар мунозараси» достонининг муаллифи Фақирий Зулфиқор Самарқандий ҳам ўша даврнинг таниқли шоирлари эдилар.

Ана шу даврдаги илғор маданият арбоблари орасида қаршилик Сайидо Насафий (1637-1720), Турдий (тахаллуси Фороғий 1700 йилда Жиззахда вафот этган) ва бошқаларнинг номларини айтиб ўтиш жоиз. Улар ўз асарларида меҳнаткаш халқ манфаатларини, уларнинг мавжуд тузумга нисбатан нафратини акс эттирдилар. Сайидо Насафийнинг шеърларида дарвишлар, шайхлар, мутаассибларга қарши қаратилган кўпгина ~~асарлар~~ ^{асар} бор²⁴.

Тарихда ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан гуркираган Ўрта Осиёда XVII асрдан бошлаб иқтисодий, ҳарбий соҳаларда Европа

²² Масъул муҳаррир: И.М.Мўминов. Самарқанд тарихи. Икки томлик. Биринчи том.-Т.: Ўзбекистон СССР “Фан” нашриёти, 1971. –Б. 256.

²³ Ўша асар. –Б. 294.

²⁴ Ўша асар. –Б. 294.

мамлакатларига нисбатан ижтимоий пасивлик кузатилади. Туркистоннинг ижтимоий-тарихий ва сиёсий ҳаётида бир-бирига қарама-қарши жараёнлар давом этади. Бир томондан, марказлашган ягона давлатни барпо этиш ҳаракати, иккинчи томондан эса, майда давлатлар мустақиллигини тиклаш ва уни сақлаб қолишга бўлган сепаратистик кайфиятлар авж олди²⁵.

XVI-XVIII асрлардаги тарихий асарларни ўрганишнинг аҳволи тўғрисида гапирганда, шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида Ўрта Осиё ва у билан қўшни бўлган хорижий Шарқ мамлакатларининг тарихига оид материалларга бой қўлёзма асарлар кўп. Улар ичида, айниқса, академик Бўрибой Аҳмедов таъкидлаганидек: Абдуллоҳ ибн Насруллоҳийнинг «Зубдат ул-асар» китоби, номаълум муаллифнинг «Таворихи гузида, нусратнома» асари, Камолиддин Биноийнинг «Шайбонийнома», Мирза Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий», Фазлуллоҳ ибн Рўзбехоннинг «Меҳмонномаи Бухоро», Масъуд ибн Усмон Кўҳистонийнинг «Тарихи Абулхайрхоний», Ҳофизи Таниш Бухорийнинг «Шарафномаи шоҳий» (кўпроқ «Абдуллонома» номи билан машҳур), Муҳаммадёр ибн Араб Қатағоннинг «Мусаххир ал-билод», Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ул-асрор», Абулғозихоннинг «Шажарайи турк», Хўжақулибек Балхийнинг «Тарихи Қипчоқхоний», Муҳаммад Вафо Карманагийнинг «Тухфат ул-хоний», Муҳаммад Яъқубнинг «Гулшан ул-мулук», мулла Шариф ва мулла Ибодуллоҳнинг «Тарихи амир Ҳайдар», хожа Самандар Термизийнинг «Дастур ул-мулук», Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Муҳит ут-таворих» асарлари диққатга сазовордир²⁶. Ўзбек халқининг шаклланиши ва этник тарихини ўрганишда ҳажм жиҳатдан кичик бўлса-да, ўзида бой фактик материалларни мужассамлаштирган «Насабномаи ўзбек», «Асомийи наваду ду фирқайи ўзбек» ва «Зикр таъдод подишоҳони ўзбек» каби асарларнинг аҳамияти ҳам ғоят каттадир.

²⁵ Тузувчи ва илмий муҳаррир: фал.ф.д. Қиёмиддин Назаров. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. –Т.: “Файласуфлар миллий жамияти нашриёти”, 2004. –Б. 401.

²⁶ Б.Аҳмедов. Тарихдан сабоқлар.-Т.: “Ўқитувчи”, 1994. –Б.366.

Ўрта Осиёнинг ўша даврдаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини ўрганиш ва тадқиқ этишда турли эсдаликлар, тазкиралар, яъни шоирларнинг таржимаи ҳоллари, нақшбандия, яссавия, кубровия ва бошқа дарвешлик тариқатлари кўзга кўринган арбобларининг маноқиблари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Кўриб ўтилган маълумотлар бугунги педагогика тарихини бойитишда муҳим ўрин тутди. Айниқса, талаба-ёшларни маънавий-ахлоқий дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилади.

Чунончи, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома», Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ-ул-вақоеъ», хожа Ҳасан Нисорийнинг «Музаққир ул-аҳбоб», Мутрибийнинг «Тазкират уш-шуаро», Муҳаммад Бадиъ Самарқандийнинг «Музаққир ал-асҳоб», хожи Абулбақонинг «Жомеъ ул-мақомат», Абулаббос Муҳаммад Толибнинг «Матлаб ут-Толибин», Бадруддин Кашмирийнинг «Равзат ар-ризвон ва ҳадикат ул-ғилмон» каби асарлари шулар жумласидандир²⁷.

Даҳшатли зодагон тазйиқи ва беомон истибдодга қарши халқ оммасининг норозилик ҳаракатлари кескин тус олиб, XVII асрнинг тўртинчи чорагига келганда бу норозилик ҳаракатлари мавжуд истибдодга қарши кўзғолонларга айланди. Маймана (1684), Термиз (1684) ва Миёнқолда (1681 й.) кўтарилган кўзғолонлар аштархонийлар салтанатини ларзага келтирди. Лекин бутун ўрта асрлар давомида бўлганидек, XVII асрдаги халқ кўзғолонлари ҳам оқибатда мағлубиятга учраб, ҳукмронлар томонидан шафқатсизлик билан бостирилди. Чунки: «Дехқонларнинг кўзғолонлари,-деб ёзган эди Ф. Энгельс,-умуман, ўша замоннинг ҳар бир ижтимоий синфи каби дехқонлар ҳам ўз ҳаракатларини таваккал билан ўз кучларига суяниб бошладилар ва шу сабабли фақат консерватив табақалар билангина эмас, балки бошқа оппозицион табақалар билан ҳам тўқнашиб қолдилар, охирида мағлубиятга учрашлари зарурий эди»²⁸. Демак, бу даврлардаги дехқон кўзғолонлари ҳам шаҳар меҳнаткаш табақалари билан ҳамжиҳатликда олиб борилмаганлиги ва бошқа қатор маълум

²⁷ Ўша асар. –Б.366.

²⁸ Ф.Энгельс. “Германияда дехқонлар уруши”. Асарлар. 1933 йил. IV босмаси. –Б. 106.

тарихий сабабларга кўра мағлубиятга учраган эди. Ўлка ҳаётидаги бундай буронли ҳодисалар жамиятда синфий кураш ва зиддиятларнинг янада кескинлаштирди. Албатта, ижтимоий ҳаётда юз берган бундай тарихий факторлар, ўз ўрнида, маданий-адабий ҳаракатчиликда ҳам ўзининг ифодасини топди. Яъни ҳамма даврларда бўлганидек, бу даврларда ҳам жамиятдаги икки карама-қарши ижтимоий гуруҳларнинг сиёсий манфаатлари, қарашлари, мафкура ва интилишларини бевосита ва билвосита акс эттирувчи адабий ҳаракатчилик мавжуд эди²⁹.

XVII ва XVIII асрларда ҳам илғор ва халқларварлик йўналишидаги адабий ҳаракатчилик мавжуд бўлиб, бу демократик тенденциядаги адабиёт узоқ асрлар давомида яратилиб, ривож топиб келган тараққийпарварлик руҳидаги адабиётнинг узвий давоми сифатида майдонга чиқди. Бу илғор адабий ҳаракатчиликнинг Турди, Бобораҳим Машраб, Мавлоно Вафо Хоразмий, Нодир Хоразмий, Ҳабиб Хоразмий Нишотий каби кўзга кўринган вакиллари шаҳардаги ҳунарманд косиб табақалар, меҳнаткаш дехқонлар ва мазлум халқнинг бошқа тоифаларининг манфаатларини, кайфият ва интилишларини ўз асарлари орқали ифодаладилар.

Бу ўринда шундай бир характерли тарихий манзарани қайд қилиб ўтиш зарурки, бутун ўрта асрлар давомида бўлганидек, XVII ва XVIII асрларда ҳам эзилган омманнинг мавжуд истибдодга қарши ҳаракатлари замона шарт-шароитларига қараб турли шаклларда намоён бўлди³⁰.

Жамият маънавий ҳаётида ўрта ва олий даражали мадрасалар муҳим аҳамиятга эга эди. Аштархонийлар ҳукмронлиги (жонийлар, Бухоро хонлари сулоласи 1599-1753) даврида Бухоро, Тошкент, Самарқанд каби шаҳарларда кўплаб масжид ва мадрасалар қурилди. Мадрасаларда асосан калом, математика, геометрия асослари, мантиқ, араб тили, форс-тожик ва ўзбек

²⁹ Мухсин Зокиров. Эрк ва маърифат куйчилари. –Т.: “Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”, 1984. –Б.55.

³⁰ Ўша асар. –Б.58-59.

адабиёти классикларининг асарлари ўқитилар эди. Шунингдек, анъанавий фанлардан ташқари Навоий, Фузулий, Бедил асарлари ҳам ўрганилган³¹.

XVI-XVII асрларда фалсафий тафаккур ривожда машҳур файласуф олимлар етишиб чиқдилар. Масалан, Мирзажон Шерозий, Юсуф Қорабоғий, Муҳаммад Шариф Бухорий, Иноятулло Бухорий, Хусайн Халҳолий шулар жумласидандир. Сўфи Оллоёр, Бобораҳим Машрабнинг тасаввуфий-фалсафий шеърлари ҳам халқ орасида машҳур эди. Сўфи Оллоёрнинг “Махзан ул-мутеъийн” (Тобеълар хазинаси), “Маслак ул-муттакийн” (Тақводорлар йўли), “Мурод ул-орифийн” (Орифлар муроди) каби китоблари диний-тасаввуфий ғоялар билан йўғрилган бўлиб, уларда меҳр-муҳаббат, сабр-қаноат, иймон-этиқод, камтарлик ва поклик каби ахлоқий муаммолар, бир қанча фикҳий ва ақидавий масалалар бадиий таҳлил этилган³².

XVII асрда Мовароуннаҳрда яшаб, ижод этган файласуф олим Муҳаммад Шариф Бухорийнинг фалсафа, тарих, шеърят, ҳуқуқшунослик, тилшуносликка бағишланган илмий мероси, улар орасида ахлоқий масалаларга бағишланган “Фавойиди ҳаққония” (“Ҳақиқий фойдалар”) номли асари минтақа илмий-маънавий тафаккури тараққиётини аниқлашда муҳим аҳамиятга эгадир³³.

XVII-XVIII асрларда Туркистон халқлари маданияти, санъати, маънавий ҳаёти асосан уч мустақил хонлик ҳудудида ривожланди. Бу хонликларда кўплаб истеъдодли тарихчилар, тазкиранавислар, хаттотлар, мусиқашунослар, мусиқа усталари, шоир ва адиблар яшаб, баркамол асарлар яратдилар.

Хуллас, маданий-адабий ҳаёт уч хонлик доирасида ижтимоий-тарихий шароитга қараб, гоҳ силжишда, гоҳ турғунликда, гоҳ таназзулда бўлиб турди. Хон ва амирлар, ҳукмрон гуруҳ вакиллари, мулкдор шахслар мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, карвонсаройлар, зиёратгоҳлар қурдирардилар. Бу ҳақда адабиётшунос, педагог Р.Орзибеков: XVII-XVIII асрлар мобайнида Тошкентда Бароқхон мадрасаси, Бухорода Мир Араб, Абдуллахон, Абдулазизхон мадрасалари, Нодир девонбеги масжиди, шу шахснинг

³¹ Ойниса Муҳаммадиева. Бедил ва ахлоқий кадрятлар фалсафаси.-Т.: “YANGI NASHR”, 2016.-Б. 14.

³² Ўша асар.-Б. 14.

³³ Ўша асар.-Б. 14-15.

Самарқандда Хожа Аҳроп Вали масжиди ёнида қурилган мадрасаси, Самарқандда Шердор, Тиллакори мадрасалари, Хивада Арабмуҳаммад мадрасаси, Анушахоннинг Оқ масжиди, кейинроқ XVIII аср давомида Хивада қурилган Мадрасаи Шерғозихон, Мадрасаи Муҳаммад Амин иноқ, Бухородаги Мадрасаи домло Турсунжон, Қўқондаги Мадрасаи Эрназар элчи, Қўқондаги Мадрасаи Мир, Мадрасаи Хонхўжа кабилар шундай архитектура обидаларидан эди³⁴.

Мадрасаи олиялар, умуман мадрасалардаги таълим-тарбия, таҳсил жабҳаларида Ислом тарихи, Қуръон ва ҳадисларни, ақоидга, фикҳга доир китобларни мутолаа қилдириш билан бирга ўз шогирдларига Аҳмад Яссавий ҳикматлари, Рабғузий қиссалари, Ҳофиз, Навоий, Фузулий, Сўфи Оллоёр, Бедил каби муборак зотларнинг диний ва дунёвий фикрларини сингдиришга ҳаракат қилган мударрислар ҳам кўп бўлган³⁵.

Илму фан, гарчи ўтган асрлар суръатида бўлмаса ҳам, тараққий этарди. Математикага оид ҳисоб услуби ҳақида рисола, Амин Аҳмад Розийнинг жўғрофияга оид «Ҳафт иқлим» луғати бунга мисолдир. Тиббиёт илми ҳам ривожланиб борди. XVII аср табиби Абдулғозий эса «Манофее ул-инсон» асарида касалликнинг 120 дан кўпроқ хилини тилга олиб, уларни даволаш йўллари кўрсатади³⁶.

Асли шаҳрисабзлик, бироқ Ҳиндистонда , яшаб ижод қилган адиб Бедилдир. «Мураккаб» таълимот яратганлардан бири машҳур файласуф ва шоир Мирзо Бедил (1644-1721) эди. Унинг «Ирфон», «Чор унсур» асарлари ва шеър устодлари сўнгги давр адиблари, файласуфларига катта таъсир кўрсатди.

“Педагогика тарихи” муаллифлари, педагог олимлар А.Зуннунов, Б.Тўхлиев, Х.Масъудовлар Марказий Осиёдаги педагогик фикр тараққиёти ҳақида қуйидаги қарашларни илгари сурганлар: Марказий Осиёда XVI-XVII асрларда хонлар ўртасида урушлар кучайиши натижасида ижтимоий ҳаётда

³⁴ R.Orzibekov. O‘zbek adabiyoti tarixi. –Т.: O‘zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg‘armasi nashriyoti, 2006.-В.6.

³⁵ O‘sha asar.-В.7.

³⁶ Йўлдош Жумабоев. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан.-Т.: “Ўқитувчи”-“Зиё ношир”, 1997. –Б. 138.

тушкунлик бўлди. Лекин шунга қарамай XIV-XV асрларда маданий ҳаётда эришилган юксалиш давом этди. XVI-XVII асрларда илм-фан, диний, фалсафий, ахлоқий-педагогик фикр соҳасида истеъдодли ижодкорлар-Саид Насафий, Турди, Машраб, Сўфи Оллоёр каби шоирлар етишди. Улар ўз асарларида ижтимоий ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларни ҳаққоний ифодаладилар, халқни осойишталикка, тинчликка, меҳнатсеварликка даъват этдилар. XIV-XV асрлардаги педагогик фикрни замон руҳи, талабига мувофиқ тарзда давом эттирдилар³⁷. Албатта бундай тарихий далилларни талабалар. Яъни бўлажак мутахассислар онги шуурига етказиш давр талаби ҳисобланади.

Шоир ва илм аҳли яратган асарлар Туркистон маданияти ривожига, ўзбек маънавий меросига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Улар ёзган бу асарларда таълим-тарбияга оид фикрларни кенг ёритилгани педагогика фани таракқиётида ҳам муҳим ўрин тутади.

XVI-XIX асрларда Қўқонда Жомеъ масжиди ва Мадрасаи Мир; Тошкентда Хўжа Аҳрор, Номозгоҳ масжиди ва Бароқхон мадрасалари қурилди. Бухоро, Хива, Қўқон мадрасаларида таълимда илми аруз ва илми баён, адабиёт, мантиқ, тарих, география каби гуманитар фанлар билан бирга фалакиёт фани ҳам ўқитилди³⁸.

“Педагогика тарихи” дарслигининг таникли педагог олимлари, унинг муаллифлари XVII-XVIII асрлар Мовароуннаҳр таълим тизими, мактаблар, ўқувчилар сони, қизлар мактаби, корхоналар, кўзи ожизлар мактаби, далаилхона-катталар мактаби ва мадрасани тугатиб, Бухоро, Қўқон, Туркия ва араб давлатларида таҳсилни давом эттириб, Мовароуннаҳр таълим-тарбияси ва илм-фанига мадрасаи олиялар, шамсия-мантиқ илми ўқитилиши, шариат-хуқуқ, Муҳаммад Ғаззолий асарларини ўрганиш усуллари, мадраса таълими хизмат қилишини таҳлил этганлар.

1.Бошланғич диний мактаблари (халқ болалари учун) Туркистонда кенг тарқалган мактаблардан эди.

³⁷ А.Зуннунов, Б.Тўхлиев, Х.Маъсудов. Педагогика тарихи.-Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2002. –Б.58.

³⁸ Ўша асар. –Б.59 .

Шаҳар мактабларида ўқувчилар сони 20-30 тага, қишлоқ жойларида эса 10-15 тага етар эди. Ўқишга 6 ёшдан қабул қилиниб, 14 ёшда, болаларнинг ўзлаштиришига қараб 17-18 ёшларда мактабни тугатар эди. Оталар болаларни мактабга олиб келганда «Суяги бизники, эти сизники, яхши билимли бўлса бас» деб мактаб раҳбарларига мурожаат қилар эдилар. Таълим мазмунида қуйидаги предметлар қўйилган эди:

Алифбе, Ҳафтияк (2-3 йил ўқитилар эди) «Чор китоб», Сўфи Оллоёр ҳамда Қуръони карим эди. Тарбиявий тадбирлар ҳадис ҳамда Қуръони каримдаги ғояларга асосланар эди³⁹.

2. Қизлар мактаби: қизлар мактаби отин-бибилар хонадонларида ташкил қилинар эди. Қизлар мактабида аёлга хос ҳаё, иффат, одоб ва юксак аёллик сифатлари бўлажак оила масъулияти ҳамда фазилати шакллантирилар эди.

Отин бибилар қўлида тарбияланган қизлар оилавий ҳаётга мукамал тайёрланар эди. Ёзиш санъати чуқурроқ мукамал ўрганилар эди. Қолган таълим мазмуни эса ўғил болалар мактаби билан бир хил эди.

3. Корхоналар-корхона интернат шаклидаги мактаб бўлиб, унда турли ёшдаги кўзи ожиз болалар таълим-тарбия олар эдилар. Таълим мазмунида асосан Қуръони каримни ёд олиш, Қуръони каримдаги сура ва оятларни халқ оммасига ўқиб бериш эди. 1882 йили Фарғонадаги бу мактабларда 252 талаба таълим олган⁴⁰.

4. Далаилхона-катталар мактаби бўлиб, талабалар домла раҳбарлигида араб тилини ўрганар эдилар. Бу мактаб учун асосий дарслик «Далаили-ҳайрат» (Муҳаммад пайғамбар ҳақида ёзилган тўплам) ҳисобланарди. Бу тўпламни ўқиш муддати бир йил эди. Аммо бундай мактаб жуда кам тарқалганди. Жумладан, Тошкентда 4-5 та, Фарғонада 2 та, Андижонда ҳам 2 та шундай мактаб мавжуд эди. Бу мактабни битириб чиққанларга маддиҳлар унвони берилар эди. Маддиҳ кўчаларда, базмларда, жамоатчилик жойларда ислом

³⁹ О.Ҳасанбоева, Ж.Ҳасанбоев, Ҳ.Ҳамидов. Педагогика тарихи.-Т.: «Ўқитувчи», 1997. –Б. 114-115.

⁴⁰ Ўша асар, ўша жой.

диниани тарғиб ва ташвиқот қилар эдилар⁴¹.

5.Мадраса-олий маълумот берувчи мактаб эди. Мадрасалар асосан Самарканд, Бухоро, Хива, Қўқон шаҳарларида бунёд этилган эди. 1420 йили Самарқандда Улуғбек мадрасаси, 1618 йили Шердор, 1646 йили Тиллақори, 1590 йили Тошкентда Қўқалдош мадрасалари қурилган эди. Булардан ташқари, амирлик даврида Қўқонда 34 та, Марғилонда 25 та, Самарқандда 22 та, Андижонда 18 та, Наманганда 14 та, Тошкентда 14 та, Хожикентда 10 та мадрасалар фаолият кўрсатиб турарди. Мадрасаларнинг таълим мазмунидаги асосий предметлари:

Шамсия (логика-мантик), Ақоид (ислом динига доир масалалар), «Мантик Таҳзиб»-грек фалсафаси бўлиб, араб тилида ёзилган эди.

Шариат-ҳуқуқ, «Аввали-илм» (илмнинг бошланиши, араб грамматикаси, математика кабилар)⁴².

Мадрасада инсон камолотининг сир-асрорларини ўргатувчи китоб «Химия бахти» XI асрда Ал-Ғаззолий томонидан ёзилган асаридан кенг фойдаланилар эди. Бу китобда болани тарбиялашдаги педагогик маҳорат, ёшига қараб тарбиялаш масалалари чуқур ёритилган. Ушбу манба орқали бўлажак мактаб домлалари педагогик билим ва малакага эга бўлар эдилар. Мадрасалардаги таълим-тарбия ишлари кўпроқ мустақил ишлашга тайёрлар эди. Муллавақчалар учун ажратилган хужра (якка яшашга мослашган хона) уларни мустақил ишлашдаги дастлабки шарт-шароит эди. Мадрасани тугатганлар ўз билимларини ошириш мақсадида Бухоро, Қўқон, Туркия ва араб давлатларида таҳсил олар эдилар. Ана шу хилдаги мактаблардан иборат таълим тизими асосан мусулмонларнинг фарзандлари учун хизмат қилар эди⁴³.

Қўқон хонлиги марказлашган давлат сифатида барқарорлашган йилларда иқтисодий ва маданий ҳаётда бир қадар жонланиш рўй берган эди.

Бу вақтда Наманган Қўқон хонлиги таркибига кирган йирик шаҳарлардан бири беклик маркази эди. Наманганда, шунингдек, Чуст, Косон шаҳарларида

⁴¹ Ўша асар, ўша жой

⁴² Ўша асар, ўша жой.

⁴³ Ўша асар. –Б. 114-115.

тўқимачилик, буёқчилик, пойабзалчилик, кўнчилик, кулолчилик, темирчилик, мисгарлик, заргарлик, дурадгорлик ва бошқа хунармандчилик ишлари ривож топади. Чуст дўпписи, Чуст пичоғи, Наманган ва Косон атлас ва кашталари, халқ амалий санъатининг бошқа намуналари тобора доврўқ тарата борди. Аҳолининг кўп қисми деҳқончилик, боғдорчилик, пилла етиштириш билан шуғулланарди. Наманган атрофидан олтин, тошкўмир ва туз қазиб олинарди⁴⁴.

Кўриниб турибдики, амирлик ва хонликлар даврида фан, адабиёт, санъат, маърифат бирмунча ривожланган. Кўпроқ саройлар доирасида ҳам диний, ҳам дунёвий адабий асарлар ёзилган. Ўзбек тилида ёзилган асарлар орасида муаллифи номаълум «Таворихи гузида»да туркий қабилалар тарихи ва номлари кенг ёритилади. Бу даврда бошқа кўплаб тарихий асарлар ҳам яратилганки, биз уларни ўрганиш орқали ўтмишни тўғри тасаввур этиш имкониятига эгамиз...⁴⁵

XVII-XVIII асрлар Бобораҳим Машраб яшаган даврда педагог олимларимиз қайд этишганидек: Бу даврда мактаб ва мадрасаларда грамматика, ҳандаса, мантик, қироат, тафсир, шариат, ҳикмат, ислом тарихи ва ақидаларига оид илмий-назарий билимлар, иш юритиш, ҳуқуқшуносликка, савдо-сотик ишларига оид, мерос ва бойлик, тақсимот каби бошқа ўнлаб илмий билимлар, дунёвий ҳамда диний билимлар ўргатиларди. Барча мадрасаларда мажбурий фан сифатида «Қуръон», «Тафсир», «Одоб ас-солиҳин», «Маслак ул-муттақин», «Сабот ул-ожизин», «Кимёи саодат», «Ҳадис» ўқитиларди. Ўқиш муддати 15-20 йил бўлган. Масжидлар ёнидаги мактабларда болаларга 7 йил алифбе, абжад, Қуръон, фарзи айн, Чор китоб, Хожа Ҳофиз, Мирзо Бедилдан савод ўргатилган⁴⁶.

Мазкур даврда луғатшунослик, тарихнавислик фанлари ривожланди, шеърят равнақ топди. Кўплаб асарлар араб, форс ва бошқа тилларга таржима қилинди, халқ оғзаки ижоди орқали ёшларга қаҳрамонлик, меҳнатсеварлик, ҳақиқатгўйлик, садоқат каби инсоний, ахлоқий фазилатлар

⁴⁴ Алихон Халилбеков. Наманган адабий гулшани. Наманган, “Наманган” нашриёти, 2007. –Б.44.

⁴⁵ К.Нoshimov, S.Nishonova. Pedagogika tarixi.-T.: Alisher Navoiy nomidagi O‘zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2005. –B. 174.

⁴⁶ O‘sha asar. –B. 175.

тарғиб қилинди⁴⁷.

Хонликларда пахта, ипак ва жун газламалари етиштириш, тикувчилик, кулолчилик, темирчилик, заргарлик, кўнчилик, дурадгорлик асосий хунармандчилик тармоқлари ҳисобланарди. Дехқончилик ва хунармандчилик маҳсулотлари Эрон, Ҳиндистон ва бошқа кўшни мамлакатлар бозорларида ҳам сотилар эди.

Маданий-маърифий ҳаётда бир қатор тадбирлар амалга оширилган. Бу йирик шаҳарларда бунёд этилган масжид, мадраса, работ, карвонсарой, хаммом, бозор ва бошқа қурилиш мажмуаларида яққол кўзга ташланадн. Ҳозирги кунгача қад кўтариб келаётган Бухородаги Мир Араб, Абдуллахон, Қулбобо, Кўкалдош, Калон, Абдулазизхон, Убайдуллахон мадраса ва масжидлари, Тошкентдаги Кўкалдош, Қаффоли Шоший, Бароқхон мадрасалари, Самарқанддаги Шердор ва Тиллакори мадрасалари, Хивадаги Араб Муҳаммадхон, Шерғозихон, Муҳаммад Амин Иноқ мадраса ва масжидлари хонликлар даврида қурилган ва юксак маҳорат билан безатилган меъморчилик ёдгорликларидир⁴⁸. Мактаб ва мадрасаларда ёшларни ўқитиш, таълим-тарбия ишлари йўлга қўйилган. Мактаб таълимида болаларга ўқиш-ёзиш ва ахлоқ-одоб қоидалари ўргатилган. Мадрасаларда эса диний илмлар, шунингдек, грамматика, мантик, алжабр, ҳандаса, ҳисоб амаллари ўргатилган. Мадрасани битирганлар қози, унинг ёрдамчиси, масжид имоми лавозимида ишлаганлар, мударрислик қилганлар⁴⁹.

Давлат пойтахти Бухорога кўчирилгандан сўнг шайбонийлар Самарқандда қурилиш ишларини олиб боришга эътибор бермай қўйдилар. Расмий тарихий ёзувларда 1581 ва 1587 йилларда Абдуллахон биноларни таъмирлаш қилиш тўғрисида фармойиш чиқарганлиги айтилган бўлса ҳам, лекин XVII асрга оид Самарқанд манбалари ҳақиқатни кўрсатиб беради. Бу манбада Абдуллахон, аксинча, баъзи биноларни бузишда айбдор эканлиги

⁴⁷ O'sha asar. –B. 175.

⁴⁸ Қ.Усмонов, М. Содиқов, Н.Обломуродов. Ўзбекистон тарихи. I қисм. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2002. –Б.202.

⁴⁹ Ўша асар. –Б.202-203.

айтилади. Қандай бўлса ҳам XVI асрнинг охирига келиб Улуғбек хонақоси ва Қўкалдош жомеъ масжиди ярим бузилган ҳолда бўлган. Бу эса Регистон майдонида қарор топган меъморий ансамблининг яхлитлигига путур етказмаслиги мумкин эмас эди⁵⁰.

К.Ҳошимов муаллифлигидаги педагог олимларнинг эътироф этишларича: Шердор мадрасаси (1619-1635/36 йиллар) Улуғбекнинг бузилган хонақоси ўрнида Улуғбек мадрасаси қаршисида бунёд этилди. Унинг фасади Улуғбек мадрасаси фасади билан асосан бир хил. Бу биноларнинг режаси бири-бирига ўхшаш, лекин бир хил эмас. Шердорнинг тўрт айвонли квадрат шаклидаги ҳовлиси икки қаватли 52 та хужралар билан ўраб олинган. Ҳовлининг бурчакларида дарсхоналар жойлашган, лекин бу ерда масжиднинг зали йўқ, жануби-ғарбий дарсхона эса зиёратхона ҳисобланган. Унга ташқи томондан имом Жаъфар мазори туташиб кетган. Шердор мадрасаси фасадидаги миноралар ҳам Улуғбек мадрасасиникига ўхшаш тик, бироқ орқа томондаги фасадлар бурчаги гулдаста миноралар билан ўралган⁵¹.

Бухоро хони Абдуллахон даврида бошқа давлатлар ўртасида ҳар томонлама алоқалар ўрнатилишига эришилди. Жумладан, Ҳиндистонда шох Акбар, Шарқий Оврупада Иван Грозний билан дўстона муносабатлар ўрнатилди. Марказий ҳокимиятнинг мустаҳкамланиши кўплаб ижтимоий бинолар қуриш имкониятини берди. Абдуллахон 1001 та работ ва сардоба, кўплаб мадраса, масжид, хонақо, кўприк, сув омбори ва бошқа иншоотларни қурдирган.

Абдуллахон ўз атрофига адиб, шоир ва олимларни тўплаб, уларга ҳомийлик қилди. Шоирлар орасида, айниқса Мушфиқий ўз мадҳиялари, лирик шеър ва ҳажвиялари билан шуҳрат топди. Абдуллахоннинг топшириғи билан у турли бинолар учун таърихлар битди.

⁵⁰ Масъул муҳаррир: И.М.Мўминов. Самарқанд тарихи. Икки томлик. Биринчи том.-Т.: Ўзбекистон СССР “Фан” нашриёти, 1971. –Б. 300.

⁵¹ К.Ҳошимов, С.Нишонова, М.Иномова, Р.Ҳасанов. Педагогика тарихи. –Т.: “Ўқитувчи”, 1996. –Б. 221-222.

Сарой муаррихларидан Ҳофиз Таниш далиллар асосида “Абдуллонома” номли катта тарихий китоб ёзди⁵².

Тиббиёт соҳасида Султонали Самарқандий “Дастур ал-илож”, Муҳаммад Юсуф маҳҳол “Таҳқиқи ал-хумаййот”, “Зубдат ул-каҳҳолин” асарларини; шоир ва адиблардан Бобур, Солих, Мажлисий, Ҳасан Нисорий, Биноий, Восифий, Убайдий, Ғойибий Самарқандийлар эса баракали ижод қилганлар.

Шайбонийхоннинг “Таворихи гузидаи нусратнома”, Бобурнинг “Бобурнома”, Восифийнинг “Бадойеъ ул-вақоеъ”, Фазлуллоҳ ибн Рўзбехоннинг “Меҳмонномаи Бухоро” каби йирик бадиий асарларида ўша давр ижтимоий, мафкуравий, адабий, маърифий ҳаёти ўз аксини топган⁵³.

Мадрасани битирганлардан мударрис, мутавали, кози, имомлар, шунинг билан бирга фан арбоблари, адиблар, шоирлар ҳам етишиб чиқарди. Чунончи: Бобораҳим Машраб, Муҳаммад Амин Косоний-Намангоний, Фазлий Намангоний, Шавқий Намангоний, Сайидо Насафий, Сўфи Оллоёр, Зебунисо, Дилшод-Барно, Увайсий, Муҳаммад Мир Олим Бухорий, Абулғози Баҳодирхон кабилар ана шундай илм соҳибларидандирлар⁵⁴.

Педагог олим А.Зуннуновнинг эътироф этишича: XV асрдаги маданий юксалишнинг анъаналари узоқ вақт сақланади, илм, дин, ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий фикрлар тарихида айрим йирик мутафаккир шахслар, истеъдодли ижод эгалари, машҳур шоирлар етишиб чиқади. Бу даврда ўзбек ва тожик адабиёти тарихида ўчмас из қолдирган, халқнинг оғир аҳволини, кайфиятини орзу-умидларини ачиниш билан ўз асарларида баён этган Саид Насафий, Турди, Машраб, Сўфи Оллоёр каби шоирлар тинимсиз ижод этадилар. Улар ўз асарларида ижтимоий ҳаётдаги зиддиятлар, босқинчиликнинг шафқатсизликлари ҳақида ҳаққоний куйладилар, халқни аҳилликка, меҳнатга, ўзаро бирликка чақирдилар⁵⁵. Чунончи, бу даврларда Мирзажон Шерозий (1585 йилда вафот этган), Юсуф Қорабоғий (1563-1647), Муҳаммад Шариф Бухорий

⁵² Ўша асар. –Б. 221-222.

⁵³ К.Ҳошимов, С.Нишонова, М.Иномова, Р.Ҳасанов. Педагогика тарихи. –Т.: “Ўқитувчи”, 1996. –Б. 222.

⁵⁴ Ўша асар. –Б. 222.

⁵⁵ Тузувчи-муаллиф профессор: А.Зуннунов. Ўзбек педагогикаси тарихи. –Т.: “Ўқитувчи”, 1997. –Б.132.

(1697 йилда вафот этган) каби олимлар ўз асарларида илм-фанга, маърифатга даъват этадилар, тафаккур, мантиқ, билим, таълим-тарбия масалалари, диний урф-одатлари ҳақида фикр юритадилар, адабиёт, шеърият, ҳуқуқ ва тарих соҳаларида ҳам асарлар яратадилар ва ўз даврининг қомусий олими бўлиб танилдилар⁵⁶.

Уларнинг асарларида Ўрта Осиё ва бошқа Шарқ мамлакатлари, масалан, Эрон, Озарбайжон, Туркия, Афғонистон, шунингдек, Ҳиндистон билан бўлган маданий алоқалар ҳам ўз ифодасини топади. Бу олимларнинг асарларида ўз даври илмий-маданий алоқаларига оид муҳим маълумотлар билан бирга, ўтмишдаги олимлар-Форобий, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий таълимотларига ҳурмат-эҳтиром, қадимги юнон олимлари Арасту, Афлотун, Сукрот кабиларнинг меросига зўр ҳурмат ҳисси ёрқин сезилиб туради. Уларнинг асарларида ёшларни, шогирдни маърифатли қилиш, уларда илм-фанга муҳаббат уйғотиш, одоб-ахлоқ қоидаларини эгаллашга даъват, устоз-шогирд, ота-ўғил муносабатларига оид муҳим педагогик фикрлар ҳам ифодаланади⁵⁷. Бундай анъаналар тарихий қадрият даражасида яшаб келмоқда.

Мовароуннаҳр тарихи манбаларининг тадқиқотчиси, тарихчи олим, академик Бўрибой Аҳмедов XVII-XVIII асрлар педагогика фанига ҳисса қўшган бир қатор фан намояндалари, қомусий олим Маҳмуд ибн Вали, илоҳиёт олими Хожа Самандар Термизий, Муҳаммад Юсуф Мунший, Муҳаммад Амин Бухорий, Мулла Шарафиддин Аълам каби давр алломалари ҳақида қимматли маълумотлар берган: Маҳмуд ибн Вали XVII асрда ўтган балхлик йирик қомусий олим. У 19 ёшга етганида, яъни 1614 йили у йирик фикр ва ҳадис олими Миракшоҳ Ҳусайнийнинг хизматига киради ва қарийб 10 йил ундан сабоқ олади. Миракшоҳ Ҳусайнийнинг бой кутубхонаси бўлиб, унда, Маҳмуд ибн Валининг сўзларига қараганда, тарих, география, мумтоз адабиёт, фикр, ҳадис ва бошқа илмларга доир жуда кўп китоблар сақланар эди. Бу илмга

⁵⁶ Ўша асар, ўша жой.

⁵⁷ Ўша асар. –Б.133.

чанқоқ ёш олим учун бебаҳо хазина бўлди⁵⁸. Аммо, Маҳмуд ибн Валининг қачон вафот этганлиги маълум эмас.

Муаллифнинг «Бахрул-асрор» (1634-1640 йиллар орасида ёзилган) мундарижасида кўрсатилишича, етти жилддан иборат бўлган. Унинг II-VII жилдлари жаҳон тарихига бағишланган бўлиб, Ўзбекистон ва у билан қўшни мамлакатларнинг қадим замонлардан то 1640 йилгача кечган тарихидан баҳс юритади. Асарнинг биринчи жилди илми нуҷум, география, маъданшунослик ва ботаника фанларига оид маълумотларни ўз ичига олади⁵⁹.

Яна бир илоҳиёт олими Муҳаммад Бақохўжа хожа Самандар Термизий ўз даврининг кенг маълумотли кишилари жумласидан бўлган. Ўша вақтларда ёзилган бир қатор китобларнинг («Музаккир ул-аҳбоб», «Муҳит ат-таворих») маълумотларига қараганда, у етук шоир, ёзувчи ва тарихчи олим бўлган; илоҳиёт илмини ҳам яхши билган. Муҳаммад Бақохожа кўп саёҳат қилиб, назарий билимини мустаҳкамлаган.

Бизнинг замонимизгача олимнинг икки муҳим асари етиб келган. Булардан бири «Дастур ул-мулук» («Подшоларга қўлланма»), иккинчиси «Онис ул фуқаро» («Фақирлар дўсти») номи билан машҳур. Биринчи асар 1695 йили, иккинчиси 1735 йилда ёзилган.

Ўзбекистон тарихини ўрганишда хожа Самандар Термизийнинг «Дастур ул-мулук» асари зўр қимматга эга. Асар Бухоро хонлигининг XVII асрнинг 70-90-йилларидаги ижтимоий-сиёсий аҳволини, шунингдек, Бухоро билан Хива хонликлари ўртасидаги сиёсий муносабатларни ўрганишда катта аҳамиятга эга⁶⁰.

Муҳаммад Юсуф мунший Муҳаммад Муқимхонга бағишланган «Тарихи Муқимхоний» номли асар ёзган. Мазкур асар 1697-1704 йиллар орасида ёзилган бўлиб, Балх ва қисман Бухоро хонлигининг XVII асрдаги ижтимоий-сиёсий тарихини баён этади. Муҳаммад Юсуф мунший агар «жаҳон ҳодисаларининг кучли шамоли унинг (Муҳаммад Муқимхоннинг-Б.А.) ҳаёт ўтини ўчирмаса,

⁵⁸ Бўрибой Аҳмедов. Ўзбекистон тарихи манбалари.-Т.: «Ўқитувчи», 2001. –Б.222.

⁵⁹ Ўша асар. –Б.223.

⁶⁰ Ўша асар. –Б.225.

йўқсизлик денгизининг тўлқинлари эса ўйноқи отини ўз гирдобига тортиб кетмаса» ушбу асарининг иккинчи қисмини ҳам ёзиш ниятида эканлигини айтган.

Муҳаммад Амини Бухорий XVII асрда ўтган бухоролик ўқимишли ва фозил кишилардан бири. 1645 йилда туғилган; вафот этган йили маълум эмас. Аштархонийлар-Субхонкулихон ва Убайдуллахон (1702-1711 йй.) саройида бош муншийлик вазифасида хизмат қилган.

Мир Муҳаммад Амин Бухоро хонлигининг 1702-1716 йиллар орасидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи «Убайдуллонома» номи билан машҳур бўлган муҳим асар ёзиб қолдирган. Асар 1716 йилдан кейин ёзилган ва муқаддима, хотима ва 80 бобдан иборат.

Муқаддимада муаллифнинг ҳол-аҳволи, яъни Субхонкулихон ҳукмронлигининг сўнгги йилларида хизматдан четлаштирилиб, оғир аҳволга тушиб қолганлиги ва Убайдуллахон хизматига қабул қилиниши; Абдулазизхон ва Субхонкулихон даврида Бухоро хонлигининг ижтимоий-сиёсий аҳволи қисқа тарзда баён қилинган⁶¹.

Мулла Шарафуддин Аълам XVII асрнинг иккинчи ярми XVIII асрнинг биринчи чорагида ўтган шоир ва тарихчи олим. Ҳаёти ва илмий-адабий фаолияти ҳақида жуда кам маълумотга эгамиз. В.Р.Розен ва проф. А.А.Семёновлар келтирган маълумотларга қараганда, мулла Шарафуддин Аълам асли андижонлик; ёш пайтида Самарқандга, отаси ҳузурига келиб қолган. Отасининг исми мулло Нуриддин бўлиб, халқ орасида охунд мулла номи билан машҳур бўлган⁶².

Олим «Тарихи касира» (бошқа номлари «Тарихи саййид Роқим», «Тарихи саййид Роқими Самарқандий») асари билан машҳур. Асар машҳур шахсларнинг ҳаётига оид мамлакатда бунёд этилган катта бинолар, усти ёпиқ бозорлар (тимлар), ҳаммомлар қурилиши ва машҳур кишилар ҳаёти билан боғлиқ саналарга бағишланган тарих (хронограмма)лар мажмуидан иборатдир. У Амир

⁶¹ Ўша асар. –Б.227.

⁶² Ўша асар, ўша жой.

Темур таваллуди (1336 й.)дан то XVIII асрнинг ўрталаригача кечган воқеаларни ўз ичига олади⁶³.

Бу давр бой адабий жараёнлари ҳақида фикр юритилганда, Наманган музофоти бир қатор йирик илм-фан ва ижод аҳллари камол топтирди. Етук донишманд, мутафаккир, илоҳиёт ва тасаввуф олими, билимдон мударрис ва мураббий Мулла Бозор Охунд XVII асрнинг устози комилларидандир. У ўзбек ва форс тилларида шеърлар ёзиб турган. Бобораҳим Машрабга устозлик қилган.

Халқ оғзаки ижоди билан ёзма адабиётнинг ўзаро таъсири кучая борган. Сўз санъати оғзаки турида кўплаб кўшиқлар, эртаклар, ривоятлар, латифалар яратилди. Насриддин Афанди латифалари ёнига Шох Машраб ҳақидаги ривоят ва латифалар кўшилди⁶⁴.

Педагог олимларнинг тадқиқотларида қайд этилишича: Ўзбекистон худудидаги хонлик ва амирлар даврида фан, адабиёт, санъат, маърифат бирмунча ривожланган. Кўпроқ хон саройлари доирасида ҳам диний, ҳам дунёвий адабий асарлар ёзилган. Бу даврда бошқа кўплаб тарихий, асарлар яратилганки, биз уларни ўрганишимиз орқали ўтмишни тўғри тасаввур қила олиш имкониятига эга бўламиз... Жумладан, бу пайтда Муҳаммад Ёқубнинг «Гулшан ул-мулук», Муҳаммад Мир Олимнинг «Тарихи амир Насрулло», Мулла Ибодулла ва Мулла Муҳаммад Шарифларнинг «Тарихи амир Ҳайдар», Муҳаммад Ҳакимхон Тўранинг «Мунтахаб ут-таворих», Мулла Аваз Муҳаммаднинг «Тарихи жаҳонномойи», Мулла Ниёз Муҳаммаднинг «Тарихи Шохруҳи», Абдураҳмон Толенинг «Абулфайзхон тарихи», Муҳаммад Вафо Кирмонийнинг «Тухфаи хоний» каби асарлари диккатга лойиқдир⁶⁵.

Мушфиқий Бухоро амири Абдуллахон саройида «Малик уш-шуаро» унвонига эга бўлган бўлса, Фазлий Намангоний Қўқон шоирларига бошчилик қилган. Умархоннинг топшириғи билан Фазлий ва Мушриф томонидан «Мажмуат уш-шуаро» тўплами тузилади. Бу даврда кўплаб меъморчилик

⁶³ Ўша асар. –Б.228.

⁶⁴ Алихон Халилбеков. Наманган адабий гулшани. Наманган: “Наманган” нашриёти, 2007. –Б.45.

⁶⁵ К.Ҳошимов, С.Нишонова, М.Иномова, Р.Ҳасанов. Педагогика тарихи. –Т.: “Ўқитувчи”, 1996. –Б. 223.

обидалари қурилади. Худоёрхоннинг Қўқонда қурдирган сарой арки, Самарқанд, Бухоро ва Хивадаги турли обидалар шулар жумласидандир.

Бухорода 1753-1754 йилларда қуриб битказилган Шайх Жалол мадрасаси, 1796-1797 йилларда бино қилинган Домла Турсунжон мадрасаси, Самарқанддаги Регистон майдонининг узил-кесил шаклланиши, шунингдек, Шердор ва Тиллақори мадрасаларининг бино қилиниши, «Девонбеги» мадрасаси; Хевада Арабмуҳаммад мадрасаси (1616); Муҳаммад Ризобек номидаги мадрасанинг бунёдга келиши, ёғоч ва мисга ўйиб нозик нақшлар солиш, сопол ва чинни идишлар, яроғ-аслаҳалар ясаш, ҳар хил матолар тўқиш, гилам тўқиш санъати, каштачилик ва бошқа халқ ҳунармандчилигининг ривожланганлиги Марказий Осиё халқларининг ўқимишли, билимдон, илм-маърифат фидоийлари эканлигидан далолат беради⁶⁶.

XVII асрнинг II ярмида яратилган тазкиралардан бири шу даврнинг алломаларидан бўлмиш Муҳаммадбадеъ Малехо Самарқандийнинг “Музокир ул-асҳоб” асаридир. Муҳаммадбадеъ Малехо 1641 йилда Самарқандда туғилиб, замонасининг илмларини ўрганган шоир ҳамда адабиётшунос сифатида шуҳрат қозонган киши. Малехо ёшлигидан тазкира ёзишга интилиб, ниҳоят 1689-1692 йиллар орасида ўзининг “Музокир ул-асҳоб” (“Сухбатдошлар зикри”) асарини ёзган.

“Музокир ул-асҳоб”да 200 га яқин замондош шоирлар ҳақида сўз юритган Малехо мазмунли ва бадиий юксак шеърларни тушунувчи адабиётшунос ҳамда, шу тазкиранинг биринчи тадқиқотчиси профессор А. Мирзоевнинг ибораси билан айтганда, XVII асрнинг етук “шеърфаҳми ва сухансанжи” сифатида кўринади⁶⁷.

Мутрибий “Тазкират уш-шуаро”да 1566-1605 йиллар орасида Ўрта Осиё, хусусан, Самарқанд ва Бухородаги маданий ҳаётни ёритса, Малехо Самарқандий XVII асрнинг 90-йилларигача бўлган адабий ва маданий ҳаётни ёритади. Шундай қилиб, булар занжирдай ўзаро боғланган тазкиралар

⁶⁶ Ўша асар. –Б. 225.

⁶⁷ Ботир Валихўжаев. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи.-Т.: “Ўзбекистон”, 1993. –Б. 166.

туркумини ташкил этадики, бу тазкиралар туркуми XV-XVII асрлардаги адабий ва маданий ҳаёт ҳақида ҳамда шу даврда яшаб ижод этган 1200 га яқин шоир ва адабиёт мухлислари тўғрисида ишонарли маълумотлар беради, уларнинг асарларидан намуналар келтиради. Шу туфайли ҳам мазкур тазкиралар туркуми XV-XVII асрлардаги ўзбек ва тожик адабиёти тарихини ҳар томонлама ёритишда ўта муҳим манбалардир⁶⁸.

Машраб ўзи яшаган жамиятда “олимлар илмига мағрур, жоҳиллар исён (гуноҳ)га ғарқ” эканлигини, “илми ҳолу қолнинг йўлида қилсанг амал ушбу муллолар бари бухлу (бахиллик) ҳаводорлик (кибр) била машғул”лигини кўрди.⁶⁹

У мусулмон жамиятининг маънавий ҳаётида етакчи роль ўйнаган буюк авлиёлар: Иброҳим Адҳам, Ибн Муборак, Робиа Адавия, Зуннун Мисрий, Фаридиддин Аттор, Абу Ҳомид Ғаззолий, Муҳйиддин Ибн Арабий, Жалолиддин Румий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Убайдулло Ахрор, Махдуми Аъзам Даҳбедий-Косоний анъаналарини изчил давом эттирди. Уларнинг ибратли ҳаёт тарзи ва тасаввуфи ғояларини кенг тарғиб этди. Жамиятнинг илм-маърифатли, ўзига тўқ хос (хожа, саййид, хон, беклар, мулла ва ҳ.к)ни жамият тақдири, ҳаёти ва истиқболи учун жавобгар деб ҳисобланади.⁷⁰

Хожамназар Ҳувайдо Бобораҳим Машрабнинг ана шундай ғояларини фаол қўллаб-қувватлади, аммо уларнинг ярамас кирдикорларини ошқора танқид қилиш йўлидан эмас, балки уларнинг гуноҳларини ўз гуноҳлари сифатида фош қилиш йўлидан борди. Бундай маълумотлар албатта педагогика тарихини бойитишга хизмат қилади.

Машраб ўз ғазаллари, мухаммас, мустазод ва мураббаъларини оддий авом халқнинг диди ва савиясига мос услуб ва тилда яратди. Ўз ғазалларини қўлида сози (танбур) билан халқ орасида куйлади. Бу қўшиқ ва ғазалларида Оллоҳга

⁶⁸ Ўша асар. –Б.169.

⁶⁹ Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ, Бобораҳим Машраб ва унинг “Мабдаи нур” асари., Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур (Тадқиқ қилувчи, эски ўзбек ёзувидан нашрга тайёрловчи, тадқиқ этувчи, луғат ва изоҳларни тузувчи Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ).-Т.: Фан, 1994. –Б.161.

⁷⁰ Рузматзода Қодирқул Рузмат ўғли. Хожамназар Ҳувайдо диний-мистик қарашларининг XVII-XVIII асрлар Марказий Осиё тасаввуфи ривожигаги ўрни. Фалсафа фанлари доктори (DSc) диссертацияси, 2020. –Б. 25.

бўлган чексиз муҳаббатини, ростгўйлик, меҳр-оқибат, ҳаё, ҳалоллик, инсоф, диёнат, инсонпарварлик, одиллик, иймон-эътиқодни шарафлади. Айни вақда иймонсизлик, разолат, қабиҳлик, жаҳолат, таъмагирлик, кибр, манманлик, ёлғончилик сингари иллатларни аёвсиз фош қилди.⁷¹

Бобораҳим Машраб ўзининг бутун истеъдоди, ақл-заковати ва ҳаётини Оллоҳнинг буюк мўъжизаси бўлган хазрати инсоннинг ва бутун башариятнинг дилини тавоф қилишга бағишлади; инсон дилини тавоф қилишни Каъбани тавоф қилишдан муҳимроқ деб билди. Зеро, инсоннинг пок қалби Оллоҳнинг маконидир: “Тавофи олами дил қил жаҳонда ҳар башардин сен, агар бир дилни бузсанг сен юзар Каъба бузулмасму?”⁷².

Сўфий Оллоҳёрнинг дунёвий мансаб ва ҳокимиятдан юз ўгириши (ўғлига қилган насиҳатлари⁷³) ва ҳаётининг кейинги йилларида Каттакўрғондан бош олиб чиқиб, Сурхондарё, Қашқадарёнинг тоғли гўшаларида яшаши заминиди Баҳоуддин Нақшбанд давридаги пок тариқат ғояларини қайта тиклашга интилишини кузатиш мумкин⁷⁴.

Сўфий Оллоҳёр нақшбандия ғояларини изчил давом эттирди, айни вақтда Муҳаммад пайғамбар суннатларига ёт бўлган сохта тариқатлар (равшания, хуббия, аббосия, авлиёия, ҳалолия ва ҳ.о.)нинг яроқсизлигини фош этди⁷⁵.

Сўфий Оллоҳёрнинг нақшбандияни илк даврига қайтаришга бўлган интилишлари Хожамназар Хувайдонинг фаолияти ва ижодида тўлароқ кўзга ташланди: у хонлик пойтахтидан олис Чимён қишлоғида Бобораҳим Машраб, Сўфий Оллоҳёрнинг тасаввуфий ғояларини кенг тарғиб этди, улар ғоясини янгича мазмун билан бойитди. Бир томондан, Оллоҳга бўлган ишқ алангаси, жозибаси, изтиробларини баён этди: замондошларини Аллоҳ илми,

⁷¹ Рўзматзода Қодиркул Рузмат ўғли. Хожамназар Хувайдо диний-мистик қарашларининг XVII-XVIII асрлар Марказий Осиё тасаввуфи ривожигаги ўрни. Фалсафа фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати. –Т., 2020. –Б. 26.

⁷² Машраб, Девон. (Нашрга тайёрловчилар: Ваҳоб Раҳмонов ва Комилжон Исроилов). –Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. –Б.221.

⁷³ Сўфи Оллоёр. Саботул ожизин. –Т.: Чўлпон, 1992. –Б.116-119.

⁷⁴ Рўзматзода Қодиркул Рузмат ўғли. Хожамназар Хувайдо диний-мистик қарашларининг XVII-XVIII асрлар Марказий Осиё тасаввуфи ривожигаги ўрни. Фалсафа фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати. –Т., 2020. –Б. 27.

⁷⁵ Ш. Сирожиддинов. Суфи Оллоёр илоҳиёти. I-қисм. Жамият ва бурч. Т.: 2001. –Б. 49.

Пайғамбар суннатларига садоқатли бўлишга, ҳалол, иймон-эътиқодли, диёнатли бўлишга ундади; иккинчи томондан, Иброҳим Адҳам, Ибн Муборак, Робия Адавия сингари сўфийларнинг илоҳий ишқ йўлидаги жўмардлигини кенг тарғиб қилди, Оллоҳнинг карами, Муҳаммад Пайғамбарнинг шафоатидан умидвор бўлишга, охиратда Оллоҳ ҳузурига пок руҳ билан боришга, гуноҳлардан тавба қилишга ундади⁷⁶.

Машраб ўрта аср мусулмон тасавуфининг, айниқса, нақшбандиянинг илғор ғояларини изчил давом эттириб, диннинг жамият маънавий ҳаётидаги ўрни ва ролини белгилар экан, “асли давлат диндадур, марди бадавлатман дема, дилда маъни бўлмаса, асли ҳақиқатман дема”,⁷⁷ -деб ёзди.

Ислом дини асосларини ва тасаввуф тариқатларини инқирозга маҳкум этувчи бундай иллат Хожамназар Хувайдо яшаган давр учунгина эмас, балки XVII асрдаги бутун Марказий Осиё ҳудуди учун хос бўлиб, бундай иллатга қарши Бобораҳим Машраб ва Сўфи Оллоёрнинг мурасасиз курашганлигидан гувоҳлик берувчи бир неча далиллар келтиришимиз мумкин.

Бобораҳим Машрабнинг ёлғончи, ситамгар, таъмагир саййидлар, мулло ва хожа (эшон)лар қаторида мусулмон бўлишдан кўра, инсоф-диёнатли кофирларга раҳнамо бўлишни афзал кўриши бежиз бўлмаган:

Дил туташди куфр ўтиға шайх ғавғосин кўруб,
Ул ситамгар ришвахўрлар зуҳду тақвосин кўруб,
Фақр элидин музд олур муфти таманносин кўруб,
Шармсор зуҳҳод элини халқни яғмосин кўруб,
Бу тилимдин найлайин аччиқ садо пайдо бўлур⁷⁸.

Шунингдек, Бобораҳим Машраб билан бир тарихий даврда яшаб, ижод қилган Сўфи Оллоёрнинг шариатга мутлақо зид сохта тариқатларга қарши:

Ғараз, эй бандалар, нозир бўлинглар,

⁷⁶ Рўзматзода Қодирқул Рузмат ўғли. Хожамназар Хувайдо диний-мистик қарашларининг XVII-XVIII асрлар Марказий Осиё тасаввуфи ривожигаги ўрни. Фалсафа фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати. –Т., 2020. –Б. 27.

⁷⁷ Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур. –Т.: Фан, 1994. –Б.6.

⁷⁸ Рўзматзода Қодирқул Рузмат ўғли. Хожамназар Хувайдо диний-мистик қарашларининг XVII-XVIII асрлар Марказий Осиё тасаввуфи ривожигаги ўрни. Фалсафа фанлари доктори (DSc) диссертацияси, 2020. –Б. 110.

Ёмон йўл фирқага ҳозир бўлинглар.

Бани одамда бордир бир фарика,

Тутарлар ўзларини аҳли тариқа.

Алар шаръи набининг душманидур

Аларни оти, яъни, равшанидур.

Алар ўзлариға ориф кўйиб от

Ўқурлар омиларга яхши абёт..⁷⁹

Хожамназар Хувайдонинг ўзига замондош бўлган таъмагир, ёлғончи, диёнатсиз ва сохта шайхларга қарши уларнинг гуноҳлари ва ёмон кирдикорларини худди ўзининг шахсий гуноҳлари сифатида фош этиши нақшбандия тариқати ғояларига содиқ эканлигини тасдиқловчи муҳим далилдир:

Худовандо, санга ёзғон на қилғони хато қулман,

Амалдан зарра йўқ, лекин ҳама кори риё қулман.

Ичиб, еб, кўбтуруб қорнин, тонг откунча ётиб ухлаб,

Баҳойимдек емак-ичмакка бўлғон мубтало қулман.

Тушуб юз минг тараддудға, қилиб дунё учун савдо,

Баҳосиз умрини дунёға қилган камбаҳо қулман.

Гунаҳ айлаб ирикмаган кичикдан то қариғунча

Худодин кўрқмаган, инсофи йўқ, юзи қаро қулман⁸⁰.

Педагог олимларнинг чуқур таҳлилларига таянилганда, XVII-XVIII асрлар педагогика тарихи дарсликларида эътироф этилганидек, Сўфи Оллоёр, Хожамназар Хувайдо, Бобораҳим Машраб асарлари жамият турли табақа ва қатламлари онги ва тафаккурига ижобий таъсир кўрсатди, халқни разолат ва қабоҳатдан асрашга даъват этди.

Сўфи Оллоёр фикҳга оид «Сирож ул-ожизин», «Сабот ул-ожизин», «Мурод ул-орифин», «Махзан ул-муътеин», «Нажот ул-толибин» асарларини яратди. «Сўфи Оллоёр» номи билан халқ орасида машҳур бўлган «Сабот-ул-

⁷⁹ Ўша манба. –Б.111.

⁸⁰ Хожамназар Хувайдо. Девон. Иккинчи нашр. Т.: “Янги аср авлоди”, 2017. –Б.186-187.

ожизин» деган асар мактабларда савод чиқарилиши билан ўқитилар эди. Унда ислом динининг асосий қоидалари, ақидалари баён этилганди. Улар инсоний фазилатлар, бадий ҳикматлар ҳамда ҳикоятлар тарзида ифодаланади. Китобда илгари сурилган масалалар ояту ҳадисларга мувофиқ ёзилганлиги намоён бўлади. Асар форс ва араб тилини билмаган оддий халқ учун мўлжалланган. Бу унинг муқаддимасидан ҳам кўриниб турибди. Унда «Аллоҳ таолони танимоқ баёнида», «Аллоҳ таоло маърифатининг баёни», «Аллоҳ таолонинг саккиз сифатининг баёни»дан сўнг иймоннинг, фаришталарнинг баёни, пайғамбарларга иймон келтириш баёнидан сўнг ислом динининг асосий қоидалари юксак ахлоқий талаблар, ҳикоятлар, ҳикматлар асосида баён этилиб берилади⁸¹.

Бу даврда мактаб ва мадрасаларда грамматика, ҳандаса, мантиқ, қироат, тафсир, шариат, ҳикмат, ислом тарихи ва ақидаларига оид илмий-назарий билимлар, иш юритиш, ҳуқуқшуносликка, савдо-сотик ишларига оид, мерос ва бойлик, тақсимот ва шу каби бошқа ўнлаб илмий билимлар, дунёвий ҳамда диний билимлар ўргатилар эди. Барча мадрасаларда мажбурий фан сифатида «Қуръон», «Тафсир», «Одоб ас-солиҳин», «Маслак ул-муттақин», «Сабот ул-ожизин», «Кимёи саодат», «Ҳадис» кабилар ўқитиларда. Ўқиш муддати 15-20 йилни ташкил этган. Масжид ёнидаги мактабда болаларга 7 йил алифбе, абжод, Қуръон, фарзи айн, чор китоб, Хожа Ҳофиз, “Маслак ул-муттақин” Мирзо Бедилдан савод ўргатилган.

Ўзбек болалари ўқийдиган мактабларда “Китоби Фузулий”, «Лисон ут-тайр», «Девони Алишер Навоий», «Хувайдо», «Қиссаи девона Машраб», Сўфи Оллоёрнинг «Сабот ул-ожизин» китоби ўқитилган. Барча мактабларда талабаларнинг саводи чиқарилгандан сўнг Сўфи Оллоёр ўқитилган. Бундай маълумотларни бўлажак ўқитувчилар албатта билишлари шарт ҳисобланади.

Мазкур даврда луғатшунослик, тарихнавислик фанлари ривожланди, шеърят кенг раванқ топди. Кўплаб асарлар араб, форс ва бошқа тиллардан таржима қилинди, халқ оғзаки ижодига катта эътибор берилди. Халқ оғзаки

⁸¹ К.Ҳошимов, С.Нишонова, М.Иномова, Р.Ҳасанов. Педагогика тарихи. –Т.: “Ўқитувчи”, 1996. –Б. 224.

ижодиёти орқали ёшларга қаҳрамонлик, меҳнатсеварлик, ҳақиқатгўйлик, садоқат каби инсоний, ахлоқий фазилатлар тарғиб қилинди⁸²

Халқчил шоир Машрабнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти адабиёт ва илм аҳллари кизиқтирган: Балх шоири Сураат, ҳинд шоири Бехуд, Нозим Ҳиравий, Шавкат Бухорий, 1645 йилдан бошлаб Ҳиндистоннинг шоҳи Жаҳонобод шаҳрида яшаган форс шоири Рафи Шоҳид, Сухан, афғон шоири Зухур, «Музокирул - асҳоб» тазкирасининг муаллифи самарқандлик Малехо каби таниқли кишилар ҳам Машрабнинг шеърлари, ҳаёти ва тақдири ҳақида ўз мулоҳазаларини ёзиб қолдирганлар. Айрим адабиёт мухлислари ўзлари тузган тўпламларга, «Баёз»ларга Машраб шеърларидан намуналар киритганлар, бин Мулло Зокир Бухорий сингари хаттотлар Машраб асарларини қайта-қайта кўчирганлар.⁸³

Бобораҳим Машрабнинг шахси ва тасаввуфий ғоялари Мансур Халлож (922 йили қатл этилган)дан кейин жаҳон тасаввуфи тарихидаги ноёб ҳодисадир: унинг ижодий фаолияти интеллектуал ва ахлоқий таназзулни бартараф этиш, жамият ва халқни ҳалокатдан қутқариш учун кураш жараёнида камол топди; мусулмон жамиятининг диний, тасаввуфий ҳаётида чуқур из қолдирди.

Хожамназар Хувайдо Бобораҳим Машрабнинг кичик замондоши, унинг ғояларининг изчил давомчиси эди. Унинг тасаввуфи қарашлари ва фожеали қисмати Хожамназар Хувайдонинг тасаввуфий қарашлари шаклланишида муҳим роль ўйнади.⁸⁴

XVI-XVII асрларда Ўрта Осиё илм-фани ва маданиятининг ривожланишида маълум силжишлар содир бўлганлигини кузатиш мумкин. Бу даврда, айниқса, шеърят ва адабиёт гуллаб яшнади. Шу билан бирга фалсафа ва тарих фанлари, меъморчилик санъати ҳам равнақ топди. Энг асосийси, бу даврдаги илм-фан ва маданиятнинг ривожини Мовароуннаҳр билангина чекланиб қолмасдан, унга тарихий жихатдан яқин бўлган Ҳиндистонда ҳам юксалди.

⁸² Ўша асар. –Б. 225.

⁸³ В.А. Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. 2-китоб. Т., “Ўқитувчи”, 1980. Б. 140-141.

⁸⁴ Рўзматзода Қодирқул Рузмат ўғли. Хожамназар Хувайдо диний-мистик қарашларининг XVII-XVIII асрлар Марказий Осиё тасаввуфи ривожигаги ўрни. Фалсафа фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати. –Т., 2020. –Б. 24.

Бунинг сабаби эса, Ҳиндистонда бобурийлар ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиёдан Ҳиндистонга кетган олим ва шоирларнинг ўлмас ижоди эди. Бунда мусулмон маданияти ва тасаввуф таълимоти ҳамда ўша даврда Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган шайбонийлар ва аштархонийлар давлатининг таъсири сезиларли бўлди⁸⁵.

Файласуф Жондор Тўланов «Қадриятлар фалсафаси» китобида Машраб дунёқарашининг фалсафий муаммолари масалаларини таҳлил этган. Файласуф фикрича, оташнафас ўзбек шоири Бобораҳим Машраб Марказий Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий фикрлари ривож тарихида муҳим ўрин тутди. Тўхтовсиз давом этган урушлар, ички низолар тинка-мадорни қуритадиган солиқлардан адои тамом бўлган меҳнаткаш халқни кўллаб-қувватлаш Машрабнинг асосий мақсади, ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Машраб қашшоқ ва ҳуқуқсиз меҳнаткашлар аҳволига доимо ачиниб, умрбод уларни ҳимоя қилиш ташвиши билан яшади. Буни биз унинг «Девони Машраб»идаги дард-алам билан тўлиб-тошган шеърларидан кўришимиз мумкин. Бу ҳақида у «тани дарду аламдан ёра бўлган, дили тиғи ситамдан пора бўлган халқни кўрдим»⁸⁶ деб ёзган эди.

Ижтимоий адолатсизлик, ҳақсизлик, тенгсизликнинг бош ва асосий сабаби зўравонликда, деб билган Машраб ўзининг ўткир қалам кучи билан ҳукмрон табақаларни, бадахлоқ шахсларни ва муллоларни танқид остига олди. Бобораҳим Машрабнинг оташин инсонпарварлик сўзлари, исёнкор шеърлари ўша даврдаги ҳукмдорларга, шариат пешволарига мутлақо ёқмади. Машраб қаттиқ тазйиқ остига олинди. Машрабдан ўч оладилар. Мутафаккир шоирнинг қатл этилиши ўша даврнинг қатта фожеаси бўлди.⁸⁷

XVII-XVIII асрларда Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларида таълим-тарбия, мактаб, фан ва маданият ривож ҳақида хулоса қилинганда темурийлар, шайбонийлар яшаб ўтган даврга нисбатан аштархонийлар даврида бирмунча турғунлик, баъзи соҳаларда ортга кетиш, депсиниш ҳолатларини кузатиш мумкин.

⁸⁵ Ойниса Муҳаммадиева. Бедил ва ахлоқий қадриятлар фалсафаси. –Т.: “YANGI NASHR”, 2016. –Б. 24-25.

⁸⁶ Жондор Тўланов. Қадриятлар фалсафаси. –Т.: «Маънавият», 1998. –Б. 160.

⁸⁷ Ж.Тўлонов, З.Ғафуров. Фалсафа. –Т.: «Ўқитувчи», 1997. –Б. 82.

Педагогика тарихи китобларида баъзи ўринларда XVII асрдан XIX асрга ўтиб кетиш, бўшлиқ борлиги ҳолати кузатилади. Фақат таълим тизимида Сўфи Оллоёр каби мударрис адибларининг асарлари мадрасаи олияларда ўрганилганлигига урғу берилганлиги кўзга ташланди. Мазкур тадқиқотда Сўфи Оллоёрга замондош бўлган чимёнлик Хўжаназар Ғойибназар ўғли Ҳувайдо, оммани, жамиятни оташин шеърляти баҳраманд этган наманганлик Бобораҳим Машраб ҳақида фикр юритишга ҳаракат қилинди. Шунингдек, давр педагогикаси равнақи ва тараққиётига ҳисса қўшган хонлар, ҳокимлар, беклар, улкан меъморий обидалар яратган касиб ва усталар, адиб ва шоирлар ҳақида ҳам тадқиқотимиз доирасида маълумот беришга уриндик. Бундай маълумотларни янада чуқуқр ўрганиш ҳамда таҳлил этиш учун бўлажак ўқитувчилар томонидан алоҳида изланишлар олиб борилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

I.2. Талабалар маънавий-ахлоқий камолотини

такомиллаштиришнинг ижтимоий жиҳатдан зарурлиги

Ўзбек халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган.

Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл-идрок билан маънавий жасоратни диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюқ арбоблар кўп бўлган.

Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб ва бошқа кўплаб буюқ аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар. Уларнинг

номлари, жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк ҳиссалари ҳозирги кунда бутун дунёга маълум.

Миллий маданиятимизга ҳисса қўшган мутафаккир шоир Машраб шахсияти турли манокӣб, ривоят, қиссалар орқали бизнинг асримизгача етиб келди. XX асрда ҳам ўзбек ёзувчи ва шоирлари ижодида шоир сиймоси талқин этилди ва бугунги кунда ҳам оташзабон мутафаккир ва унинг шахсияти ҳақида бадиий асарлар яратилмоқда.

1995 йилда самарқандлик тадқиқотчи олим Эркин Мусурманов «Раҳимбобо Машраб ва унинг бадиий адабиётдаги талқини» мавзуда номзодлик десертацияси ҳимоя қилиб, ўз давригача яратилган бадиий асар ва манокӣбларни таҳлил этди, Машраб образининг бадиий тасвирини адабиётшуносликка маълум қилди.

2004 йилда яна бир нуқтадон Машраб тадқиқотчиси, бухоролик Дилором Ҳамроева «Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси» мавзусида диссертация ҳимоя этиб, илмий ишининг биринчи бобини «Бобораҳим Машраб ҳаёти ва шеърятини ўрганишда халқ оғзаки ижоди, манокӣбларнинг ўрни» мавзусидаги бўлимида Машраб сиймосини хорижий ва олдинги асрлардаги ёзилган қисса ва манокӣбларда ёритилиши масалаларига тўхталди.

Ҳар икки ўзбек миллий адабиёти тарихи бўйича қилинган илмий тадқиқот иш ва унинг муаллифларининг Машраб сиймосини яратишдаги хизматларини таъкидлаган ҳолда, вақт ўтиши, тараққиётнинг шитоб билан илгарилаши, давр ўтган сари давлатчилигимиз барқарор бўла бориши, ўтган аждодларимизнинг шу Ватанга хизмати, улар қолдирган ижтимоий-маънавий меросга қайта-қайта мурожаат ва ундан авлодлар баҳраманд бўлиши ҳисобга олиниб, бугунги кунда ҳам шоир Машраб ижоди, унинг жўшқин сиймоси талқини масалаларини таҳлил этиш кун тартибига қўйилди.

Дастлаб Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкираи қаландарон» асаридан нақллар «Шарқ юлдузи» 1990 йил 8-сонида босилиб чиқди. Халқ китоблари туркумида «Шоҳ Машраб қиссаси» 1991 йил «Шарқ юлдузи» журналининг 6-сонида чоп этилди. У ўша йили «Шарқ» нашриётида алоҳида китоб ҳолида босилди.

1992 йил «Ёзувчи» нашриётида «Қиссаи Машраб» нашр қилинди.

Тадқиқотчи Дилором Ҳамроева талқинича, Машраб ижодига қизиқиш шоир ҳаётлик даврида бошланган. Машраб ҳақидаги «Қиссаи Машраб» китобларининг турли вариантлари омма орасига ёйилиши натижасида машрабхонлик йиғинлари кенг авж олган. Халқ қиссалари ва шоир шеърларининг шуҳрат қозониши Европа олимларининг ҳам эътиборини ўзига тортган. Улар эътиборини кўпроқ Машраб номи билан боғлиқ саргузаштларга бой халқ китобларига қаратган. Бироқ улар Машраб яшаган ижтимоий муҳит, унинг таржимаи холи ва маслагини деярли эътиборга олмаган. 1900 йил Парижда шарқшуносларнинг биринчи халқаро конгрессида И.Гольциер «Форсларда ислом» номли маърузаси билан қатнашган. Бунга жавобан немис олими Мартин Хартманн «Девони Машраб» ва «Шоҳ Машраб» асарлари асосида «Доно дарвиш ва авлиё даҳрий» (1902 йил), «Қадамжо» (1903 йил) мақолаларини ёзган.⁸⁸

1992 йил Машраб юбилеи муносабати билан Францияда «Қиссаи Машраб» нашр қилинган.

Рус шарқшунослари тадқиқотларида Машраб номи билан боғлиқ қайдлар XIX асрнинг иккинчи ярмидан кейин учрайди. А.П.Хорошхин, В.П.Наливкин, Н.И.Веселовский, Н.Н.Пантусов, Н.С.Ликошин, В.Л.Вяткин, А.Карьцев, Л.В.Дмитриева, Г.П.Снесаров каби олимлар шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишга ўз ҳиссаларини қўшганлар.⁸⁹

Маноқиб – мумтоз адабиётда мустақил жанр сифатида кўзга ташланиб, асосан, тариқат вакиллари ҳақида яратилади. У бир-бирига мантиқий боғланган мустақил сюжетли кичик ҳикоялар йиғиндисидан иборат яхлит асардир. Баъзан муаллифи номаълум бўлса-да, у халқнинг бирор бир ўқимишли вакили томонидан зикр этилган бўлади. Яъни, таърифланаётган шахсга яқин кишилар:

⁸⁸ Тоджихўжаев Мусо. Бобораҳим Машрабнинг Европадаги мухлислари. Адабиёт кўзгуси. 2005, 5-сон. – Б. 177.

⁸⁹ Ҳамроева Дилором. Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси. Фил.фан. ном. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент. 2004. –Б. 4.

унинг дўсти, шогирди, ихлосманди томонидан маълум мақсадга мувофиқ ёзилади.

Шу ўринда «Халқ китоблари» туркумига кирган «Иброҳим Адҳам қиссаси», шунингдек, Хувайдонинг «Достони Иброҳим Адҳам» қиссалари ҳақида мухтасар фикр юритишни лозим топдик.

Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват» (Улуғлик хушбўйликларини таратувчи севги шаббодалари) асарида ёзилишича, Иброҳим Адҳам дастлабки сўфийлардан эканлиги айtilган. Навоийнинг ёзишича, у шоҳ бўлганлиги, йигитлик пайтида тавба қилиб, сўфийликни ихтиёр этганлигини кўрсатган. Навоийнинг шохидлик беришича, Иброҳим Адҳам ҳақида ҳикоялар шу даражада кўпки, ҳатто Навоий замониғача у ҳақда ёзма, оғзаки, ривоят, қисса, ҳикоятлар кўп бўлган. Ўзбек адабиётида Иброҳим Адҳам ҳақида Сайқалий, Хувайдо, Холис, Санойи кабиларнинг наср ва назм йўлида ёзилган қиссалари яратилган.

Бинобарин, Машраб ҳақида ҳам «Шоҳ Машраб», «Қиссаи Машраб» номи турлича бўлган бу қиссаларнинг деярли ўзаги бир эканлигини унутмаслигимиз, шу асаргина Машраб ҳақида гарчи, бадиий тўқима аралашса-да, шоир ҳаётини ёритувчи манба эканлигини фикримиздан соқит қилмаслигимиз керак бўлади.

Машраб ҳаёти ва ижодини ўрганишда ҳам маноқиблар ғоят муҳим манба, – деб ёзади Д.Ҳамроева. Аммо уларнинг жанр хусусиятларини эътиборга олмай, тарихий ҳақиқатга қиёсламасдан хулосалаш фанда кўпгина мунозараларни келтириб чиқарган. Айниқса, рус олими А.П.Хорошхин тадқиқотларида халқ оғзаки ижодининг таъсири яққол кўринади. Н.Н.Пантусов эса маноқибларга суяниб, Машраб қирғиз маликаси Сатиржобдан ўғил кўргани ҳақида маълумот берган. Рус шарқшуноси В.Л.Вяткин, ҳатто, Машраб тарихий шахс эмас, деган хулосага келади. Машраб Н.Веселовский таъкидлаганидек, чуқур эҳтиром ва эътибор билан ўрганишга муносиб шахсдир.⁹⁰

«Қиссаи Машраб» халқ насрининг энг гўзал намуналаридан биридир. Машраб ҳаёти ва ижоди «Қиссаи Машраб», «Девонаи Машраб», «Ғазали эшони

⁹⁰ Юқоридаги манба. –Б. 7.

шоҳ Машраб», «Эшон Машраб», «Эшон шоҳ Машраб», «Эшони шоҳ Машраби девонаи Намангоний», «Мухаммаси шоҳ Машраб» каби турли номлар остида инқилобга қадар китобот қилинган бўлиб, машрабхонларнинг энг сеvimли асари сифатида катта шуҳрат қозонган.

Адабиётшунос Махмуд Ҳасанийнинг «Шоҳ Машраб қиссаси», «Муқаддимаси»да ёзишча, оташнафас шоир Бобораҳим Машрабнинг тақдири мураккаб кечган. Турли даврларда Машраб шахси турлича талқин қилинди. Машраб ижодини юзага чиқариш учун аввало уни шаккок, Худога ва руҳонийларга қарши кураш олиб борган шахс сифатида талқин қилинган. Машраб томонидан ёзилган «Мабдаи нур» ва «Кимё» асарлари бошқа Машраб таҳаллусли шахсга тааллуқли деб даъво қилинган. Бугунги кунга келиб бу асарлар яна Бобораҳим Машраб номи билан боғланмоқда.⁹¹

Адабиётшунос олимлар Маматқул Жўраев ва Сайфиддин Рафиддинов «Қиссаи Машраб» хусусида» асарга сўзбошида турли номлар билан аталган асарларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, – деб ёзишади, уларнинг асосини Машраб ҳақидаги ривоят ва қиссалар ташкил этади, насрий қисм ниҳоясида эса шоир шеъриятидан намуналар бериб борилган. Кўп ўринларда шеърый асарлар қисса ва ривоятлар мазмунига мос келмаслигига асосланиб мазкур қисса муаллифи – тузувчиси Пирмат Сеторий шоирнинг афсонавий саргузаштларига бағишланган ҳикояларини жамлаб, ҳар бир мустақил сюжетли ривоятга Машраб шеърларини илова қилиши натижасида бу асар халқ қиссалари ҳолатига келиб қолган деб тахмин қилиш мумкин. Кўпгина тадқиқотчилар «Қиссаи Машраб»даги ривоятларда «шоир шахси бузиб кўрсатилган» ёки «Машраб ҳақидаги ақлга сиғмайдиган, ишониш қийин бўлган» маълумотлар келтирилган деб ёзишади. Бизнингча. «Қиссаи Машраб» типидagi халқ китобларига киритилган асарлар ўзбек фольклорининг тарихий ривоят ва тарихий афсона жанрларига мансуб ҳикоялар ҳисобланади.⁹²

⁹¹ Махмуд Ҳасаний. Шоҳ Машраб қиссаси. Сўзбоши. –Т.: «Шарқ», 1991. –Б. 3.

⁹² М.Жўраев, С.Рафиддинов. «Қиссаи Машраб» хусусида». –Т.: «Ёзувчи», 1992. –Б. 3.

«Шоҳ Машраб» кўпроқ халқ достонларига ўхшаб кетади. Ундаги воқеалар Машраб туғилиши билан бошланиб, охири Маҳмудхон подшоҳ томонидан Балх шаҳрида дорга осилиши билан тугайди. Қиссининг ичидаги «Алқисса мулло Бозор охунд етиб келдилар», «Эрса шоҳ Машраб яна бу ғазални ўқидилар», «Ҳазратимни илтифотларига шоҳ Машраб бу байтни ўқидилар», «Бу ҳолни Оқбўтабий кўриб дедикки», «Алқисса Шоҳ Машраб Хўжанддан чиқиб, Маккага равона бўлдилар» каби жумлалар ундаги ривоятларни бир-бирига боғлайди. Асарда келтирилган шеърлар баъзи ривоятларга мазмунан боғланса, баъзан боғланмайди. Булардан қатъий назар «Шоҳ Машраб» ҳозиргача шоир ҳаётини ўрганиш ва унинг ғазалларини чоп этишда асосий манба вазифасини ўтаб келди. «Қисса»да шоир мўъжизакор авлиё, билимдон, ҳозиржавоб шоир, тақводор, тўғрисўз, ҳалол, покиза инсон, дунё моли ва ҳузур ҳаловатидан воз кечган дарвиш қаландар сифатида тасвирланган. Машраб адолатсизлик, ноҳақликка қарши ўз шеърлари билан кескин кураш олиб борди, мазлум халқни ҳимоя қилди, бутун умри шу оддий халқ орасида ўтди.⁹³

Эркин Мусурманов тадқиқотининг «XVII – XIX асрларда яратилган бадий асарларда Машраб образи талқини» деб номланган II бобида «Девонаи Машраб» қиссаси «Девони Машраб» деб аталиши нотўғри эканлигини, девонларга қиссалардаги каби насрий ҳикоялар киритилмайди, деган тўғри хулосани берган: Классик адабиётда «девона» лақаби бутун фикру дунёси фақатгина ёрга етишиш билан банд, кўриниши ғарибу аммо кўнгли пок, моддий талаб ва истаклардан воз кечган «зоҳиран маломатенгез, ботинан – соғу – саломат» бўлган ҳақиқий ошиқларга ҳам қўлланган. Машрабга нисбатан «девона» лақабининг қўлланганлигини назарда тутсак, асарнинг «Девонаи Машраб» деб номланиши асосли бўлади.⁹⁴

Қиссаларда Машрабнинг бадий сўз воситасида чизилган ташқи қиёфаси, сиймоси ҳақида сўз боради. Бунда асар қаҳрамонининг ташқи кўриниши , юзи,

⁹³ Ўша асар. –Б.4.

⁹⁴ Мусурманов Эркин. Раҳимбобо Машраб ва унинг бадий адабиётдаги талқини. Фил. фан. ном. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Самарқанд, 1995. –Б. 8.

кийим-кечаги, юриш-туриши таҳлил қилиниб, шу асосда унинг зоҳирий қиёфаси очиб берилади. Машрабнинг ташқи қиёфаси маълум даражада шоирнинг ички дунёсини акс эттиради ва шу сабабли қиссалардаги воқеаларни тўғри тушунишга ёрдам беради. «Биз Машрабнинг руҳий дунёси ва унинг қиссаларда акс этишини ўрганишда «Девонаи Машраб»нинг 1992 йилда «Қиссаи Машраб» номи билан нашр этилган нусхасига асосланганмиз»⁹⁵ – дейди Э.Мусурманов.

Э.Мусурманов Машрабнинг етти ойлигида она қорнида гапиришини, етти кунлик бўлганда бешикка солиниши хусусиятларини шундай изоҳлайди: 7 рақами комил рақам, чунки у тўлиқ тоқ бўлган уч рақамидан ва тўлиқ жуфт бўлган 4 рақамидан ҳосил бўлган. Аслида тоқ бўлган биринчи рақам 1, жуфт бўлган рақам 2. Лекин бу рақамларнинг ўз маъноси бор. Жумладан, 1 рақами «вахдат»нинг белгисидир, ягоналик фақатгина Аллоҳга тегишли, ундан ўзга Илоҳ йўқдир. Демак, 1 рақами олам-одам, макону замон билан боғлиқ асосий масалани, яъни уларнинг яратувчиси сифатини очиб бериши учун хизмат қилар экан. 2 рақами санокда биринчи жуфт рақамдир. Бизнингча, бу рақам яралган оламнинг асосий белгисини билдирувчи сондир. Чунки моддий оламда барча нарса ва ҳодисалар жуфт яралган.⁹⁶

Биз учун ҳийлани ёмон жиҳати шундаки, мустақилликдан сўнг жуда кўплаб тарихий-илмий асарларда XVII-XVIII асрларда яшаб ўтган мутафаккир ижодкорларга ўрин берилиб, улар ҳақида тадқиқот ўтказилиб, улар ижоди ва ҳаётига у ёки бу маънода муносабат билдирилган бўлса-да, Машраб ҳақида ҳеч нарса дейилмаган ёки номигагина фикр билдирилган. Бу ҳол Машрабни кунт билан ўрганишга, унинг ҳаёти ва ижоди, у ҳақдаги бадиий ва илмий асарларга, хусусан, у ҳақдаги қиссаларга муносабатни, уни таҳлил этишни ва қиссалар ҳақида машрабшунос олимлар фикрини тадқиқотда келтиришни зарурат даражасига кўяди. Шу нуқтаи назардан А.Абдуғафуровнинг «қиссалар» ҳақидаги фикрини келтириш мақсадга мувофиқдир: Машрабнинг қолдирган

⁹⁵ Ўша манба, ўша жой.

⁹⁶ Мусурманов Эркин. Раҳимбобо Машраб ва унинг бадиий адабиётдаги талқини. Фил. фан. ном. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Самарқанд, 1995. –Б.11.

адабий мероси хусусида ҳам аниқ маълумот берувчи манба йўқ. Унинг ўз асарларини тўплаб девон ёки мажмуа тузганлиги маълум эмас. Фақат «Девони Машраб», «Девонаи Машраб», «Эшони Машраб», «Ҳазрати шоҳ Машраб» номлари остида халқ орасида кўлёзма ва тошбосма шаклида жуда кенг тарқалган қиссаларгина шоирнинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолияти маълум тартиб ва изчилликда баён этилади, шу жараёнда асарларидан намуналар ҳам келтирилади. Машраб фаолиятининг қатор нуқталари аниқ ва тарихан тўғри қайд этилганидан қиссининг биринчи нусхалари шоирни яқиндан билган ва асарларидан хабардор бўлган шахс томонидан ўша даврлардаёқ яратилган, деб тахмин этиш мумкин⁹⁷. Айтиш мумкин, айни замонда у узоқ йиллар ўзгартириш ва тузатишларга дуч келган, турли тўқималар, янги-янги ривоят, нақллар, саргузашт ва латифаномалар билан тўлдирилиб борилган. Натижада қиссаларда тарихий Машраб фаолияти халқ тасаввуридаги тўқима Машраб ҳамда у ҳақидаги саргузашт-ривоятлар билан қоришиб-чатишиб кетган. Шундай бўлса-да, Машраб ҳақидаги қиссалар шоир ҳаёт йўлини нисбатан тўла ва босқичма-босқич баён этувчи, шунингдек, яратган асарларининг кўпгина қисмини ўзида жамловчи адабий-тарихий манба сифатида илмий аҳамият касб этади.⁹⁸

Академик В.Абдуллаев «Ўзбек адабиёти тарихи» китобида Машрабнинг шеърлари, у ҳақидаги қисса, қиссининг рус тилига таржимаси ва нашр этилиши, унда Машраб шахсияти ҳақида қуйидаги фикрларни келтиради: «Туркистон вилоятининг газети»да «Намангонлик Машраб девонининг аҳволини баёни» сарлавҳаси остида шоир ҳақидаги «Қисса»га таяниб «Ўргандим», «Келур», «Кўрдим» каби шеърларидан баъзи бирлари Н.С.Ликошин томонидан рус тилига таржима қилиниб, 1910 йили Тошкентда ва 1915 йили Самарқандда нашр этилган. Археолог, профессор В.Л.Вяткиннинг Машраб тўғрисидаги мақоласи 1923 йилда «Туркистон Шарқшунослик институти тўплами»да (Тошкент) босилган. Унда шоирнинг Ўрта Осиё бўйлаб шуҳрат қозонишига

⁹⁷ А.Абдуғафуров. Буюк сиймолар, алломалар. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1997. –Б.46-47.

⁹⁸ Ўша манба, ўша жой.

сабаб «Машрабнинг мавжуд қалбакичилик, ноҳақликка қарши йўналган кучнинг тимсоли сифатида хизмат этишидир»,-деб уқтирилган. «Машраб ҳақидаги қисса ижтимоий симпатия ва эҳтиёж-интилишларни, халқ оммасининг аҳволи руҳияси, кайфиятини намойиш этади, халқ оммаси нималарга қарши норозилик билдирди ва нималарни майна-масхара остига олди – шуларни кўрсатади»,-деб ёзилган.⁹⁹

Проф. Исматуллоҳ Абдуллоҳ «Қиссаи Машрабнинг машҳур бўлиши, халқ, хусусан, аёллар томонидан севиб ўқилиши, унинг аҳамияти ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Қиссаи Машраб» оддий халқ орасида ниҳоятда шуҳрат қозонган, у қўлдан-қўлга, авлоддан-авлодган ўтиб, зўр қизиқиш билан ўқиб келинмоқда, уни махсус машрабхонликларда, чойхоналарда, масжидларда, муассасаларда, турли йиғилишларда иштиёқ билан ўқидилар, унинг жозибадор шеърлари қаландарлар томонидан халқ орасида, кўчалар, бозорларда ўқилган¹⁰⁰.

Қисса отин аёлларнинг ҳам энг севиб ўқийдиган китоби бўлиб, ундаги шеърларни ёдлаб олдилар, хонандалар эса мусиқага солиб, мароқ билан ҳозиргача куйлаб келадилар. Бу шоир ғазалларининг халқ орасида кенг тарқалишига сабаб бўлди. «Қиссаи Машраб»да шоир ҳаётига мансуб бўлмаган, кейинги ҳаттотлар томонидан кўшиб кетилган анчагина афсона ва ривоятлар ҳам учрайди».¹⁰¹

«Қиссаи Машраб»га сўзбошида олимлар М.Жўраев ва С. Рафиддинов ривоятлар ҳам бадиийлашган ҳолатда берилганлигини, унда тупроқнинг мифологик моҳиятини улуғланиши, чунки инсон тасаввуф истилоҳи, тушунчасида тупроқдан яралиши ва яна тупроққа қайтиши, шунинг учун тупроқнинг эъзозланиши Машраб ижодида ҳам бўртиб туришини таҳлил этадилар: «Қиссаи Машраб»да одамзоднинг пайдо бўлиши ҳақидаги қадимий ривоятлар ҳам ўзининг бадиий ифодасини топган. Ҳикоя қилинишича, Худо Одам Атони тупроқдан яратган. Шу боис Ёркент ҳокимининг шоҳона тўшагини

⁹⁹ В.Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. –Т.: «Ўқитувчи», 1980. –Б. 141.

¹⁰⁰ Исматуллоҳ Абдуллоҳ. «Мабдаи нур»га сўзбоши. –Т.: «Фан», 1994. –Б. 3.

¹⁰¹ Ўша манба, ўша жой.

ифлос қилган Машраб маломат қилган бекка қараб: «Сен ўзинг нимадан бўлгансан?» – деб сўраганида, у: «Тупроқдан!» – деб жавоб беради. Шунда Машраб: «Андоғ бўлса, сен ўз вужудингга сиярмусен?» – деган. Тупроқнинг мифологик моҳиятини улуғлаш тасаввуф фалсафасининг асосий ришталаридан бири. Тасаввуф таълимотига кўра, тупроқ – камтарлик, фақирлик ва улуғ инсон вужудининг рамзидир. Буюк шоир Аҳмад Яссавий ўз ҳикматларидан бирида, «Бошим тупроқ, ўзум тупроқ, жисмим тупроқ, Ҳақ васлига етарман деб руҳим муштоқ» деб бежиз айтмаган. Машраб тасавбурида инсон жисми Аллоҳнинг меҳридан яратилганлиги учун замин мўъминларининг тупроқни ифлос қилишлари шоир назарида ўз вужудини ҳаромлаш билан баробар эди.¹⁰²

Адабиётшунос А.Абдуғафуров «Қиссаи Машраб» ҳақидаги фикрини, уни адабиёт тарихида тутган ўрнини шундай изоҳлайди: Қисса Машраб ҳаёти, фаолияти ва ижоди ҳақида адабиётшунослар қўлида асосий манба бўлиши билан биргаликда қатор чигал ва мавҳум масалаларни ҳам, бир-бирига зид талқин ва қарашларни ҳам ўзида жамлайди. Халқ орасида кенг тарқалган ва ўқувчилар диққатини ўзига тортган қисса мағзи ва мазмунига жамиятдаги турли ижтимоий табақалар йиллар давомида ўз мафкураларини сингдиришга ҳаракат қилганлар. Бундай аҳвол эса ўз навбатида қиссага ниҳоятда эҳтиёткорлик билан тарихий конкрет ва танқидий ёндошувни тақозо этади.¹⁰³

А.Абдуғафуров изоҳ этишича, қиссада Машраб ҳозиржавоб, ўткир тилли шоир бўлганлиги, ундаги бадий тўқималарнинг ишончли чиқиши назмда ҳам баён этилишини тақозо этган. Машрабнинг дорга осилишидан олдин айтган ёки онаси тилидан қиссадан келтирилган ғазал – мухаммаслар ана шундай назмий тўқималардир.

Машрабшунос Ж.Юсупов «Қиссаи Машраб»ларнинг бир неча вариантларини чоғиштириб, муқояса қилгани ҳолда таҳлил этган, унинг фикрича ҳам «қисса»лар кўпроқ халқ дostonларига ўхшаб кетади: «Қиссаларнинг аксарияти «Аммо ровийлар андоғ ривоят қилибдурларким...»

¹⁰² Жўраев М., Рафиддин С. Қиссаи Машраб хусусида / Қиссаи Машраб. -Т.: Ёзувчи, 1992.-Б. 4-5.

¹⁰³ А.Абдуғафуров. Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи жилд. -Т.: Фан, 1984. –Б. 240.

деб бошланади ва «Ҳоло ҳазрати эшони Шоҳ Машрабнинг қабрлари Ишконмишдадур» деб тугалланади.

«Девонаи Машраб» қиссалари илдизида «Девони Машраб» турганлигини эсдан чиқармаслигимиз керак бўлади. Буни Ж.Юсупов шундай изоҳлайди: «Ҳар бир ривоятдан сўнг «Шоҳ Машраб ёки эшони Шоҳ Машраб жунунлари зиёда бўлиб, бу абётни ўқидилар» кабилидаги ва шу шеърдан сўнг эса «Алқисса, Шоҳ Машраб...» сўзлари билан янги ривоят бошланади. Бу ҳолат «Девони Машраб» китобларининг ҳаммаси учун ҳам хосдир.

Ривоятлардан сўнг кўчирилган шеърларнинг мазмуни ҳамма ўринда ҳам шу ривоят мазмунига боғланмайди. Шеърлар қиссанинг бошидан охиригача бетартиб жойлаштирилган. Ундаги шеърлар ҳақиқий девонлардагидек аввал ғазаллар, мустазодлар, мусамматлар тартиб билан келмайди. «Девони Машраб»ларда шеърларнинг девоний тартиби ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Улар тахминан: ривоят-ғазал, ривоят-мухаммас, ривоят мустазод, ривоят-мураббаъ ҳолатларда бетартиб келади.¹⁰⁴

Лекин, барибир шу девонлар «Қиссаи Машраб»ларга пойдевор вазифасини бажарган.

Машраб тадқиқотчилари адабиётшунослар И.Абдуллоҳ, А.Абдуғафуров, М.Зокиров «Қиссаи Машраб»ни ҳар бири ўзига хос жиҳатларини, қиссадаги Машраб шахсиятининг жозибадор руҳини таҳлил этган: қисса маълумотларига кўра Бобораҳим отадан ёш етим қолади, оиланинг моддий қийинчиликлари янада ортади. Онаси ип йигириб тирикчилик ўтказади. Қиссада бўлажак шоирнинг гўдаклигиданоқ ниҳоятда ҳалол, зийрак, тўғрисўз бўлганлиги, ҳозиржавоб ва мушоҳадалилиги билан тенгқурларидан ажралиб туриши алоҳида таъкидланади. Ҳар ҳолда ўз даври билимдонларидан, хусусан дин асослари ва фалсафадан дурустгина бохабар бўлгани учун Наманганнинг сўфий эшони мулло Бозор охунд номи билан шуҳрат қозонган Хўжа Убайдулло кўлига таҳсил такмилига топширилган. Бобораҳим маълум муддат мулло Бозор

¹⁰⁴ Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан. Ж.Юсупов. Сўнг сўз. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. –Б. 354.

охундда диний таълимот ва сўфий тариқатлари бўйича билимини оширади, форсий тилни ўрганади, айна замонда, Шарқ шеърятини, хусусан, унинг йирик вакиллари меросини қизиқиш билан мутолаа қилади.¹⁰⁵

«Қиссаи Машраб»да шоирнинг Офокхожа хонадонидан уч йил ўтин ташиганлиги, уч йил саноч – мешкобда сув ташиганлиги, бир йил ҳазрат остонасида қоравуллик қилгани айтилган. Шу билан бирга у бу даргоҳда тасаввуф таълимоти сир-асрорларини хонадон хожасидан мукаммал ўрганишга ҳаракат қилган. Бу унинг жисмоний ва руҳоний қобилиятини чиниқтиришга, уни тасаввуфий ғоялар билан суғоришга таянч, пойдевор вазифасини ўтган. Чўри қиз баҳона бўлиб пир даргоҳини тарк этгач, қиссада қайд этилишича, Машраб Ғулжа шахрига келиб, унинг ҳокими, унинг хотини ва қизини мусулмон динига киритган. Машраб Ғулжа ҳокимининг уч йил хизматини қилган.

«Қиссаи Машраб» муаллифи Пирмат Сеторийнинг шоҳидлик беришича, Машрабнинг ўн саккиз йиллик дунё кезиш, сўнгра Бухоро, ундан Хўжанд сафари, Тошкент, Туркистон, яна Хўжанд ва Бухорога қайтиши ва бу ҳақда турли ривоят ва афсоналарнинг тўқилишига сабаб бўлган омиллардир. «Қиссаи Машраб» ривоятларига қараганда, шоир қаерга бормасин, ўзининг кўриниши, сўфиёна, халқчил ғазаллари ва жўшқин оташин сўзлари билан тезда кўзга кўринади, авлиё сифатида шуҳрат қозонади, унинг орқасидан эргашиб, иззат-ҳурматини ўрнига қўйишади, ҳоким табақалар унга мурид бўлишга ҳаракат қилиб, дабдабали қошоналарга таклиф қиладилар. Ўз номини улуғланиши, ҳурмат-эътибор ошиб, хирс-ҳавога берилиб, кибрланиб кетишини хоҳламаган шоир тезда бирор номақбул, одобга сиғмайдиган иш кўрсатиб одамлар ҳафсаласини пир қилади, уларнинг энсасини қотиради. Бунинг учун ҳаёти бир неча марта таҳлика остида қолади, лекин қаландар шоир диний ҳаётий далиллар билан ўзини оқлаб, яна йўлини давом эттираверади¹⁰⁶.

¹⁰⁵ А.Абдуғафуров. Буюк сиймолар, алломалар. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1997. –Б.47.

¹⁰⁶ Бобораҳим Машраб. Мабадаи нур. Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Сўзбоши. – Тошкент: Фан, 1994. –Б. 7-8.

Халқ оғзаки ижоди қаҳрамонлари Жухо, Хўжа Насриддин, Мушфиқий каби образлар, улар ҳақидаги латифа, бадиий тўқималар ривоят ва афсона тарзида машҳурдир. Қиссаларда Машраб шахсияти ҳам худди шундай «сунъий» бўрттирилиб кўрсатилган ва зўрма-зўраки жойлаштирилган ўринлар кўп. Чаламуллолар «ғайри шаръий», «ғайри ахлоқий» деб ҳисоблаган тушунчаларни мантиқий фикрлар билан асослаб, унга Худога шак келтирувчи деб ҳисобловчиларни лол ва мот қолдира олган. Лавҳа – ривоятлар тарихий Машраб ҳаётига, саргузаштларига, шоир табиатига, хулқ-атвориغا мос тушган. Шунинг учун ҳам А.Абдуғафуров қайд этганидек, «... қиссада тарихий Машраб ва унинг реал фаолияти тўқима Машраб ва у ҳақидаги саргузашт-ривоятлар билан қўшилиб-чатишиб кетади, халқ қаҳрамонлари тилида Машраб образи юзага келади, баъзан эса Бобораҳимда аслида бўлмаган сифат – белгилар тақалади. Худди шу сабабдан қиссада тарихий Машраб шахсияти ва биографияси билан бир қаторда ва у билан чатишган ҳолда тўқима образ – Машраб саргузаштларининг ҳам баёнини кўрамыз.¹⁰⁷

В.Л.Вяткин Машраб тадқиқотчиси сифатида унинг Ўрта Осиё халқлари орасида шуҳрат қозонишининг туб илдинини очиб, шоир исёнкор шеърлари билан мавжуд қалбакичилик, ноҳақликка қарши кучнинг тимсоли эканлигини таъкидлаган.

Юқори табақа вакиллари, руҳоний арбобларнинг Машрабга нисбатан муносабати жуда мураккаб ва зиддиятли кечган, шоир шахсиятидан улар чўчишган: «меҳнаткаш халқ Машрабни адолат жарчиси, ҳоким табақа ва баъзи мунофиқ шайх-зоҳидларни кўркмай фош этувчи, айрим диний ақида-тушунчаларни менсимай, масхара билан обрўларини тўкувчи журъаткор шахс сифатида тасаввур этган»¹⁰⁸. Машраб фаолияти, ижоди қанчалик сохталаштирилмасин ёки улуғланмасин, улар шоирга авлиёлик ва девоналик сифатларини тақаш орқали унинг фаолияти ва ижодини, ҳаётини унинг мазмуни ва йўналишидан узиб олмоқчи бўлганлар: «... уламо – муллоларнинг

¹⁰⁷ А.Абдуғафуров. Ўзбек адабиёти тарихи. 3-жилд. -Т.: Фан, 1984. –Б. 238.

¹⁰⁸ Ўша асар, ўша жой.

Машрабни инкор этиб, уни шоир сифатида ҳам, кучли мантиқ соҳиби ва журъаткор шахс сифатида тан олмасликка интилишлари ойни этак билан ёпишга тиришиш қобилиятига беъмани ҳаракат эди, холос. Машраб ҳаётлик чоғида ҳам, вафотидан кейин ҳам халқ орасида шу қадар кенг шуҳрат қозонган эдики, бу довруқни айрим табақа, гуруҳлар хоҳишига кўра босиб бўлмас эди. Шоирнинг халқ дилига сингиб кетганлиги, ижодини шаҳар-қишлоқларда севилиб ўқилганлиги, тилдан-тилга ўтганлиги факти Машрабдан кўз юмиш муносабатининг муваффақият қозона олмаганлигини кўрсатади».¹⁰⁹

Машрабнинг Пирмат Сеторий билан узоқ сафарга чиқиши 1691 йилдан бошланган. Илмий манбаларда бу сафар ҳақида деярли маълумот учрамайди. Бу ҳол тадқиқотчи Э.Мусурманов фикрича, Машраб ҳаж қилиш ниятида сафарга отланиб Хоразмга борган, у ерда Паҳлавон Маҳмуд қабрини зиёрат қилиб, Хоразмда анча туриб қолган, Хоразм мусикаси ва маданияти билан танишган.

Машраб у ердан Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига бориб, савдо-сотик қилувчи савдогарларга эргашиб, сув йўли билан, яъни Каспий денгизи орқали Озарбайжонга, у ердан Туркияга ўтган. Маданий ҳаёт билан яхши танишган, маънавий ҳаётда катта роль ўйнаган, мавлавия, бектошия, хуруфия диний оқимларини ўрганган. Жалолиддин Румийнинг машхур «Маснавийи Румий» асарини мутолаа қилиб, ўзининг «Мабдаи нур» асарини яратган, шеърларидан таъсирланиб ижод қилган. Туркияда Машраб хуруфий шоир Имодиддин Насимий фаолияти, қисмати билан танишган, унинг шеърларига вазн ва радифлари ўхшаш шеърлар, назиралар ёзган. Сўнгра Арабистонга ўтиб, Маккани тавоф қилган, расулуллоҳнинг ва қизлари Фотиманинг зиёратгоҳларида бўлади. У ердан Карбало даштига ўтиб, Имом Хусайн қабрларини зиёрат қилган. Ҳаж амалларини бажарган ва азиз авлиёларнинг қабрларини зиёрат қилган Машраб Ҳиндистонга келади.¹¹⁰

¹⁰⁹ Ўша асар. –Б. 239.

¹¹⁰ ¹¹⁰ Мусурманов Эркин. Раҳимбобо Машраб ва унинг бадиий адабиётдаги талқини. Фил. фан. ном. илмий даражасини олиш учун ёзилган десертация автореферати. Самарқанд, 1995. –Б.16-17.

Академик Б.Валихўжаев «Девонаи Машраб» қиссаси, унда мутафаккир Машраб шахсияти, дунёқараши, асардаги бадиий тўқима ва бошқа ҳолатларни ўрганиб, шундай фикрни изҳор қилади: «Девонаи Машраб китоби тарихий шахс – XVII асрда яшаб, ижод қилган Бобораҳим Машраб, унинг фаолияти ва даври ҳақида маълумот берувчи асардир. Асар шаклан халқ китобларига ўхшаса ҳам, мазмун жиҳатдан тарихий заминда вужудга келган бадиий асардир. Китоб ижодкорларининг Машраб ҳаёти ва фаолияти билан яхши таниш бўлганликлари, шоир руҳияти ва дунёқарашини тўғри тушуна билганлари асар таҳлилидан маълум. Қиссанавислар шоир ҳақидаги маълумотларни халқ китоблари талаблари бўйича қайта ишлаб, бадиий сиймосини яратишган. Шунинг учун Машраб ҳақидаги бу хил китобларда шоирнинг сиймоси асарни яратувчининг мақсади ва ғояси билан боғлиқ тарзда шарҳланган.¹¹¹

Адабиётшунослар М.Жўраев ва С.Рафиддиновлар «Қиссаи Машраб» қадимий фольклор элементлари асосида яратилганлигини, унда Машрабнинг ғайритабиий мўъжизакор фаолиятига ҳам тўхталганлар: «Қиссаи Машраб»даги тарихий ривоят ва ҳикоятлар Ўрта Осиё халқларининг қадимий фольклор анъаналари асосида яратилган. Ровийлар гоҳ эл орасида азалдан айтилиб юрган машҳур ҳикояларни Машраб номи билан боғлаб «қайта ишлаган бўлса, баъзида шоирнинг ғайритабиий мўъжизаларга бой саргузаштларини (ўтда ёнмаслигини, Хизр билан учрашиши, сув остига кириб, анча вақт туриб қолиб, сўнгра қайтиб чиқиши, ўз тақдирини олдиндан каромат қила олиши каби) тасвирлашда халқимизнинг қадимий мифологик тасаввурларидан фойдаланганлар. Айрим қисса ва диний ривоятлар сюжети эса бевосита Машраб ҳақидаги ривоятларга сингдириб юборилган.¹¹²

Тадқиқотчи Д.Ҳамроевнинг талқинича, қиссада «Қонимни тўқар эмиш, Балх шаҳрида Маҳмудхон», «Чун кўлим бирла оёғим боғламоқ ҳожат эмас», «Эй мусулмонлар, қазо топсам керак» каби мисраларда Маҳмуд қатағон номи

¹¹¹ Валихўжаев.Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. –Т. «Ўзбекистон», 1993. –Б. 26.

¹¹² Жўраев М., Рафиддин С. Қиссаи Машраб хусусида / Қиссаи Машраб. -Т.: Ёзувчи, 1992. –Б. 4.

хам кўп бор тилга олинади. Профессор Фитрат бундай шеърларни «Машраб каламига мансуб эмас» деган фикрни илгари сурган. Бироқ Машрабнинг шахид бўлишида ўша даврга хос ижтимоий фалсафий, диний-этикодий қарашларнинг таъсири катта.¹¹³

Машраб тадқиқотчиси Муҳсин Зокиров шоир шахсиятининг барча жиҳатларини муфассал таҳлил этган. Унинг фикрича, шоир ҳаётининг сўнгги йиллари Бухорода, сўнгра Ҳиндистонда, кейинчалик Қаршида 3-4 йил истиқомат қилгач, Балхга келган. Бу даврда Балх вилоятининг ҳокими Маҳмуд катағонбий эди. Маҳмуд Субхонқулихон замонида бир қанча вақт Бадахшон вилоятининг ҳокими бўлган. У Марказий ҳокимият Бухорога қарши исён кўтарган. Субхонқулихоннинг вафотидан сўнг (1702) унинг набираси Муқимсултонни ўлдириб, ўзини Балх вилоятининг мустақил ҳукмдори деб эълон қилган. «Ҳамма тарихий манбаларнинг хабар беришича, Маҳмуд катағон ғоятда шафқатсиз, кўпол, золим ва адолатсиз ҳукмдор бўлган. Меҳнаткаш халқ бошига беомон кулфатлар ёғдирган. Унинг ҳокимлик даврида ўлка қашшоқлашиб, фуқаронинг хонавайронлик даражаси сўнгги чекига етганлиги билан характерланади. Машрабнинг жим туриши қийин эди».¹¹⁴

Қиссада айтилишича, Машраб Балхга «ўзидек яна уч қаландар ҳамроҳлигида дохил» бўлган. Уларнинг ҳаққоний сўзлари, ўйноқи ғазаллари, фусункор ва шўх куйлари, амалдор ва уламолар ҳақида айтилган ўткир ҳажвлари халқ орасида жуда тез шуҳрат қозонган.

Машраб Балхга кириб келганда, унинг рўпарасидан бир неча муллолар чиқиб «қаландари қавий ҳайкал, сурхина рўй, сочлари фатила-фатила, гирди камарига тушган, эшакка тескари минган, барқ уриб келадир» дарвишга салом бериб отини сўраган. Машраб айдиларки: «Мани отим Худой». Муллолар бу сўзни эшитиб айдиларки: «Тутунглар, бу қаландар кофир бўлди. Муни ўлдирмак керак. «Шоҳ Машраб тезлик бирла ўзларини эшакдин ташлаб

¹¹³ Ҳамроева Д.Ю. Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т., 2004. –Б. 21.

¹¹⁴ Зокиров М. Эрк ва маърифат куйчилари. –Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. –Б. 37.

кочтилар. Шох Машраб шул кочконларича тўғри Маҳмудхонни ўрдасига қочиб бордилар. Кўрдиларки, Маҳмудхон етти саккиз юз кишига ош бердуриб, турубдур. Шох Машраб ўшал жамъиятни орасидан ўтиб Маҳмудхонни тахти остига кириб, ёттилар. Маҳмудхон муни кўриб хайрон қолди»¹¹⁵

Бу ҳолатга хайрон бўлиб туришганда ўттиз қирқ чоғли муллолар шох Машрабнинг орқаларидан кириб келиб, Маҳмудхонга Машраб устидан шикоят қилиб, уни эшакка тескари миниб, отини «Худой» деб келганлигини айтишади. Шох Машраб айдилар: «Ман «Худой» деб хануз «берган»ини айтмай туриб, булар ит бўлиб мани қувладилар. Ман мушук бўлуб мунда қочиб келдим. Мунда турган халойиқ бу сўзни эшитиб қаҳ-қаҳ урушиб, кулушуб юбордилар. Муллолар музтар бўлишиб қолдилар. Анда Маҳмудхон шох Машрабни бу сўзларини эшитиб завқ қилиб айдик: «Эй муллолар, ман бу қаландарни гуноҳини сизлардан тиларман?» – деди. Муллолар ҳам қабул қилдилар. Шох Машраб Маҳмудхонга қараб айдиларки: «Эй Маҳмудхон мани кушандам сандурсан». Маҳмудхон хайрон қолди. Шох Машраб қўлларига сеторларини олиб ўзларини маълум ва ошкор қилмоқ учун бу ғазални ўқудилар¹¹⁶:

Кел эй дилбар, юзунг очгил, тасаддуқдир бу жон эмди,
Фироқингда адо бўлди, куюб бу устухон эмди.
Начук айлай биродарлар, бўлубман дард ила хайрон,
Ётубдур халқума жоним, манга йўқ меҳрибон эмди.
Жаҳонда ҳеч киши борму, жудолиғда адо бўлган.
Давосиз дардга учрабман, ўларман бегумон эмди.
Начук тоқат қилай дилбар, ки сансиз ман бу дунёда,
Чиқар кўксумдин оҳим, ҳам туролмас осмон эмди.
Кетибон меҳрибон дилбар, юрак-бағрим кабоб этти,
Етолмасман нигоримга, қилай жоним нишон эмди.
Кел, эй Машраб, жудолик дардидан кўб шиквалар қилдинг,

¹¹⁵ Қиссаи Машраб. –Т.: «Ёзувчи», 1992. –Б. 157.

¹¹⁶ Ўша асар, ўша жой.

Қолубдур бизга бу суннат, кетар яхши ямон эмди.¹¹⁷

Алқисса, шоҳ Машраб бу байтларни ўқигандин кейин шоҳ (Маҳмудхон) Машрабни аёғларига йиқилди ва айдики ман эшитиб эрдимки: «Машраб деган бир авлиё чиқғон эмишлар. Маккага ўтубдурлар, – деб. Мани ниятим шул эрдик, ул қаландарни кўрсам, таҳоратлариға сув берсам, – деб манда на ҳадки сизни бир тора мўйингизни ҳам қилсам». Шоҳ Машраб айдилар: «Эй Маҳмудхон, ғалат айтурсан, мани сарнавиштимда ажалим санинг қўлингда битилган. Мана шаҳид қилурсан. Манинг васиятим санга шулки, мани жасадимни бир баландроқ ерга чиқариб қўйғил, токи ҳар ким кўрса йироқдан дуойи хайр қилиб ўтгай¹¹⁸.

Бу ҳолдан таажжубга тушган Маҳмудхон ўз олдидаги ошни унинг олдиға кўяди, Машраб эса ошни итиға беради. Ит ошға қарамайди. Маҳмудхоннинг хайрати ошиб, ошни на ўзи, на ити емаганлигини кўриб, ўзи ейди. Иккинчи кун ҳам Маҳмудхон Машрабни чақиртириб олади. Шоҳ Машраб айдиларки «Эй Маҳмудхон, бу тахти мижозингни манга бергил. Яхши бўлур экан. Устиға чиқиб ўлтурайин». Маҳмудхон бажону дил мана, деб тахтдан тушти. Меҳмонхонани бўшатти. Шоҳ Машраб меҳмонхонаға кириб, тахтни устиға чиқиб, таҳ-батаҳ латта тўшакларға бавл қилиб қўйдилар. Шоҳ Машраб айдилар: «Эй Маҳмудхон, ол тахтингни!» Вазир келиб қарасаки, тахт нажосатға тўлубдур. Вазир яқосини йиртиб, подшоҳға айдики: «Эй подшоҳ, қайси ердин келган банги қаландарға ихлос қилубдурсиз? Фарғонаи заминдин бир қаландар келиб подшоҳ Маҳмуднинг тахтини нажосатға булғобдур, – деб абадул-абад бадномликка қолурсиз. Агар инонмасангиз ўзингиз бориб кўринг!» – деди. Подшоҳ Маҳмудхон навкарлари бирла отланиб келди. Қараса тахтни усти нажосатға ботибдур. Маҳмудхон айди: «Эй Машраб, бу нима қилганингиз?» Шоҳ Машраб айдиларки: «Хўб қилдим. Ман сани тахтингга ўлтурсам нима бўлубтур. Сан юртға ўлтурдинг».¹¹⁹

¹¹⁷ Ўша асар. –Б. 158.

¹¹⁸ Ўша асар, ўша жой.

¹¹⁹ Ўша асар. –Б. 160.

Шундан сўнг қисса муаллифининг ҳикоя қилишича, Машраб билан Маҳмудхон ва сарой аёнлари, уламолар орасида ғоятда кескин ва шиддатли мунозара бўлиб ўтади. Машраб ўз жавобларида ҳеч тап тортмай подшо саройини нажосатхонага, тахтни эса шу нажосат устига қурилган равоққа, Маҳмудхон ва амалдорларини нажосатхўр ўлаксахўрларга, уламоларни эса зулукка ўхшатади. Ана шундай журъаткор жавоблар билан шарманда қилиниб, жони халқумига келган Маҳмудхоннинг ҳолати ва шоирга нисбатан қўллаган жазо чоралари қиссада қуйидагича баён этилади: Подшоҳ Маҳмудхон дарғазаб бўлуб, дедики: «Эй жаллодлар, бери келинглари!» Дарҳол жаллодлар келиб дедилар: «Таксири подшоҳим нимага амр қилурсиз? Кимни умрини паймонаси тўлубдур». Маҳмудхон айдик: «Бу девонаи аҳли куффорни хос зиндонга ташлаб, то жонлари халқумларига келиб, оналаридин дунё юзига таваллуд топқонлариға пушаймон бўлмагунча азоб қилғайсизлар. Эrsa муддати бир ой ҳар кеча зиндон жаллодлари ҳазрати Шоҳ Машраб ва ҳамроҳларини беҳад азобларға дучор қилур эрдилар».¹²⁰

Машраб ўлимни бўйнига олгани ҳолда дейди:

Киши тақдирга тан бермас, ани иймони йўқ бешак,

Ани кавлига инкор айлаган қавми мардуддур.

Келубдур остонангга, ки навмид этма Машрабни,

Пушаймондан на суд эмди, кушандам Балхда Маҳмуддур.

Анда жаллодлар Шоҳ Машрабни дорга олиб борурда тамоми халойик навҳау зори қилиб борур эрдилар. Шоҳ Машраб жонларға айдиларки: «Эй жон, киши маъшуқини кўргани борурда ҳам кўрқорму?» деб жонлариға қувват бериб, йўл борурда бу ғазални ўқудилар:

Ҳар кишининг дарди бўлса йиғласун ёр олдида,

Қолмасун армон юракда қилсун изҳор олдида.

Андалибу бенаводек нолаву афғон била,

Доимо йиғлаб турарман айни гулзор олдида.

¹²⁰ Зокиров М. Эрк ва маърифат куйчилари. –Т.: Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. –Б. 39.

Мансури Ҳаллождек ичиб шароби антахур,
Чарх уриб йиғлаб турарман ушбу дам дор олдида.
Ҳар киши бир журъайи нўш айласа бу бодадин,
Ул қиёматда қилур арзини Жаббор олдида¹²¹.

Шоҳ Машраб айдиларки: «Андек таваққуф қилинглар, ман ушбу жойда икки ракаат номоз ўқуй» – дедилар. Филҳол таҳорат олиб, икки ракаат номози шукри вузу ўқудилар. Андин сўнг шоҳ Машраб ҳазин овоз бирла, бу ғазални ўқудилар:

Маҳкам чу белинг боғла Машраби девона,
Келди бу ажал сенга тўлғон эди паймона.
Кўрдунгму ўшал эрлар ишқ йўлида жон берган,
Юз турли балоларга ялғул эди бу жона.
Ул ошиқ эмас дўстлар, билса бу ажал келса,
Йўқтур хабари асло ошиқ ила мастона.

Эй Машраби девона, мардона қадам қўйғил,
Дор остига борғанда, бўлма яна ҳайрона,¹²² –

деб, андин сўнг шоҳ Машраб жаллодларга айдиларки: «Эй жаллодлар, манга тиғ солурсизлар, ўшал тиғ солғанда бир солинглар, икки бор солманглар». Ҳазрати соҳибқирон подшоҳим айтур эрдилар: «Эй Машраб, сан шаҳид бўлурсан», – деб марҳамат қилиб эрдилар. Ман айтур эрдимки: «Эй тақсири подшоҳим, ман шаҳид бўладурган бўлсам, сизнинг тиғи муҳаббатингиздин умидвордурман, – деб эрдим. Шул вақтда қаламтарошларин бериб эрдилар. Ўшал қаламтарошни жандамни орасиға қўйуб кийиб эрдим», – деб жандаларини сўкиб, шул тиғни кўзлариға суртиб, йиғлаб айдиларки: «Ҳай дариғ, ўшандоғ соҳибқирон подшоҳим айтиб эрдиларки: – мани кушандам Қоратоғда, сани кушанданг Балх шаҳрида Маҳмудхон, деб эрдилар». Анда шоҳ Машраб ҳазрати соҳибқирон подшоҳимнинг шаънларига бу ғазални ўқудилар:

Водариғо, дард билан ман адо бўлдум нетай,

¹²¹ Ўша асар, ўша жой.

¹²² Қиссаи Машраб. – Тошкент: Ёзувчи, 1992. –Б. 162.

Дурру гавҳарни етурдим, тоб майин ўлдум нетай.
На ғаниматдур муридлар йиғлабон дод айласанг,
Арш уза қилган макон пирдан жудо бўлдум нетай.
Йиғлаюрман ғариб, тонгла қиёмат бўлгуча,
Ул мурувватлик хожамдин айрилиб қолдим нетай.
Машрабо маҳшар куни йиғлаб яқонгни пора қил,
Мани Ҳошим ул Қурайшидан жудо бўлдум нетай,¹²³
деб шоҳ Машрабни ўзлари бир жуфтак уруб дорга осилдилар. Тиғларини
жаллодларга бердилар, ўзлари бу ғазални ўқуб адо қилдилар:

Кел эй жисмим, шаҳодат тиғига эмди яро бўлғил,
Ҳусайн ибн Алидек сан шаҳиди Карбало бўлғил.
Кириб бу жисми зоримға, фароғат кўрмаган жоним,
Худодин бу ажал келди, санам эмди ризо бўлғил.
Ки бу дунёи фонининг жафосидин холос этгил,
Худони васлини излаб, ҳамадин масуво бўлғил.
Худо йўлида эй жаллод, манга ханжарни тезроқ қўй,
Ҳақингга бир дуо айлай, санам марди Худо бўлғил.
Ажойиб хуш муборак бу ўлим ким, бошима тушти,
Худо йўлида бир жон, минг агар жондур, фидо бўлғил.
Кел эй қобиз, манга ўлмакни таъхир айлама ҳаргиз,
Фидо эттим бу жонимни, ки маъмури қазо бўлғил.
Бу Машраб дори дунёдин шаҳодат олия излаб,
Қиёмат тонги отгонда Худоға дадхоҳ бўлғил.¹²⁴

Балх уламолари фатвоси билан Маҳмудхон Машраб ва яна икки қаландарни дорга осиб ўлдиради.

Мазкур ҳодисани бошқа тарихий манбалар у ёки бу тарзда тасдиқ этадилар. Чунончи, бу ҳодисани Абдул Муталлиб Хўжа Фаҳмий ўз мажмуасида

¹²³ Ўша асар. –Б. 163.

¹²⁴ Ўша асар. –Б. 164.

шундай баён қилади: «Машрабни 1123 ҳижрий йилда уламо ва ҳукамоларнинг фатвоси билан Маҳмудхон Балхда шаҳид қилди.¹²⁵

«Мунтахаб – ат – таворих» муаллифи ҳам Хўжа Фаҳмийнинг бу хабарини тўла тасдиқлаб шундай дейди: «... ва ул авонда Машраб девонаким, авом ани валий дерлар, иродаи Байтуллоҳ қилиб, вилояти Балхга дохил бўлиб, Маҳмудхон олдида беадаблик андин содир бўлди. Маҳмудхон буюрдикки, ул бечораи девонаи Мажзубни Мансурвор дориға тортдилар. Ва бир неча муддатдин сўнгра Маҳмудхон зилзилада уй остида қолиб ўлди.¹²⁶

Машраб:

Чун қўлум бирла аёғим боғламоқ хожат эмас, –
матлаъи билан бошланувчи ғазални битган.

Мутафаккир шоир зиндонда даврида видолашув ҳақида ҳам ғазал битади:

Хуш қолинг, мен эмди кетдим, эй ёронлар алвидо!

Бошима тушти ғариблик, армонлар алвидо!

Бўлмағай эрди авалда кошки айёми ишқ,

Доғи ҳижрон ўртади, эй нуктадонлар алвидо!

Бўлди айёми баҳору сабза бўлди ер юзи,

Этти пайдо лоладек доғи ниҳонлар, алвидо!

Гар фалак куйдурса мундоғ неча кунлар айланиб,

Бул жаҳонда қолмағай ному нишонлар алвидо!

Нури дийдам, қуввати жону дилимсиз, дўстларим,

Йиғламоқдин кўзларимдин оқди қонлар алвидо!

Ҳар на бўлса, Машраби бечорадин айланг биҳил,

Хуш каломи булбули боғи жаҳонлар, алвидо!¹²⁷

Бу ғазалларда шоирни Маҳмудхон томонидан қатл этилиши ҳақида сўз боради, нақл келтирилган манбалардан аниқланишича, шоир тақдири ҳақида ҳукм чиқарилгач, у дарҳол ижро этилмади. Орадан бир ойча муддат ўтди. Бу

¹²⁵ Мажмуаи Абдул Муталлиб Хўжа Фаҳмий. –Т.: 1992. –Б. 123.

¹²⁶ Ҳақимхон Тўра. «Мунтахаб-ат-таворих». –Т.: Ўқитувчи, 2001. –Б. 135.

¹²⁷ Бобораҳим Машраб. Мехрибоним кайдасан. –Т.: “Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”, 1990. –Б. 158.

муддат мобайнида Машраб ўз вазиятини акс эттирувчи қатор шеърлар яратди. Бу ғазалларда журъаткор ва ўтли каломи билан оламга ғулгула солган фавқулудда бир ирода соҳиби бўлиши мард бир инсоннинг ўлим олдидан кечирган ҳаяжонлари, ғоявий ғанимлари билан шиддатли кураши ўз аксини топади. Қиссадаги ривоятлар ва Исҳоқ Боғистонийнинг хабар беришича, дорга тортилган Машраб ва қочишга муяссар бўлолмаган бир неча қаландарларнинг жасадини дафн қилиш Маҳмудхон фармони билан ман этилган. Аммо дорга осилишнинг учинчи кечаси Оғохон сардор қаландар бошчилигидаги бир гуруҳ мухлислар навкарларни қўл-оёғини боғлаб, Машраб ва қаландарларнинг жасадларини яширин тарзда олиб кетиб, Балхнинг чекка мавзеларидан бири Жавонмарди қассобликка дафн этадилар.¹²⁸

Д.Ҳамроева қиссаларга таянган ҳолда шундай хулосани беради: «Маноқибларда айтилишича, Офокхожа Машрабга Маҳмуд қатағон томонидан шаҳид қилинишини башорат қилган. Бу албатта, Офокхожанинг соҳибкаромат пир бўлганлигига урғу бериш мақсадида қиссалар таркибига кейинчалик киритилган бўлиши мумкин. Аммо Машраб бунга онгли равишда тайёр бўлган. Чунки Машраб шеърларида Мансур ва унинг тақдирига кучли ҳавас сезилиб туради. Қолаверса, ўша даврда қаландарлар орасида шаҳидлик ғояси жуда авж олган. Бу ҳақда «Тазкираи Мажзуб Намангоний»да хабар берилади. Дилором Ҳамроеванинг таъкидлашича, Машраб мулло Лутфуллони учратган, эшони шаҳид унга: «Эй девонажон, муборакбод бўлсин», – деса, Машраб: «Ўзингга ҳам» деб жавоб берган экан. Шу учрашувдан уч йил сўнг Машраб, ўн бир йилдан сўнг мулло Лутфулло шаҳид бўлганлар.

Демак, Машрабда шаҳидлик иштиёқи аввалдан бўлган. Бундан ташқари, Машрабдек мажзуби девона, ошиғи барҳақни Маҳмуд қатағон унга беодоблик қилиши биланоқ дорга тортмайди. Аввал у ҳибсга олинган. Уламолар, «Тазкираи Фаҳмий»да айтилгандек, унинг қатлига фатво тайёрлаганлар. Мансурдек дорга тортилиш эса шоирнинг орзуси бўлган. Шу орада Машрабдек

¹²⁸ Зокиров М. Эрк ва маърифат куйчилари. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. –Б. 42.

серзавк, иқтидорли шоирнинг дор, қатл, Маҳмудхон ҳақида шеър ёзиши эҳтимолдан холи эмас. Фақат кейинчалик қиссаларга кириб қолган шу мазмундаги ғазалларнинг барчасини ҳам Бобораҳим Машрабга тегишли деб бўлмайди.¹²⁹

А.Абдуғафуровнинг ҳам шу тўғридаги баъзи бир фикрлари баҳслидир: унинг фикрича, шоирнинг шаҳид бўлажаги, Балхда дорга осилажаги ҳақида мисра-байтлар, учровчи ғазал-мухаммаслар, қиссада воқеалар ривожига кўра ҳамда Машрабни авлиёлаштиришга уриниш, башорат, каромат соҳиби сифатида кўрсатиш ниятида бошқалар томонидан тўқилган. Шундай намуналарнинг бирида «Балх шаҳрида шаҳид бўлиши» башорат қилинса, иккинчисидан «Мансури Ҳаллождек дорга осилган ўзгинам» мисраси мавжуд:

... Дори Мансури аналҳақ жойидур,

Бош бериб юз минг нидо топсам керак.

Онаи зоримга берманглар хабар,

Балх шаҳрида қазо топсам керак.

Ёки:

... Неча Мансур ўлди иршодманд муҳаббат йўлида,

Манга ҳам дор қурулғонда етар бу қисматим.

Балх шаҳрида Маҳмудхон дорга остирган. Аммо Машраб бўлажак воқеаларни олдиндан аниқ каромат қилган ва шеърга туширган, дейиш ишонарли эмас.¹³⁰

Тадқиқотчилар Д.Ҳамроевнинг «...шу мазмундаги ғазалларнинг барчасини Бобораҳим Машрабга тегишли деб бўлмайди» ва А.Абдуғафуровнинг «Машраб бўлажак воқеаларни олдиндан аниқ каромат қилган ... дейиш ишонарли эмас» деган фикрларига қўшилиб бўлмайди. Бу ғазаллар нафақат қиссаларда, балки Машраб девонида ҳам бор ва Машраб зиндондалигида ундан олдин Ҳаллождек ўз ўлимини кўпгина ғазалларида тез-

¹²⁹ Ҳамроева Д. Бобораҳим Машраб ғазаллари поятикаси. Фил.фан. ном. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент: 2003. –Б. 22 .

¹³⁰ А.Абдуғафуров. Қалб қаъридаги кадриятлар. –Т.: Ўқитувчи, 1998. –Б.162.

тез эслатиб турган. (Таъкид: М.Ҳ. Машраб авлиё, “Қутбул ақтов” (Авлиёлар улуғи, у башоратгўй эканлигини унутмаслигимиз керак).

Ҳуқуқшунос Жўзжоний, адабиётшунос А.Ҳайитматов ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида Машраб хокининг кўчирилиш сабаблари турлича талқин қилинган ва ҳаммасида ҳам «Қиссаи Машраб»даги маълумотларга таянилган. Д.Ҳамроева талқини ҳақиқатга яқинроқ деган фикрни илгари суриш мақсадга мувофиқдир: «Каромат ва валийлик борасидаги халқ эътиқодини рағбатлантириш учун тўқиб чиқарилган айрим лавҳалар халқ китобларининг тарихий аҳамиятини камайтирган. Бироқ манқабанинг жанрий талабларидан яна бири мантиқий хулосалашдир. Масал сингари у қиссадан ҳисса чиқаришни талаб қилади. Вазир Масъуд Машраб ўлгандан сўнг унинг тушига кириб, ўз қабрини Ишконмишга кўчиришни васият қилганини айтади. Эртаси куни қабрнинг қибла тарафидан тешик пайдо бўлиб, буни ишорат деб тушунадилар ва қабрни Ишконмишга кўчирадилар. Аслида, бу каромат эмас. Унинг асосида Шарқ донишмандлигига хос ақлий бир тадбирни кўриш мумкин. Мақсад Маҳмуд катағондек қаттиққўл подшоҳ қатл эттирган Машрабни зиёрат қилувчи ихлосмандларга имтиёз яратишга интилиш бўлган. Чунки Ишконмиш ижтимоий-сиёсий марказ бўлган Балхдан узоқроқ, Тоҳар вилоятига қарашли тинч жой эди.

Маноқибларнинг оммалашиши, шоир шахсининг халқ орасида шуҳрат топиб бориши оғзаки ижодда кўплаб латифалар аралашшига ҳам сабаб бўлган.¹³¹

Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкираи қаландарон» асарида Машраб шахсиятининг қаландарлик даври ва унинг отолик катағонбий томонидан дорга осиб ўлдирилиш ҳолати ишонарли ёритилган. Тазкира ҳажман кичик бўлганлиги боис, (унинг кўп ўрни йўқолганлиги маълум) унда Машрабнинг дастлаб Наманганни тарк этиши, мулло Бозор охунд билан ўрталарида кечган баъзи тушунмовчиликлар, Машраб ортидан қўйилган хуфялар, шоир қалбининг озор чекиши ва ниҳоят Намангандан кетиши сабаблари кўрсатилган: ... Алғараз

¹³¹ Ҳамроева Д. Мшраб ҳақида қайдлар. Ўзбек тили ва адабиёти, 2003, 4-сон. –Б. 49.

Машраб халойиқ орасида машхурлик топди. Машрабнинг ринд табиати, оташнок ашъори ва ҳақгўйлигидан мутаассир кўймишди ва анинг теграсинда парвона бўлурди. Машрабнинг бир тоифа халойиқ ичра бу янглиғ бу турки сўфилар вужудига ғулғула солмиш. Ҳасаднинг зўрлиги андоқ даражада касб этмишки, Машраб борасинда охунд ҳазратлариға фиску фужур сўзламишлар. Охунднинг муборак кўнгуллари озор топмиш. Машрабни дуоибад қилмишлар¹³². Охири Маймоқ сўфи ва ҳамтабақлари муродига етмиш. Жаҳл ва фиску фужур нопок диллари лола бўлмиш бу энағар сўфилар шаккок, вале хуштаъб ва оташ нафас Бобораҳимни ороға олиб муборак дандонларини синдуриб, эл аро кўп надомат ва маломат қилдилар. Ривоят қиладиларки, бу машъум ҳаводисдан сўнг Машраб «Тақсир охундим, неча халойиқ низо айлаб кеча ва кундуз мани пойлаб юрурлар ва кўп маломат қилурлар. Эй охундим, менинг орқамдин мўралағичлар кўюб, шармисор қилмоқ орзусида эркансиз. Энди бу юрт сизга бўлсин. Бир ғилофга икки шамшир сиғмас эркан, бизга йўл бўлсин, аллоҳу акбар», дея Наманганни тарк этмишлар эмиш. Машраб бағоят озурда хотир, паришон кўнгул ва аламангез бўлуб, Наманганни тарк этмоқликдин ўзга иложи қолмади.¹³³

Шоирнинг Наманганда истиқомат қилишининг кейинги даврларида у «шаддод, номуссиз йигит» сифатида қаттиқ таъқиб ва таҳқирларга дучор бўла бошлайдики, унинг ҳаётидаги бу ходисалар ҳақида қиссада анчагина аниқ ишоралар бўлганидек, унинг шеърларида ҳам бундай шароитдан аччиқ шикоят оҳанглари кўзга яққол ташланади.

Машраб мулло Бозор охунддан барча илмларни эгаллагандан сўнг Қашқарга Офокхожа хузурига бориб унинг илтифотиға сазовор бўлган.

Ҳазрат Офокхожа Машрабга қайта-қайта ғазал ўқитади: Алқисса, Шох Машрабни ўқуғонлари Ҳазратимға хуш келиб, ишорат қилдиларки, яна ўқуғил:

Бузургу марди Худо деб дуо тилаб келдим,

Валийи шернамо деб паноҳ тилаб келдим.

¹³² Исҳок Боғистоний. Тазкираи қаландарон. «Шарқ юлдузи», 1990, 8-сон. –Б.155.

¹³³ Ўша манба, ўша жой.

Қўлиға ханжар олиб, ул санам деди: Бош бер!

Камина бекасу ожиз ризо тилаб келдим.

Қаландаринг яна Машраб йўлингга бош қўюбон,

Бу остонага яна зиё тилаб келдим.

Бу сўз Ҳазратимга хуш келиб, назари илтифотлари бирла караб, кўлларини очиб, Машрабнинг ҳақиға дуойи хайр қилиб, кифтига қоқдилар. Эrsa, бисмил бўлғон мурғдек, беҳуд бўлуб йиқилдилар. Шул соат подшоҳим Машрабни бошини тиззалариға олиб, ботиндин хабар олдилар. Эrsa, Машрабни дилини чироғига ёғ қуюб, пилтасини тайёр қилиб, равшан қилғоли бир пири комил топмай юргон экан.¹³⁴

Офоқхожа илмда ҳар томонлама етук, айниқса шеъриятда ниҳоятда нуқтадон воиз ва аллома эди. У Машрабдаги ўзига хос истеъдодни ва идрокни илғай олди ҳамда кўра билди. Бу ҳақда А.Абдуғафуров шундай дейди: Афтидан, Офоқхожа билим доираси жуда кенг, жумладан, бадий адабиётдан ҳам анчагина хабардор бўлган, хусусан, шеъриятнинг кадр-қимматини, унинг оммага таъсир кучини яхши тушунган. Шу боис, унинг даргоҳида шеърият ҳам юқори баҳоланган. Машраб ҳақидаги қисса маълумотлари худди шундан гувоҳлик беради. Бобораҳим билан илк учрашувдаёқ Офоқхожа уни шеъриятдан ўзига хос имтиҳондан ўтказди, жумладан, Хўжа Ҳофиз Шерозий ва ўз ғазалларидан ёддан ўқишни талаб қилади. Бу синовдан муваффақиятли ўтган Бобораҳимга, қиссада ёзилишича, Офоқхожа «Машраб» таҳаллусини беради. Бу маълумотнинг ҳақиқатга қанчалик мувофиқ эканини айтиш қийин. Ҳар ҳолда, айрим асарларда (шоирнинг) «Машраб» таҳаллусини Офоқхожа қўйганлиги аниқ равшан қайд этиладики, бу бежиз бўлмаса керак:¹³⁵

Офоқхожамки, суюб «Отинг Машраб!» дедилар,

Чунки Машраб мулло Бозор охунддан кейин шундай етишган устод талабида эдики, замонасида Офоқхожадан устун келувчи ўзга пирни топиш мушкул эди. Шунинг учун у пир этагидан тутиб, у томонидан барча сўфийларга

¹³⁴ Ҳасаний М. Муқаддима / Шоҳ Машраб киссаси. -Т.: Ёзувчи, 1991. –Б. 12.

¹³⁵ А.Абдуғафуров. Қалб қаъридаги кадриятлар. –Т.: Ўқитувчи, 1998. –Б.162.

нима буюрилса, унга ҳам худди шундай юмушлар буюрилади. Машраб буни лутф ва марҳамат деб билди:

Ҳажру фироқинг ўтида ошиқи беқарор ўзум,
Ой юзинг иштиёқида ошиқи хоксор ўзум.
Куйди юроким ўртаниб жабру ситамларинг билан,
Оҳима жовидон куяр, оташи тобдор ўзум.
Кўксима ханжаринг тегиб, оҳ ила аршни куйдуруб,
Қонима жисми жон бўяб гулшани лолазор ўзум.
Чину Намангон ичида юрди Раҳимбобо сўраб,
Топмади бир ҳодийини, толиби роҳ-барор ўзум.
Пинҳон Зулайҳо доимо Юсуфга интизор эди,
Икки жаҳонда ёрини излаган ошкор ўзум.
Ҳар нафасики менда бор бўлди мадад Офокхожам,
Бўлмаса бир курук ёғоч, даштида кўҳсор ўзум.
Қуддиса сирриху Хожам отимни Машраб дедилар,
Қошғару Ёрканд ичида соҳиби гуфтор ўзум.¹³⁶

Машраб фақат оташзабон ижодкор сифатидагина эмас, балки айни замонда адолатсизлик ва зўравонлик, қабоҳат ва жаҳолат билан асло келиша олмайдиган довюрак шахс сифатида ҳам донг таратган. Халқ тасавурида у жоҳил амалдорлар устидан кулувчи ахлоқан тубан кишиларни, мунофиқ дин арбобларини аёвсиз фош қилиб, меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя этувчи ботирсўз, тадбиркор курашчи тарзида шаклланган: оддий халқ Машраб тимсолида ўз ишончли вакилини, ўз орзу-интилишларини барала айта олувчи оташин сиймони кўрган.¹³⁷

Жаҳон адабиётида ўз ижтимоий фаолияти ва ҳаётининг зиддиятли эканлиги, ғаройиб воқеа-ҳодисаларга бойлиги туфайли халқ оғзаки ижоди ва бадиий адабиёт қаҳрамонларига айланиб кетган ижодкорлар мавжуд. Шу

¹³⁶ Бобораҳим Машраб. «Меҳрибоним қайдасан». –Т.: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. –Б. 109.

¹³⁷ А.Абдуғафуров. Буюк сиймолар, алломалар. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1997. –Б.46.

нуқтаи назардан олиб қараганда Раҳимбобо Машрабнинг ҳам адабиётимизда алоҳида ўрни бор. Машрабнинг нафақат шеърляти, балки унинг воқеа-ходисаларга, ғаройиб саргузаштларга бой бўлган ҳаёти ҳам оддий халқ дилини мафтун этган. Халқ йиғинларида Машраб ҳаётида рўй берган турли воқеа-ходисалар ибрат, шу билан бирга енгил кулгини уйғотувчи ҳазил-мутойиба сифатида эсга олинган ва бу ҳолат одат тусига айланиб борган.¹³⁸

Бобораҳим Машраб сиймоси «Тазкираи қаландарон» «Қиссаи Машраб» ва «Офоқхожа манақоби» каби тазкира, ривоятлар билан чатишиб кетган ва бошқа асарларда ҳам талқин қилинган.

Асли боғистонлик Исҳоқ Боғистоний «Тазкираи қаландарон» тазкирасида Машраб ва у билан жуда кўп юрт, мамлакатларни кезган қирқ қаландар, уларнинг яшаш тарзи, фаоляти, зиммасидаги юмушлар, дарвешлар тоат-ибодати ҳақида маълумот берган.

Маълум маънода гарчи ривоят тарзида нақл қилинган бўлса-да, «Тазкираи қаландарон»да Машраб борган шаҳарлар, шоирнинг Самарқанд ва Қабодиёнда Сўфи Оллоёр билан учрашувлари, уларнинг бир-бирларига ҳурмат-эҳтироми, савол-жавоблари жуда таъсирли берилган.

Шунингдек, тазкирада Машрабнинг Наманганда мулло Бозор охунд билан ўрталарида бўлган баъзи тушунмовчиликлар, шоирнинг Балх ва Қундузга бориши, Маҳмуд қатағонбий билан бўлган қаттиқ тўқнашуви каби ҳолатлар тасвири берилган.

XVIII- XIX – XX асрларда ҳам «Қиссаи Машраб» халқимиз томонидан севиб ўқилган асарлар сирасига киради. Бу асар «Девонаи Машраб», «Шоҳ Машраб», «Ғазали эшони шоҳ Машраб», «Эшон Машраб», «Эшон шоҳ Машраби девонаи Намангоний», «Мухаммаси шоҳ Машраб» каби номлар билан китобат қилиниб, машрабхонларнинг сеvimли асари сифатида катта шуҳрат қозониб, ўқиб, ўрганиб келинган.

¹³⁸ Мусурманов Эркин Раббимович. Раҳимбобо Машраб ва унинг бадиий адабиётдаги талқини. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Самарқанд, 1995. –Б.3-4.

Тараққийетимиз ўзгалар томонидан бошқарилган пайт, Машрабнинг «Мабдаи нур», «Кимё» асарлари бошқа Машрабларники дейилган кезларда «Қиссаи Машраб» китоби ҳам деярли 70-80 йил мобайнида чоп этилмай тақиқлаб қўйилди ёки диний тус берилиб уни ўқиш, ўрганиш мумкин эмасдек, «зарарли» китоблар сирасига киритилди.

Мустақилликдан сўнггина «Қиссаи Машраб» чоп этилиб, халқимизга туфха қилинди. Асарнинг дастлаб «Шарқ юлдузи» журналида илк варианты, кейинчалик адабиётшунослар М.Жўраев ва С.Рафиддинов томонидан сўзбоши ёзилиб чоп этилиши адабиётимизнинг ҳам ютуғи бўлди, дейиш мумкин.

«Қиссаи Машраб» халқ китобларига ўхшаб кетади. Уни ўзбек фольклорининг тарихий ривоят ва тарихий афсона жанрларига хос ҳикоялар деса ҳам бўлади.

Ундаги ривоятлар ҳам ҳатто бадиийлашган тарзда берилганлиги билан аҳамиятлидир.

Машрабнинг турли жанрдаги, хусусан, ғазаллари ривоятларга мос ҳолда «қисса»га синдириб юборилган.

«Қиссаи Машраб» муаллифи Пирмат Сеторийнинг фикрича, ҳамма ерда оташин шеър ўқиган, сўфий, авлиё Машрабни аввало халқ оммаси ҳар жойда иззат-хурмат билан кутиб олган, ундан оташин ғазаллар тинглаган, у танбури билан ўз ғазалларини ашула қилиб айтиб берган.

Меҳнаткаш халқ Машрабни адолат жарчиси, ҳоким табақа ва зоҳидлар уни журъаткор шахс сифатида билса-да, ундан чўчиганлар, ҳатто динни, исломни менсимасликда айблашган. «Қиссаи Машраб»да ёзилишича, шоир доимо азиз авлиёлар хилхонасини, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилган, дини исломга асло тил теккизмаган.

Академик Б.Валихўжаевнинг фикрича, «қисса» халқ китоблари талаблари бўйича қайта ишланиб, унда шоирнинг бадиий сиймоси яратилган.

«Қиссаи Машраб»нинг кульминацион нуқтаси унинг Маҳмуд қатағонбий билан журъатли мунозараси ва хоннинг уни зиндонбанд қилиб, дорга осиши воқеаси билан хотима топган.

Алҳол, Маҳмуд қатағон Машрабни ўлимга ҳукм этса-да, уни 40 кун зиндонбанд қилиб, аҳли уламо олдида тавба қилса, гуноҳини афв этиб, озод қилиб юборишини билдирган. Аммо Машраб тупурган тупугини қайтиб олмаслигини, дор остида ҳам Ҳақ сўздан қайтмай Маҳмуд қатағондан нажот ва узр сўрамаган. «Қисса»да айтилишича, қатағон уламоларга кўзимни қисиб айтмабмидим, шунча гуноҳкорни гуноҳини сўраб оласизлар, нега Машрабнинг гуноҳини сўрамадинглар, энди тонгла қиёматгача Аллоҳ ва бандалари олдида юзим қора бўлди дея афсус-надомат чеккан.

«Шоир сиймосининг «Қиссаи Машраб»да ёритилиши» мавзусига хулоса қилинганда, ундаги ривоят ва афсоналарнинг ҳаммаси шоир сиймосини яратишда зарурий манбалар эканлигини таъкидламоқчимиз. Машраб ҳаёти ва ижоди ҳақидаги тарихий-биографик асар вазифасини бажара олмаса-да, унда хассос ижодкор дунёқарашининг кўпгина нозик қирраларини тушуниш имконини берадиган энг муҳим маълумотлар, шоир яшаган давр руҳини ўзида акс эттирувчи ҳаётий лавҳалар учраши билан унинг илмий – амалий аҳамияти қимматлидир.

Шунингдек, у оммабоп ва ҳаммабоплиги, жамият турли қатламлари томонидан тез қабул қилиниши ва эсда қолиши билан, ўқимишлилиги, назм ва наср намунаси билан омукта эканлиги, бадииятининг жозибаси, халқоналиги, миллий қадриятлар билан қоришиқлиги, асосийси, тез эсда муҳрланиб қолиши, мазмун ва моҳиятида янада чуқур мантиқ борлиги билан аҳамиятли ва муҳим асардир.

«Шоҳ Машраб»да воқеалар тизими ҳудди халқ дostonларидек берилиб, унда Машрабнинг туғилиши, дастлабки савод чиқариши, мулло Бозор охундга шогирд тушиши, илмларни эгаллагач, Қашқарга сафари, Офоқхожа хонадонига келиб, пирга мурид тушиши, етти йиллик хизмат ва тариқат йўлини ўрганиши, Қашқар ва Ёркентда шоир бўлиб танилиши, Офоқхожа хонадонидаги Тўтинисога бўлган соф туйғуси, ҳазратнинг уни жазолаши, қалмоқ юртида Кунтожихоннинг йилқиларини боқиши, жуда кўп шаҳарларга саёҳати, Сўфи Оллоёр билан уч бора учрашуви, охир оқибат Балх ва Қундузга келиши,

Маҳмуд қатағонбийнинг хунрезлигига исёни ва ниҳоят шаҳид бўлиб дорга осилиб, ҳаётининг интиҳо топишигача бўлган воқеалар муфассал ривоят ҳолида берилган.

Машраб асарлари тадқиқотчиси Исматуллоҳ Абдуллоҳ «Қиссаи Машраб»нинг халқ оммаси, хусусан, аёллар томонидан севиб ўқилиши, шуҳрат қозониши, унинг авлодлар томонидан ардоқланиб ўрганилиши, шунингдек, машрабхонликларда, масжидларда, чойхоналарда, мадрасаларда, йиғинларда иштиёқ билан ўқилиши, жозибадор шеърларини ҳофизу, гўяндлар томонидан ашула қилиб куйланиши, афсона тарзида тингланиши унинг жозоба кучи, оҳанграбоси ва мазмун-моҳияти билан оммани ўзига жалб қилишида деб хулоса чиқаради.

Не-не ҳукмдорлар унинг карвонсаройларга, такяхоналарга тушганидан хабар топиб, то у турган ердан ўз саройигача пояндоз солишган, унга тухфаю тортиқлар беришган, аммо Машраб уларни назарига илмаган.

Унинг ғоя, маслағи шундай эди:

Бир мартабада турмас эмиш шоҳ ила дарвеш,

Бас, жандани кийдиму, ўзим и дарбадар эттим.

«Қиссаи Машраб»да айтилишича, тарихий Машраб ва унинг реал фаолияти тўқима Машраб ва у ҳақдаги саргузашт-ривоятлар билан қўшилиб, халқ қаҳрамони типидан Машраб образи юзага келган.

Машраб образи «қисса»да оташзабон шоиргина эмас, қабоҳат ва жаҳолат, адолатсизлик ва зўравонликка қарши довюрак шахс ва ҳеч иккиланмай халқ томонда туриб разолат ва сафолатга қарши курашувчи сиймо сифатида ҳам тасвирланган.

I.3. Талабаларга маънавий-ахлоқий тарбия беришда Машрабнинг ижтимоий–маънавий мероси дидактик асос сифатида

Кейинги ўттиз йилдан кўпроқ даврда машрабшуносликда чуқур тадқиқотлар олиб борилиб, унда шоир ижодиёти маҳсули бўлган ғазалиёти ва турфа жанрдаги шеърини унинг ижодига мансублиги, Машраб ҳақидаги турли

киссалар унинг шахсиятини аниқлагани, катта баҳс мунозараларга сабаб бўлган «Мабдаи нур» ва «Кимё» шеърӣ асарлар Бобораҳим Машрабга тааллуқли эканлиги илмий асосланди. Муҳими, Машрабнинг кўплаб янги шеърӣ асарлари топилиб, жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди. Шундай бўлса-да, баъзида матбуотда ғайри илм акс этиб, шоирга тааллуқли асарларни бошқа ижодкорларга нисбат бериш ҳолати рўй бермоқдаки, у машрабхонларни чалғитиб, ўринли эътирозларга сабаб бўлмоқда.

Бизнинг мақсадимиз, шу баҳс-мунозараларга чек қўймоқ ва илмийлик, холислик, педагогик қарашлар нуқтаи назаридан масалага ойдинлик киритмоқликдир.

Жамиятдаги ва атрофдаги фалокат ва ҳалокатларни ўз нафси, ўз феълидан кўриш авлиёларнинг улуғларида бўладиган бир ҳолдир. Машраб ўз шахсини хор ва залил тутиб, “Нафси шайтон амридин ман айладим доим гуноҳ”, “Эгасиз итлар каби нафсим учун оввораман”, “Мани йўлдин адаштурди бу нафси номусулмоним”, дея ўз кўксига тошлар отади ва Аллоҳнинг шафқатпаноҳ Расулидан осий умматга шафоъат талаб қилади:

Ё Муҳаммад Мустафо, Сиз барчага шафқатпаноҳ,
Нафси шайтон амридин ман айладим доим гуноҳ,
Илтифотинг бўлмаса, тонгла бўлур ҳолим табоҳ,
Кайда боргайман мани шармандайи нома сиёҳ,
Осий умматга шафоъат, ё Муҳаммад Мустафо!¹³⁹

Ўрни келганда айтиш лозимки, Аллоҳнинг Расулига бўлган чексиз муҳаббат, у зотнинг дийдорига бўлган сўнгсиз иштиёқ, у зотнинг шафоъатларидан умидворлик туйғулари Машраб ижодида шундай порлаб, ял-ял ёниб кўринадики, бошқа бирор шоир шеъриятида бунчалик ҳолни кузатиш қийин. Шоирнинг хавфу ражо-қўрқув ва умид орасидаги изтиробларидан бири ушбудир:

Киёмат ёдима келганда, титрайдур манинг жоним,
Билолмайман, нечук бўлғай кетар вақтимда иймоним,

¹³⁹ Машраб. Куллиёт. Мирзо Кенжабек сўзбошиси. Т.: “Мухаррир” нашриёти, 2017. –Б. 27.

Мани йўлдин адаштурди бу нафси номусулмоним,
Бу боисдин оқар ёш ўрнига селобдек қоним,
Расулуллоҳ сабо махшарда “Уммат!” деб чақирғайму?¹⁴⁰

Хатирчилик Ж. Юсупов: Машраб – миллатнинг азобда қолган виждони.
Бу виждон саси бизни мудом Илоҳий хурликка даъват этади»¹⁴¹, -деганда ҳақ эди.

Шоир Бобораҳим Машраб адабий мероси ҳақида фикр юритиб, М. Зокиров куйидаги фикрларни қайд этади: «Машрабнинг адабий-ижодий мероси ҳам худди унинг ҳаёт йўли каби замонлар ўтиши билан афсоналар пардасига чулғаниб, пароканда бир ҳолатда бизгача етиб келганки, бу чалкашлик ва ноаниқлик шоир адабий меросининг чегараларини аниқлаб олиш масаласини ниҳоят даражада мураккаблаштириб юборганлиги ўз-ўзидан аёнди¹⁴².

Шу боисдан, Машраб адабий меросининг ҳозирча шартли равишда бўлса ҳам маълум ҳадди-худудини белгилаб олишда бир қанча ўзига хос илмий тамойиллардан фойдаланиш лозим топилдики, ана шу қиёсий-услубий, илмий тадқиқотлар туфайлигина нисбатан тахминий хулосага келиш мумкин.

Маълумки, Бобораҳим Машраб асосан ўзбек (турк) тилида, қисман форс ва араб тилларида ҳам ижод қилган».

Ер бағридаги маъдан моддалар ҳарорат зўридан эриб, оловга айланиб, даҳшатли бир қудрат билан вулқон бўлиб ажралиб чиққанидай, чорасиз, эзилган халқнинг дарду аламлари садпора юраклардан кўтарилган ҳасрат-нолалар ҳам йиғила бориб, бу осий заминга сиғмай, вақти-вақти билан портлаб кўкка ўрлайди ва худди ана шундай замонда Машраб каби шоирлар туғилади-да, бу дарди аламлар тўфони алангаланган шеър бўлиб янграйди – мол-дунё хирсу ҳавасидан кўр дийдаларни бино этиш, ғафлат ғубори беркитган маърифат булоқларининг кўзини очиш, сўлғин дилларга мадад бериб, карахт виждонларни ҳаракатга келтириш учун дунёга келган ялавоч – жарчи шоирнинг шўри ғавғоли исёнкор шеърятти бунёдга келди. Машраб шеърятти

¹⁴⁰ Ўша манба, ўша жой.

¹⁴¹ Ж.Юсупов. Машраб. Сўзбоши. Шеърлар. Тафаккур, 1997, 3-сон. –Б.60.

¹⁴² М.Зокиров. Машраб. Адабий-танқидий очерк. Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1966. –Б. 34.

тадқиқотчиси Ж.Юсупов фикрича: Машраб шеърляти бу дунёдан норози кетган аламзада, покдил инсонларнинг виждон кичкириғи, нур қидириб, нурга талпинган юракнинг нола-фиғони . Унинг шеърларининг ҳар бири – бир лахча чўғ, ёндирувчи олов: «Бошимдан оёғим туташиб хирмани оташ».¹⁴³

Машраб классик адабиётимизнинг етакчи жанрларидан бири бўлмиш ғазалнинг янада ҳақчил, ранг-баранг ва ижтимоий мазмундор бўлишига катта ҳисса қўшди. У ғазал жанрида, ижтимоий фикрларни, ўша давр ва тузум тартиб-қоидаларидан норозилик мотивларини, уларга нисбатан танқидий карашларини бадиий юксак лирик формада ифодалай билди. Аммо шоир соф ишқий-лирик ғазалларнинг мохир устаси сифатида кенг шуҳрат қозонган; у ишқий лириканинг энг етук намуналари ҳисобланишига лойиқ ўнлаб бетакрор асарлари билан адабиётимизнинг тарихида алоҳида ўрин тутди. Шоир лирикаси ёшу қари, аёлу эркак ғазалхоннинг, тингловчининг юрагидан мустаҳкам жой олиб, ўзига мафтун этади, уни ҳаяжонлантиради, ўйга чўмдиради, завқини келтиради, Машраб лирикаси ана шундай ўзига тортиш кучининг, қалбларни тўлқинлаштириш қудратининг сабаб-сирлари, бадиий юксаклик даражасига кўтарилиш омиллари кўп ва хилма-хилдир.¹⁴⁴

Машраб ижодини ўрганишда Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 9968 рақамли қўлёзмада «Мабдаи нур», «Кимё» асарлари Машрабга тааллуқли эканлигини исботловчи далиллар бор. Бу манбадан ташқари «Тазкираи Фаҳмий», «Мунтаҳаб ат-таворих» (Муҳаммад Ҳакимхон тўра асари) ва Машраб замондоши, у билан бирга бўлган Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкираи қаландарон» асари ғоятда қимматлидир.

Машраб ўзининг ғазал ва рубойларида Илоҳий ишқни, Худога муҳаббатини жуда жозибали тасвирлайди, лекин айна бир вақтда реал дунёнинг ишлари, ғам-ташвишлари, инсоний фазилатларга эга бўлиш, халқнинг аҳволини яхшилаш муаммоларини ҳам унутмайди.

¹⁴³ Бобораҳим Машраб. Мехрибоним қайдасан. – Т.: Фафур.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. –Б. 5.

¹⁴⁴ А.Абдуғафуров. Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижоди. Ўзбек адабиёти тарихи. II том. -Т.: Фан, 1984. – Б. 257.

У дин йўлидан чиқиб кетган, шариат қонунларига риоя қилмай, риёкорлик, муттаҳамлик, фирибгарлик, бузуқчилик билан шуғулланаётган баъзи бадахлоқ ва баднафс дин вакиллари фаш қилиб, уларни тўғри йўлга солмоқчи бўлади. Шоирнинг замондоши Исҳоқ Боғистоний «Тазкираи каландарон» рисоласида Машрабнинг дин ва унинг вакилларига муносабатини жуда яхши тасвирлаб берган.

Фикҳ олими ва адабиётшунос, педагог Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний фикрича, Машраб нафақат Ўзбекистон ва Ўрта Осиё худудида «вахдат» (бирлик, якка-ягоналик, танҳолик) ирфоний-фалсафий йўналишининг охириги намояндаси ҳисобланади. Ундан кейинги айрим шоирларда ушбу тамойил баъзан кўзга ташланса ҳам, кўпинча тақлид асосида бўлиб, чуқур ақидавий ва ғоявий негизга эга эмас.

Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижоди билан бир қатор таниқли педагог олимлар, айниқса, Абдуқодир Ҳайитметов, Абдурашид Абдуғафуров, Ғайбулло Саломов, Ваҳоб Раҳмонов, Комилжон Исроилов, Жалолиддин Юсупов ва бошқалар узоқ муддатлардан бери шуғулланиб келиб, унинг шеърий тўпламини тайёрлаб, таржимаи ҳолини ёзиб китобхонларга тақдим этганлар. Айниқса Жалолиддин Юсупов томонидан интиқодий услубда тайёрланиб, муфассал сўнг сўзи ва луғатномалар билан 400 бетда нашр этилган «Меҳрибоним қайдасан» номли Машрабнинг катта шеърий тўплами ўзига хос аҳамиятга эга. Таниқли олимлар Нажмиддин Комилов ва Ғайбулло Саломов томонидан ёзилган сўз боши ўз илмий таҳлили ва интиқодий томонлари билан Машрабнинг бадиий ижоди ва дунёқарашини яхши англаб олишга ёрдам беради.¹⁴⁵

Асар тўпловчиси шоир асарларини ўз ичига олган 12 нусхани солиштириб ўрганиб, мазкур тўпламни катта меҳнат ва узоқ муддатли саъи ҳаракат билан тайёрлаган. Ж. Юсупов кўп жойларда шеърлардаги камчиликларни тузатишга уриниб, баъзан уларни қиёсий шаклда, баъзан мантиқий йўсинда ва баъзан ўзининг шахсий завқи, тушуниш ва таъбири

¹⁴⁵ Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Бобораҳим Машраб. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент, Адолат, 2001. – Б. 149.

асосида ислоҳ қилиб келган. Лекин бу соҳада бажарилган ишлар етарли эмас. Ж.Юсупов ўзи ёзган сўнгги сўзда «Машрабнинг ҳаёти ва айниқса бадиий меросини тадқиқ қилишдек шарафли, айтиш чоғда жуда мураккаб иш давом эттирилиши керак» деб таъкидлаган эди. Негаки ҳануз ҳам Машрабнинг шеърларида аруз вазнлари ва мазмун нуқтаи назаридан анча камчиликлар ўзини сақлаб қолган. Агар шоирнинг буюк иқтидори, илмий даражаси ва олий шеърый қарихасини (истеъдод) назарда тутадиган бўлсак, мазкур камчиликларни (айримларидан ташқари) унинг ижодида табиий деб тасаввур қилишга ҳақли эмасмиз. Шунинг учун ушбу Ҳаллоҷ ва Насимий йўлдоши, Ибн ал-Арабий ва Жалолиддин Румий издоши ижодининг мукамал илмий интиқодий матнини тайёрлаб, ундаги ирфоний атамалар, талмийҳлар ва тарихий образлар, Қуръон оятлари ва ҳадисларга тегишли ишоралар, арабча мисралар ва ибораларни изоҳлаб ўтиш буюк фахрли вазифа ҳисобланади.¹⁴⁶

Академик Воҳид Абдуллаев Машрабнинг ижтимоий-маънавий, тасаввуфий ва адабий мероси ҳақида ўз вақтида тадқиқот олиб бориб, шоир ижодининг ўрганилиш тарихи, унинг ғазалиётидаги исёнкорона ташбеҳлар, ишқий лирикасининг Илоҳий жозибаси, шоир шеъриятидаги маҳорат ҳақида чуқур илмий изланиш қилган. «Адабиётшуносликда яқин йилларга қадар «Девонаи Машраб», «Мабдаи нур» ва «Кимё» номли уч асар Бобораҳим Машрабга нисбатан берилар эди. Олимларимиз тадқиқотлари «Мабдаи нур» номли мистик асарнинг Бобораҳим Машрабга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини кўрсатди. «Кимё» асарининг Машрабга тааллуқли-тааллуқли эмаслиги ҳозирча аниқланган эмас. «Кимё» диний-афсонавий ҳикоятлардан ташкил топган ва Машраб дунёқарашига мувофиқ келмайдиган тасаввуфий бир асардир. «Девонаи Машраб» («Девони Машраб»)даги шеърларнинг кўпчилик қисми эса, шубҳасиз, Бобораҳим Машрабнинг адабий меросидир.»¹⁴⁷

Юқоридаги фикр замонасозлик оқибатими ёинки ҳақиқатда В.Абдуллаевнинг кузатишларими, бунга фатво бериш мушкул, лекин омма

¹⁴⁶ Юқоридаги манба. –Б. 150.

¹⁴⁷ В.А.Абдуллаев. Бобораҳим Машраб .Ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: «Ўқитувчи», , 1980. –Б. 143.

тугул, илм кишиларининг ҳам чалғиши муқаррар ҳодиса. Негаки, Машрабнинг ижод маҳсули бўлган «Мабдаи нур», «Кимё» унга алоқаси йўқлиги айтилмоқда.

Машраб тадқиқотчиси, адабиётшунос Ҳамроева Дилором «Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси» мавзуида миллий адабиёт тарихи доирасида номзодлик десертацияси ҳимоя қилиб, машрабшуносликка ҳисса қўшди. Олима Машраб ижодининг турли қирраларини чуқур ўрганишга ҳаракат қилган, унинг поэтик маҳоратини чуқур таҳлил этган. У бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: Машраб мероси ўзбек адабиёти тарихида ўз мақеиға эга. Машраб шеърляти мумтоз адабиётнинг энг илғор анъаналари заминида шаклланган. Айни пайтда, у ўзига хос моҳият ва жозибатга эга шеърлят. Шоир ижодида Аҳмад Яссавий, Ҳофиз Шерозий, Жалолиддин Румий, Лутфий, Имомиддин Насимий, Алишер Навоий, Шавкат Бухорий, Ҳилолий, Рабғузий шеърлятининг таъсири кўринади. Машраб ижодини шартли равишда уч босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич, Наманган адабий муҳитида шаклланган Машраб лирик шоир сифатида кўзга ташланади. Унинг шеърлярида инсоний туйғуларнинг берган ифодаси, ўзига хос бир завқ, туғён устунлик қилади.

Иккинчи босқич, Машраб ижодига Қашқар адабий муҳити ҳам катта таъсир ўтказган. Тасаввуфий истилоҳларнинг Машраб шеърлярига чуқур кириб бориши, Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Лутфий, Алишер Навоийнинг ирфоний ғазалларига эргашиш шу даврларга тўғри келади.

Учинчи босқич, Офокхожа даргоҳини тарк этгач, Машраб қаландар либосида дунё кезган. Турли халқлар маданияти, адабиёти, таълимотлари билан танишган. Жумладан, Имомиддин Насимий ҳаёти ва ижодининг Машрабга таъсири беқиёсдир. Насимий шеърляти Машрабни Мансур Ҳалложга яна ҳам яқинлаштирган. Бир сўз билан айтганда ушбу босқичдаги Машраб – руҳоният куйчиси.¹⁴⁸

¹⁴⁸ Ҳамроева Дилором Юнусовна. Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган десертация автореферати. . – Тошкент: 2004. –Б.18.

Бобораҳим Машраб ўзбек классик адабиётнинг порлоқ юлдузларидан бири сифатида асрлар оша ўзидан таратган нур билан қалбу – руҳимизни ёритиб, ўз ёқимли шеърлари билан халқимизга манзур бўлиб келмоқда. У ҳам сўфий, ҳам лирик ва файласуф шоир, айна ҳолда инсонпарвар мутафаккир ва эркин тафаккур яловдори, адолатсизликка қарши кураш фидоий йўлчиси эди.

Замон ва замин дардини ўзида сингдирган Бобораҳим Машраб халқ ичида юриб, ҳақсизлик ва жаҳолатга қарши исён қилади. Аммо унинг исёни, олимларимиз ёзиб келганидай, зодагон тузумга ёхуд дин ва Худога қарши исён эмас, балки, аксинча, динни шайтоний нафсга қурбон қилган, мунофиқ ва порахўр, таъмагир кишилар, уларнинг ҳамтовоқлари бўлган ўзга «аҳли бадкирдор»га қарши исён эди. Агар тасаввуфий нуқтаи назардан янада чуқурроқ олиб қарайдиган бўлсак, бу дунёнинг ўзига, барча нокасликлар, ишқсизлигу Илоҳсизликлар жамулжамлигига қарши норозилик исёнидир. Шу учун ўз руҳининг аршга кўтарилгани, кайхоний парвозидан ҳайратланувчи Машраб, айна вақтда фалак зулмидан, «бахти қаролар подшоҳига» айлангани, «жафодан монанди лол» бўлганини айтиб нолийди, зоҳирни кўриб, ботинни англамайдиган калтафаҳм баъзи муллолар, ҳаром ва порадан ҳазар қилмайдиган муллоларни ҳажв остига олади, соф «заминий» шеърлар битади:

Тинмайин юрдум бу ғам даштида ҳайронлик билан,
Охир умрим ўтди, сад афеус, нодонлик билан.
Бир гули шодим очилмай бахт гулистони аро,
Ҳайф умрим оқибат ўтти паришонлик билан.
Баски илму ҳолу қолнинг йўлида қилсанг амал,
Ушбу муллолар бари бухлу ҳаводорлик билан.
Неча мулло илм ўқуб, роҳи шаётинни топиб,
Чун рибоу ришвани ерлар хушдорлик билан.
Рост сўз айтсанг аларга зарра қилмаслар қабул,
«Куфр айттинг!» деб урарлар неча озорлик билан.
Машрабо, ҳар бир сўзунгдур гавҳари қимматбаҳо,

Айтма бу сўзларни ҳар нокасга нодонлик билан.¹⁴⁹

Машраб лирикаси ўта таъсирчандир. Унинг ғазаллари, мухаммас ва мураббаълари китобхонга янги-янги ҳис-туйғулар бахш этади, тўлқинлантиради. Машраб туб маънода сўз санъаткоридир. Унинг мисралари мантиқан равшан, у ҳар бир сўзни тежаб ишлатади ва натижада мисралар, байтлар ягона бир бирикма даражасига кўтарилади:

... Кунда юз минг жабр қилсанг, ўргулай,

Қўй қадам ғам юкини бардошима

Машраби девонани ҳайрон этиб,

Не сабабдин келмадинг бир қошима?

Машраб ижодининг асосий йўналишини унинг халқчиллиги белгилайди. Унинг ўзи ҳам халқ оммаси каби ҳаёт кечиради, халқ орасида юради ва булар ҳаммаси унинг ижодига ижобий таъсир қилади. У оддий одамларнинг – қийин ҳаёт кечираётганларнинг ахлоқи, виждони соф эканлигини ва бу жиҳатдан уларнинг ҳар қандай дин арбоби, амалдорлардан устун эканлигини кўрди ва тушунди. Шунинг учун уларни Бадахшон лаълисига, золимларни эса қора тошга ўхшатиб, фахр билан қуйидаги байтларни ёзган эди:¹⁵⁰

Муддаи марди Худодин ўзини тутса баланд,

Қаро тош ёқут ўлуб, лаъли бадахшон бўлмас.

Машрабо, гар сени ҳижрон ўқи минг пора қилур,

Ғам ема, лаъл неча порадуар арзон бўлмас.

Ёзувчи Ҳамид Ғулом Машраб таваллудининг 350 йиллиги муносабати билан «Машрабга дебоча» номли мақола ёзган. Бобораҳим Машраб ўзи ҳаёт вақтидаёқ фақат Туркистонда эмас, балки бутун мусулмон Шарқида инсонпарвар, халқчил шоир сифатида донг чиқарди. Биз унинг қадами етган ҳар бир масканда алоҳида эъзоз ва эҳтиром билан кутиб олингани, олимлар ва шоирлар анжуманининг гули бўлганини, ғазаллари ҳофизлар томонидан севиб

¹⁴⁹ Бобораҳим Машраб. Мехрибоним қайдасан. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. –Б. 129.

¹⁵⁰ А.Ҳайитметов. Ҳаётбахш чашма, Мақолалар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1974 –Б. 158.

куйланганини яхши биламиз. Шоир узоқроқ яшаган Наманган, Қашқар, Туркистон (Ясси)дан ташқари, унинг Хўжанд ва Бухородан олимлар, шоирлар, ҳатто арқони давлат мажлисларида жўшқин маърузалар қилганлиги, мушоира, мусохабаларда ҳамиша ғолиб чиққанлиги бир қанча хотираномаларда қайд этилган¹⁵¹.

А.Абдуғафуровни замонасозлик қилиб, Машраб пири Офокхожа юзига «лой чаплаб» ташлаганини ва шоир шеърятини билъакс, терс таҳлил қилиб мақолалар ёзганлигини, лекин бирон-бир ўринда Машраб олдида гуноҳкорлигини эътиборга олиб, тавба қилганлигини учратмадим. Аммо шундай бўлса-да, адабиётшунос кейинги мақолаларида Машраб шеърятидаги диний истилоҳлар ва қарашлар, Офокхожанинг Машрабга бўлган ёндошувини тўғри изоҳлаб, шарҳлай олган: Офокхожа билан Машраб ўртасидаги муносабатлар асло ғоявий душманлик тарзида кечмаганлигини – ўз ҳаётини, барча фазилатларини, ҳатто «ҳар нафаси»ни пирининг шарофатидан, деб очик ойдин таъкидлайди.

Ҳар нафаски, манда бор бўлди мадад Офокхожам,

Бўлмаса бир қуруқ ёғоч, даштда кўхсор ўзум.

Машраб ижоди таҳлилида, у ҳақдаги қиссалар ва уларнинг турли вариантларига, ривоят ва афсоналарда шоир шахсияти, унинг ижодига мансуб шеърларнинг қиссаларга сингдириб юборилганлиги ҳолатларига эътиборни қаратамиз.

Ривоят ва афсоналар халқимизнинг Машраб шахсияти ва ижодига беқиёс меҳрининг тимсолидир. Бинобарин, «Қиссаи Машраб» шоир тўғрисидаги халқ ривоятлари ва афсоналарининг Пирмат Сеторий томонидан жамланиб, бадий жиҳатдан қайта ишланган ва китобот қилинган намуналаридир. Шоир ўзи ҳаётлик вақтидаёқ унинг дилрабо ғазалларини ҳофизлармиз севиб куйлашгани сингари «икки жаҳонга сиғмаган» соҳиби ишқнинг ғаройиб ҳаёт йўли муқаддас қадамжолар ва азизлар остоналарини зиёрат қилиб юрган бузруквор шоир – қаландар тўғрисидаги ҳикоялар оғиздан-оғизга ўтиб, эл орасида ривоятлашиб,

¹⁵¹ “Ўзб. адаб. ва сан.”. 2001 йил, 21 май.

Машраб номи тилларда дoston бўлиб кетган. Кейинчалик эл орасида тарихий наср намунаси сифатида оммалашиб улгурган бу ривоят ва афсоналар халқ оғзаки ижодиётининг маҳсули бўлиб, бизгача асосан оғзаки ва ёзма манбалар орқали етиб келган.

Фитратнинг «Машраб» номли тадқиқоти XX-асрнинг 20-йиллари охирида Машраб шахси ва ижоди ҳақида нотўғри тасаввурлар кенгайган бир пайтда яратилди. В.Вяткин, Ғафур Ғулом ва бошқа кишилар шоирни «Икки Машраб»га ажратишга уриниб, унинг «Мабдаи нур» асари билан тасаввуфий шеърларини бошқа Машрабга «инъом» қилаётган бир пайтда бундай илмий кашфиётлар нотўғри эканлигини кўрсатиб берган мақоладир. Шунинг учун ҳам у машрабшуносликда то ҳозирга қадар ўз кучини йўқотмаган чуқур тадқиқот саналади.¹⁵²

Мақолада Машраб ижодининг ўрганилиш тарихи, унинг қаландарлик тариқатини қабул қилиши, шоир асарлари ҳақида сўз боради. Унинг биз учун қимматли томони шуки, унда Фитрат – Машраб асарлари бўлган «Мабдаи нур», «Кимё» асарларини ҳақиқий наманганлик мутасаввиф шоирга тегишли эканлигини исбот этади: Унинг бу кун бизга маълум бўлган асарлари мақоматида унга нисбат берилган шеърлар, 1906 йилда Қозонда босилган «Боқирғон китоби»да Машраб тахаллусли парчалар ҳам Машрабга нисбат берилган «Мабдаи нур» ва «Кимё» исмли манзуб китоблардан иборатдир. «Боқирғон китоби»даги ўн парчанинг шул бизнинг Машрабнинг асарлари экани манқабани китобидаги шеърларни текширганимизда қатъий суратда онглашилди. Ундаги шеърларнинг ҳаммаси оз – кўб ўзгаришлар билан манқабда мавжуддир. Шунинг учун биз тўппа-тўғри манқабдаги шеърлар ҳақида гапураимиз: манқабанинг Машраб томонидан эмас, унинг муриди ё муриднинг муриди бўлган бир киши томонидан афсонавий ва хаёлий бир шаклда тартиб қилингани бўлган гап.¹⁵³

¹⁵² Дўстқораев Б. Ўзбек насрида Машраб тимсолини яратиш тажрибаси ҳақида мулоҳазалар / Мустақиллик даври адабиёти. Тўплам.–Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. –Б. 94.

¹⁵³ Ўша асар. –Б. 94.

Фитратнинг хабар беришича, «Мабдаи нур» Румийдан таъсирланиб ёзилгандир. Жалолоддин Румий «Маънавий маснавий»сини форс тилида ёзган бўлса, Машраб унга эргашиб, «Мабдаи нур»ни туркий тилда ёзган. Фитрат бу ҳақда шундай дейди: «Энди Машрабга нисбат берилган «Мабдаи нур» китобига кўчайлик. 1912 йилда Бухорода бош босмада босилган бу китоб машҳур Жалолоддин Румийнинг маснавийсига ўзбек тилида шарҳ каби ёзилгандир. Жалолоддин Румийнинг маснавийсидан баъзи байтлар олинган. Ҳар бир байтнинг форси(й)ча матнидан кейин айнаи вазнда ўзбекча манзум шарҳ бошланадир. Шарҳда Жалолоддин Румийнинг сўфиёна рамзлари изох этиладир. Ондан кейин сўзнинг боришига муносиб бир-икки ҳикоя берилладир. Аксарият эътибори билан бу ҳикоялар машҳур сўфийларнинг ҳаётларидан олинган ёхуд шуларнинг ҳаётига боғланган бўладир. Ҳикоядан кейин шул ўринга муносиб ўзбекча ғазал келадир. Ғазалларнинг охири мисраъида «Машраб», «Мабдаи нур» сўзлари баровар юрадир. Фикримча, бу китоблар «Мабдаи нур» аталиши ҳам шунинг учун бўлса керак. Ғазалдан сўнгра яна Румийнинг маснавийсидан бир байт берилиб, юқоридаги тартиб билан давом этиладир. «Мабдаи нур» китоби уч жилд бўлуб, «Маснавий»нинг 1-2-3-жилдлариға боғланган. Машрабнинг манқабадаги ғазалларидан бир қисмида кўрилган ҳаяжон «Мабдаи нур»даги ғазалларда йўқ. Умуман «Мабдаи нур»даги ғазаллар сўфиёна насиҳатлардан, йиғлашға ташвиқ, ўлумдан қўрқитиш каби мавзуларға бағишланган. Масалан: Худо йўлиға йиғлаш кераклиги ҳаққида Румийнинг шу форси (й)ча байтини оладир:¹⁵⁴

Раҳматам мавқуф он хуш гузиҳо аст,
Чун гирист аз баҳри раҳмат мавж хост.
Ва шуни тубандагича изох қиладир:
Йиғла ҳар соатки, жонинг борича,
Зикри ҳақ айткин забонинг борича.
Сен бу давлатхонада дам ўлтума,
Қил ёқангни чок беғам ўлтума

¹⁵⁴ Ўша асар. –Б. 102.

Фитратнинг ёзишича, Вяткин «Мабдаи нур» асарига шубҳа билан караганлиги, у эҳтимол бошқа Машрабга доир асар бўлиши мумкин деган фикрни ташлаганлигини гумон қилганлиги учун уни танқид қилган: Эмди бу китоб Машрабникими, йўқми деган бир масъаланинг устида бир оз турайик. Проф. Вяткин «Мабдаи нур» китобининг маълум манқабадаги Машрабники эканига шубҳа қиладир. «Мабдаи нур»даги шеърлар билан манқаба орасида Машраб исмидан бошқа ҳеч бир ўртоқ нарса йўқдир. «Мабдаи нур»нинг бошқа бир Машрабники бўлмоқ эҳтимолини тақдим қиладир. 17-асрнинг охирлари билан 18-асрнинг бошлари орасида ёзилган «Мабдаи нур» бу асрларда Машраб исмли тарихий бир одам борлиғига шубҳа қолдурмайдир. П.Вяткин мана шу тарихий Машраб билан манқаба қаҳрамони бўлган Раҳим бобо – Машрабнинг бир киши эканини оча олса эди, бу даврда яна афсонавий бир Машраб ўйлаб чиқаришга лузум қолмас эди, албатта.¹⁵⁵

Вяткиннинг хатоси юзасидан ҳақиқий Машрабнинг асари бўлган «Мабдаи нур»даги ҳар бир воқеалар тафсилотини муфассал ўрганган Фитрат холисона фикрларни айтган. Шу билан бирга Машрабнинг тарихий шахс эканлиги, манқаба қаҳрамони бўлган Машраб томонидан бу асар ёзилганлигини, «Девонаи Машраб» ва «Мабдаи нур»даги шеърлар бир хил услубда эканлиги, Офокхожанинг наманганлик муридидан бошқа Машраб исмли муриди йўқлиги, бу асар Румийнинг маснавийсига жавобан ёзилган деган фикрларни ўртага ташлаб, алҳол «Мабдаи нур» Бобораҳим Машраб қаламига мансуб асар эканлигини ишонарли исбот этган: Биз, зотан, «Мабдаи нур»га қарамасдан, манқаба қаҳрамони бўлган Раҳим бобо – Машрабнинг тарихий бир шахс эканини исбот қила олдик. Эмди «Мабдаи нур»нинг ҳам шу Раҳим бобо – Машраб томонидан ёзилганини исбот қиламиз:

- а) «Мабдаи нур»нинг тили манқабадаги шеърларнинг тили билан бирдир;
- б) Маориф комиссарлиги ихтиёрида бўлган муфассал «Девонаи Машраб» китобида тўрт-беш парча маснавий борки, услуби ҳар жиҳатдан «Мабдаи нур» услубининг айнаидир;

¹⁵⁵ Абдурауф Фитрат. Машраб. Танланган асарлар. II жилд. – Тошкент: Маънавият, 2000. –Б.103.

в) Офоқ Хўжа муридлари орасида Жалолиддин Румийнинг маснавийсини ўзбекча шарҳлаб юришга айрича аҳамият берилган. Мажзуб Намангоний ўзининг «Газкират ул авлиё»сида Офоқ Хўжа муридларидан кашқарлик Мақсуд Хожанинг ҳам «Маснавий»ни ўзбекча шарҳлаб, дарс бериб юрганини махтаб ёзадир. Машраб ўзига ҳам Жалолиддин Румийнинг таъсири бўлганини юқорида кўрган эдик. Зотан, Жалолиддин Румийдан таъсирланган Машрабнинг ўз доирасининг талабиға мувофиқ маснавий шарҳи ёзиши қадар табиий нарса йўқдир;

д) буларнинг устида бир «Мабдаи нур» эгасининг Офоқ Хўжанинг муриди бўлганини ҳам хабар берсак, иккала Машрабнинг бир одам эканига ҳеч кимнинг шубҳаси қолмаса керак.

Бухорода босилган «Мабдаи нур»нинг 302 саҳифасида:

Имоннинг равнақи соҳиб дуони қийматиндадир

мисраъи билан бошланган бир ғазалнинг охирида шу байт бор:

Етушти Машраб ўшал кони Мабдаи нурға,

Валийи Хожаи Офоқ шоҳни хурматиндандур.

Бу эса Офоқ Хўжанинг муриди эканини, яъни манқабача қаҳрамони бўлган Раҳим бобо Машрабнинг ўзи эканини очиқ кўрсатадир¹⁵⁶.

«Мабдаи нур» асари ҳақида илк мулоҳоза юритган адабиётшунос М.Зокиров шундай фикрларни баён қилади: «Мабдаи нур» асосан Жалолиддин Румийнинг «Маснавий»си таъсирида ёзилган. «Мабдаи нур» куйидаги тартибда битилган: асарнинг бошланиш қисмида Жалолиддин Румийнинг «Маснавий»сидан илк байт олинган ва шу илк байт шарҳи сифатида кириш қисми ёзилган. Бундан кейин шу «Маснавий»дан турли байтларни сайлаб олиб бир қисмининг бошланмасига битилиб, ундан кейин Машрабнинг ўзи шу байтларнинг шарҳи сифатида турли диний афсонавий, ахлоқий ҳикоятларини берган.

«Мабдаи нур» 176 та диний, афсонавий, ахлоқий ҳикоятлардан, 30 та таълимий парча, 35 та ғазал, 2 та ўзбекча, 1 та арабча мустазоддан иборат.¹⁵⁷

¹⁵⁶ Ўша асар. –Б. 104.

«Мабдаи нур» ҳақида илмий мунозара давом этар экан, уларни бартараф этиш, баҳсларга холисона чек қўйиш мақсадида бугунги кунда марҳум машрабшунос олим Исматуллоҳ Абдуллоҳнинг «Тафаккур» журналида эълон қилинган айрим адолатли қайдларини келтиришни устоз руҳонияти олдидаги бурчимиз деб билдик. Эҳтимол, бу домланинг «Мабдаи нур» ҳақидаги охириги хулосаси ва сўнги мақоласи бўлса керак. Чунки у киши «Мабдаи нур» Машрабга тегишли асар эканлигини исботлаш учун кўп тер тўқди, чала бўлса-да, уни нашр этди. (Мен Машраб тадқиқотчиси сифатида «чала» сўзини истиҳоласиз ишлатдим, негаки, заҳматкаш олим, хатирчилик Жалолиддин Юсупов «Мабдаи нур» матнини нашрга тайёрлашда олдинги нашр даҳшатли хатоларга тўлиқчилигини, Машрабга ҳурматсизлик шу даражада совуққонлик ва чала-чулпалик билан «бажарилган»лигини исботлаб берди. (Таъкид: – Ҳ.М) Исматуллоҳ Абдуллоҳ мақола номини «Ғайри илм шарпаси» деб қўйган: Домлани мазкур мақолани ёзишга ундаган ҳол филология фанлари номзоди Мўминжон Сиддиқов «Тафаккур» журналининг 2003 йил 4-сонида «Мабдаи нур» муаллифи Машрабми?» мақоласи туртки бўлган.

Исматуллоҳ Абдуллоҳ мазкур мақоладаги фикрга катъий эътироз билдириб, муаллифни бирон бир манбага таянмай, ишончли далил келтирмай, муаллифнинг асосиз даъволарига шундай маносабат билдириб, эътирозларини ва «Мабдаи нур»нинг Машраб асари эканлигини, асар унинг ижодига мансуб эканлигини исботлайди.

1. Фитрат «Мабдаи нур»ни Машрабга тааллуқли эканлигини исбот этган. ЎзРФА Шарқшунослик институтида «Мабдаи нур» қўлёзмаларидан 9 таси илмий тавсиф қилиниб, «Собрание восточных рукописей АН Уз ССР» фихристига киритилган (Тошкент, 1954, Т, II, №1554-1562). В.Беляев, А.Кононов, Н.Миклухо-Маклий, А.Молчанов, А.Семёнов каби йирик шарқшунос олимлар тузган бу фихриstda «Мабдаи нур» Бобораҳим Машраб асари деб кўрсатилган¹⁵⁸. (Жалолиддин Юсуповнинг шахсий кутубхонасида

¹⁵⁷ Бобораҳим Машраб. «Мабдаи нур». –Т.: «Фан», 1994. –Б. 7.

¹⁵⁸ Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Ғайри илм шарпаси. «Тафаккур», 2005, 1-сон. –Б.123.

«Мабдаи нур» нинг 19 (ўн тўққизта) турли шаҳарларда чиққан қўлёзма нусхалари мавжуд, бу эса бошқа кутубхоналаримизда йўқ. Таъкид: Ҳ. М.)

2. «Мабдаи нур» нинг 1866 йили кўчирилган, ҳозирда Шарқшунослик институтида сақланаётган 3786 рақамли қўлёзмаси муқаддимасида «Мулло Раҳимбобо девонаи Намангоний ал-машҳур, мулоққаб ба Машраб» дея эътироф этилган.

3. Ғафур Ғулом «Мабдаи нур» муаллифи деб атаган Ҳофиз Рўзибой 1840 йили вафот этган, у Машрабдан юз йил кейин туғилган, русларнинг Ўрта Осиёга босиб келиши гувоҳи бўлган.

4. Шарқшунослик институтида сақланаётган 9968 – рақамли қўлёзмада Машрабнинг «Алифни дилга жо қилмоқни бисмиллоҳдин ўргандим» деган машҳур мисраси билан бошланадиган ғазали ҳам (124 варақ) «Мабдаи нур» Машраб асари эканини тасдиқлайди.

5. «Мабдаи нур»даги ғазаллар сўфиёна руҳи, тили, бадиий услуби ва мазмуни жиҳатидан Бобораҳим Машраб қаламига мансублигига шубҳа қолдирмайди.

6. «Мабдаи нур»да учрайдиган «девона», «телба», «шоҳ» сўзларини фақат Бобораҳим Машраб ўзига нисбатан ишлатган ва шундай номлар билан шуҳрат қозонган.¹⁵⁹ «Мабдаи нур» Бобораҳим Машрабга тааллуқли асар эканлиги илмий жиҳатдан асосланган. Улуғ шоир мероси қайсидир шубҳа ва гумонларга эмас, мавжуд манбалар ва машрабшуносликда эришилган илмий натижаларга таянмоғи шарт.

Машраб ижодида унинг «Мабдаи нур» ва «Кимё» номли шеърый асарлари алоҳида ўрин тутаяди.

Бу икки асар жуда муҳим фалсафий, ахлоқий, тарбиявий, илмий аҳамиятга эга бўлиб, Машраб асарлари сифатида халқ томонидан ўқилиб, оғиздан-оғизга ўтиб келган. Ҳеч ким бу китобларни қандайдир Машрабга

¹⁵⁹ Ўша манба. –Б. 123.

нисбат бермаган. «Мабдаи нур» ва «Кимё» ҳақида илмий фикр юритиш XX аср бошларидан пайдо бўлди.¹⁶⁰

«Девонаи Машраб» китобининг рус тилига қилинган таржимасида Н.С.Ликошин шундай ёзади: «Бундан ташқари мен В.П.Наливкиннинг маслаҳати билан Машраб қаламига мансуб «Мабдаи нур» асари билан танишдим. Бу бир қанча ибратли ахлоқий ҳикояларни ўз ичига олган. Девонаи Машраб таржимаи ҳолига оид маълумотлар тўплаб беришни илтимос қилиб танишим Наманган уезди Чуст шаҳри козиси Домулло Масъуд Мағзум, Домулло Муҳаммад Мурод қозикалонга мурожаат қилдим. У ўғли Шайхулисом Нодим билан Машраб ҳақида мени қизиқтирган маълумотларни юборди¹⁶¹.

Адабиётшунос, машрабшунослар орасида «Мабдаи нур» ва «Кимё» асарлари қайси бир шоир қаламига мансуб, деган савол ҳали ҳанузгача ҳукм суриб келмоқда. Бунга сабаб, тадқиқотлар кўламининг мукамал эмаслигидадир, деб ўйлаймиз.

Мақола аввалида алоҳида таъкидлаб ўтишни лозим топдикки, «Мабдаи нур» ва «Кимё» Раҳимбобо Машрабнинг китобларидир. Бу борадаги айрим шубҳаларни тарқатиш, авлиёи Ҳақ Машраб ҳазратларининг муборак руҳларини чирқиратмаслик илинжида ушбу мақолани ёздик ва ўз камтарона фикр-мулоҳазаларимизни далилларга асосланган ҳолда баён этишга ҳаракатландик.

Алишер Навоий номли Тошкент Давлат Адабиёт музейида 63-рақамдаги «Мабдаи нур» асари сақланади. Филология фанлари доктори Саидбек Ҳасаннинг марҳаматлари ила ушбу нодир нусхани тасниф этишга мушарраф бўлдим.

Ушбу асар 1288 ҳижрий, 1871 мелодий йилида «... ори замони адолат ҳазрат амиралмўъминийн ва зубдатул-ҳавоқийн ҳазрат Амир Музаффар Муҳаммад Баҳодир султон Ҳамид Аллоҳи таоло...» замонида ёзиб тугалланган.

¹⁶⁰ Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур. –Т.: Фан, 1994. –Б. 13.

¹⁶¹ Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур. –Т.: «Фан», 1994. –Б. 13.

Амир Музаффар 1860-1885 йилларда Бухоро амирлигининг хукмдори бўлган. Асар Абдулқайюм хожа ибн Абдулла хожа қаламига мансуб бўлиб, Машрабнинг «Мабдаи нур»ига қилинган пайравдир. «Пайрав» – издошлик, изидан ёхуд йўлидан бормоқ маъноларини англатади. Бу ҳақда Абдулқайюм хожа асар хотимасида шундай лутф қиладилар:

Бўлди чун имдод руҳи Мавлавий,
То тамом эттим бу шарҳи «Маснавий».
Кимки битса ё ўқуб қилса назар,
Ҳақ қилур, албатта, иймонин қавий.
Шарҳи Машрабда муножоту ғазал,
Бул Ҳазин ҳам қилди андак пайравий.
Ким ўқуса сидқ ила, солса кулоқ,
Қолмагай кўнглида ғамдин бир жавий.
Ботини ғам-ғуссадин афсурдаси,
Нур олиб, албатта, ул топгай навий.
Маънийи Қуръондир, абётий эмас,
«Мағзи Қуръон», деди пири маънавий.
Ё Илоҳо, бул Абдулқайюм хожага қил карам,
Рутбайи урфон фаҳми «Маснавий».
(«Мабдаи нур», инв.63.227^a варақ)

Ҳазин – Абдулқайюм хожанинг адабий таҳаллуси бўлиб, ғамгин, хафа, қайғули маъноларини англатади. Ҳазин Машраб томонларидан ёзилган шарҳ, ҳикоят ва ғазалларни тўлиқ келтирадилар. Шундан сўнг Машрабга пайравлик қилиб, муножот, илтижо ва дуолар келтирадилар. Булардан сўнг бир ёки икки ғазални ўқувчилар диққатига ҳавола этадилар. Ғазалларнинг мақтаъсида, яъни тугалланмасида Машраб ва Мабдаи нур каломларини алоҳида таъкидлаб, ғазал муаллифи сифатида ўзининг Ҳазин таҳаллусини ҳам келтиради¹⁶²:

Рост рў бўл, эй биродар, бўлмагин рафтори каж,
Рострўю рост феъл бўл, бўлмагин атвори каж.

¹⁶² Ж. Юсупов. Уни девонаи Машраб дерлар. Девонга сўз боши. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2006. –Б. 17.

Содикул-қавл ўл, биродар, бўлма каззоби дурушт,
Мардни юз минг балоларга солур гуфтори каж.
Тахти ҳафтум ерга пинҳон айласанг феъли бадинг,
Халқи оламга бўлур маълум ҳам изҳори каж.
Зоҳиру ботин мувофиқ эт, мунофиқ бўлмагин,
Ким мунофиқдур иши бўлгай мудом идбори каж.
Нақшу коринг рост келса, зебу зийнат ортадур,
Пайрави нафармон кўринур бўлса гар бир тори каж.
Кизби норост ўлса қавлинг, зоҳиру ботин хилоф,
Фитналар рў бергай андин, ҳам яна осори каж.
Рост қавлу рост бўлсанг ҳар ера рост учрагай,
Бўлмасанг тўғри, қаён борсанг бўлур дучори каж.
Хор айлар мардни оламда мардум кўзига,
Охири Дўзахга бошлар бандани кирдори каж.
Хор бўлмас икки олам ичра мард гар рост рўй,
Рўйи беҳбудийни кўрмас, кимни бўлса кори каж.
Ростликдин яхшилар илкида жо топти асо,
Некларнинг базмига йўл топмагай беори каж.
Бебақодур давлату иқбол, кажрафтор халқ,
Зуд ўлур яксон йиқилиб бўлса гар девори каж.
Поклара ёр бўлсанг, охири бўлгунгду(р) пок,
Булара ҳамсуҳбат ўлсанг, айлагай мурдори каж.
Ҳамчу Машраб «Мабдаи нур» бирла дилни рост қил,
Бул Ҳазин бандангни қилма, эй Худо, кирдори каж¹⁶³.

Ғазал ростлик-тўғрилиқ ва эгрилик; ростлик – чин, ҳақиқат ва кизб – ёлғон; яхшилик ва ёмонлик, инсоний фазилат ҳамда иллат баёнига бағишланган бўлиб, Машрабнинг мавлоно Жалолиддин Румийнинг

Каж машав, худ рост кун поси рост,
Рости, албатта, марзое Худост, –

¹⁶³ Ж. Юсупов шу ғазални бизга тухфа қилди. (Муаллиф. Ҳ.М.).

байтини шархлаб берган икки ҳикоятларидан сўнг берилган. «Мабдаи нур»га пайрав сифатида ёзилган ҳар бир ғазалнинг мақтаъси худди шу тахлитда хотималанган. Демакки, бундан «Мабдаи нур» Абдулкайюмхожа Ҳазиннинг асари экан-да, деган фикрга келишимизга ҳеч бир асос бўлолмайди.

Худди шунингдек, ўзини Машраби Соний деб атаган Ҳофиз Рўзибой ҳақларида ушбу фикрни айтиш мумкин.

Пайравчилик ҳам шунга ўхшаш адабий бир жараёнدير. Машрабнинг «Мабдаи нур»лари бўлмаганида, бунга эҳтимол ва эътироз ҳеч ҳам йўқки, унга бунчалик шайдо ошиқ Машраби Соний ва Ҳазиндек буюк зотлар муҳаббат ила пайров қилмаган бўлур эдилар. Шундай экан, юқоридаги тахмис таркибидаги Машраб байтларини Фурқатга нисбат бериб бўлмаганидек, «Мабдаи нур» муаллифлигини ҳам Ҳофиз Рўзибой ва Абдулкайюмхожага бериб бўлмайди. Лекин бу буюк зоти шарифларнинг руҳлари олдидаги одоб бурчини унутиб қўйиш ҳам ноинсофликка киради. Чунки элимизда «дўстимнинг дўсти – менинг дўстим» деган нақл бор. Уларнинг пайравлари ошиқнинг маъшуқа этакларини, наълайни-кафшларини, ҳеч бўлмаганда шу кашф изларини зору зор ўпишга интилиш, деб тушунмоқ керак.

Машраб мавлоно Жалолиддин Румий (1207-1274) ҳазратларининг «Маснавий» асаридан олинган 66 байтга пири Ҳидоятулла Офоқхожанинг даъвати ва Жалолиддин Румий ҳамда Аҳмад Яссавий жанобларининг руҳоний рухсатлари билан шарҳ битган.

Хатирчилик адабиётшунос, мактаб ўқитувчиси Жалолиддин Юсупов куйидаги ишончли, матбуотда ёритилган фикрни тадқиқотга тортинг дея таъкид этган эди.

63-рақамли «Мабдаи нур»да баён қилинишича, Машраб пири Офоқхожа хизматларида юрган даврларида Хуросон тарафдан Қашқарга бир сеҳргар одам келган. Турли туман сеҳру жодулари билан халқни алдаб, ўзини соҳиб каромат бир авлиё сифатида намоён этган. Ҳатто, Офоқхожа хонақоҳларидаги уч юздан ортиқ муриду мухлислар ҳам унинг орқасидан эргашиб, хонақоҳни тарк этиш даражасига бориб етганлар. Бу ҳол Офоқхожага қаттиқ таъсир этган. Хонақоҳда

Машраб ва яна икки-уч содик муридлар қолишган, холос. Мухтасар қилиб айтганда, пирининг топшириқлари билан Машраб бу ҳийлагар шахсининг найранглари фаш этади. Офоқхожаниннг топшириғи билан бу «ўтда ёнмайдиған ва сувда чўкмайдиған» мардум ўтда қуйдирилиб, ўлдирилади. Шундағина халойиқ унинг каромат соҳибии эмас, оддий бир найрангбоз ҳийлагар эканлиғини тушуниб этади. Ана шу воқеа сабаби билан Офоқхожа Машрабга Жалолиддин Румийнинг «Маснавий»сини шарҳлашдек табаррук ва масъулиятли ишни амалга оширишни таклиф этади. Офоқхожаниннг фикрича, туркийзабон халқ учун маънолар хазинаси бўлмиш «Маснавий»дек муътабар асарни шарҳлаш ўша даврдағи энг муҳим масала ҳисобланган. Туркий қавмининг иймон-эътиқодда муҳим ва мустаҳкам бўлишликлари, Пайғамбаримиз жаноблари белгилаб кетганлари тўғри йўлдан адашмай умргузаронлик қилишлари учун Қуръоний каломнинг форсий тилидағи такрорланмас нодир намунаси «Маснавий»нинг шарҳини жуда-жуда зарур, деб билганлар¹⁶⁴.

«Жавоҳирул-асрор», «Шарҳи Шамъа лил-маснавий-ул-маънавий», «Най рисоласии», «Нафоҳотул-унс», «Латойифул-маънавий», «Мифтоҳул-маънавий», «Жавоҳирул-маъний», «Миротул-маснавий»... булар Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий»ларига битилган шарҳлар, тафсирлар бўлиб, замона орифларининг авомунноси бу буюк асарни нотўғри талқин ва тасниф қилишларидан асраш учун ёзилган ноёб дурдонадир¹⁶⁵.

Ўзбек адабиётида Фаридуддин Аттор, Ҳаким Санойларнинг «Мантиқ-ут-тайр», «Илоҳийнома» асарларига жавобан Алишер Навоий «Лисон-ут-тайр» номли тасаввуф китобини яратди. Аммо, Жалолиддин Румийнинг муътабар «Маснавий»ига туркона жавоб бўлмаган эди. Бу вазифаии олия Машраб зиммасига тушди. Офоқхожайи олам бекордан бекорга бу вазифани Машраби девона зиммаларига юклаган эмас эдилар. Чунки она ҳомиласида эканлар, бул олами ўткинчига келмаслариданоқ, етти ойлик чақалоқни «Модарзод авлиё»

¹⁶⁴ Ж. Юсупов. Уни девонаи Машраб дерлар. Девонга сўз боши. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2006. –Б. 17.

¹⁶⁵ Ўша манба, ўша жой.

деб тан олган олам бузурглари яна икки ой ўтгач, дунёга «бир келибон бир кетгучи» Аллоҳи таоло ва Муҳаммад алайҳиссалом севгилари, муҳаббатлари учун дорга осиб ўлдирилиши лозим бўлган ибратий ориф, марди Ҳақ, гўёки Вайсул Қаран ёхуд Боязиди Бистомийдек мартаба эгаси таваллуд топишларини билганлар¹⁶⁶.

Фитрат Машрабнинг «Кимё» асари ҳақида фикр юритиб, уни «Мабдаи нур»га яқин асарлигини таъкидласа-да, лекин асар муаллифи унинг қарашича, мавҳум бўлиб қолаверади.

Бухорода босилган «Мабдаи нур»нинг охирида «Кимё» исмли бир китоб бор. Аруздаги «ҳазаж» баҳрининг «мафойилун, мафойилун фаъувлун» вазнида ёзилган турли ахлоқий ҳикоялардан иборатдир. Асарни бостирган китобчининг сўзига кўра, бу ҳам Машрабнинг асаридир. Бу асар услуб ёғидан «Мабдаи нур»дан айрилмайдир. Лекин, бунинг ҳам ҳақиқатан Машраб томонидан ёзилиб-ёзилмаганига оид қониқарли бир ишорат ва қайдга учрай олмаганимизни эътироф қиламиз.¹⁶⁷

Исматуллоҳ Абдуллоҳ Машрабнинг «Кимё» асари ҳақида «Кўнгилни узма шундоғ кимёдин»¹⁶⁸ номида мақола эълон қилди. Муаллиф мазкур мақолада мис, қалай маъданга, қимматбаҳо икхир тошга айланиши учун сайқалланишини, тозаланишини айтади.

«Кимё»даги тасаввуфий, тарбиявий-ахлоқий ғояларни, унинг услуби, мазмуни, тил хусусиятларини таҳлил қилсак, бу асар Машрабнинг қаламига мансублигига ҳеч бир шубҳа қолдирмайди. Қўлёзма ва босма нусхаларида «Мабдаи нур» ва «Кимё» асарларини ёзган бошқа бирорта Машраб номли шоир яшагани қайд этилган эмас. Бу ҳар икки асарни бошқа бир номаълум шоирга нисбат беришга уринишларга чек қўйиш керак.

«Кимё»да Бобораҳим Машраб инсон ҳаётидаги салбий иллатларни қоралаш, танқид қилиш билан бирга, улардан қутилиш, покланиш, ҳалоллик, ростгўйлик, саҳийлик каби инсоний хислатларни тараннум этади.

¹⁶⁶ Ўша манба, ўша жой.

¹⁶⁷ Абдурауф Фитрат. Машраб. Танланган асарлар. II жилд. – Т., Маънавият, 2000. –Б.105.

¹⁶⁸ Ўша манба, ўша жой.

Машраб дунёдан тамом воз кечган, нафсини ўлдириб, ўзини ҳаммадан паст тутган, гуноҳкор банда деб билган. Шоир ғазалларида ва «Мабдаи нур»да кибрлик, хирсу ҳавога берилишни, молпарастликни қаттиқ қоралаган. Бу ғоя «Кимё»да ҳам ўз аксини топган.

Ғурури илм чашмаи дилгадур мўй,

Зиёда мўйдиндур чашмаи бадрўй.

(Илми билан ғурурланиб, кибрланиб кетиш юрак кўзи учун бир ортикча тук-мўй, кўзининг хунуклиги ундаги мўйларнинг кўпайиб кетишидандир.).

Машраб қисматидан яна бир сабоқ шуки, у юрган йўлларнинг бекатларини аниқлаш, қадим қўлёмалар кетида яшириниб ётган Машраб ҳаёти ва ижодига оид нуқталарни излаб топиш, халқ орасида кезиб юрган латифа, саргузашт, эртак, терма, кўшиқларни тўплаш фарзандлар қарзидир.

Ўзбек шоири ва мутафаккири, жаҳонгашта девона, кўп мамлакат ва юртларни кезган, ҳақиқат излаб, тождору подшоҳларни адлу адолатга чорлаган, камбағалу мушфиққа ёрдам қўлини чўзган, оташ нафаси билан шеърят ихлосмандларини ўзига маҳлиё этган, «икки оламга сиғмаган» Бобораҳим Машраб меросини ўрганиш, унинг ғазалиётини таҳлил этиш, бунинг одамга қандай завқ беришини қалбда чуқур ҳис қилмоқ лозим.

Машраб ҳақида педагог, адабиётшунос олим ва файласуфларнинг нашр этаётган тадқиқот ва илмий рисоаларини иштиёқ билан ўқиб, ўрганиб бориш, кузатишлар ва йиғиб бораётган илмий мақолаларда Машраб шахсиятининг у ёки бу томонлари, улуғ мутафаккирнинг авлиёлиги, унинг шуҳрат кетидан қувмаганлиги, ҳар ерда хоксор ва мискинлиги, жамоа манфаати учун фидойилиги кишини ҳайратга солади:

Бу олам ахли ичра дил паришон ўлмасун ҳеч ким!

Бу барча тинчлик ва осойишталик учун курашаётган, она Сайёрада одам мавқеини эҳтиром ва ҳурмат қиладиган донишманд файласуфнинг Манифести бўлиб жаранглайди.

Машрабдек ёлғизланган, лекин бани башар учун «мен»лигидан, ўзлигидан кечган Навоий сиймосини, унинг фикрини қўллагандек туюлади:

Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам,

Менга қилса юз жафо, бир қатла фарёд айламам.

Мана, икки ўзбек, туркигўй мутафаккирларнинг башарият учун бир хил карашлари:

Аё, дўзах мени куйдир, ҳалойиқ куймасин ҳаргиз,

– дейди Машраб бу дунёда гуноҳга ботиб, дўзах оловида коврилаётганлар холини кўриб:

Барчалар ёнди гуноҳдин, мен-чи ёнмасман ҳануз!

– дея хайкиради у ва шу билан бу оламдаги одам аҳлининг гуноҳини яратгандан сўраб олишга ошиқади.

У “шухрат талабнинг кейинида офат туриши»ни яхши англайди. Шунинг учун фонийликда одамлар жароҳатига малҳам қўйишни бурчи деб билади. «Қақнусга ўхшаб ёнди тириклай» «ёнган», «бир парча чўғ» бўлиб ўтган Машраб маънавиятини халқимиз тушуна олаяптими ёки унинг ота-боболаримиз қалбига ўрнашган шеърятдан бугунги авлод баҳраманд бўлаяптими? — деган саволлар қийнайди.

Ўтган асрда Машраб шеърӣ тўпламлари номигагина нашр этилди ёинки унинг ижодига бир томонлама муносабатда бўлинди, деярли асрнинг сўнгги чорагида унинг ижодига бўлган эътиборни мустасно этмаганимизда ҳаёти, фаолияти жуда кам ўрганилди. Тўғри, 1959, 1963, 1970, 1980, 1990 йилларда Машрабнинг шеърларидан мўъжаз мажмуалар, кейинчалик девонлар нашр этилди. 1990 йили хатирчилик Машраб тадқиқотчиси Жалолиддин Юсуповнинг саъй-ҳаракати туфайли «Меҳрибоним, қайдасан?» шеърлар тўплами чиқди. Бу орада мустақиллик шарофати билан «Қиссаи Машраб», «Шоҳ Машраб қиссаси» ва бошқа бадий, илмий асарлар эълон қилинди. Ниҳоят, 2006 йил узок йиллик меҳнатнинг натижаси юзага чиқиб, унинг «Девон»и қўлимизга тегди. Бу ишни ҳам заҳматкаш, бардошли ва олижаноб инсон, Ғайбуллоҳ ас-Салом таъбири билан айтганда, «чинакам халқ академиги» машрабшунос Жалолиддин Юсупов қарийб 30 йил давомида тартиб, сайқал бериб уни нашрга тайёрлаган.

Умри зиддиятларда ўтган Машраб қиёфасини Ғайбуллоҳ ас-Салом хаяжон билан тасвир этган ва Жалолиддин Юсуповнинг 1990 йилда чиқарилган тўпламига муносабат билдирган: «1990 йилда шоирнинг тўрт юз саҳифалик «Меҳрибоним қайдасан» деган каттакон китоби бисилиб чиққан эди. Саксон минг нусха сал фурсатда тарқалиб кетди. Мазкур сайланмани нозиктаъб, ашъорфаҳм, билимдон шогирдим Жалолиддин Юсупов нашрга тайёрлаган. Имкон даражасида қиёсий танқидий матн тузган, луғат ва чуқур бир мақола шарҳ, эски ўзбек ёзувидан намуналар илова қилган эди. Бу нашр иқтидорли олим, заҳматқаш хаттотнинг йигирма йиллик тинимсиз илмий-ижодий меҳнати маҳсулининг якуни бўлди¹⁶⁹.

Абдулла Орипов тили билан айтганда «Кимсасиз шоирлар пири»га айланган шоир меросига яна халқ эга чиқди, Ғайбуллоҳ ас-Салом таъбири билан айтганда, Машраб “том маънода халқ шоири”га айланди.

Тадқиқотчи Жалолиддин Юсуповнинг Машраб ижодиёти олдидаги энг катта хизмати мутафаккир шоирнинг бутун меросини тўплаб, айниқса, ғазалиётдаги шакл ва мазмун яхлитлигини сақлаб, кейинги авлодларга қолдиришни мақсад қилганлигидир.

Бошқа олимлардан фарқли ҳолда Исматуллоҳ Абдуллоҳ ва Жалолиддин Юсупов «Мабдаи нур»ни ўрганиб, унинг Машраби Рўзибой Сонийга тааллуқли эмас, ҳақиқий Бобораҳим Машраб асари эканини исботлашди. Дафъатан «Мабдаи нур»ни қўлга олиб, ўқий бошлаганимизда ҳар қандай ўқувчида ҳам бу Машрабга тегишли асар эмас, деган шубҳа уйғониши, табиий. Негаки, баъзи шеърлар ўз ўрнига ёпишмагандек, ғайритабиийдек туюлади, кишига. Аммо тадқиқотчи олимлар ҳам анойи эмаслиги шунда кўринадики, асарни синчиклаб таҳлил этиб чиққан Исматуллоҳ Абдуллоҳ ва Жалолиддин Юсупов асар катъиян Машраб қаламига мансублигини исбот этишди.

Жалолиддин Юсупов жуда кўп мулоҳазаларни ўрганиб чиқиб, асарни синчиклаб таҳлил этиб, масъулиятни бўйнига олиб, турли фикр ва қарашлар

¹⁶⁹ Комилов Н., Саломов Ғ. Шоири аналҳақ / Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. –Б. 7.

бир томонлама эканини, масаланинг моҳиятига, илдизига чуқур етиб бормаганини таъкидлаб, қатъий ҳолда, фаразлар нисбийлигини четга суриб «Мабдаи нур» муаллифи Бобораҳим Машраб эканини исбот қилган ва қуйидаги фикрни келтирган:

1. «Мабдаи нур» Машрабнинг асаридир. Бу китоб Машрабнинг пири Ҳидоятулла Офокхожанинг топшириғи билан ёзилгандир. Китобни ёзишга киришишдан аввал Машраб Жалолиддин Румий ва Аҳмад Яссавий жанобларининг руҳоний рухсатларини оладилар. «Мабдаи нур» Жалолиддин Румийнинг «Маънавийи маснавий»ларидан тазмин қилинган байтларнинг туркий ўзбек тилидаги шарҳларидир.

Мен Жалолиддин Юсупов хонадонида «Мабдаи нур»нинг 19 хил қўлёзма вариантлари борлигига гувоҳ бўлдим. Назаримизда Исматуллоҳ Абдуллоҳ ва Жалолиддин Юсупов, Машраб тадқиқотчилари ҳисобланадилар, бу соҳада олимлар адашган эмас.

Муҳтарам олимимиз, форс ва туркий тиллар билимдони Ҳамиджон Ҳомидий ҳам «Мабдаи нур»нинг Бобораҳим Машраб асари эканини ҳар бир чиқишида ва илмий тадқиқотларида таъкидлаб келмоқда.

2. Машрабнинг «Кимё» асари «Мабдаи нур»нинг мантиқий давомидир. Бу асар таркибида 22 та кимё бўлиб, ҳар бир кимё алоҳида-алоҳида бўлимлардан иборат. «Мабдаи нур» ва «Кимё»да Машрабнинг бизга таниш ғазаллари бериб борилган.

3. «Қиссайи Вайсул Қараний» ҳақида тўхталган Жалолиддин Юсупов унинг 180 байт, 360 мисрали маснавий эканини изоҳ этиб, «қисса» шахсий кутубхонасида 6-рақамли қўлёзма эканини таъкид этган.

4. «Қиссайи Мерожномаи» Расули Акрам (с.а.в) ҳақида бўлиб, бу «Қиссайи Машраб» қўлёзмаларининг ҳаммасида бўлиб, у мустазод жанрида ёзилганини билдирган.

Ж.Юсупов Машраб ижодининг тадқиқи, унинг нашрлари энди бошланаётганини, олдинги нашрларга кирмай қолган, шўролар мафкураси ҳазм қилолмаган шеърлари босилаётгани, шоир меросининг қаймоғи бўлган шеър

жанрларнинг ҳамма тур ва хиллари янги тўпламга киритилгани ҳақида қуйидаги фикрларни ёзади: «Машрабнинг ҳаёт йўллари, бизга қолдирган бой адабий меросини тадқиқ қилиш ишлари, «Мабдаи нур» ва «Кимё» каби асарларини тўлиқ ва мукамал ҳолда нашр қилишдек масъулиятли ва сабабли юмушларни давом эттирмоқдамиз. Машраб ижодий меросининг қаймоғи бўлган кўплаб ахлоқий, диний-тасаввуфий ғазал, мустазод, мураббаъ, мухаммас, мусаддас ва мусамманларни киритдик. Олдинги нашрларда тушириб қолдирилган байт ва бандлар ўз ўрнига киритилди»¹⁷⁰.

Ж.Юсупов Машраб шеърларини парокандаликка юз тутишидан сақлаб қолиб, нашр ишларига кўмаклашган бир гуруҳ ижодкорларга, «Машрабни тушуниш учун Машрабнинг дардини, Машрабнинг аламлари марказини топиш керак»¹⁷¹, деган сўзни эҳтиром билан келтирган.

Ж.Юсупов камтарлик билан Машраб «Девон»ини (Ж. Юсупов. Уни девонаи Машраб дерлар. Девонга сўз боши. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2006.) тайёрлашда нуқсон ва жузъий хатолар бўлганини билдириб, китобхонлардан узр сўраган. Матнда ёхуд бошқа хатолар ҳақидаги нуқсонларни топиб, мактуб йўлловчи, фикр мулоҳаза билдирувчилар фикрини билдиришларини илтимос қилган.

«Девон»дан Машрабнинг аввал эълон қилинган, лекин тоталитар тузум даврида баъзи байт ва мисралари олиб ташланган, эндиликда тўлдирилган, бунинг ичида ҳали эълон қилинмаган жами 380 та ғазал, 21 та мустазод, 4 та мураббаъ, 78 та мухаммас, 7 та мусаддас, 2 та мусаббаъ, 1 та мусамман, 1 та маснавий, фардлар, тўртликлар, луғат ва изоҳлар ўрин олган.

Ж.Юсуповнинг олимлик салоҳияти шунчалик чўнг (сарбаланд)ки, роса 50 бет (550-бетдан 600-бетгача) луғат ва изоҳ тузган.

Бу ҳол 1990 йилги «Меҳрибоним, қайдасан?» девонида ҳам берилган эдики, бу гал фақат янги ғазаллардаги тушунилиши қийин сўзларга берилганини изоҳласак, олимнинг бардош билан қанчалик катта меҳнат

¹⁷⁰ Ж. Юсупов. Уни девонаи Машраб дерлар. Девонга сўз боши. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2006. –Б. 24.

¹⁷¹ Ўша асар, ўша жой.

қилганига гувоҳ бўламиз. Улар алифбо тарзида берилган. Олимнинг олимлиги қандай ҳолда юзага чиқади, дейилса, Жалолоддин Юсупов каби изланиш, қунт, ирода, матонат билан сидқидилдан меҳнат қилгандагина, деган фикр мантиқий тафаккуримизни янада бойитади.

Китобнинг яна бир қулай ва ўнғай томони — ҳар бир ғазалнинг биринчи матлаби - бошланиши мундарижасида келтирилган, бу хоҳлаган ғазални тезда топишнинг калити вазифасини бажарган.

Бобораҳим Машраб ижодий мероси ҳақида хулоса чиқарилганда, «Бу олам аҳли ичра дилпаршон ўлмасин ҳеч ким!» деб нидо берган мутафаккир шоирдан нафақат Шарқ, балки Ғарб, башарият маънавий озиқ олаётганлигини таъкидламоқчимиз. Унинг оташин лирикаси, ғазалиёти Насимий ва Бедилникидек ўтли сатрлари омма қалбидан жой олиб, инсониятни эзгуликларга чорлайди, яхшиликка даъват этади.

Машрабдан ўзбек шеърятига жуда катта, бой мерос қолди. Йиллар, асрлар ўтса-да, у инсон ва жамиятни уйғотишга, унга Илоҳни таниш ва эзгуликка чорлаш яловини тутаверади, ундан баҳраманд қалблар, яхшиликка ва ёмонлик фарқини ажратиб олаверади.

Бир тадқиқот мавзусида унинг ижодини тўласинча қамраб олиб мақсадга етдик деб фикр айтолмаймиз. Унинг ижодий мероси бугун ва келажакда ўрганилишига шоҳидлик бера оламиз.

Шуни эътироф этишимиз керакки, совет даврида Машраб ижодига адабиётда синфийлик ва социалистик реализм асосида бутунлай нотўғри ёндашилди. Унинг ижодига Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёрлар қатори қараб уни гоҳ сўфий шоир, асарлари диний-тасаввуф асосида ёзилган, ўрганишга арзимаيدди, халқ онгини заҳарлайди, деган фикрлар асосида шоир ижодини ўрганишдан чўчиб, унга ҳаққона, илмий ёндашилмади. Гоҳо эса Машраб даҳрий шоир, ўз асарларида дин ақидаларига қарши курашган, деб шоирнинг тасаввуф руҳида ёзилган шеърларини бутунлай нотўғри талқин қилинди.

Машраб ижодини тўғри ўрганиш, ҳаққоний, рўйи рост, илмий асосда тадқиқ этиш ва ўзбек педагогикасида унга буюк шоир сифатида ўз ўрнини бериш пайти келди.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Талабалар маънавий-ахлоқий камолоти тизимини шакллантиришнинг илмий-назарий асослари ҳақида шундай хулосага келиш мумкин:

биринчидан, талабалар маънавий-ахлоқий камолотини шакллантириш-педагогик муаммо сифатида таҳлилида: аввало XVII –XVIII асрлар Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларида таълим - тарбия, мактаб, фан ва маданият сезиларли даражада раванқ топганлигини қайд қилиш мумкин. Бу давр жамиятда ижтимоий адолатсизлик, тенгсизлик муайян даражада намоён бўлса – да, ҳукмрон табақалар, бадахлоқ шахслар чала муллалар фаолият кўрсатишига қарамасдан, мактаб ва мадрасаларда шариат илми, мантик, ҳандаса, грамматика, қироат, тафсир, калом, фикҳ, ислом тарихи фанлари маълум даражада ўрганилган. Барча мактаб ва мадрасаларда “Қуръон”, “Тафсир”, “Одоб ас – солиҳийн”, “Маслак ул – муттақийн”, “Сабот ул-ојизин”, “Кимёи саодат”, “Ҳадис” ўқитилган.

Таълим масжид ва мактабларда 7 йил, мадрасаларда 10 йиллар давом этиб, жами ўқиш 15 – 20 йил белгиланиб, омма араб,форс, туркий тилларда савод чиқарган, навоийхонлик, бедилхонлик, хувайдохонлик, оллоёрхонлик, машрабхонлик кечалари ҳар бир маҳалла, қишлоқ, хонадонларда давом этган;

иккинчидан, талабалар маънавий-ахлоқий камолотини шакллантиришнинг ижтимоий жиҳатдан зарурлиги хусусида хулосага келинганда; асли боғистонлик, Исҳоқ Боғистоний “Тазкираи қаландарон” тазкирасида Машрабнинг қирқ қаландар билан жуда кўп юрт ва мамлакатларни кезгани, шеърятини тарғиб қилганликлари, Қабодиёнда Сўфи Оллоёр билан учрашувлари, Балх ва Қундузга бориши ва Маҳмуд қатағонбий билан шиддатли тўқнашуви ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек, шоирнинг турли жанрдаги шеърлари, хусусан, ғазаллари ривоятларга чулганган ва ҳикоятларга мос ҳолда “қисса”га сингдириб юборилган.Машраб халқ оммаси томонидан

иззат – ҳурмат билан кутиб олинган, ундан эл – улус, омма оташин ғазаллар эшитган, танбури билан ўз ғазалларини ашула қилиб, айтиб берган. Шоир сиймосининг “Қиссаи Машраб”да ёритилиши мавзусига хулоса қилинганда, ундаги ривоят ва афсоналарнинг ҳаммаси шоир сиймосини яратишда зарур асар эканлигини қайд этмоқчимиз. Қиссанинг оммабоп ва ҳаммабоплиги, жамият турли қатлам ва табақалари томонидан тез қабул қилиниши ва хотирада сақланиши билан, ўқимишлилиги, назм ва наср намунаси билан қоришиб кетганлиги, бадииятининг жозибаси, халқчиллиги, миллий – маънавий кадриятлар билан уйғунлиги, мазмун ва моҳиятида янада чуқур мантикий фикрлар борлиги билан қимматли асардир;

учинчидан, талабаларга маънавий-ахлоқий тарбия беришда Машрабнинг ижтимоий-маънавий мероси асос сифатида эканлигини эътироф этамиз: Машраб адабий мероси, “Мабдаи нур”, “Кимё” ва бошқа асарлари ҳақида фикр юритилганда, Машраб сиймоси акс этган “Тазкираи қаландарон”, “Офоқхожа маноқибӣ”, “Қиссаи Машраб”лар халқ оммаси томонидан севиб ўқилган. Унинг жўшқин ва исёнкор шеърлари ўз даврида, то ҳали –ҳанузгача омма томонидан мумтозлиги эътироф этилиб, ашула бўлиб, куйланиб, ўрганиб келинмоқда. Машрабдан “Мабдаи нур”, “Кимё”, “Қиссаи вайсул Қараний”, “Қиссаи меърожномаи Расул Акрам (с.а.в) каби асарлар мерос бўлиб қолди.

Бобораҳим Машраб ижодий мероси ҳақида хулоса чиқарилганда, «Бу олам аҳли ичра дилпарӣшон ўлмасин ҳеч ким!» деб нидо берган мутафаккир шоирдан нафақат Шарқ, балки Ғарб, башарият маънавий озиқ олаётганлигини таъкидламоқчимиз. Унинг оташин лирикаси, ғазалиёти Насимий ва Бедилникидек ўтли сатрлари омма қалбидан жой олиб, инсониятни эзгуликларга чорлайди, яхшиликка даъват этади.

Машрабдан ўзбек шеърлятига жуда катта, бой мерос қолди. Йиллар, асрлар ўтса-да, у инсон ва жамиятни уйғотишга, унга Илоҳни таниш ва эзгуликка чорлаш яловини тутаверади, ундан баҳраманд қалблар, яхшилик ва ёмонлик фарқини ажратиб олаверади.

**II-Боб. Ижтимоий–педагогик фикрлар негизида
талабаларнинг маънавий–ахлоқий камолоти тизимини
такомиллаштиришнинг методологик асослари**

**II.1 Талабалар маънавий-ахлоқий камолотини такомиллаштиришда
Машраб асарларининг роли ва ўрни**

Мовароуннахр-улуғ алломалар, азиз-авлиёлар макон топган юрт. Мусулмон Шарқи Мовароуннахрга ўзга бир меҳр нигоҳи билан қарайди. Улуғ алломалари кўп бўлган юрт маърифатли эл ҳисобланади. Унутилган қадриятларни тиклаш-алломалар ҳаёти ва ижоди билан танишиш қалбларни поклашга, эътиқодни мустаҳкамлашга кўмак беради. Бир-икки кунда дилни поклаш қийин. Бешиқдан қабргача ўқиб-ўрганиш, илм-фан, гўзал ахлоқий сифатлар орқали дилни поклаш, эътиқодни мустаҳкамлаш, уни ҳаёт ва ижод эҳтиёжига айлантириш лозим бўлади.

Покистонлик исломшунос олим Абдул Али Маудуди “Ислом этикаси” китобида бундай деб ёзади: “... Ахлоқ учун фақат биттагина туйғу асос мавжуд бўлиб, у ҳам бўлса, ислом томонидан берилган асосдир. Унда биз этиканинг асосий масалаларига жавоб топамиз ва бу жавоб файласуфлар ёки бошқа

динлар томонидан берилган жавоблардаги камчиликлардан холидир... Бунда биз ахлоқий дастурамални топамизки, бу дастурамал ҳаётнинг барча соҳаларида бизни яхшиликнинг энг юксак чўққиларига олиб келиши мумкин”¹⁷².

Тарихий-адабий йўналишдаги тадқиқотларда машҳур рус ва шарқшунос олимлар В.И. Беляев, В.В. Бартольд, Е.Э. Бертельс, А.Н. Бернштам, И.С. Брагинский, Б.Ғ. Ғофуров, Я.Ғ. Ғуломов, К. Залеман, К. Кассович, Н.И. Конрад, И.О. Маковельский, А.С. Толстов, А.Ю. Якубовский Шарқ халқларининг, жумладан, Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий фикри, маданияти, ахлоқи ва педагогика фани тарихини ўрганишга бебаҳо ҳисса қўшганлар. И.М. Мўминов, С.Н. Горигорян, Ш.Ф. Мамедов, А.М. Баҳовуддинов, М.М. Хайруллаев, М.Н. Болтаев, А.К. Закуев, шунингдек А. Шарипов тадқиқотлари Ўрта Осиё мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий, педагогик ва ахлоқий қарашларини методологик илмий ёритишга улкан ҳисса қўшдилар¹⁷³.

Инсоният оламида гўзал хулқ эгалари кўплаб бўлган. Шунинг учун ҳам уларни гўзал ахлоқли, одобли, хусни хулқ кишилар дейилган. Пайғамбаримиз Расулуллоҳ бундай хислатларнинг тимсоли эдилар. “У кишининг хусни хулқлари ҳар жиҳатдан камолотга етган, мукамал эди. Аллоҳ таоло Нур сурасининг тўртинчи оятида пайғамбар алайҳиссаломни мактаб: “Сен чиндан ҳам юксак ахлоқ эгасисан” деган. Ҳазрати Ойша разияллоҳу анҳо: “Пайғамбар алайҳиссаломнинг хулқи-Қуръон эди. У Қуръон маъмун бўлган нарсдан маъмун бўлар, ғазабланганидан ғазабланарди”, - дейди. Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўзлари “Мен гўзал ахлоқларни камолга етказиш учун юборилдим”, - деганлар. Анас: “Расулуллоҳ энг гўзал ахлоқ эгаси эди” деган. Муҳаммад алайҳиссалом худди бошқа пайғамбарларга ўхшаш маънавий ва ахлоқий баркамолликка эришган эдилар. Бу зоти муборақлар пайғамбарликка танланиб, Аллоҳнинг нури дилларини ёритиш билан фазли камолот чўққисига

¹⁷² А.А.Маудуди. Ислом этикаси. Лампур. 1953. –Б. 33.

¹⁷³ Ўша манба, ўша жой.

кўтарилдилар. Пайғамбарларга хос бундай гўзал ахлоқ ва хислатлар беҳисоб¹⁷⁴.

Амир Темур ахлоқи Хусния-яхши хулқлар эгаси бўлган. У оқил ва тадбирли саркарда сифатида одамларни ишга тайинлашда ҳам, вазифасидан озод этишда ҳам шошма-шошарлик ва адолатсизликка йўл қўймаган, балки етти ўлчаб бир кесган.

Амир Темур сингари бутун жаҳон маънавияти салтанатида ўз ўринларига эга бўлган буюк алломаларнинг ахлоқ, гўзал хулқ ҳақидаги фикрлари бугунги кун талаби билан ёзилганидек, жумладан, Ал-Бухорий “Ахлоқнинг яхши бўлиши, таомнинг покизалиги, ростлик ва омонатга хиёнат қилмаслик-мана шу тўрт хислатни Аллоҳ таоло сенга берган бўлса, дунёвий ишлардан четда қолган бўлсанг ҳам, зарари йўқдир”¹⁷⁵...деб ёзади.

Тасаввуфда эътиборий саналган вужуд (инсон вужуди) Жаноби Ҳақнинг мутлақ вужудининг латофатдан касофатга (қаттиқликка), айниятдан ғайриятга таназзулидан юзага келган. Камол эса шаҳодат оламида зуҳур этган инсони комилнинг вужуди ила пайдо бўлган. Инсони комил бу халифатуллоҳ (Муҳаммад алайҳиссалом ва авлиёуллоҳи киром)дир¹⁷⁶.

Алишер Навоий:

Кимки жаҳон аҳлидан инсон эрур,

Билки нишони анга имон эрур.

Навоий фикрича, инсонийликнинг биринчи нишонаси имонли бўлиш. Аллоҳ ваҳдатига, унинг қудрати билан юборилган нарсаларга ва пайғамбарларига сўзсиз ишонмоқдир. Имон-инсонни ҳайвондан ажратувчи асосий сифат, чунки Навоий фикрича гарчи нутқ, сўз инсонни ҳайвондан ажратувчи белгиси бўлса-да, лекин агар кишида имон бўлмаса, у инсон эмас, балки гапирувчи ҳайвондир. Хулқи, рафтори даррандалиқ бўлган нокаслар шох саройида иззат-ҳурматда яшайдилар,-дейди Навоий. Шоир илм олишнинг

¹⁷⁴ Муҳаммад Хузарий. Нур-ул яқин. Т.: Чўлпон-Камалак, 1992. –Б. 263.

¹⁷⁵ Имом Исмоил Ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. –Т., Ўзбекистон, 1990. –Б. 94.

¹⁷⁶ Иброҳим Ҳаққул ва бошқалар. – Т., Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. –Б. 161.

машаққатли азобларини тасвирлайди. Қашшоқ, оч-яланғоч мулловаччалар аянчли аҳволда мадрасаларда куну тун таҳсил кўриб, илм ўрганадилар, мақсадга эришиш учун барча нарсадан, хатто ҳаёт неъматларидан ҳам воз кечадилар:

Гурбат аро ҳоли ёмондин ёмон,
Ҳар не йўқ андин ёмон, андин ёмон.

Лекин афсусланадиган ва ажабланадиган жойи шуки, деб куюнади Навоий, “бир жоҳил қотилваш”, “сўзи ҳам, ўзи ҳам нохуш” дину диёнати йўқ жоҳил одамлар молу мулк эгаси, мансабу мартабали. Яна ажабланарлиси шуки, бу разил, нодон одамлар хизматида неча олиму донишманд юради, мулозимлик қилади¹⁷⁷.

Жўзжоний “Тасаввуф ва инсон” китобида мутасаввиф аллома ва шоирлар ҳақида шундай фикрни ёзади:

Сўфийлар ва орифлар ҳам уларни қишрийлик (юзакилик) ва тушунмасликда айблаганлар. Натижада машҳур сўфийлардан Хусайн ибн Мансур Ҳаллож (в. 922 й.), Шиҳобуддин Сухравардий (1145-1191 й.), Имоиддин Насимий (в. 1417 й.) ва Бобораҳим Машрабни ўлдиришга ҳукм чиқарганлар. Машҳур ориф шоир Жалолиддин Румий ўз маснавийсида улар ҳақида бундай дейди. Таржимаси: Биз Қуръоннинг мағзини чақиб олиб, бошқаларга унинг пўчоғини қолдирдик¹⁷⁸.

Аллоҳга муҳаббат бор қалбда, севги билан тўла дилда кин, ҳасад, ғазаб, адоват, нафрат, душманлик, ёлғон каби туйғуларга жой йўқ! Ислон «Аллоҳ гўзал ва У гўзалликни севади!» деб таълим берар экан, шунга кўра, гўзалликка муҳаббат қўймоқ лозим бўлади! Гўзаллик яшашга, курашга даъват этади. Ҳа, Аллоҳнинг санъати бўлган Инсон гўзалдир!

Машраб ахлоқи ҳам ўз салафлари ахлоқига монанд ахлоқдир. Озарбайжондаги хуруфийлар ҳам тасаввуфдаги пантеистик таълимотни қабул қилган бўлиб, улар инсон ва унинг қудратига юксак баҳо берган эдилар.

¹⁷⁷ М. Муҳиддинов. “Хамса”ларнинг биринчи дostonларида комил инсон тасвири. Самарқанд, 2001. –Б. 14-15.

¹⁷⁸ Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Тасаввуф ва инсон. –Т.: “Адолат”, 2001. –Б. 28-29.

Хуруфийлар фикрига кўра, “Худо яширин бир хазина бўлиб, ўз борлигини ошкор қилмоқ ва ўзини танитмоқ учун инсонларни яратгандир”, бошқача айтганда, ўз борлигини инсонда тажассум этгандир. Улар наздида Худо юксак маънавий кайфиятга эга бўлган, адолатли; у хуруфийларнинг раҳбари Файзуллоҳ Наимийда тажассум этган эди. Юксак ахлоқ, маънавий гўзаллик, адолат ва муқаддаслик рамзи Фазлуллоҳда тўпланган эди¹⁷⁹.

XVI асрда яшаб ижод этган ҳикоянавис Хожа таркидунёчилик ва бадбинлик йўлини эмас, балки поклик ва ҳалоллик, ўзгаларга хиёнат қилмаслик, ғийбат йўлини тутмаслик кабиларни асосий ахлоқ нормаси деб ҳисоблайди.

“Кўнгил-диннинг моҳиятидир”, дейди Людвиг Фейербах. Тасаввуфда кўнгил-ҳақиқий ишқнинг моҳияти. Маълумки, сўфийлар одамларни ахлоқ ва ҳиссиётларига қараб уч тоифага ажратганлар.

Биринчи тоифа-нафс бандалари. Булар ўз нафсу хирсларига мағлуб гофиллар.

Иккинчи тоифа-қалб одамлари. Булар онг ва идроки ривожланган, Худога анча яқин огоҳ зотлар. Улар тавба қилишган. Сидқ, сабр, қаноат, таваккул, тўғрилиқ талабларини оғишмай бажарувчи бу кишилар мустаҳкам эътиқод билан яшаб ўтишган.

Учинчи тоифа-Рух одамлари. Булар туну кун дийдор дардида ёниб, ҳамма жой ва ҳамма нарсада Ҳақнинг нури жамолини кўрадилар.

Машраб тасаввуф ахлоқнинг учинчи тоифасига мансуб, у борлигини Ҳақ йўлига тиккан сўфий мутафаккирдир.

Машрабга хос ишқ Аллоҳ томонидан берилган Илоҳий неъматдир. Бу неъмат ҳар қандай одамга ҳам насиб этмайди. Ишқ руҳни тарбияловчи, йўналтирувчи кучдир. Ошиқ доимо ўз Яратувчиси томон интилиши, бунда эса ҳар қандай моддий-дунёвий талаб-истаклардан воз кечиши керак. Имтиҳон вазифасини ўтовчи бу ўткинчи дунё манфаатларига алданиб, Ҳақ ва халқдан йироқлашиш, нафс истакларига мағлуб бўлиб, ноқонуний йўллар билан бойиш,

¹⁷⁹ Насимий. Асарлар. Т., Ғафур .Фуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. –Б. 8.

семириш, маишат қилиш, бунинг учун ёлғон гапириш, ўғирлик, юлғичлик, харомхўрлик қилиш каби нафсоний истаклардан тийилиш лозим. Қиссада айтилишича, Машраб она қорнида эканлигида унинг руҳи ошиқ бўлиб яралган. Қиссанависнинг ушбу сюжетни келтиришдан мақсади Машрабнинг юқорида қайд этилган сифатларга эга бўлган бир авлиё эканлигини кўрсатишдир. Бу асарда асосий эътибор, урғу туғилмаган боланинг жисмига эмас, балки руҳиятининг поклигига, имонининг софлигига қаратилган.

Яратувчи Машрабни мурғаклигиданоқ ўзига ошиқ қилиб яратган экан, демак, унинг руҳи туғилмасдан ҳар қандай моддий истаклардан воз кечган. Ошиқнинг дарди-висолга эришиш. Илоҳий ишқ уни зарпечакдек ўраб олган. Ўзи билан бўлган воқеанинг келтирилишидан мақсад ҳам Илоҳий ишққа берилган инсон ҳар қандай харомдан тийилибгина қолмай, керак бўлса нобуд бўлишга ҳам, ғойиб бўлишга ҳам тайёрлигини кўрсатишдир. Машраб бировнинг ҳақи қиёмат қарз эканлиги учун ўзини ҳамда онасини гуноҳдан сақлаб қолади. Бу эса Машрабнинг ҳалоллик ва покликка эътиқод-имони нечоғлик мустаҳкамлигини исботловчи ҳужжатдир. Беихтиёр халқимизда оналар қорнида болаларнинг йиғлаши мумкинлигига ишониш ва йиғлаган болага Машраб деб ном қўйилиши бежиз эмаслиги ёдга тушади¹⁸⁰.

Мутафаккир шеърятининг мавзуси Илоҳий ишқ масаласи бўлса-да, унинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари ҳам шу муаммога бўйсунди, мазлум меҳнаткашлар оммаси, косиблар, ҳунармандлар, деҳқонлар фарёдининг акс садосидек янграйди:

Чаманда булбули шўридадурман, ошёним йўк,
Мисоли чуғздек вайроналарда ҳам кошо нам йўк,
Вафолиғ ёр деб чиқти, жасадда балки жоним йўк,
Азизимдин жудо бўлдум, бошимда соябоним йўк,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,
Ки, ман ҳар қайга борсам, дод этарман, дод дастингдин.

¹⁸⁰ Ўша асар. –Б. 10-11.

Манингдек ғамда қолғон, дилпаришон ўлмасун ҳеч ким,
Кўзи чун термулуб йўлларда хайрон ўлмасун ҳеч ким,
Баҳори гулшани умру зимистон ўлмасун ҳеч ким,
Бу дунё дийдасиға торикистон ўлмасун ҳеч ким,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,
Ки, ман ҳар қайга борсам, дод этарман, дод дастингдин,

Умидим бор, еткургаймусан хуршиди матлабни,
Саодат буржидин ул шаъми иқболимға кавкабни,
Кўтаргайсан бошимдин икки оламда қаро шабни,
Илоҳо, сен етур ҳиммат йўлиға хаста Машрабни,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,
Ки, ман ҳар қайга борсам, дод этарман, дод дастингдин¹⁸¹,-

дея бир аламзада инсоннинг юрак нолаларини ҳам ифодалай олади. Лекин буларнинг ҳаммаси бир-бирини тақозо этадиган, бир-бирини тўлдирадиган шеърлар. Чунки ҳаммасида ҳам курашчи инсоннинг, на фалаку тақдир, на ердаги тартиботлар билан келишолмайдиган жасоратли рухнинг нидосидир. Шунинг учун Иброҳим Адҳам ахлоқи, Мансур Ҳаллож таълимотини Ҳақ билиб, тараннум этган Машраб ғоялари дунёпарст ҳокимлар ва жоҳил уламоларга ёқмади, уларни тубсиз таҳликага солди. Улар Мансур Ҳаллождан қандай ўч олган бўлсалар, Машрабни ҳам шундай қатл этиб, сўнг тинчидилар.

Халқ орасида қаландардек юриб, тақдири азалга радди бадал бериб туғилган Бобораҳим Мулловали ўғли Машраб ғазаллари асрлар давомида насллар орасида қалблардан қалбларга қалқиб, кўчиб келаётир. Буюк истеъдодли шоирнинг сўзи Шарқда ҳамон бетакрор, ҳамон Ҳақ учун дадил жангга кирганларга ҳамдам, маслакдош; аммо кечаю кундуз мол тилагида

¹⁸¹ Машраб. Девон. –Т., “Янги аср авлоди”, 2006. –Б. 516.

юрган “ўз нафси билан саргардон” кишиларнинг эса қаттол душмани, огоҳ этувчи ҳозир нозир бир овоз¹⁸².

Машраб зўравонлик ва жоҳиллик, мунофиқлик ва беҳаёликка асосланган ҳукмрон табақа ахлоқига ҳаққонийлик ва садоқат, меҳнатсеварлик ва касб-хунар аҳлини ардоқлаш, ўзаро ёрдам ва дўстлик фазилатлари устун турувчи меҳнаткаш-хунарамандлар, косиблар, деҳқонлар ахлоқини қарама-қарши кўяди.

Бизнинг фикримизча, Машраб ғазалиётида софлик ва ҳалолликнинг барча кўринишлари мавжуд. У “Қулликка белни маҳкам” этишга чорласа-да, Ҳақ кулларининг нақадар ақлий, маънавий, ахлоқий имтиёзларга эга эканлигини амалда исботлайди.

Одамларнинг сўз ва фикрларига зуғум ўтказиш-уларнинг онги, маслаги ва кўнглига тажовуз қилишдир. Кишининг кўнглига озор бериш-бўрилик билан баробар. Дарбадарона юрт кезган Машрабни Ҳаққа сиғинганлиги учун кўнглига озор бериб, ҳар ердан ҳайдадилар. Аслида яссавийлик таълимотининг ўзаги ҳам шундай эди:

Жанозамни орқасидин тошлар отинг,
Оёқимдин тутиб судраб гўрга элтинг,
Ҳаққа қуллуқ қилмадинг деб янчиб тефинг,
Ул сабабдин Ҳаққа сиғниб келдим мано¹⁸³.

Машраб Ҳақ олдида дилозорлик қилмасликни, дилозорни Худо ҳам бандам деб атамаслигини, фоний дунёда ҳар ким ўзни фақир, деб ҳисоблаб юришлигини таъкидлаб, қайсики киши ўз феълига эгалик қила олмаса, бундай киши ҳайвон сифат, унинг махлуқдан фарқи йўқ деб ҳисоблайди:

Гар қўлингдин келса ҳаргиз мўрчани оғритмагил.
Ким, Худо бандам демас ҳар кимки дил озордир.
Бўлмагил бад, ҳолат бўлиб, кетти тани мурдордир.

Маълумки, ахлоқ ва ахлоқий муносабатлар масаласи доимо инсониятни қизиқтириб келган.

¹⁸² Бобораҳим Машраб Меҳрибоним қайдасан. –Т., Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. –Б. 9.

¹⁸³ Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Т., Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. –Б. 57.

Айниқса ислом дини, тасаввуфда ахлоқ, хулқ-одоб қоидалари, таълим-тарбия, ўзаро муомала, ахлоқий фазилатларни касб қилиш, покланиш, комил инсонни тарбиялаш каби масалалар асосий ўринни эгаллаган.

Қуръон ва ҳадисларда катта эътибор берилган масалалардан бири-болани ёшлигидан бошлаб тарбиялаш, унда ота-она, оиланинг ўрни, боланинг ота-онага, ота-онанинг болага муносабатидир¹⁸⁴.

Имом Бухорий, ат-Термизий ва бошқаларнинг ҳадисларида фарзандларни хушхулқ қилиб тарбиялаш ҳақида қимматли фикрлар айтилади. Хушхулқлик барча яхшиликларнинг пойдевори ҳисобланади, у ҳамма нарсадан аълодир. Шунинг учун Абу Исо Термизий “Бир киши бир соъ (ғалла ўлчови) садақа бергандан кўра ўз фарзандига адаб ўргатгани афзалдир”, дейди. Шунинг учун ота-она ўз фарзандини ёшлиқдан бошлаб хулқ-одобини яхшилаш учун қайғуриши керак. “Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқ-одобдан буюкроқ мерос бера олмайди”, дейилади бошқа бир ҳадисда.

Қуръони каримнинг бир жойида бола ўз ота-онасига фақат яхшиликни раво кўриши лозимлигини, у хоҳ мусулмон бўладими, кофир бўладими, яхши ёки ёмон бўладими, уни иззатини жойига қўйиши тўғрисида гап кетади. Фақат ота-оналар ўз фарзандларига Аллоҳдан бошқа сохта Худоларни шерик қилдирмоқчи бўлганидагина уларга итоат қилмаслиги мумкин¹⁸⁵.

Ислом динида ота-она муқаддас ҳисобланиб, уни ҳурмат қилиш, эъзозлаш фарзандлар учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Қуръони каримда ота-оналарга фақат яхшилик қилиш раво кўрилади. Масалан, Ал-Исро номли 17-суранинг 23,24-оятларида бу ҳақда шундай дейилади: “Парвардигорингиз, ёлғиз унинг Ўзига ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этди. Агар уларнинг (ота-онанингизнинг) бирови ёки ҳар иккиси сенинг қўл остингда кексалик ёшига етсалар, уларга қараб «уф» тортма ва уларни (сўзларини) қайтарма! Уларга (доимо) яхши сўз айт!... Улар учун, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут-хоқисор бўл ва:

¹⁸⁴ Ҳ. Алиқулов. Ислом, тарих ва маънавият. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2000. –Б. 65.

¹⁸⁵ Қуръони карим. Анкабут сураси. –Т., Камалак. 1992. –Б. 285-286.

“Парвардигорим, мени (улар) гўдаклик чоғимдан тарбиялаб ўстирганларидек, сен ҳам уларга раҳм-шафқат қил”, деб (хақларига дуо қил!)”¹⁸⁶.

Лекин, нафақат онани, балки отани ҳам эъзозлаш тўғрисида ҳадисларда фикрлар мавжуд, уларда фарзандлар оталарини нафақат тириклигида, балки вафотидан сўнг ҳам эсдан чиқармасликка, хотирлаб туришга даъват этади. Бунинг йўли отасининг ёру-биродарлари, дўстлари, таниш-билишлари билан алоқани узмасликдир. “Отангиз вафотидан кейин унинг дўстлари билан алоқани давом эттиринг. Улар билан алоқани узсангиз, Тангри сизнинг нурингизни ўчиради”.

Ислом дини бўйича ота-онани хурмат қилмаслик, уларга ғамхўрлик кўрсатмаслик, ёрдам бермаслик, боз устига сўкишлик, гап қайтариш, ҳақорат қилиш, розилигини олмаслик гуноҳи азим ва дўзахий ҳисоблаган. Уларда ҳатто ота-оналар зулм қилган тақдирда ҳам, фарзандлар уларни ранжитмаслиги, хорузор қилмаслиги, уларга мулойим гапириши лозим. “Ота-оналарининг кексалик вақтида ҳам иккисини ёки бири бўлмаганда бошқасини рози қилиб, жаннатий бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин ва Яна хор бўлсин”¹⁸⁷. Шунинг учун ота-онанинг қарғишига учрамаслик, уларни зинҳор хафа қилмаслик фарзандларнинг муқаддас бурчига киради. Айниқса ота-онага оқ бўлиш, уларни ҳақорат қилиш гуноҳлар ичида каттасидир. Имом Бухорий ўз ҳадисларида куйидагиларни келтиради: “Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллАллоҳу алайҳи васаллам: «Одам қиладирган гуноҳи азимлардан бири-ота-онасини ҳақорат қилмоқдир»!-дедилар. Шунда: «Ё Расулуллоҳ, одам ўз ота-онасини қандай қилиб ҳақорат қилмоғи мумкин!»-дейишади. Жаноб Расулуллоҳ: “Бировнинг ота-онасини сўккан одам ўз ота-онасини ҳақорат қилган бўлур”-деб жавоб қилдилар”¹⁸⁸.

Мутафаккир шоир, ахлоқи пок Машрабнинг отаси у ёшлигида-ўсмирлик пайти вафот этган. Уни мулло Вали мулло Бозор охундга олиб бориб саводини

¹⁸⁶ Қуръони карим. Ал-Исро сураси. –Т., Камалак. 1992. –Б. 197.

¹⁸⁷ Қуръони карим. Анкабут сураси. –Т., 1992. –Б.287.

¹⁸⁸ Абу Абдуллоҳ ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. IV жилд.-Т., 1992. –Б. 78.

чиқартирган, Қуръони каримни бошқа толиби илмларга нисбатан тез ва қироат билан ўқий олиши билан у устозининг меҳр-муҳаббати, назарига тушган.

У ўз шеърларини халққа хизмат этишини ўйлайди. Айниқса, шу ўринда шоир ахлоқининг энг юқори поғонаси бўлган “То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сени” деб қофияланувчи ғазали диққатга моликдир.

Машраб отасини кўзининг гавҳарига, шам бўлиб, равшан ёниб турувчи нурга ўхшатади, киши отадан иймонни ўрганмагунча “ҳеч вақт бўлмас ғани” деб айтади. Шоир таъкидлайдики, “халқ ичида зўрлик қилиб Худога ҳам ёқмайдиган ишларни қила кўрма, бошинг осмонга етган бўлса-да, отанг сендан рози бўлмаса, отанг олдида тавба-тазарруда бўл, уни рози қил” дейди. Азалдан Шарқ халқлари, хусусан, мусулмонларда “Ота рози, Худо рози” деган нақл амал қилади. Таъбир жоиз бўлса, ҳеч ким отасининг юзига тик қарамаган, унинг дилига озор етказмаган.

Машраб қанчалик дунё кезмасин,-мудом отасини ёдидан чиқармади. Билъакс, мулло Вали ҳам фарзанди аржуманди Машраб дуосида бўлди. Шоир кечаю-кундуз Қуръони каримни тиловат қилганинг билан, эртадан кечгача тақводорлик қилиб, тоат-ибодат қилганинг билан “То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сени”,-дейди.

Машраб отани эъзозлашни, уни юксакликка кўтаришни, ҳурматини жойига қўйишни, агарда дин ва имонни маҳкам ушлаб, ҳатто ўз кучинг билан ўттиз уч минг хонақо қуриб берсанг ҳам, эвазига осмондан Исо пайғамбар тушиб, сенинг ҳаққингга дуо қилса ҳам, муршидинг Хўжаи Хизр бўлсалар ҳам, сенга раҳнамолик қила билмайдилар, отангни рози қил, дейди.

Арзоннинг моли татимас, деган гап бор. Арзон сопол идиш тез синади. Ер шўразор бўлиб кетса, қадалган ниҳолни сиқиб кўкартирмай кўяди. Неча йил тун-кун илм олиш учун ўқиганинг билан, имонинг пок бўлмаса, камолга эриша олмайсан, дейди Машраб.

Отангни рози қилиш учун агарда икки оламда, у дунё ва бу дунёда чор ёр (тўрт халифа Абу Бакр, Умар, Усмон, Али) ва Расулуллоҳ ҳам, жамики машойихлар, подшоҳлар, хожалар, қуллар ҳам сенинг ҳаққингга дуо қилсалар-

да, отанг дуосидан устун тура олмайди. Сен отанг ёшликда ўғит бергандек фарзанд бўл, сени тарбиялаётганида бир сўзли бўлади, деб тарбия берганлар, яхшилик уруғини сочади, деб ўргатганлар, бугун эса, “Толиби содиқ бўлиб йўлингда юрганинг қани?”-деб нотўғри кадам босаётган фарзандларга ўғит беради.

Арши аъло, аъзам, бандаларнинг оталарига кўрсатган ғамхўрлигидан аъло эмас. Фарзанднинг отага бўлган муруввати ҳамма нарсадан юксак ва улуғ. Шунинг учун отанг аҳволидан хабардор бўл, ҳадеб тоат-ибодат қилиб, Худо йўлига ўзингни бағишлаб, Художўй бўлганинг билан “Тоатинг беҳудадир, харгиз тополмассан самар”- деб фарзандларни инсофга чақиради.

Сен фақат ота маслаҳати билан иш тут, Ота-она ва яхши кишиларнинг олдида ҳеч вақт оёғингни узатиб ўтирма, жисмингни мудом покиза сақла, ўзингни улар олдида ғулом (қул) дек тут, шунда сен мақсадингга эришасан, деб ўғит беради.

Машраб дунёқарашда ахлоқий поклик яна шунда кўринадикки, фарзанд ота-она туфайли бунёд бўлади, демакки, фарзанд ота-онага хиёнат қилмаслиги, ўзини оқил деб ҳисобласа, ота-она иззатини жойига қўйса, у касофатга йўлиқмайди, чунки ҳар қандай гиёҳ ҳам зироат (даволаш) ўрнини боса олмайди, падарига озор берувчиларга Худо ҳам шафоат қилмайди, ундан юзини ўгиради.

Машраб ҳар доим сафарда бўлгани учун ота-онасининг ҳолидан хабар олиб туришни бурчи деб ҳисоблайди, инсонийликни устун қўйиб, уларга мактублар ёзиб, улар сари интилиб яшади. Мулло Вали ва Биби Салималар ҳам Машрабнинг аҳволи қандайлигини, қай юртда юришидан хабардор бўлиб, ҳар гал фарзандлари келишини муштоқлик билан кутиб яшайдилар. Шунингдек, у лирик қаҳрамони бўлган ўқувчисини-комил инсон зотини отани ҳурмат қилишга, унга кулоқ солишга, айтганларини солих фарзанд сифатида бажаришга даъват этиб, уни рози қилишга чорлаган ва “То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сани” деб уларни падар-ота амрини бажаришга чорлаган:

Машриқи Мағрибни кезсанг йўқ бу дардингга табиб,

Қилмагай анда шафоат саййидий нури ҳабиб,
Куйдурур ул молики Дўзах сани охир мужиб,
Юз фиғону нола қилсанг, ҳеч киши келмас қариб,
То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сани.

Неча йил тун-кун агар тинмай ўқусанг илми қол,
Ҳеч вақт иймони покингга тополмассан камол,
Ҳар замини шўразоридур, кўкармасдур ниҳол,
Арзанига арзимас йўл устида синган сафол,
То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сани.

Сан аластда айлаган ваъдангда турғонинг қани?
Аҳди комил айладинг, аҳдингда турғонинг қани?
Толиби содиқ бўлуб йўлингда юрғонинг қани?
Зарқайи сажжодларни барҳам урғонинг қани?
То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сани.

Тоатинг беҳудадир, ҳаргиз тополмассан самар,
Сад ҳазорон некни бир хўйи бад барҳам урар,
Эй, муқаллид, доманинг куйди ўзингдин беҳабар,
Арш аъзамдин улуғдур бандага амри падар,
То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сани¹⁸⁹.

Қуръони каримда айтилган фикрлар ҳадисларда янада кенгроқ ва муфассалроқ шаклда баён қилинган. Уларда ота-она ким бўлишидан қатъий назар фарзанд томонидан ҳурмат қилиниши, кексалик чоғида парвариш қилиши лозимлиги уқтирилади. Уларда кўтарилган фикрлар жумласига ота-онага сўзсиз итоат қилиш, уларнинг ризолигини олиш, хизматини бажариш, уларга меҳрибонлик қилиш, ота-она олдида ўзини камтар, хокисор тутиш ва бошқалар киради. Имом Исмоил Бухорий ўзининг “Ал-адаб ал-муфрад” рисоласида ота-

¹⁸⁹ Машраб. Девон. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2006. –Б. 407-408.

она ҳақида қуйидагиларни айтади: “Ота-онангга итоат қил, агар улар дунёдан воз кеч десалар ҳам ҳурматлари учун буйруқларини ижро қил!”¹⁹⁰. Айниқса, фарзандлардан биринчи ўринда онани ҳурматини жойига қўйиш талаб этилади. Бу ҳақда ат-Термизий ҳадисларида қуйидаги фикрлар келтирилади: “Баҳз ибн Ҳаким айтишича, унга отаси, бобосидан шундай ривоят қилган: “Ё Расулуллоҳ!-дедим,-Кимга эзгулик қилай?” Расулуллоҳ: “Онангга”, дедилар. “Яна кимга” деб эдим: “Онангга” дедилар. “Яна кимга?” дедим. “Отангга”- дедилар,-ундан кейин барча яқинларингга”, дедилар¹⁹¹.

Машрабнинг ижтимоий ахлоқий меросида ота-онасига муносабат масаласи марказий ўринни эгаллайди.

Машрабдек шоирнинг онаси бўлиш катта бахт. Машраб қаердаки бўлмасин, бир зум онасини ёдидан чиқаргани йўқ. Шу билан бирга онанинг қалби дарду аламга тўла. У мискин, дили шикаста, юрак-бағри қонга тўлган. Фарзанди учун куйиб адо бўлган. Зеро, онанинг ёлғиз фарзанди Машраб ҳар доим узокда дарбадар юрт кезади, шаҳру қишлоқ кезиб адолат излайди. Машраб юрт кезиб ҳақиқат излаб, онасидан ўз вақтида хабар олмайди. Дунёни дарбадар кезган шоир:

Жамолинг кўргали келдим, аё эй меҳрибон онам,
Менинг учун адо бўлган юраги бағри қон онам.

Хўтан даштига туштум бул фалакнинг гардиши бирлан,
Эшиткил арзи ҳолимни, мен айтай сенга, жон онам.

Ажойиб меҳрибонимсан, мени ороми жонимсан,
Муроди ду жаҳонимсан, биҳишти жовидон онам.

Мени бир жоду кўзлук бул жаҳон ичра хароб этти,
Қади сарву санавбар, қошлари мисли камон, онам.

¹⁹⁰ Имом Исмоил Ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. –Т.: Ўзбекистон, 1990. –Б. 11.

¹⁹¹ Абу Исо Термизий. Саҳиҳи Термизий. . –Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б. 42.

Бошимга тушти бул савдо, бўлубман булбули шайдо,
Шабистони жаҳонда қумридек шаккарфишон онам.

Бу ишқ ўти хароб этти, юрак-бағрим кабоб этти,
Мени хоку туроб етти юзи моҳи тобон, онам.

Сани кўп интизор эттим фироқ ўтига, эй Каъбам,
Тавофи Каъбаи мақсуда келдим дилкашон онам.

Илоҳо, афв қилгайсан бу Машрабнинг гуноҳини,
Туфайли онаи зорим, ғарибу нотавон онам,-
дейди¹⁹².

Умри сафарда ўтган шоир доим онасига интилади. Жаннат битта. Аммо Машраб учун гўё жаннат иккита. Ҳақиқий жаннат бу гуноҳдан мосуво, Аллоҳнинг бегуноҳ бандалари учун абадий, боқий. Машраб эса она олдида етиб келганлигини жаннатга кириш билан баробар ҳисоблайди. Негаки, ўғил она олдидагина ором топади, мискин шоир онани кўриш ва уни зиёрат қилиш билан икки жаҳонда ҳам муроди ҳосил бўлгандек ҳис қилади. Зеро, ҳадисда: “Жаннат оналарнинг оёғи остидадир”,-дейилган. Машраб онасининг меҳрибонлигини таъкидлайди.

У биби Зубайдани Каъбага қиёслайди. Каъба-бу мўъмину мусулмонлар зиёрат қиладиган муқаддас даргоҳ. Каъба-Аллоҳнинг уйи, зиёратгоҳ. Машраб Каъбани бир неча бор зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлган комил инсон, шу боис у онасини Каъбага менгзайди, уни тавоф қилиш учун келганлигини айтади. Зеро, онани кўриш, интизорлик ва фироқ ўтида юрган шоир учун дилини ёриш, дарду ҳасратларини айтиш, Каъбани зиёрат қилиш билан баробар

¹⁹² Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан. – Т., Ғафур.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. –Б. 71.

эди. Машраб Илох (Аллох) олдида ғариб онасидан ўз вақтида хабар ололмаганидан гуноҳини кечиришини илтижо қилади.

Ҳадисларда, булардан ташқари аёллар, умуман хотин-қизлар тўғрисида айтилган фикрлар кўплаб топилади.

Ҳадислардаги аёл-қизлар тўғрисидаги фикрларни таҳлил қилишдан олдин шуни айтиш лозимки, шўролар давридаги тадқиқотларда ислом динининг хотин-қизларга муносабати сохталаштирилди ёки нотўғри талқин қилинди, ўша даврдаги ҳукмрон мафкурага бўйсундирилди. Хусусан, уларда ислом динининг хотин-қизларга паст назар билан қараши, уларни таҳқирлаши, тенгсизлиги, ишлатмасдан фақат ичкарида тутқунликда сақлаб туриши тўғрисида кўп бўхтон гаплар айтилди. Мустақиллик туфайли Қуръон ва ҳадисларда хотин-қизлар тўғрисидаги фикрларни холисона, ҳаққоний, қандай ёзилган бўлса шундай таҳлил қилиш, ўрганиш имкони туғилди.

Ҳадислар ҳар бир мўмин кишини аёлларга нисбатан яхши муомалада бўлишга, уларни ҳурмат қилишга даъват этади. “Сизларнинг яхшиларингиз,- дейилади уларда-ўз аҳлу аёлига яхши муносабатда бўлганларингиздир. Мен сизлардан кўра ҳам ўз аҳли аёлимга яхшиман. Хотинларни фақат яхши одамларгина иззат-икром қилур, аҳлу аёлларни фақат ёмон одамларгина хорузор қилур”¹⁹³. Бу ҳадисдан маълум бўладики, ислом дини хотин-қизларни пастга урмасликни, уни ўзи билан тенг кўришни, кийим-кечак билан таъминлашни, сўкмасликни, унга қўл кўтармасликни раво кўради. Яна бошқа бир ҳадисда юқоридаги фикрлар янада ривожлантирилади.. “Тангри аёллар билан яхши муомалада бўлишларингизни тавсия этади, чунки улар оналаринг, қизларинг, холаларингдир. Бошқа дин аҳлларининг бири қўли ипга бормаган аёлга (яъни чеварчиликни билмайдиган аёлга) уйланса ҳам бир-бирларидан безор бўлиб ажралишиб кетмайдилар”¹⁹⁴.

Дарвиш Машраб узоқ сафардан келганда онаси биби Зубайда оғир хасталаниб, тўшақда ётган, кўзи ҳам нурсизланиб фарзанди келганлигини илғай

¹⁹³ Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. –Т.: Ўқитувчи, 1993. –Б.90.

¹⁹⁴ Ўша асар, ўша жой.

олмайди. Манбаларда, ривоятларда ёзилишича, Машраб ҳовлисида икки соатлар Аллоҳни зикр қилиб, онаси кўзини очилишини муножот, илтижо қилиб Аллоҳдан сўраган. Шунда ҳовли, у зикр тушган жой, икки газ ер чўкиб кетган экан. Терга тушиб кетган Машраб уйга кирсалар оналарининг ожиз кўзлари очилган, нурланган, Машрабни таниб, рози-ризолик айтиб, сўнгра омонатини Аллоҳга топширган.

Онасини тупрокка кўйган Машраб қирқ кун унинг қабри тепасида: “Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?” деб зор-зор йиғлаб, унга атаб жуда кўп мухаммаслар яратган ва бағишлаган:

Бул ўлумнинг дастидин, эй дўстлар, хайрондуман,
Топмайин ҳеч чорайи ҳар ерда саргардондуман,
Найлайин ман бандайи шоистайи Раҳмондуман,
Дардим афзун, дил паришон бесару сомондуман,
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним, қайдасан?

Бул ўлумнинг дастидан, мандин забунроқ йўқ киши,
Зор йиғлаб бори ғамда сарнигунроқ йўқ киши,
Меҳнати ҳижронда мандин нотавонроқ йўқ киши,
Ман етимдан бенаво, бехонумонроқ йўқ киши,
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним, қайдасан?

Найлайин ёлғиз манга йўқ, барчага келган ўлум,
Ҳазрати Одам Атомиздин мерос қолган ўлум,
Барча одам жисмини ер остига солган ўлум,
Ёлғузун манга эмас, эл жонини олган ўлум,
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним, қайдасан?

Булбули бечораман, эй гулистоним, қайдасан?
Қумридек ноландаман, руҳи равоним, қайдасан?
Йиғламоқдин қолмади бағримда қоним, қайдасан?

Эй фидо бўлсун санга бул танда жоним, қайдасан?

Жон қушининг манзили, оромижоним, қайдасан?

Ҳасратинг бошимга тушти, доғи аъзамдур букун,

Осмонни ўртасам оҳим билан камдур букун,

Оҳ уруб ғурбат аро йиғлайки мотамдур букун,

Бир азиз бошимга юз минг ғуссаю ғамдур букун,

Йиғламоқдин қолмади ашки равоним, қайдасан?¹⁹⁵.

Машрабнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари таҳлил этилаётган ушбу қисмда шоир ижодини хорижда ўрганилиши мавзуси ҳақида мухтасар фикр юритилиши мақсадга мувофиқдир. Шу мавзу бўйича наманганлик тадқиқотчи Мусо Тоджихўжаев машрабшунослик фанига изланиб, ўрганиб ҳисса қўшиб келаётганлигини таъкидламоқчимиз.

У аввало Машраб ижодида унинг устози Офоқхожанинг хизмати баландлигини, шоир қайсики мамлакат ҳудудидан ўтса омма, ҳукмдорлар илиқ қарши олишини, аммо дарвиш шоир баъзи ахлоққа зид ишлар қилиб қўйиб уларнинг ғазабига йўлиқишини, аммо Худога эътиқоди юксак шоир халқ орасида жуда машҳурлиги ҳақида қуйидаги фикрларни келтирган:

Бир пўстин остида етти йил Офоқхожа эшонга хизмат қилган Машраб инсонга бўлган севгиси учун қаттиқ жазога дучор бўлади ва бу даргоҳдан қувилади. Шу кундан бошлаб шоирнинг афсонаю ривоятларга тўла ҳаёти бошланди. У қаерда бўлмасин, меҳнаткаш халқнинг ҳурматига сазовор бўлади. Машраб ҳали шаҳар ёки қишлоққа кириб келмасданоқ кишилар унинг истиқболига чиққан. Дарвеш шоир уларнинг ҳузурида ғазалларидан ўқиб бериб, ўзининг ғайриоддий ва фавқулодда билими билан кишиларнинг таҳсинига сазовор бўлган. Кўплаб кишилар унга шогирд бўлишга, ҳукмдорлар эса мурид бўлишга ошиққанлар. Лекин обрў-эътиборининг ҳаддан зиёд ошиб бораётганини сезган Машраб айрим ахлоққа зид ишларни қилиб, уларнинг

¹⁹⁵ Машраб. Девон. –Т.: “Янги аср авлодлари”, 2006. –Б.457-458, 459-460.

ғазабига дучор бўлади. Бунинг сабабини санокли мутасаввифларгагина насиб қилган бир ҳислат билан изоҳлаш мумкин.

Машраб Иброҳим Адҳам ва Мансур Ҳаллож изидан бориб, дилни фақат Аллоҳга топшириш, «Ишқ муҳаббат ягона Ҳаққадур» ақидасига амал қилган. Соддароқ қилиб тушунтирадиган бўлсак, “Одамлар мени яхши кўриб қолиши, Аллоҳга бўлган меҳрлари сусайиши мумкин” ақидаси Машрабнинг асосий ғояси эди. Шунинг учун халқ орасида у “Девонаи Машраб”, “Телба Машраб”, “Шоҳ Машраб”, “Девонаи Барҳақ” деб номланган¹⁹⁶.

Машрабнинг ахлоқий қарашлардаги таълимотлар хусусида хулоса қилинганда, мутафаккир шоир аввало, Муҳаммад (с.а.в)ни, сониян, бани башариятни, пайғамбаримизнинг умматларини хуш ахлоққа чақирди, ота – онага ҳурмат, эҳтиром кўрсатишни, улар олдида фарзанд ўзини ғулом (қул)дек тутишлигини ибрат қилиб кўрсатди.

II.2. Талабалар маънавий- ахлоқий камолотини такомиллаштиришда Машрабнинг ижтимоий – педагогик қарашларини татбиқ этиш тизимини такомиллаштириш

Донишманд шоирнинг инсонпарварлик ва халқпарварлик ғоялари одамгарчилик тўғрисидаги панду насиҳатларида ҳам мужассам. Шоир маънавий-ахлоқий етук инсонда камтаринлик, хоксорлик, дардмандлик каби олий фазилатларни кўришни истайди, инсоний фазилат ҳақида:

Ўзунгни ҳар хасу хошокдин, эй банда, камтар тут,-
деган ғояни илгари сурган.

Машраб дунёқарашича, маънавий камолотга талабгор одам, ҳар қанча улуғ мартабаларга кўтарилмасин, мағрурланиб кетмаслиги, ўзини ер юзини қоплаган хасу хашакдан ҳам камтар тупроқ билан тенг тутиши лозим.

Нафсга қарши кураш, уни мағлуб этишга интилиш тасаввуф аҳли ахлоқининг асосий хусусиятларидан бўлган. Нафсу хирсу ҳаваснинг хуружи

¹⁹⁶ Мусо Тоджихўжаев. Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодининг хорижда ўрганилиши. Адабиёт кўзгуси. 5-сон. Т., Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2000. –Б. 170.

хамиша маънавий поклик ва мукамалликка раҳна солиб келган. Шу боисдан Машраб, ўз шеъриятида нафсу ҳирсу хавасдан покланишга, сақланишга қайта-қайта даъват этган, инсоний фазилатларни улуғлаган.

Фақр-тарки дунё қилиб ҳаётдан қўл силташ эмас, балки олами ботинни поклашдир. Демак, Машраб фақирликни бекорга танлаган эмас. Мутасаввиф шоир Қосимий ёзади: «Агар сен ориф бўлсанг, фақру фано мақомига эришганингда ҳам пир остонасини подшоликнинг тожу тахти ўрнида кўргин». Бинобарин, Машраб инсоний қарашида пири Офокхожа ҳурмати сарбаланд туради.

Мутасаввифлар инсон ва унинг фазилатлари ҳақида ҳар хил фикр билдирганлар. Қуръонда инсон яралган нарсаларнинг энг улуғи деб таъкидланса, мутасаввифлар одамни катта оламни ўзида мужассам этган кичик олам, борликнинг жавҳари, Худонинг ердаги халифаси, ноёб ақлу ишқ соҳиби ва шунга ўхшаш бир қанча сифатлар билан таърифлаганлар.

Шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатнинг барча босқичларини босиб ўтиб, Илоҳий камолотнинг охириги даражасига етган киши комил инсондир, дейилади. Демак комил инсон дунёвий ташвишлардан, хайвоний майллардан, тубан иллатлардан покланиб, ахлоқ, феъли-атвор, юриш-туриши инсоний фазилатда мумтоз бўлган, маърифат ва ҳақиқатни олий даражада фаҳм этган шахсдир. Машраб дунёни шундай идрок этган мутафаккир эди.

Мутафаккир ахлоқида истеъдод ва идрок қуввати уйғун ва баланд. У ошиқ сифатида маъшуқага ахлоқий покликни тарғиб этади. Машрабнинг севгиси Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин ишқи каби Илоҳийдир. У бу Илоҳий ишқни умрининг охирига қадар пок сақлайди. Зотан, инсондаги поклик унинг ахлоқи юксаклигидан дарак беради.

Инсон руҳияти-умумбашарий қадрият, у юксак, буюк ва беқиёс ҳамда абадийдир. Уни инсоннинг моддий ҳаёти билан алмаштирмаслик керак.

Комиллик-яхшилик, саховат, софлик, ҳаё, мурувват, андиша, адаб, камтарлик, садоқат, қаноат, ростгўйлик, инсоф, некбинлик, адолат, бағри

кенглик каби инсоний фазилатларни ўз ичига қамраб олади. Комилликка эришув заҳматли синовларни енгиш ҳам демак.

Орифлик-Худони танимоқдир. Худони танимоқ-фикр қилмоқ, тўла кўнгилли бўлмоқдир.

Машраб комил ва ориф мутафаккир эди:

Машрабо, шуҳрат талабни кейнидин офати бор,

Орифи вақт ул бўлур, имонга офат бўлмаса¹⁹⁷.

Маърифат манзилида инсон Худо моҳиятини тўла англаб илму ахлоқда комиллашади ва ориф деган олий инсоний фазилат, номга эга бўлади.

Яссавий, Навоий ва Машраб шеърятининг мазмун ва моҳиятини тушуниш анча қийин. Сабаби, улар чуқур фалсафий ва кенг мушоҳада талаб қилади.

Яссавий айтади: “Тупроқ бўлгил, олам сени босиб ўтсин”. Бундай олганда марҳум олим Эргаш Рустамов ўз даврида Яссавий шеърятини тўғри талқин этгани учун тазйикқа учраб, қораланган эди. И. Ҳаққул тупроқни шундай изоҳ этади: «Тупроқ-Ватан. Тупроқ неча юз йиллардан буён не-не улуг фарзандларини қучоғига босиб келаётган мушфиқ замин. У аждодларга оналик қилган. У бизнинг онамиз”. Одам тупроқдан яралган. Тупроқ билан ўзни тенг тутишлик, хоксорлик, кибр, манманликдан покланиш.

Шарқ сўфий ва мутасаввифлари Муҳаммад пайғамбарни “илк нур, сўнг пайғамбар” деб таърифлаганлар. Улар эътиқодларига кўра, агар ҳазрат Муҳаммад бўлмаганда эди, борлиқ вужудга келмасди. Чунки ул зот борлиқнинг илк нури ва илк зухури. Аллоҳнинг ўзи ҳам дастлаб пайдо этгани ана шу нурга ошиқ бўлган ва Одам Атодан бошлаб ҳамма пайғамбарлар томонидан бу нурнинг завқи ва моҳияти идрок этилгандир. Бу хусусда Яссавий:

Бул жаҳонга Муҳаммадни нури тўлди,

Ул нур билан икки жаҳон ёрур эрмиш,-

дейди. Пайғамбар бу дунёни тарк этганда ҳам оламда яна шу нур тўлиб-тошган:

¹⁹⁷ Бобораҳим Машраб. Девон. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2006. –Б.18.

Осмондаги фаришталар ерга инди,

Пайғамбарни нури билан олам тўлди.

Сайру сулукка кирган сўфий, дарвеш ёки ошиқ етишган мақомга қараб нури Муҳаммадни турли шакл ва даражаларда зухурланишини кўра олган¹⁹⁸.

Шу боис Аҳмад Яссавийнинг “туфроқ бўлгил”, деган ғоявий даъватлари Алишер Навоий шеърларида ҳам давом эттирилиб, ривожлантирилган:

Эй, Навоий, ўзни мақбул истасанг туфроқ бўл,

Ким эрур мардуд, улким бошида пиндори бор.

Мардуд-рад этилган. Рад этилиш “бошида пиндори бор”ликдан. Бошида пиндори бор-кеккайган, мағрур. У айни ҳолатда Шайтонга ўртоқ. Шайтон оловдан яралганини пеш қилиб Одамга сиғинмаган ва қаҳрга учраган.

Тасаввуфда “тупроқлик” салоҳияти-осон эришиладиган салоҳият эмас. Бунинг учун ҳам, энг аввало пирнинг тарбияси ва пешволиги зарур. Аҳмад Яссавий буни “Пири муғон хизматида хок” бўлиш деб таъкидлаган. Ва бошқа ўринда “тупроқлик” тўғридан-тўғри пир таъсирида ҳосил бўлишини эътироф этиб:

Ишқ бобини мавлом очгач, манга тегди,

Туфроқ қилиб, ҳозир бўл деб бўйним эгди,-

деган. Бу ерда гап фано ҳозирлиги ҳақида. Мана шунинг учун султон-ул орифин Аҳмад Яссавий ҳазратлари:

Бошим туфроғ, ўзим туфроғ, жисмим туфроғ,

Ҳақ васлига етарман деб руҳим муштоқ,-

дегандирлар.

Тупроқ сингари тош ҳам Аҳмад Яссавий ҳикматларидаги рамзий тимсоллардан. Бу образнинг умуман тасаввуф адабиётига кириб келиши ва маълум мавқега эришишнинг ўзига хос диний, ахлоқий, фалсафий ва мифологик асослари бор¹⁹⁹.

¹⁹⁸ Иброҳим Ҳаққул. Ирфон ва идрок. -Т.: Маънавият, 1998. –Б. 27.

¹⁹⁹ Ўша асар. –Б. 32.

Машрабда-чи? Инсоний покляниш шу даражадаки, у Илоҳга ошиқлигини-олам агар-да, сени куфр сўзлар билан ҳақоратласа-да, халқ ичида ёмон ном олсанг-да, ҳар ким сени кесак отиб, яксон этиб ўтса-да, сен ўзингни тупроқ сана, ҳамма сени босиб ўтсин, чунки, сен даҳрий эмас, мусулмонсан, деб инсонни улуғликка, буюкликка, инсоний фазилат ахлоқий покликка чорлайди:

Ошиқ бўлсанг шундоқ бўл, олам куфринг битсунлар,
Расво бўлгил халқ ичра номинг олиб кетсунлар,
Яксон бўлгил оламда, сенга кесак отсунлар,
Туфроқ бўлгил йўл узра, сани босиб ўтсунлар,
Кофирлигдин ўзга ҳеч манда одат қолмади²⁰⁰.

Албатта, Машраб дунёқарашининг асосида ҳам диний, ҳам дунёвий ахлоқ таълимоти устун туради. Мутафаккир қарашларининг асосий мазмунини етакчи ва бош сабаби замонаси учун илғор аҳамиятга эга бўлган, умуминсониятнинг орзу-умидлари, эзгу ниятлари учун хизмат қилувчи илғор инсоний ғоялар ташкил этади.

Қалби мажруҳ, ахлоқи пок мутафаккир қаерда бўлмасин, ўз фикри ва эътиқодидан бир зум бўлса-да, қайтмади. Ватан соғинчи ва она юрт тупроғи, ундан келган ҳар бир хабар унинг кўнглини кўтарган.

Юртни қўмсаш ва дарбадарона ҳаёт уни юксак эътиқодларга, инсоний фазилатларга чорлади. Ватан туйғуси мутафаккирга малҳам ва қувват бағишлайди.

У Наманган шаҳри-туғилган юртини замона ғаддорликлари туфайли ташлаб кетар экан, вужуди ўртанади, “Муҳаббат шарбатин ичтим”, “Бу фоний дунёдин кечтим” деган мутафаккир ички жасоратли руҳнинг туғёни устувор келиб, Намангандан дунё кезиш учун чиқиб кетишни мақбул санайди:

Ғам биёбонида қолдим, йиғладим кўп ёр деб,
Оҳ уруб, фарёд этиб, булбулдайин гулзор деб.

²⁰⁰ Қиссаи Машраб. -Т.: Ёзувчи, 1992. –Б. 39.

Кечаю кундуз куярман ишқ ўтиға доимо,
Дарбадар излаб юрурман соҳиби асрор деб.

Лашкари ғам ҳам синуқ кўнглумни афгор айлади,
То давосиз дардга қолдим, ожизу бемор деб.

Гарчи осийман, эмасман раҳматингдин ноумид,
Ҳар на қилса эрки бор ул, бандаси ночор деб.

Маърифатлик бир эгам деб бўлма ғофил, Машрабо,
Гарчи ғофирдурки, йўқдур меҳрибон, жаббор деб.

Машраб жамият разолатларидан, қабоҳат ва жаҳолатларидан, мавжуд тузум адолатсизликларидан ларзага тушган. У золим шоҳ ва адолатсиз амалдорларнинг ахлоқсизлигидан, халққа ўтказаётган зулмидан ғазабини яширмаган, уларни адолатга, инсоф ва диёнатга чақирган. Такаббурлик ва таъмагирликни, жоҳиллик ва мунофиқликни, мағрурлик ва киндорликни, ғофиллик ва ноқобилликни қоралаган.

Машраб Жуйборга келса бир хожа эшиги олдида халойиқ жам бўлиб турибди. У нима воқеа бўлганлигини сўрайди. Одамларнинг айтишича, хожа бир қулни тупроққа солиб азоб бермоқда экан. Машраб, қулнинг гуноҳини сўрасам хожа ўтармикин, деб сўрайди, халойиқ ҳам Машрабнинг фикрини тасдиқ этади. Шоҳ Машраб хожанинг қошига келиб: “Эй хожа, бу қул сизга нима гуноҳ қилди, мунча мунга зулму ситам қилурсиз?” Хожа Шоҳ Машрабга қараб дедики: «Бу қул андоғ гуноҳ қилибдурки, икки юз тиллога олган арғумоғимни товуғни тезагини бериб ўлдурубдур. Анинг учун мундоғ азоб қилурман”,-деди. Машраб сўрдиларки; “Эй хожа, атонгиз борму?” Хожа айди: “Атом ўлгандурлар”. Шоҳ Машраб айдилар: “Атонгиз кимни тезагини еб ўлди, ўшал икки юз тиллога олган арғумоқ товуғни тезагини еб ўлган бўлса”,- дедилар.???

Машраб ғазал ва мухаммасларида такаббурликни қоралайди. У саййид ва хожаларни инсофли бўлишга, халқ устидан адолат билан иш юритишларини иштайди. Мутафаккир саййид ва хожаларни элдан лаънат олмай, уларга тўғри йўл кўрсатиш кераклигини эслатиб, “Саййидсан, хожасан, зинҳор мағрури насаб бўлма”,-дейди. У авлоди пок кишиларга, насл насабининг келиб чиқишини эслатиб, жоҳиллик ботқоғига ботмасликни, ғафлат ва ғофилликка берилмасликни, ноқобиллик билан иш юритмасликни, аксинча, ақл ва идрок билан, кенг фикр ва мушоҳада билан иш юритиш инсоний фазилат, юксакликка кўтаришини айтади.

Истеъдодли мутафаккирнинг сўзи Шарқда ҳамон бетакрор, ҳам Ҳақ учун далил жангга кирганларга ҳамдам, маслакдош, аммо кечаю кундуз мол тилагида юрган, «ўз нафси билан саргардон” кишиларнинг эса қаттол душмани.

Машраб ҳаёт айш-ишрати, бойлик ва, умуман, барча дунёвий, моддий ноз-неъматлардан воз кечган қаландар, дарвиш, дарбадар мутафаккирдир. Инсоннинг Аллоҳга бўлган беадад ишқи, унинг дийдорини кўриш иштиёқи, унинг номи билан маст бўлиб унга бўлган муҳаббатини изҳор этиш мутафаккир ижодиётининг мантиқий ҳосиласидир. Машраб, профессор И. Абдуллаев ёзганидек, ўша замонасининг бир ҳарорати зўр, олови эди. Ноҳақликни кўролмади, ёлғончию каззобларни сўкиб ўтди. Дунёдан исён бўлиб ўтиб кетди. Унинг ўткир мисралари бой давлатмандлар ва нодон уламоларга ўқдай отилди. Машрабдаги дунёвий муҳаббат, ҳақиқий гўзалликни куйлаш уни самовий гўзалликка, Аллоҳ муҳаббатига руҳлантирди:

Гулшани боғи даҳр аро булбули нағмагар ўзум.

Бир бути бебадал учун ошиқи дарбадар ўзум.

Куюнга дам-бадам бориб, навҳаву зорлар қилиб,

Шому сахар фиғон этиб, ҳофизи хуш асар ўзум.

Ё шаҳи меҳрибонмусан, ё маҳи осмонмусан,

Ер билан кўкни куйдуруб кавкабаву қамар ўзум.

Жоми майи луоб ичиб, Мажнуни бенаво бўлуб,
Нозу карашмалар қилиб, Лайлийи ишвагар ўзум.

Шамъи жамолинг ўртади жону дилимни, эй санам,
Болу паримни куйдуриб, бедили навхагар ўзум.

Васлингни истаб эй санам, кечаву кундузи мудом,
Вақти сахарда тур дединг, доияйи сахар ўзум.

Хисрави комрон бўлуб, Рустами Достон бўлуб,
Бир зўр паҳлавон бўлуб, Ҳамзайи раҳнагар ўзум.

Олими нуктадон манам, пири хидояхон манам.

Шухрати шеър бобида Машраби мўътабар ўзум²⁰¹.

Айниқса Машрабнин “Мабдаи-нур” рисоласидаги ҳикоят ва ғазаллар чуқур ахлоқий, фалсафий мазмунга эга. Мутафаккир дастлабки ҳикоятда Румий руҳидан илҳом олган, унга ихлос қўйган “дафтар очар орифи ширин калом” бўлган киши Илоҳ нуридан баҳраманд бўла олишини айтади.

Машраб фоний маконда яшаган ҳар бир киши боқийликка рихлат қилишини, шу боис бу дунёда киши Илоҳ, Илоҳиётга яқин, собит бўлиб яшашини, ҳар бир ишни ўз вақтида қилишни маслаҳат бериб, ҳақ йўлида ҳақиқат излаганлар камлигидан ранжийди.

Мутафаккир у дунёсини унутган бандаларни қоралайди, ундай кишиларга жаннат нури йўқ, кимки расулга уммат эмас экан, унинг дилида қиёмат ваҳми йўқ дейди. Шу билан бирга фонийликда бағри бутунлар камлигини, Илоҳ кимнидир фарзанд доғида, кимнидир абгор ҳолга солиб қўйганлигини, у қайсики дилга боқса, ҳаммасининг қалби мажруҳ эканлигидан ўкинади:

Қиёматни унутган бандаларга нури жаннат йўқ,

²⁰¹ Машраб. Девон. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2006. –Б. 172.

Расулга уммат эрмас, дилда чун ваҳми қиёмат йўқ,

Ғараз ҳар дилга боқдим, ҳеч вақти бежароҳат йўқ.

Унинг қалби азият чекади, дили замона носозликларидан фарёд уради, бу дунёни зиндонга ўхшатади, жисмига ўлим яқинлашгани сари халовати йўқолади, қўлидан келган одам вақтини ўтказмасдан меҳнат қилиши, меҳнат қилмаган кишига роҳат йўқ деб билади. Ноқис аҳлига, пасткаш кишиларга насихат қилмасликни, Ҳақ ва ҳақиқатни тушунишни истаганларга тўғри йўл кўрсатиш лозимлигини уқтиради:

Қўлингдан келса ҳар ҳайратни вақтидин ўткарма,

Деди хайрул башар бу сўзни бемехнатга роҳат йўқ,

Ривожи корини аблаҳга айтманг, аҳди ноқисдир,

Ҳақиқат аҳлига мундин дуруст неку насихат йўқ.

Кўтар андишаларни хотирингдин, эй жигарбандим,

Қиёмат хавфини ким англади, умрига лаззат йўқ,

Тариқат йўлида Машрабга тегди Мабдаи нур,

Бу нисбатдин кимики топмай ўтти, анга давлат йўқ.

Мутафаккир “Излама” радифли ғазалида давр сен ўйлаганчалик бўлмаса, сен ундан даври-даврон излама, Ҳаққа берилмасанг, чўлу биёбон кезма дейди.

Машраб яхшилар суҳбатидан баҳраманд бўлиш, улар кўрсатган йўлдан бориш инсоний фазилат, улуғликка етаклашини айтади, ҳар бир одамнинг қалби пок, ахлоқи тоза бўлишини истаб, “Хонаи дилни супурмай, санки меҳмон излама”, дейди. Мутафаккир охират тадорикини бу дунёда қилишни, Илоҳга ибодат қилиб, ҳар бир киши иймонини йўқотмаслигини, ҳар қандай киши тақводорлик жомасини кийгани билан зиёли бўлиб қолавермаслигини таъкидлаб, маърифат сирларини эгалламаганингча Сулаймондек тожу-тахт даъво қилма дейди:

Жомаи тақво зиёликдур, киёлмас ҳар хасис,

Бу нигин қўлунгга тегмайдур, Сулаймон излама.

Хонавайронлар билур афтодаларни холини,

Санки ранжур бўлмасанг, эй кўр, Луқмон излама.

Мутафаккир Машраб ҳар қандай кишининг пири комили бўлишини, акс холда унинг сўқирдан фарқи бўлмаслигини, охираат куни ўттиз минг йиллик сирот кўпригидан инсон қийналмай ўта олиши мумкинлигини, инсон ҳар бир кадамини тавба-тазарру билан босишлигини, ўтаётган кун кишдек совуқ бўлмаслигини, аксинча баҳордек гўзал бўлишини, инсон бир-биридан зинҳор нуқсон изламаслигини, умр қисқа эканлигини, одам қимматли ва ўз айбини бўйнига ола биладиган комил, инсоний фазилатларга эга бўлишлигини маслаҳат беради:

Вақти сад бир куни баҳор изла, зимистон излама,
Шерлар бордурки, оҳи етти дўзахни бузар,
Сан аларни коридин зинҳор нуқсон излама,
Йўл юрар бўлсанг, ниҳоят йўқ, сани умрунг қалил,
Тавсани ҳимматга минмай сан бу майдон излама,
Кимки ўз айбини билди, етар раҳмонига,
Дийда ўз айбингга оч, дигарга нуқсон излама.

Мутафаккирнинг илоҳий дунёқарашича, вужуди ва жисмини Ҳаққа берган киши маконда дунёга назар солиб, фонийлик ва боқийликни англаб олади. Ҳақиқат учун яшаётганларни дунёнинг бойлиги қизиқтирмайди. Қўлида заҳар ушлаб турган душманни киши таниёлмайди, у қандга ҳам заҳар қўшиб бериши мумкин, бундай гаплар менинг қулоғимга чалинаверади, менга жаннатнинг ҳурлари керакмас, менга ибодат қилиб, дилидан мағрурликни ташлаган инсон азиздир, кимки кибр-ҳавони ўзига касб қилибдими, ундайлар жаҳаннамнинг тубига тушувчилардир, деб ҳисоблайди.

Мутафаккир ахлоқли киши нафсга берилмаслигини, ахлоқсиз кишилар нафсга ҳаддан зиёд берилганлигини, ўзлигини йўқотган, олам ишларидан беҳабар инсон, Аллоҳни унутган кишиларгина мақсадсиз яшашликларини англатади. Шермард, жонга оро кирувчи, маърифат ва зиёдан хабардор кишиларни инсоннинг жисмига поклик бағишлашини, агарда улар Ҳақ учун сенга йўл кўрсатсалар, сен бундай одамнинг хоки пойига “Бошингни ургину, даргоҳида хизматда бўл доим”,-дейди.

Машраб инсон яхши, инсоний фазилатли кишилар билан ҳамкор бўлишини, бундай кишилар киши дилининг хузури эканлигини, агарки сенга тожи тахт бахтини берса-да, бу дунё ва у дунёда бундай одамларни авайла ва уларни эъзоз эт,-дейди.

Мансур Ҳаллож мутафаккир Машраб сиймосидаги шундай комил зотдир. “Анал-Ҳақ” (Мен-Ҳақман) лик учун жонини берган Ҳалложни Машраб авлиё деб таъриф этади. Унинг қарашича, кимки азизларга ҳақорат тошини отса, ундай одам рўзи маҳшар куни дўзах арилари томонидан чақиб, таланишини айтади.

Қаландар Машраб ишқ шаробидан маст ҳолда, пок ҳолатда Ҳақ йўлида маънолар хазинасини териб, Илоҳ нуридан баҳра олишини марди Худодан сўрайди:

“Анал-Ҳақ” гўйларни руҳига дарёйи раҳмат бер,
Бағишлар раҳматингни жон тасаддуқ қилди Мансури,
Илоҳи сояи покинг муборақдур, Абулқосим,
Шафоат баҳрини қилдинг букун умматга машҳуру,
Азизларга ҳақорат бирла ҳар кимки назар қилса,
Босарлар рўзи маҳшар дўзахни занбури.
Йўлимни боғлама, саргаштаман, эй марди динпарвар,
Шароби завқдин келтурки, борман маст махмури,
Етушки лутфи покингдин муҳаббат жони Машрабга,
Ҳазойини ҳақиқатдин очилди Мабдаи-нури.

Пок қалбли, инсоний фазилатли одамларнинг таъби нозик. Чунки улар Аллоҳ гўзаллиги, жамолу жалолини айрича ҳис билан идрок этадилар. Бундан масту мустағриқ бўладилар. Улар дунёнинг барча нафосати, ҳаёт жилолари, завқ бағишловчи ҳусни жамолни Аллоҳ жамоли инъикоси деб қараганлар. Сўфийлар инсон руҳини “латифа” деб айтадилар. Бу ҳам руҳнинг ниҳоят нозиклиги, кўринмас (энергиядай) латофатдай мавжудлигини англашдир. Руҳ-покиза хилқат ва шу боис жами покизалик, нозиклик руҳ хислатини ташкил этади. Шунга кўра маъшукани фаришта хислатли малаксиймо, паризод, пари

пайкар деб тавсифлайдилар. Бу ҳам поклик ва нозикликка ишорадир, яъни таъб нозиклиги, сўз ва ифода нозиклиги, завқ ва идрок нозиклиги, феълнинг юмшоқ ва латиф бўлиши ҳам сўфий қалбининг поклигидан нишоналардир²⁰². Машраб:

Сода кўнглум ичра лаълимнинг хаёли тушгали,

Шишадурким, онинг ичига солмишлар набот.

XVII-XVIII асрлар педагогикаси тадқиқига бағишланган ишлар салмоқли. Айни чоғда, бу давр педагогик адабиётида ўрганилиши муҳим масалалар ҳам талайгина. Шулардан бири адабиёт ва тасаввуф алоқадорлиги масаласи. Шу маънода, Нишотий, Машраб, Сўфи Оллоёр, Ҳувайдо, Салоҳий каби шоирларнинг шеърлари “Ҳусну Дил”, “Мабдаи нур”, “Сабот ул-ожизин”, “Роҳати дил” сингари манзумаларга тасаввуфий нуқтаи назардан ёндашибгина холис баҳо бериш мумкин. Чунончи, “Мабдаи нур”нинг биринчи дафтари мавлавия тариқатининг асосчиси мавлоно Жалолиддин Румийнинг «Маснавий»сидан олинган қуйидаги байт билан очилади:

Бишнава аз най чун ҳикоят мекунад,

В-аз жудоихо шикоят мекунад.

Кейинги қўш мисра мазкур байт мазмунига ҳамоҳанг, тўғрироғи унда байтнинг маъноси берилган:

Англагин, най не ҳикоятлар қилур,

Ким, жудолиғдин шикоятлар қилур.

Аёнки, касратдаги жамики нарсанинг ибтидо ва интиҳоси мавжуд най ҳам аввалида бир қамиш эди. У ўз аввали, ибтидосига қайтмоқ истаб нолалар қилган, унинг фиғонига жудолик сабаб. Бу нолалар ўзликка қайтмоқ умидининг афғонларидур²⁰³.

Инсон ҳам аслида Ишқнинг фарзанди. Парвардигор инсонни яратар экан, унга бошқа махлуқотга берилмаган руҳий завқни инъом этди. Чунки Тангрининг оламларни яратишдан муроди аввало инсон эди. Олам Яратганнинг хусну жамоли учун мисоли кўзгу бўлса, инсон шу кўзгунинг мазҳари-Тангри

²⁰² Н. Комилов. Маънавий камолот илми. Ахборот. 2003 йил, 2-сон. –Б. 9.

²⁰³ Мўминжон Сиддиқов. “Мабдаи нур”да ишқ талқини. Ўзбек тили ва адабиёти. 2001, 3-сон. –Б. 58.

таоло қудрати ва сиру асрори, илму каромати акс этган мўъжиза хилқат. Инсон қалби эса парвардигор илми ва ишқнинг хазинаси. Тангри Одамни бино қилиб, унинг қалбига Ишқ аталмиш бойликни жамлади. Шу сабаб Одамга фаришталар сажда қилдилар, шу сабаб у азизу мукаррам бўлди. Ишқгина инсонни ўзлигига элтади. Ишқ туфайлигина инсонда тажрид ва тафрит (покланиш,якқаланиш юз беради²⁰⁴.

XVII-XVIII асрлар адабиёти Атойи, Лутфий, Навоий, Бобир анъаналари таъсирида шаклланган экан, уларда ишқ биринчи ўринга кўтарилганлиги, кўпроқ Илоҳий Ишқ тараннум этилгани маълум. Бу вақтга келиб адабиётда реализм унсурлари устувор бўлиб боргани аниқ, аммо Шарқ шеъриятида асрлар бўйи бош мавзуга айланиб қолган раҳмоний Ишқ мавзусидан чекингани йўқ. Акс ҳолда Машраб:

Ломаконни(нг) шаҳрида ошиқни шайдо қилди Ишқ,
Анбиёю авлиёларни хувайдо қилди Ишқ,-
демаган бўлур эди.

Машраб Ишқни набию валийларга хос, дейди. Боязид Бистомий, шайх Шиблий, Фаридуддин Аттор, Мансур Ҳаллож, Насимийлар шу ишқ сабабидан эл аро дoston бўлдилар,-деган шоир:

Ишқ кимёдурки, мисни зар қилур,
Пашшаи лоғарни Искандар қилур²⁰⁵.

Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” (Нодир воқеалар) асарида ҳазрат Навоийнинг уйланмаганлиги ва аёлларга бўлган покиза муносабати ҳақида жуда қизиқ ва ибратли воқеа келтиради. Ушбу ҳикояни “Алишер Навоий таъбида нафсоний шаҳват, руҳий лаззатга майлнинг чеклангани хусусида”,-деб номланган.

Алалхусус, нозик таъб шоир уйланмайди. Ижодкор ва унинг шахси ҳақидаги энг биринчи манба эса-унинг асарларидир. Навоий ижодида ҳам

²⁰⁴ Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. –Б. 43.

²⁰⁵ Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан. – Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. –Б. 222.

шахсий турмуш борасидаги кўпдан кўп ишоралар ҳақида устоз навоийшунослар тўхталишган. Биз фақат, шоир ғазалиётида учрайдиган бир жиҳат-никоҳ ва талоқ масаласига тўхталмоқчимиз. Маълумки, инсон учун муҳим бўлган бу икки масаланинг ижодкор асарларида нечоғлик баён этилганлиги ҳам унинг бу борадаги асл мақсад-муддаосини очиб беради.

“Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги бир ғазалида шоир айтади:

Эй Навоий, эр эсанг дунё арусин қил талоқ,

Бир йўли бўлма забун бу золи маккор оллида.

Байтда ажиб бир ўхшатиш ва қаршилангириш бор. Яъни, агар чиндан ҳам эр бўлсанг келинчакдек товланиб турган, лекин ҳою ҳавасларга бурканган бу дунёни талоқ қил (ўзингдан йироқлаштири)гилки, унинг орқасидан кетаверсанг, бир куни бу «гўзал» келинчак золи маккор (маккор, шум кампир)га айланиб сени забун қилади. Байтдаги “аруз” ва “зол” қаршилангириш (тазод) . “Эр”дан мурод эса тасаввуф-нафс тарбияси орқали комиллик сари интилаётган тариқат марди-солик маъносидадир. Яъни, англашилганидек, байтнинг мазмун-моҳияти ирфоний таълим бериш. Дунёга муҳаббат ва бунинг салбий оқибати масаласини ҳаётий лўнда мисол ёрдамида шоир жуда чиройли ечиб берган²⁰⁶.

Никоҳ ислом динида муқаддас ҳисобланади. Уни ҳуда-беҳудага бузиш мумкин эмас. Кўплаб сабаблар йиғилиб, оила муаммоси ҳал қилиб бўлмайдиган тақдирдагина энг охириги чора сифатида никоҳ бузилади-талоқ қилинади. Талоқ айтилганда, арш ларзага келади. Баъзи ҳоллар ҳам бўладики, талоқ шариат ҳукмларига кўра янгиланади, яъни тикланади. Мисол учун, жаҳл устида ёки бошқа айрим сабабларга кўра бир ёки икки талоқ қўйилган бўлса, аммо уч талоқ қилинган бўлса, бу мумкин эмас.

Навоий “Бадоеъ ул-васат” девонидаги бир ғазалида:

Истасанг беш кун фароғат, гарчи кобин умр эрур,

Даҳр золин тўрт мазҳаб бирла қилғил уч талоқ-

дейди. Юқорида келтирилган мазмун мазкур байтда янада чуқурлашган ва ойдинлаштирилган. Шоир энди дунёни “арус” (келинчак) эмас, балки

²⁰⁶ Отабек Жўрабоев. Никоҳ. Хуррият газетаси, 2005, 9 феврал.

тўғридан-тўғри зол (шум кампир) деб атамоқда. Агар, беш кунлик-қисқагина хаётинг давомида роҳат-фароғат қилай десанг, бу дунёни тўртала мазҳабда ҳам (никоҳ тикланиши мумкин бўлмаган ҳолатда) уч талоқ қилгил; негаки, сен дунёни никоҳингга олсанг маҳр (қалин) сифатида умрингни берасан. Ислому оламидаги тўрт-ҳанафий, шофеъий, моликий ва ҳанбалий мазҳабларида ҳам уч талоқдан сўнг эр-хотин ярашиши йўқ. Бу каби маълумотлардан, ислому аҳкомларини яхши билган Навоий ўз ғоясини бадиий гўзал ифодалаш йўлида унумли фойдаланибгина қолмай, байт моҳиятини оширган. Демакки, инсон қалбий фароғат ва рухий осойиш топа олишида бу даҳри дун ҳавасларидан ўзини фориғ қилиши керак, чунки унга ажратилган шундоқ ҳам қисқа умри алдамчи дунёга (ёлғончи келинчакка маҳр сифатида) бериб қўйиш оқиллик эмас²⁰⁷.

Машраб ҳам Навоийдек бақога ўзни бағишлаган фоний дунё севгисига минг талоқ айтган эди:

Минг талоқ этган бу дунёни қаландар мастман,
Сар басаҳро бош уруб Мажнуни бесар мастман.

Дафтар очманг Рўзи Маҳшарда мани маст олдида,
Сўрма аҳволимни ҳаргиз, эй биродар, мастман.

Ташнаман, беҳудлуғумдин ду жаҳонға сиғмадим,
Чунки ким уйғотса кўрсун Рўзи Маҳшар мастман.

Муждаи Рўзи Жазода халқ шафоат изласа,
Чарх урарман оҳ уруб пеши Паямбар мастман.

Мастлигим Рўзи азалдиндур ҳақиқат шаҳрида,
Ишками модарга келган, манки модар мастман.

²⁰⁷ Ўша манба, ўша жой.

Давлати уқбо агар билсанг манинг дастимдадур,
Сад ҳазорон урсалар бошимга ханжар мастман.

Жаннатул Фирдавсини ҳаргиз назарга илмадим,
Машраби вақтман, ки ман баҳавзи кавсар мастман²⁰⁸.

Етти йил Офокхожа даргоҳида хизмат қилган шоир иршод олмай, у ердан кетишга мажбур бўлган. Чунки Машраб руҳоният кишиси эди. Устозлик ва шогирдлик одобини сақлаган Машраб пири ҳузурига қайтиб боради. Канизак можароси эса шоирнинг дунёдан аҳли аёл ва фарзандсиз ўтганига бадиий-тўқима-бир сабабдир. Унинг шеърларида бу можарога ишора ёки норозилик умуман сезилмайди. Машраб кимнидир севган бўлиши табиий. Шоирнинг “Зебо санамим”, “Эй санами парлиқо”, “Қиз” каби кўплаб ғазаллари юксак инсоний фазилатларнинг, инжа туйғуларнинг гўзал ифодасидир. Бироқ бу муҳаббатни айнан Офокхожанинг канизагига нисбат бериш ноўрин²⁰⁹.

Қолаверса, етти йил сулук таълимини олган, мажзуб ва ошиғи барҳақ сифати билан улуғланган Машрабнинг Офокхожа канизаги билан пирнинг даргоҳидан қувиладиган даражада ишқий муносабатда бўлганлигига ишониш қийинроқ. Қиссаларда бу ҳақдаги лавҳаларнинг турли-туманлиги ҳам уларнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Масалан, Н.Н.Пантусов маноқибларга суяниб, Машраб қирғиз маликаси Сатиржобдан ўғил кўргани ҳақида маълумот берган. Балоғатга етгач, у ҳам баҳодир, валий йигит бўлиб етишган. Қабри Харгоснинг шарқий (чап) қирғоғида жойлашган. Ушбу лавҳанинг тарихий ҳақиқат эканлигини ҳам канизак ҳикояти каби манбалар тасдиқламайди. Ғазалларда “Йўл узра келди Машрабинг, қўл узат, эй Офок хожам”, “Ҳидоят кўргузинг, Офок хожам пушти паноҳимсиз” мисралари учрайди²¹⁰. Машраб:

Ҳар нафаским, менда бор бўлди мадад Офок хожам,
Бўлмаса бир куруқ ёғоч, даштда кўҳсор ўзум,-
байтида пирига эҳтиромини ифодалаган.

²⁰⁸ Машраб. Девон. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2006. –Б. 198.

²⁰⁹ Дилором Ҳамроева. Машраб ҳақидаги афсона ва ҳақиқатлар. “Ишонч” газетаси, 2004, 7 май.

²¹⁰ Ўша манба, ўша жой.

Ушбу ғазалда у: “Қуддиса сирриху Хожам отимни Машраб дедилар”, дея Машраб тахаллусини Офокхожадан олганини айтади.

Ҳазрат Навоий “Сенга йўқ нафсдек душман, қила олсанг, ани қил банд”-деган эди. Не ажабки дунё мушкулларини ечишга қудрати етган инсон зоти нафси аммора қаршисида ҳамон ожиз. Навоий билан Шох Машраб нафси амморани енгган, енгишга куч топа олган юксак инсоний фазилатга эга улуғ зотлардир.

Аҳмад Ясвий, Сулаймон Боқирғоний, Навоий, Бобур, Машраб, Сўфи Оллоёр сингари буюк вакиллар руҳни улуғлаб, нафсни ёмонлик ва тубанлик тимсоли сифатида ҳар томонлама кенг талқин қилганлар.

II.3. Талабалар маънавий-ахлоқий камолотини такомиллаштиришга оид Машраб асарларидаги дидактик омилларнинг ўрни

Файласуф Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шаҳри» асарида инсоннинг комиллашуви ўша жамиятнинг гуллаб-яшнаши, улар онги ва тафаккурида улкан ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлиши хусусида фикрлаб шундай дейди: Фозил одамлар яна одамзод қандай яралганини, руҳнинг хусусиятларини, фаол ақл унинг руҳини қандай қилиб нурлантирганини, шу туфайли инсонда дастлабки тушунчалар пайдо бўлганини, у Аллоҳнинг иродасига бўйсунуши ва нималарда эркинлигини билишлари зарур.²¹¹ Форобий инсон вужудан Аллоҳ яратган мўъжизавий мавжудот эканлигини шундай таъкидлаган: Ақли етуклик, илм маърифат эгаси бўлиши эзгу хулқ, эзгу сўз, эзгу ишлари, олижаноб ниятлар ватанпарварлик, халқпарварлик туйғулари билан узвий алоқада ривожланиши лозим. Шунда руҳий маънавий комиллик ҳар бир инсон сийратида ва бутун жамиятда намоён бўлади²¹².

Розий, Ибн Мискавайх, Беруний, Форобий, Ибн Сино каби мутафаккирларнинг фикрича, Илоҳий моҳиятга эга бўлган инсон яшайдиган дунё ҳақиқийдир. Шунинг учун инсон шу дунёда инсонлик ва ақл талабларига

²¹¹ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: Абдулла Қодирий номли Халқ мероси нашриёти, 1993. –Б.167.

²¹² Ўша асар, ўша жой.

риоя қилган ҳолда яшаши ҳақиқий моддий ва маънавий бахт-саодатга эришиши керак. Ана шунда ундан келажак авлодларга яхши хотира, маънавий мулк қолади ва у келгуси авлодлар хотирасида яхши одам, фозил – етук киши, комил инсон сифатида абадий яшайди.

Комил инсон – бир идеал, барча дунёвий ва Илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи мутлоқ руҳга туташ, файзу кароматдан сероб, сийрату сурати саранжом, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим покиза зот, Навоий тили билан айтганда:

Фонийвашеку, ҳам сўзидир пок, ҳам ўзи,

Хуш давлат ул кишигаки, тушгай анинг кўзи.

Дейдиларки, унда тўрт малак Жаброил, Мекоил, Исрофил ва Азроилнинг хислати (Азроиллиги – нафсининг қотили эканлиги) Хизрнинг пайғамбарлиги, офтобнинг саховати мавжуд. Унинг кўнгил жоми чети намодай (дунёни кўрсатувчи жом – қадах) етти фалак ва ўн саккиз минг оламини акс эттириб, ғайб асроридан хабар бериб туради. Уни яна Одил, Оқил, Фозил, Фақир хазинаси, Иксири Аъзам (улуғ малҳам), Қибрити Аҳмад (мисни олтинга айланттирувчи жавҳар) сифатлари билан тавсиф этадилар. Комил инсон, одамзод орзу қилган жамики эзгу хислатларнинг ифодачиси, у гўё Мутлоқ Илоҳ билан инсоният ўртасида восита бўлувчи муқаддас хилқат²¹³. Бундай мартабага мушарраф инсонларни валиюллоҳ, қибла, қутб, ғавс, (мададкор), автод (устунлар), абдол (бадал қилинган) деб улуғлаганлар. Мўътабар китобларда нақл қиладиларки, дунё шундай зотлар туфайли барқарор ва осойиштадир. Ернинг икки қутбида иккита қутби аъзам, тўрт бурчагида тўртта автодлардан, етти иқлимда етмиш иккита абдол доимий кўриқчи бўлиб турар экан, уларнинг бири оламдан ўтса, иккинчиси дарров ўрнини босар экан. Шунинг учун Ер юзида ҳар қанча гуноҳ кўпайиб кетганда ҳам, у зеру забар бўлмасдан ўз ўқидан чиқиб кетмай тураркан, чунки, ана шу азиз авлиёлар бандаларнинг гуноҳини Парвардигордан сўраб турар эканлар²¹⁴.

²¹³ Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Биринчи китоб. –Т.: «Ёзувчи», 1996. –Б. 143.

²¹⁴ Ўша манба. –Б. 144.

Тасаввуф аҳли хоҳлаган идеал – комил инсон аслида халқ идеали, адабиёт идеали эди.

Юридик фанлари доктори Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний «Тасаввуф таълимотида комил инсон» мавзусига тўхталиб шундай дейди: Комил инсон масаласи ваҳдат фалсафасига боғлиқ бўлган мавзулардан бири ҳисобланади. Тасаввуф таълимоти марказида инсон моҳиятини тушуниб олиш, руҳидаги маънавий томонларини юксалтириш ва комил инсон мақомига кўтариш ғояси ётади.

Нақшбандия тариқатининг йирик вакилларида бири Махдуми Аъзам Саййид Аҳмад ибн Жалолиддин Косоний «Рубойлар шарҳи» рисоласида ёзишича, одам боласи туғилгандан кейин дунёга кўнгил бериб, Илоҳий руҳдан иборат бўлган унинг пок борлиғи булғанди ва бутунлай кўздан беркилиб, у билан ҳақиқий маҳбуб васли орасида ҳижобга айланган. Солик кўнглидан ушбу булғанчликлар ва тааллуқлар комил ва мукаммал муршид раҳбарлигида оғир риёзат ва ибодат орқали зойил бўлгандан кейин, ҳақиқий маҳбуб жамол ва жалол сифатида унинг кўнгли кўзгусида тажаллий қилиши мумкин. Ўшанда қалби ва руҳи Илоҳий тажаллийга ўрин бўлган бу инсон жисмоний қолипга боғланишдан озод бўлиб, ўз руҳи билан ваҳдат уммонида ғарқ бўлади ва ўз холини куйидагидек ифодалайди.

Севги нимадир, дема ўзимман,

Жонман бутуну ўринда йўқ тан.

Кўзадан дарёга сув тушса агар,

Маҳв ўлуб дарё бўлур сўз мухтасар²¹⁵.

Ширвоний «Риёз ус саёҳа» ва Ризоқули Ҳидоят «Риёз ул-орифин»да қайд этишларича, комил инсон 45 дан кўпроқ ном билан аталган экан. Улар жумласидан Жаброил, Микоил, Исрофил, Азроил, Нух, Мусо, Илёс, Идриси аъзам, Инсони мутлақ, Хизр, Аллоҳнинг халифаси ва бошқаларни айтиш мумкин.

²¹⁵ Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф таълимотида комил инсон сиймоси. Илмий-таҳлилий аҳборот, 2-сон. –Т.: Ислам университети, 2003. –Б. 37.

Кубровия ва нақшбандия тариқатларида комил инсон сиймоси ҳеч қандай игроқ ва муболағасиз амалий ҳаёт талабларига мос келадиган шаклда тасвирланади.. Шубҳасиз Нажмиддин Кубро ҳам, Баҳоуддин Нақшбанд ҳам шунингдек, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий ўзи комил инсон даражасига кўтарилган зотлардан эдилар. Н.Комилов «Тасаввуф» китобида «Улуғ Алишер Навоий комил инсоннинг ёрқин тимсолидир» деб ёзади. Лекин улар ҳеч қачон кашфу каромат даъво қилмасдан ва ўзлари учун бошқаларга нисбатан устунлик сезмасдан ҳаёт билан чамбарчас боғланган ҳолда яшаб, халқ ва Ватан олдида ўз инсоний вазифаларини бажариб келганлар.

Нажмиддин Кубро Хива шаҳрида йирик хонако қурдириб, кўп сонли муридлар тарбияси ва илмий асарлар ёзиш ишлари билан машғул эди.²¹⁶

Шайх Саъдий тариқатни қуйидаги қисқача иборалар билан таърифлаган эди: «Тариқат иши фақат тасбеҳ тутиб, жундан либос кийиб ибодат қилиш билан бўлмайди, тариқат халқнинг хизматидан бошқа нарса эмас».

Фаридиддин Аттор ривоятига кўра, Шайх Абдулҳасан Ҳарақоний бундай деган экан: «Кошки, барча халқ учун мен ўлсайдим, ўшанда халқ учун ўлим бўлмасди. Кошки, барча халқнинг ҳисоб-китобини мен билан қилишсайди, ўшанда қиёмат куни улар учун саволу жавоб бўлмасди. Кошки, барча халқ ўрнида мени жазолашсайди, ўшанда уларни дўзах оловига олиб боришмаган бўларди.

Бундай инсонпарварлик комил инсон характери қирраларидан бирининг инъикосидир.

Н.Комилов комил инсон ҳақида махсус асарлар ёзган ва комил инсон сурати, қиёфаси зухур этган инсонлар ҳақида шундай фикрларни билдирган: Комил инсон тасаввуф адабиётида кўп марта тилга олиниб, мунозараларга сабаб бўлган ва бу ҳақда махсус китоблар ёзилган. Шулардан Саййид Абдулқодир Гилоний ва Азизиддин Насафий (XIII аср)ларнинг «Инсони комил» номли рисоаларини махсус тилга олиб ўтиш мумкин. Ибнал Арабий наздида комил инсон – бу ақли аввал ёки нафси аввал, ақли кулл тушунчалари

²¹⁶ Ўша манба. –Б. 38.

билан маънодошдир. Чунки Тангри таоло Илоҳий нурдан илк марта Ақли аввални яратти ва унинг сурату шаклини Комил Инсон қиёфасида зухур этди.

Сайид Абдулқодир Гилоний: Комил инсон, воқеан, Муҳаммад саллАллоҳу алайҳи ва олиҳи ва салламдир ва қолган анбиё авлиёнинг камолати унга нисбатандир, худди фозилнинг афзалга нисбатидай».²¹⁷

Шайх Омилий дейдиким, олам Комил инсон ҳақиқати туфайли барқарордир, зеро фалаклар унинг нафаси билан айланурлар, мулки малакут ундан таълим олулар. Шундай мартабада комил инсонни Ҳақнинг кўзгуси дейдилар. Ҳақ таоло ўз исми ва сифатларини фақат комил инсонда кўради. Комил инсонгина Ҳақ кудратининг буюклиги, чекизлигига гувоҳ бўла олади.

Шайх Азизиддин Насафий фикрича: Одамлар коинотнинг хулосаси ҳамда мавжудот дарахтининг меваси бўлсалар, Комил инсон одамлар мавжудотининг қаймоғи ва хулосасидир.

Адабиётшунос Эргаш Очилов «Дарвеш – Комил инсон тимсоли» тадқиқотида Ҳақ йўлига кирган сўфий дарвешнинг ва улуғ шоҳу тождорларнинг дарвеш-комиллиги ҳақида шундай фикрларни илгари сурган: Дарвеш сўзининг луғавий маъноси қашшоқ, бенаво, фақир, гадо бўлса-да, тасаввуф истилоҳотида у изловчи, истовчи маъносини ифодалаб, сўфий, фақир, ошиқ, ориф, соҳибдил, соҳибасрор, соҳибназар каби ўзини Ҳаққа бағишлаган табаррук зотларнинг сифатини билдириб келади. Шунинг учун ҳам сўфиёна таълимотга кўра, бировни дарвеш деб аташ уни ҳақорат қилиш эмас, балки улуғлаш ҳисобланади. Биллоҳ, Алишер Навоий Хусайн Бойқарони шоҳлар дарвешию, дарвешлар шоҳи, сувратда шоҳу, сийратда дарвеш, деб таъриф-тавсиф этган эди. Шунинг учун ҳам Убайдий шоҳ бўлишига қарамай, дарвешликни орзу этган:

Аллоҳга шукур, афзал эрур шоҳликдан,

Эй дарвешлар, ҳамиша дарвешлигимиз.

²¹⁷ Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Тошкент. Ёзувчи. 1996. –Б. 146.

Тасаввуфда дарвеш-барча Илоҳий ва дунёвий эзгуликлар, фазилатлар соҳиби, мукамал илму ахлоқни ўзида мужассам этган комил инсон сифатида тасвирланади.²¹⁸

Эргаш Очилов Навоий идеалидаги комил инсон Фарҳод образини таҳлил этар экан, шундай фикрларни келтиради: маънавий етук киши жисмоний жихатдан ҳам гўзал бўлса, бу-комил гўзаллик ҳисобланади. Хуллас илми одамнинг ҳунари ҳам бўлса, ўз навбатида, ҳунарманд ҳам илму-маърифатдан бохабар бўлса, ҳақиқий комиллик шу.

Навоий Баддиуззамон Мирзога берган таърифида ҳам таъкидлайди: «... хусни сурат ва хусни сийрат билан ораста ва жамоли зоҳирий ва камоли ботиний била пийроста йигитдир»²¹⁹

Насафий айтгандай, ўзлигини таниган, башарий сифатлар ўрнига Илоҳий сифатларни касб қилиб ололган шахслар комилдирлар.

Инсон коинот гавҳаридир, борлиқдаги энг улуғ неъматлар инсон учун. Аммо хом сут эмган бандаларнинг ҳаммаси ҳам комил эмас. Юқоридаги – комил инсонга берилган жамики сифатлар биз тадқиқ этаётган мутафаккир дарвеш шоир Бобораҳим Машрабда мужассам эди:

Оғиздан дур сочай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Машраб тарки дунёчилик фалсафасининг моҳияти ҳам шу нуқтада аёнлашади. Чунки у нопоклик оламидан, поклик оламига, ҳайвоний ҳирслар кулига айланган нокас одамлар оламидан Илоҳиёт оламига чекиниб, қаландарликдан паноҳ изласа-да, аммо у бадбинликка чорлаган шоир эмас эди. Ҳаётга зоҳирона нафрат туйғуси Машраб учун бегона. Дунё зулми муҳаббат ва софликка ошно руҳни эзган, шоир «борини тарки назар эттим», «икки дунёдин юмдим кўзим» деб таъкидлагани билан гўшанишин бўлиб олган эмас.

Адабиётшунос А. Абдуғафуров Бобораҳим Машраб тасаввуф алломалари, шайхлари асарларини кунт билан ўрганганликларини, шунингдек, Жомий ва Навоий шеърятидан илҳом олганлигини таъкидлаган:

²¹⁸ Эргаш Очилов. Дарвеш – Комил инсон тимсоли. «Ўзбек тили ва адабиёти», 2000, 2-сон. –Б. 3.

²¹⁹ Эргаш Очил. Фарҳод – комил инсон. Тафаккур. 2000, 3-сон. –Б. 39.

Алишер Навоийнинг улкан адабий мероси кейинги беш аср давомида барча туркий халқлар миллий адабиётлари ва педагогикасининг умумий йўналиши ва таракқиётида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлди, уларнинг ривожига ва ғоявий-бадиий камолотига бевосита ва баракали таъсир кўрсатиб келди. Бу таъсир, равшанки, биринчи навбатда, ўз миллий адабиётимиз намояндалари фаолиятларида жуда равшан кўринди ва ниҳоятда самарали бўлди. Кейинги асрлар педагогик адабиётимизнинг барча йирик вакиллари улуғ шоирни устоз, мураббий ўрнида қабул қилдилар ва бу билан фахрландилар, Навоийнинг мазмунан халқчил, шаклан баркамол асарларини ўз ижодий тажрибалари учун юксак намуна ва ибрат деб, Навоийникидек мисралар битишни эса ўзларига шараф деб билдилар.²²⁰ Шоир шеърятига назар ташлаганимизда – Навоий, Бобур, Машраб шеърятлардаги муштарак жиҳатларни кўрдик. (таъкид: Ҳ.М.)

Машрабнинг Навоий ижодидан ўрганиши, унинг анъаналарини ўзлаштириши ва давом эттириши мавзусини ёритувчи бешубҳа далиллар етарли мавжуддир.

Ғазалнавислик анъаналарини давом эттирган уч забардаст шеърят султонлари Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машрабнинг комил инсон ҳақидаги ғоялари, ишқ аҳли ҳақидаги тушунча ва тасаввурлари, Илоҳни қидирганликлари, жоно – Ёр васлига муштоқлиги унинг ҳажрида: «Ҳажр ила дилхаста»лиги, «Истаб жаҳонни топмаган»лиги, «Фирок даштида ташна»лиги ва асосийси дардларини бир хиллиги мутафаккирларнинг Инсон ва уни Яратувчисига меҳр-муҳаббатлари юксаклигидан далолат беради. Ҳар уч шоирнинг «Топмадим» ғазалларидаги уйғунлик, муштараклик жиҳатларига назар ташлаймиз.

Навоий:

Ғам била жонимға еттим, ғамгусоре кўрмадим,

Ҳажр ила дилхаста бўлдим, дилистоне топмадим.

²²⁰ Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. – Т., Ғафур .Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995. –Б. 154.

Ишқ аро юз минг маломат ўқиға бўлдим нишон,
Бир камон абрўда тузлукдин нишоне топмадим.
Хусн мулки ичра сендек шоҳи золим кўрмадим,
Ишқ кўйида ўзимдек натовоне топмадим.
Кўп ўқудум Вомуку Фарходу Мажнун қиссасин,
Ўз ишимдин була жаброқ достоне топмадим.

Ул амон ичинда бўлсун, эй Навоий, гарчи мен-
Бир замон ишқида меҳнатдин амоне топмадим.²²¹

Бобур:

Жонимдин ўзга ёру вафодор топмадим,
Кўнглимдин ўзга маҳрами асрор топмадим.
Жонимдек ўзга жони дилафгор кўрмадим,
Кўнглим киби кўнгилни гирифтор топмадим.
Усрук кўзига токи кўнгил бўлди мубтало,
Ҳаргиз бу телбани яна ҳушёр топмадим.
Боре борай эшигига бу навбат эй кўнгул,
Нечаки бориб эшигига, бор топмадим.
Бобур, ўзунгни ўргатакўр, ёрсизки мен-
Истаб жаҳонни мунча қилиб ёр топмадим.²²²

Машраб:

Бу оламда ўзумдек сийнаси афгор топмадим,
Ки, розим айтғали бир маҳрами асрор топмадим.
Фироқ даштида ташна юруб зору саргардон,
Лабинг зилолидин бир паймонаи саршор топмадим.
Ки, ишқи ғаминг мени охир юроким айлади садчок,
Висол завқини бир лаҳзаё, бир бор топмадим.
Тамоми рози дилим демакки изладим маҳрам,

²²¹ Алишер Навоий. Ғазаллар, шарҳлар. –Т.: «Камалак», 1991. –Б. 56.

²²² Бобур. Танланган асарлар. –Т.: «Ўқитувчи», 1976. –Б. 25.

Бу дашти Хўтан кезибон бир дили хушёр топмадим.

Биёбон булбулидек .Машрабо, ҳеч йўқтур оромим,

Қўнай десам чаманда бир гули баҳор топмадим.²²³

Адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул комил инсон ҳақида гўзал асарлар ёзган Азизиддин Насафий ҳақида ёзади: Унингча комил инсон шарият, тариқат ва ҳақиқатга етишган зотдир.

У Аҳмад Яссавий ҳақидаги тадқиқотида ёзади: «Инсони комил яхши сўз, яхши ахлоқ ва яхши билимга эга бўлган кишидир. Бу тўрт нарсада комил касб этган одам комилликни қўлга киритган ҳисобланур» инсони комилга бир қанча номлар берилмиш. Булардан айримлари қуйидагилар: шайх, ходи, маҳди, ориф, имом, ҳалифа ва соҳиби замон.

Инсони комил жаҳонни акс эттирувчи кўзгу, ўлукни тирилтирадиган Исо, кушларнинг тилини билгувчи соҳиби салтанат Сулаймон, оби ҳаётдан қонган Хизр кабидир. Яссавий нуқтаи назарида, бу дунё инсони комил билан файзли ва барқарордир. Чунки ундан ҳеч нарса яширин қолмайди. У ашёни ва ашёнинг сирлари қандай бўлса, ҳудди шундай ҳолатда билади. Халқда Ҳақни, Ҳақда халқни кўра олгани учун ҳам Ҳақнинг, ҳам халқнинг хизмати шараф ила адо айлайди.²²⁴

Ҳамма давр, ҳамма замонлар учун ўрнак ва намуна бўлган инсони комил Аллоҳнинг расули ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбаримиздир.

Машрабга замондош бўлган Хўжаназар Ҳувайдо ўзини Аллоҳ талабгори деб ҳисоблайди. У нафсингни ўлдирмагунча Аллоҳ васлига етолмайсан дейди.

Талабгори висол ўлсанг, дили жонинг била йиғлаб,

Тириклий ўлмагунча топмагайсан васлин, эй солик.

Машраб, Сўфи Оллоёр, Хўжаназар Ҳувайдоларнинг комил инсон ҳақидаги қарашлари бир хилдир. Аллоҳ уларнинг назарида инсон ақлу тушунчаси, тасаввурига сиғмайдиган, барча сифатлар, исмлар, таърифу тавсиф

²²³ Бобораҳим Машраб. Мехрибоним қайдасан. – Т., Фафур .Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. –Б. 80.

²²⁴ Иброҳим Ҳаққул. Аҳмад Яссавий. – Т., Фафур.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. –Б. 32.

ва ўлчовлардан баланд турадиган зот. Машраб ана шу бекарон буюкликни назарда тутди ва айни вақтда шу буюк кудратнинг бир қисмига айланган комил инсонни ҳам англайди.²²⁵ «Хужжат ул-ислом» (Ислом хужжати) мақомига эришган Муҳаммад Ғаззолий Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарни комиллар сарвари деб билади.

Машраб мухаммасларидан бирида етук, комила маъшуканинг учрашув ҳақида ошиққа ваъда бергани, ошиқнинг тунларни бедор ўтказиб, интизорлик билан васл дақиқаларини кутиши тўғрисида сўз боради. Аммо, маъшуқа ваъдани бузади, вафосизлик кўрсатиб учрашувга келмайди. Муҳаммас ошиқнинг ана шу ҳолатдаги ҳаяжонли, ҳис-туйғуларини, ҳижронда ёрни кутишдаги нозик кечинмаларини юксак бадиийлик билан ниҳоятда жонли ифодалайди.²²⁶

Ваъда қилди бир келай деб, кўзга уйқу келмади,
Термулуб йўлида қолдим, шўхи бадхў келмади,
Неча келди шум рақиблар, ул парирў келмади,
Дардидин ўлдим, табиб, дардимға дору келмади,
Мен шаҳиди ишқ бўлдим, қатраи сув келмади.

Бу мухаммас Машраб ижодига Навоий баракали таъсирини қайд этишда ҳаққоний мисол бўла олган. Бунда Навоийнинг:

Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади, –
матлали машҳур ғазалидан илҳомланганлигини, ижодий баҳраманд бўлганлигини исботлашга зарурат йўқдай кўринади.²²⁷

Файласуф Б.Зиёмуҳаммадов: Мадрасаларни битирганлардан мударрис, мутавали, қози ва имомлардан ташқари кўп бўлмаса-да, фан арбоблари, адиблар, шоирлар етишиб чиққан. Чунончи Бобораҳим Машраб, Муҳаммад Амин Косоний – Намангоний, Фазлий Намангоний, Шавқий – Намангоний, Саидо Насафий, Сўфи Оллоёр, Зебунисо, Дилшоди Барно, Увайсий, Муҳаммад

²²⁵ Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Тавҳид асрори. Иккинчи китоб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. –Б. 136.

²²⁶ Ҳофиз Шерозий. Ишқ гавҳари. –Т.: «Шарқ», 2006. –Б. 11.

²²⁷ А.Абдуғафуров. Ўзбек адабиёти тарихи. II том. -Т.: Фан, 1984. –Б. 252.

Мир Олим Бухорий, Абулғозий Баҳодирхон, Махтумқули, Саъдий, Залилий, Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ ва бошқалар шулар жумласидандир.²²⁸

Шўролар тузуми даврида дин ва тасаввуф қаттиқ таъқибга олинган ва кораланган вазиятда халқлар дохийси В.И.Лениннинг «Дин –маънавий истибдод турларидан биридир»деган шиори амал қилаётган чоғда Машраб диний ва дунёвий қарашлари ҳақида гапириш тугул, унинг шеърияти тилга ҳам олинмас эди. Машраб илмий мероси ҳақида изланиш чоғида деярли адиб ва олимларнинг унинг ҳаёти ўта мураккаб кечганлиги ҳақидаги фикрдан нарига ўтмаганлиги, уни ислом динининг ашаддий душмани, атеист ва исёнкор қилиб талқин этишлари, уни Илоҳ ва илоҳиятдан узоқлаштириб тушунишлари мени таажжубга солди. (таъкид: Ҳ.М.) Ваҳоланки, шоир ҳам исломий, ҳам дунёвий қалам тебратиб, мақсад-муддаоси инсоннинг комиллашуви учун хизмат қилгани парда ортида қолаверган экан. «Машраб шеъриятнинг мураккаблиги»ни талқин этган тадқиқотчиларнинг ҳеч қандай фикрини бу илмий тадқиқ ишимизга яқин олиб, муносабат билдирмадик.

Ўтмишга ҳадеб таъна ва маломат тоши отаверишдан фойда йўқ. Аммо лоақал сиёсий мафкура энг кучайган даврда, шу мафкуранинг юқори бўғинида турган олим кишининг Машраб ва унинг динга муносабати ҳақидаги қарашларини икки оғизгина тилга олиб ўтмасак бўлмас: “Руҳонийларнинг Машрабни ёмон кўришига сабаблардан яна бири шундаки, у мусулмонларнинг Каъба жойлашган Макка шаҳрига паст назар билан қараганлигидир. Ундан ташқари у ўз шеърларида мусулмонларнинг дилида чуқур илдиз отган жаннат, дўзах каби тушунчаларга бефарқ қараши билан бирга, уларни «бир шиша майга» алмаштиришга ёки «бир пулга сотишга тайёр» эканлигини очик айтади”.²²⁹

Буни бошқалар қандай изоҳлайди билмадим, мен 2007 йилдан дастлаб беш минг, жами мустақилликдан сўнг ҳозиргача юз мингдан зиёд одам Макка зиёратига бордилар) Машрабдек мутафаккирнинг Каъбага паст назар билан

²²⁸ Бўри Зиёмухаммадов. Комилликка элтувчи китоб. –Т.: «Турон – Иқбол», 2006. –Б. 204.

²²⁹ Т. Тошланов. Зулмат ичра нур. «Шарқ юлдузи», 1988, 12-сон. –Б. 176.

карашини ёхуд «жаннату дўзахни» «бир шиша майга» алмаштиришини «очик айтиши»ни ҳазм қила олмаяпмиз:

Каъбаи асрорни топқаймунан деб Машрабо,
Ман Худодин кўрққанимдин Каъбатуллоҳ бораман.²³⁰

Машрабнинг комил инсон ҳақидаги тасаввуфий қарашлари нафақат бани башар учун айтилган нидо, балки ўзининг комил инсон мақомига етганлигидан дарак беради. Мутафаккир шоир «Манам» радибли ғазалида комилликнинг энг юқори поғонасида турган Аллоҳнинг элчилари-пайғамбарлар, фаришталар, азизу авлиёлар, ҳукамоу анбиёлар ёнида турганлигини, Аллоҳ сирларидан воқиф-огоҳлигини изҳор этади:

Аршга етгай руҳи жоним, осмони ҳам манам,
Воқифам асрори ҳақдин, нури жони ҳам манам.
Гоҳ мусофир, гоҳ мужовир, гоҳи олим, гоҳи шоҳ,
Яъни, ўз нафсимга боқсам, халқни султони манам.
Юнусам ман, Идрисам ман, Довуд ҳам Зикриё,
Кулли малоикаларни чун тасбих, Қуръони манам,
Жаброил аршни супургил, бораман хилват аро,
Мустафои нуриман, ё Ҳақни меҳмони манам.
Жаброил мандуну Мекоилу Исрофил ҳам,
Чунки Азроилни қудрат вақтида жони манам.
Машрабам ман ҳам каломи нури исботимдур,
Тўбию кавсар манам, фирдавси ризвони манам.

Маккага борган одам унга муносиб бўлиши керак. Бу-кўнгил-маърифатли бўлмай туриб, Макка зиёратига номуносиб бўлади, демакдир. Маърифатга элтадиган йўл эса, тасаввуф таълимотига кўра «ёр» ва «бода»дир. Агар «май»нинг ҳусни мутлақ – Аллоҳнинг уни излаётган киши қалбидаги ўзига хос тарздаги акс этиши-жилваси эканлигини эсга олсак, нима учун ёрсиз ва бодасиз Маккага бориб бўлмаслиги аёнлашади.

²³⁰ Машраб. Ғазаллар. «Ўзб. Адаб. ва сан.» 1991, 22 май.

Шайх Нажмиддин Кубронинг «Тасаввуфий ҳаёт» китобида Аршга шундай маъно ва мазмун берилган. Арш-айвон, осмон, тахт. Айрим манбаларда таъкидланишича, Арш тўққизинчи кўкдадир. Арш бутун оламларни бағрига олган мунаввар бир борлиқ-кулли макон. Арш сўфийлар тасаввурида борлиқ ва вужуддир. Аршга «Нафси кулл» номини берганлар ҳам бўлган экан. Арш коинотнинг муаззам руҳи бўлиб, у моддий оламнинг илк босқичи саналган. Арш-тажаллий манбаи, яъни Илоҳиёт кудрат эгаси. Шунинг учун ҳам у Илоҳий тахт деб қабул қилинган. «Арши муалло», «Арши раҳмон», «Арши Илоҳий», «Арши яздон», «Фалаки аъзам»-булар Аршга қўйилган номлардир.²³¹

Аршда шу шаклда ёзув бор: «Мен (Аллоҳ) менга итоат этганнинг истаklarини бераман, ишини йўлга қўяман. Мени севганни севаман. Мени чақирганга жавоб бераман. Афв тилаганни афв этаман».²³²

Бу «Тамкин»оламини кашф этган комил ошиқ солиқ руҳи Эзгулик ва Ҳақиқат салтанатини Мутлақ руҳ уммони билан бир қатраси, гавҳари («дурри дарёи маоний») деб англайди. У ягоналик шавқи, яъни «вахдат майидин» сархуш бўлиб («Машраб» Илоҳий шаробдан сархуш дегани), улувият мақомида ўзини арши аълода кўради:

Аршнинг кунгирасин устига қўйдум аёғим,

Ломакондан жой олибман, бу маконни на қилай?

«Ломакон»нинг маъноси макондан хориж, ҳадду ҳудудсиз демак. Яъни макон тушунчаси биз яшаб турган дунё билан боғлиқ Илоҳиёт дунёси макон тушунчасига сиғмайди. Аммо Машраб восил бўлган Мутлақ руҳ нафақат макондан, замондан ҳам хориж-у азалий ва абадий: унинг олдида мавжуд моддий дунё бир лаҳзалик кўнимгоҳ: «Бир лаҳзада дам олмай турибон, лаҳзада кетдим».²³³

Б. Тўхлиев Машрабнинг Аршнинг кунгураси ҳақидаги фикрини шундай изоҳлайди: Олам уч қаватдан иборат: Ер ости, ер усти ва осмон. Арш юқори

²³¹ Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. –Т.: Мовароуннаҳр, 2004. –Б. 211.

²³² Абу Ҳамид Ғаззолий. Мукошафат-улқулуб. –Т.: «Янги аср авлоди», 2004. –Б. 30.

²³³ Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Тавҳид асрори. Иккинчи китоб.– Т., Ўзбекистон, 1999. – Б. 136.

кават ҳисобланади. Лирик қаҳрамоннинг тафаккур имкониятлари жуда кенг. У ана ўша борлиққа-Аршгача ҳам чиқа олади.

Адабиётшунос И.Ғафуров Аршнинг моҳиятини шундай талқин этган: Арш-Коинот қаърида ердан караганда ва одамнинг нигоҳи билан боққанда энг юксак макон.Унда Яратганнинг тахти ва Рухул-Қудс макон тутган. Бу ерда эса яна ўша дунёга сиғмаган зот ўзини коинот кунгурасига оёқ босиб тургандек тасаввур этади.

У моддий дунёдан бутунлай юз ўгириб, йўқлик дунёсини, ломаконни хоҳлайди ва ломаконни соғинади.Бутун муҳаббатини ломаконга қўяди. Моддий, реал дунё уни бахтсиз ва бесарупо қилгани учунми?²³⁴

Ёлғиз Яратганнинг муҳаббатини тан олгани ва излагани туфайлими?

Бу девоналик барча моддий нарсалардан ва лаззатлардан воз кечилгани сўнггида эришиладиган энг олий шуур эмасми?

Биз ўша байт орқали Машрабнинг коинот кунгурасининг устига оёғини қўйиб турган зот сифатида таниймиз. Мутасаввифлар инсонни комил деганда қуйидагича фикрлаганлар: «Яширин хазина эдим ,мени билиб танишларини истадим, маҳлуқотни яратдимки ,мени таниб билсинлар» Қудсий ҳадисда айтилганидек, борлиқлар олами Аллоҳни билиши учун яратилган²³⁵.

Инсон руҳидаги маънавий сафарга тасаввуф таълимотида «сайри уружий»дейлади. Бу сафарини тугатиб «ву суп»мақомига эришган киши Илоҳий ўзлигига қовушиб Ҳақнинг барча исм ва сифатлари зоҳир бўлган бир ойна ҳолига келади.Шу кишига «инсонни комил» дейлади.

Мутасаввиф ва уламоларнинг инсон ва комил инсон ҳақидаги барча изоҳларидан чиққан натижа қуйидагича :инсон оламнинг яратилиш сабабидир. У оламдаги мавжудотлар орасида энг камолга етгандир. Жисмоний тузилишининг асли тупроқ бўлиб, руҳий жиҳатдан энг аввал яратилгани инсондир, инсон руҳининг келиб чиқиши Ҳақнинг зотидир. Бир муршиди комилнинг тарбияси остида, нафс мартабаларини тамоман босиб ўтиб руҳан

²³⁴ Ғафуров И. Ҳаё-халоскор. –Т., Шарқ, 2006. –Б. 45.

²³⁵ Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. –Т.: Истиқлол, 1999. –Б. 139.

камолотга эришган киши, ўзидаги Илоҳий исм ва сифатлар тажалли этган бир ойна ҳолига келади.

Машраб ўша зиёли, устоз пири комилни топган эди. Пир, форсийда кекса маъносини билдирувчи, пир – тариқатда шу тариқат асосчиси бўлган мутасаввифга айтилади. Тариқат анъанасига кўра, бир шайхга боғланиб, унга кўл бермагунча солиқ ёки ҳар қандай бир мусулмон Ҳаққа восил бўлолмайди.

Шайх тариқатга кирган ва ўзига интисоб этган муридлар учун ҳар бир харакати билан ўрнак зиёли инсон сифатида намоён бўлади. Шунингдек, шайх мурид учун йўл кўрсатувчи, тарбияловчи ва муаммоларнинг ҳал бўлишида ёрдам берувчи киши ҳисоблаган. Шунинг учун шайхнинг барча кўрсатма-тавсияларига амал қилмоқ, бутун қалби билан унга боғланмоқ, уни маънавий ота ва устози деб билмоқ лозим. Мурид шайхига қанчалик қаттиқ боғланса, вуслат йўлида шунчалик тезлашади. «Умматим учун Набий қай даражада муҳим ўрин тутса, мурид учун ҳам шайхнинг аҳамияти шу даражададир» деган ҳадис ҳам нақл этадилар.²³⁶

Муршид – инсонларни иршод этиш учун Аллоҳ томонидан вазифа берилган валийдир.

Мурид, дарвеш, солиқ булар тариқат шайхига байъат қилинган ва сайру сулукини давом эттираётган кишига мурид, дарвеш ва солиқ дейилади. Мурид қабул этилиб, тариқатга олинган. Восил-сайру сулукини тамомлаб, Аллоҳга восил бўлганлар.

Машраб Аллоҳнинг васлига восил бўлган, тариқат пирининг этагини тутган, истаги Офоқхона даргоҳида қабул бўлган Комил дарвеш эди.

Хондамирнинг маълумот беришича, Султон Хусайн Бойқародан: «Салтанат соҳиби бўлмаганингизда нима иш ила машғул бўлардингиз?»-дея сўрашганда, «Нажмиддин Кубро мақбарасида жўробкашлик, фаррошлик қилардим», – деб жавоб қайтарган экан. Нажмиддин Кубро ана шундай улуғ эҳтиром ва эътиборга тўла лойиқ валий зотдир.²³⁷

²³⁶ Ўша асар. –Б. 68.

²³⁷ Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннахр, 2004. –Б. 29.

Машраб мешкобчилик қилди, мешда тоза сув ташиб, одамлардан дуо олди.

Тасаввуфда муршидга шундай изоҳ берилган. Муршид-тариқат пири, тўғри йўлга бошловчи раҳнамо. Муршиди комил эса-Ҳаққа етишган, фанофиллоҳ мартабасига юксалган вали.

Сир эса – яширин, пинҳон нарса. Тасаввуфда Аллоҳ ила қул орасидаги яширин ҳақиқат. Тил ила изҳор этилмас маъно. Рух-ишқ, қалб-маърифат, сир-мушоҳада манзили эрур. Сир инсон вужудидаги рухга ўхшаш бир латифлик. Рух қалбдан устун бўлганидек, сир рухдан устун маънога эга. Сирни сирга улаш-Илоҳий бирликка етишмоқликни англатади.

Офоқхожа Нажмиддин Кубро айтган тасаввуфдаги тариқат муршиди бўлиб, яширин, пинҳоний сирлардан воқиф, Ҳақ – ҳақиқат – ғайб синоатларидан хабардор пир эди.

Офоқхожа Махдуми Аъзам хожаги Косонийга чеварадир. Машраб пири ва устози Офоқхожанинг катта боболари Махдуми Аъзамнинг Даҳбеддаги хилхонасини зиёрат қилиш билан устозига чексиз хурматини изҳор этган:

Неча бир кун Даҳбед ичра истиқомат айласак,
Хожаи Офоқни ҳам дам зиёрат айласак,
Қўл бериб, хизмат қилиб, гаҳ базми суҳбат айласак,
Рухсат олиб боз алардин роҳ азимат айласак,
Маъдани илму адолат деб Бухор истар кўнгил.²³⁸

Толибу илм ота-онасининг дуосини олиши билан бирга таълим берадиган устозининг ҳам дуосини олиб, уларнинг назарига тушиб, юксак комиллик даражаларга эришиши лозим. Зеро, ота-она фарзандини моддий томондан едириб-ичирса, устозлар уларнинг руҳониятларини тарбиялаб, одоб-ахлоқ билан зийнатлаб, ҳидоят йўлини кўрсатиб, комиллик сари йўллайдилар. Шунинг учун ҳам доно халқимиз «Устоз отангдай улуғдир», дейишган.

Ривоят қилинишича, улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий ёр-дўстлари билан отда Ҳирот кўчаларидан кетаётганларида рўпараларидан бир ёш бола

²³⁸ Машраб. Девон. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2006. –Б. 421.

келаётган экан. Шунда ҳазрат Навоий дарҳол отдан тушиб, ҳалиги болага марҳамат ва навозишлар кўрсатиб, яна отга миниб, йўлларига равона бўлибдилар. Ёнидагилар бу воқеага ҳайрон бўлиб, «Ҳазрат, отдан тушиб, бола билан муомала қилишнинг боиси не?»-деб сўраганларида, ҳазрат Навоий: «Бу бола устозимиз ва пиримиз ҳазрат Абдурахмон Жомийнинг набираси эрди. Шу сабабдин ҳурматини жойига кўйдим»,-деб жавоб берибдилар. Демак, ота-боболаримиз нафақат устозининг ўзига, ҳатто авлод-аждодига ҳам ҳурмат кўрсатишган эканлар.

Офоқхожа вафотидан кейин ҳам Машраб, у кишининг фарзандлари ҳузурига бир неча бор келиб, улар билан муносабатини узмай, Офоқхожа руҳониятларини эслаб, унга атаб ғазаллар битган:

Туттим пирнинг этокин, охир йўлга бошлади,
«Йўлда қолғон гумроҳ деб Офоқхожам хушлади,
Айди:» Кирган бу йўлга ўзлуқини ташлади,
Ёди бирлан оҳ уриб, икки кўзин ёшлади,
Тинмай айдим саносин, хобу ғафлат қолмади.
Ишққа қадам қўймасанг биллоҳ, маъшук топилмас,
Мунда жафо чекмасанг дари раҳмат очилмас,
Бағринг кабоб ўлмаса, кўздин ёшинг сочилмас,
Йўл устида йўл бўлмай, нафси шайтон чопилмас,
Добон пирим май берди, дилда ҳасрат қолмади.²³⁹

Мухаммад (с.а.в.) пайғамбардан олдин келган христианликнинг асосчиси Исо пайғамбардек Машраб нега ҳафт осмонга чиқишни хоҳлаб қолди? Фаришта Жаброил биби Марям олдиға келиб, унга муқаддас руҳ тушишини ва иффати сақланган ҳолда болага ҳомиладор бўлишдан огоҳлантиради. Исо туғилади, аммо яҳудийлар золим ҳокими Ирод бундан хабар топиб барча чақалоқларни ўлдиришни буюрди. Улар Мисрга қочиб кетиб жон сақлашади, Исо мўъжизалар кўрсатиб, ўликларни тирилтирган, кўрлар, майиб-мажруҳларни даволайди. Қуддус аҳолиси Худонинг ўғли ва одамзотнинг

²³⁹ Ўша асар. –Б. 391.

халоскори бўлган Исони тошбўрон қилиб, Галгофа тоғида катта ёғоч санамга тириклай михлаб ташлайдилар.

Исо ўлдирилгандан кейин мўъжиза рўй бериб, осмонга кўтарилиб кетган, у келажакда тириклар ва ўликлар устидан ҳукм чиқариш учун охират куни ерга қайтиб келади,²⁴⁰ дейилган

Жўзжоний Исонинг сўнги кунлари хақида шундай ёзади: Исонинг можароларга тўла ҳаёти, айникса, охирги кунлари ниҳоят оғир, азоб-уқубатли бўлиб ўтган. У ҳақиқат ғалабасини таъминлаш ва адолатни ўрнатиш йўлида олиб борган изчил кураши учун душманлар томонидан дорга осилиб, ваҳшиёна тарзда қийналган. Шу жиҳатдан Машраб ўз тақдирини унга ўхшатади, баъзан Исосифат бўлиб, ҳатто ундан ҳам юксакроқ даражага кўтарилгиси келади:

Бўлибман кони зарман, толиби заргар бўлай дерман,

Самандардек тутошиб шуълайи ахгар бўлай дерман.

Ҳақиқат кўчасида раҳнамои интизоринг ман,

Тамоми аҳли ғафлатларга пайғамбар бўлай дерман.

Бошим ҳафт осмонга етса ман Исосифат бўлсам,

Худо даргоҳида ман мунданам беҳтар бўлай дерман.

Мани комилсифат эт, офтоби нурдин Машраб,

Буюрсанг ташналарға соқийи кавсар бўлай дерман.²⁴¹

Филология фанлари доктори Фозила Сулаймонова Исо – Масихни шундай талқин этган: Алишер Навоийгача бўлган адабиётда, хусусан, шоир ижодида, ундан кейинги даврлар Шарқ адабиётида Масих образи, ўликка жон киритувчи, тирилтирувчи, нажот берувчи афсонавий шахс образи кўплаб учрайди. Масих, бу Исо пайғамбар.

Инжилда замонлар ўтиб дунёга машоих, яъни яҳудийларни қутқарувчи пайғамбар келади, дейилган. Исо пайғамбар Иудеянинг (ҳозирги Исроилда) Назарет деб аталган жойида дунёга келган ва ўзи асос солган таълимотни тарғиб қилган эди. Исо Христос – яҳудийча «Ёшуа машиах» (яҳудийларнинг

²⁴⁰ У. Жўраев, Й. Саиджонов. Дунё динлари тарихи. -Т.: «Шарқ», 1998. –Б. 86-87.

²⁴¹ Қиссаи Машраб. -Т.: Ёзувчи, 1992. –Б. 78.

қутқарувчиси) қишлоқ, шаҳарлар кезиб уч йилча яҳудийларни янги динни қабул қилишга ундаган²⁴².

У Рим империясининг ҳоқими Ироднинг буйруғи билан римликлар одати бўйича хочга тортиб миҳлаб ўлдирилади. Исавийларнинг хочга сиғинишларининг боиси ҳам шунда. Масиҳ ибораси яҳудийча «машиах» арабча «масиҳ» тусини олди, «қутқарувчи» сифати эса «тирилтирувчи», «жон ато этувчи» ва нажоткорга айланди.

Исо пайғамбарнинг янги бир сифати «Рухуллоҳ», яъни, «Аллоҳнинг руҳи» демақдир. Бу ибора, Исонинг Илоҳиятдан пайдо бўлишига ишорадир.²⁴³

Машраб шунинг учун ҳам ёзган:

Ҳам чу Солиҳдек бу йўлда ноқатулло изладим,

Орзуманди тажаллийи нури мавло изладим,

Қатраман, вақти саҳар бўлғанда дарё изладим,

Гоҳ дунё деб югурдим, гоҳ уқбо изладим,

Ҳамроҳи Исо бўлуб осмонда юрдум ахтариб.²⁴⁴

«Қиссаи Машраб»да ҳам инсон баркамоллиги, унинг комилликка етишуви ҳақида ривоятлар бор. Машраб ишқ тажаллийсидан бошқа нарсани кўрмайди. Кўнгли Тур тоғига айланиб кетган ошиқ бутун вужуди ва тафаккури билан қурб (Илоҳиётга яқинлашиш) ва вуслат мақомига интилади:

Кўнглумдур ишқ Тури, тушди тажаллий нури,

Ҳар ер анинг зуҳури, шаъми жаҳон эмасму?

Ошиқнинг қалби Тур тоғи. Фавқулодда гўзал ташбеҳ, беқиёс ўхшатиш. Ҳазрати Мусо ва Тур тоғи билан боғлиқ воқеаларга ишоралар «Қиссаи Машраб»нинг турли ўринларида турлича муносабатлар билан келтирилган. Шоир қалбида бу воқеаларга яқинлик, уйғунлик бор. Тоғки дош бера олмаган тажаллий нурига инсон қалби қандай бардош берар экан? Машраб замини осмонда, гулзору гулда, қуёшу ойда, олам ва одамда, тоғу тошларда, ҳаёт ва ўлимда, қалбининг тизгинсиз ғалаёнларида, қўйингки, моддий ва маънавий

²⁴² Ўша манба, ўша жой.

²⁴³ Фозила Сулаймонова. «Масиҳ»нинг маъноси. «Фан ва турмуш», 1993, 1-сон. –Б. 26.

²⁴⁴ Машраб. Девон. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2006. –Б. 378.

ходисотларнинг барчасида Аллоҳ тажаллийси нурини кўради. Беором ва беқарор кўнгил ҳамиша мана шу нурга талпинади.²⁴⁵

Эллик йил Ийсо билан юрдум ўлукни тиргузуб,
Боиси бир нуктадин Машраб замонга сиғмадим,
дейди у Исо ҳақида.

«Қиссаи Машраб»да Машраб – Ҳусни мутлақдин файз топган авлиё барҳақ сифатида гавдаланади. Бу файз унинг фақат нурли аъмолларидагина эмас, балки сувратида, ташқи қиёфасида ҳам жилоланади. Маърифатда комил пирлардан баҳра олган Ҳақ йўлидаги бу девона қаерга борса, ноқис ва ғофил бандаларга маърифат етказди, қалбларини ҳақиқат нурлари билан мунаввар қилади.

Қалби мусаффо, фазли дарё бўлган дарвиш – Машраб учун Маъшуқи азал ризолиги ва унга яқин бўлишдан ўзга кўнгилга фароғат этадиган ҳеч нарса бўлмаган. «Эй бандам, менга бир қарич яқин келсанг, мен ҳам сенга бир қулоч яқинлашаман», – дейилади Қуръони каримда. Машраб мана шу яқинликдан сархуш ошиқ. Шу сархушлик туфайли у бир умр «қозондек қайнаб тошди», «оламга сиғмасдан» яшади. Оламлар хожасига яқинлик ва ризолик охир-оқибат уни ошиқлар шоҳига айлантирди.

Ҳазрати Исо ҳар қанча уруж қилиб осмонларга кўтарилган ва кибриё ҳарамиди яшайдиган бўлса ҳам, Ҳақ дийдорини кўришга муяссар бўлгани йўқ:

Исий руҳпарвар, тарки тааллуқ айлар,
Кўк саҳнида қаландар, яхши макон эмасму?

Машраб висол давлатига эришиш учун «ёри-ғор» бўлишини орзу қилади. «Ёри-ғор» атамаси ҳижрат жараёнида ҳазрат пайғамбаримиз билан ўз тақдирини боғлаб, унинг йўлдоши, паноҳ излаган, ғор ичида унинг суҳбатдоши, содиқ ва мухлис дўсти сифатида, у билан хатарли онларни кечирган биринчи халифа Абубакр Сиддиққа берилган лақаб бўлиб, Қуръонда «Сони иснайниз

²⁴⁵ Зиёда Машарипова. «Қиссаи Машраб»да ошиқ тимсоли. Олими нуктадон манам. Тўплам. Наманган, 2004. –Б. 93.

хумо филғор» (ғорда бўлган икки кишининг бири, иккинчиси) каби сўзлар билан унга ишора қилинган:

Исий чиқиб ҳаво уза, кўрмади маъшуқи юзин,
Ишқнинг ўтиға ман қўйиб, биллоҳи ёри – ғор ўзум.²⁴⁶

Инсониятнинг охирги пайғамбари ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) аёл номини улуғлаш, унинг шаънини кўтариш, хотин-қизларнинг ҳуқуқини белгилаб беришда фақат ислом умматига эмас, ўн беш асрдан буён бутун кишилик жамиятига ибрат ва намуна бўлиб келяптилар. У зотдан ривоят қилинган ҳадисда айтилган: «Ўз хотинига меҳр-шафқатли бўлган кишилар ораларингиздаги энг яхши кишилардир». Пайғамбар уч нарсани яхши кўрган. Биринчиси – хушбўй гулларни – илмли кишилар хушбўй гулга ўхшаб, ўзларидан анвои, муаттар, ёқимли ҳид таратади, ҳамма унинг атрофига, зиёсига талпинади. Иккинчиси – аёлни, аёл бу сулҳ, тинчлик, осойишталик ва гўзаллик рамзи. Учунчиси – жойнамозни – бир кунда беш марта покланиб, Аллоҳ билан юзлашиб, намоз ўқиган киши Худодан кўрқади, ўзгаларга ёмонлик қилмайди.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг аёллари ҳам у зотга нисбатан чексиз ҳурмат, садоқат, итоат, муҳаббат намуналарини кўрсатишган. Биринчи завжалари Хадичаи Кубро қабиланинг энг обрўли, бадавлат, насабли ва гўзал аёлларидан эдилар! Бу оқила аёл Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳалол, хушхулқ ва ростгўйликлари туфайли ўзлари совчи қўйиб у зотга турмушга чиққанлар. Бутун бойликларини, меҳр-муҳаббатларини қўш қўллаб тутганлар. У зотнинг ислом динини ёйиш йўлидаги машаққат-азобларига шерик бўлдилар, қийин кунларида юпанч, далда бердилар, чинакам сафдош ва сирдош бўлдилар. Кенжа завжалари ҳазрати Ойша (р. анҳо) пайғамбаримиз (с. а. в.)дан энг кўп ҳадис ривоят қилган сафдошларидан бўлдилар. У зотнинг кўрсатма ва даъватларини ислом умматига ёйишда энг кўп жонбозлик қилдилар. Пайғамбаримизнинг қизлари Фотимаи Заҳро ҳам имом Ҳасан-Ҳусайнлардай табаррук инсонларга

²⁴⁶ Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. – Т., Адолат, 2001. –Б. 143-144.

хаёт берган, тарбиялаган энг олижаноб аёл сифатида тарих катларига муҳрланганлар.²⁴⁷

Шарқда аёлни улуғламаган, унинг шаънига бирор оғиз мадҳия, мақтов битмаган алломаи шоирни, фузалои мутафаккирни топиш қийин. Мавлоно Жалолоддин Румий ҳазратлари дунёни хайратга солган шох асари «Маснавий»да шундай ёзади:

Аёл – Аллоҳ нури, оддий жононмас,
Яратур, яралган ошуфта жонмас.

Мавлоно Абдурахмон Жомий ўзининг «Нафаҳот ал-унс» асарида шундай дейди: «Барча аёллар биз тилга олиб ўтган аёллар каби бўлганларида эди, аёллар эркакларга қараганда анча устунроқ бўлган бўлардилар». Мавлоно Жомий айтган аёллар мол-мулк ва нафс, роҳат-фароғатдан воз кечиб, Аллоҳ ва эр розилигини топмоқчи бўлган саодатманд хотин-қизлардир.

Олмониялик таниқли олима Аннемарие Шиммел хоним «Жонон менинг жонимда» номли китобида ёзади: «Ислом жамиятида энг катта ҳурматга лойиқ зот – аёл, аниқроғи она ҳисобланади. Бу ҳол Пайғамбар алайҳиссаломнинг «Жаннат – оналарнинг оёғи остидадир» деган ҳадиси шарифларида яққол баён этилган. Ислом дини нозил этилган кундан бошлаб ҳозирги кунларгача тақводор, зиёли ва ёлғиз Аллоҳ таолони севгувчи аёллар бўлган, бор ва бўлади.²⁴⁸

Машрабнинг онаси комила бўлган она Зубайдабегим нозиктаъб, нуктадон шоира бўлган. Синглиси Моҳибадр («Тўлин ой») ҳам фозила шоира бўлган.

Машраб мулло Бозор охунддан сабоқ олиб бўлгач, Қашқарга жўнайди. Ҳар қандай она каби Зубайдабегим учун ҳам ўғилни мусофир юртга илм олиш учун юбориш осон кечмаган кўринади. Ҳолбуки, Машраб «қол букун» радифли ғазалида ортидан йиғлаб қолаётган онага тасалли бериб, кўз ёш тўкмасликни, уни дуо қилиб туришни, мардона бўлишлигини, она ундан зарра вафо кўрмаганлигини, унинг қалбига ишқ тушганлигини, жону устихони илм

²⁴⁷ А.Муҳаммад. Аёл – Аллоҳ нури. Хуррият газетаси, 2003, 1 октябрь.

²⁴⁸ Ўша манба, ўша жой.

иштиёқида ёнаётганини, у пир хизматиға йўл олганлигини, она Каъбаи қибласи эканлигини, айтиб, унинг яхши қолишини илтижо қилади:

Жоним онам, йиғлама, бечора онам, қол букун,
Абри найсан кўзларинг, дурдона онам қол букун.
Чун дуои хайр этгил, фарах бунёд этиб,
Ожизу бечорига ҳамхона, онам, қол букун.
Жон чекиб сан бир неча фарзанд камолин айладинг,
Кўрмадинг зарра вафо, гирёна онам, қол букун.
Машраби бечора пирнинг хизматиға олди йўл,
Каъбаму қиблам маним, ғамхона онам, қол букун.²⁴⁹

Шунингдек, Машраб оналари вафотида ҳам қаттиқ кайғуради. Ҳазрати подшоҳим марҳамат қилиб айдилар: «Эй Машраб, онангни зиёрат қилгил, санинг кушанданг Балх шаҳрида подшоҳи Маҳмуддир», – деб Машрабнинг ҳақиға дуойи хайр қилдилар. Андин сўнг Машрабга рухсат бердилар.

Машраб Наманган сари йўлга тушади. Унинг ҳамроҳлари йўлга талқон оладилар. Машраб талқонни қолдиртиради. Улар йўлда уч кун оч юрадилар. Машраб ҳолдан тойган шерикларига қозонсиз, ўтинсиз ҳолва пишириб беради: Шундан еган киши албатта пири комил бўлур. Асалдан ширинроқ ютуб шул замон мардони Худодин бўлди ва аҳли диллардин бўлуб камолот ҳосил қилди. Демак, Машрабга ҳамроҳ бўлиб юрган ҳамнишин ва шериклари, унинг сир-синоатли авлиёлик кароматларини кўриб, очликка чидаб, софдил бўлдилар унинг наздида комиллик мақомига эришдилар.

Машраб Андижон йўли билан ўтиб Наманганга келади. Орадан ўн саккиз йил ўтган, онаси ҳолидан хабар ололмаган эди: «Эй Машраб, сани кетганинг ўн саккиз йил бўлубтур, аввал хабар олғилки, анонг борму, ё йўқму?» деб оҳиста келиб эшикдин қародиларки, чароғ ёниб турибдур. Аноларини сочлари оқариб, фарзанд фироқида йиғлаб, кўзлари кўр бўлубдур, кулоқ солдиларки, анолари Аллоҳи таълога муножот қилиб, йиғлаб ўлтурубдурлар²⁵⁰.

²⁴⁹ Машраб. Девон. –Т.: “Янги аср авлоди” 2006. –Б. 230.

²⁵⁰ Қиссаи Машраб. -Т.: Ёзувчи, 1992. –Б. 90.

Машрабнинг келганидан хабар топган оналари беҳуд бўлиб йиқилади. Сингиллари ҳам келади. «Эй болам, эшикни очқусини тополмай турубдурман. Эшикни ёруғдин этогингни узатгилки, кўзумга суртай», – дедилар. Шох Машраб жандаларини этагини узаттилар анолари ушлаб, кўзлариға суртуб муножот ўқудилар:

Худовандо, улуғ зотинг сифотинг кибриё ҳаққи,
Ҳабибинг Мустафоу чори ёри босафо ҳаққи.
Хусусан руҳи Абубакру Умар, Усмону Зиннурайн,
Шоҳи соҳибқирон, яъни Алиййи Муртазо ҳаққи.
Мани бечорау саргаштани оввора ҳолиға,
Иноят қил, Ҳасан-бирла, Хусайни Карбало ҳаққи.
Не бўлғайким, иноят кўзи бирла бир назар солсанг,
Расулунг ҳурматидин мустажоб ўлғон дуо ҳаққи.
Ҳазин кўнглумни шод этгил, ҳарами Каъбайи аъзам,
Ки тўқсон тўққиз отингу, сифотинг кибриё ҳаққи.²⁵¹

Дарҳол кўзлари очилиб, бино бўлди. Муножот қилиб дедиларки: «Эй Худоё, мани фарзандим кўзини ёши ҳурматидан кўзумга ёруғлиқ бер», – деб жандани этогини кўзлариға сурттилар. Шул соат кўзлари равшан бўлди. Ташқари чиқиб Машрабдин уч мартаба айланиб «Сандин розидурман», – деб Худойи таолоға муножот қилиб айдикки: «Эй бор Худоё, эмди омонат жонимни ол, санга топширдум, «Аллоҳу акбар», – деб жон баҳақ таслим қилдилар. «Қолу инно лиллоҳи ва инно илайҳи рожиъун»²⁵².

Дориғо дунёдин ўтти, жамиъи беку султонлар,
Қаро ерга ниҳон бўлди ҳама кокил паришонлар,
На мардонлар фано бўлди, бу дунёдин мусулмонлар,
Қаро ер остиға кирди ҳама хон бирла ҳоқонлар,
Ғаниматдур биродарлар, ки бизга ушбу давронлар.
Бул ўлум зор йиғлатиб қилди мани барги хазон,

²⁵¹ Ўша асар. –Б. 91.

²⁵² Ўша асар, ўша жой.

Танда дармон қолмади, бўлдум заифу нотавон,
Бул оғир юк остида бўлди қадим мисли камон,
Бўлмасун олам элида ман каби бехонумон,
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?
Эрка ўстум, дардмандлик бирла одат қилмадим,
Ҳар тараф елдек юруб, тўқлукқа тоқат қилмадим,
Ҳарза юрдум, бир шаҳарда истиқомат қилмадим,
Эй азизим, ман санга жон бирла хизмат қилмадим,
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан.
Айланиб фарёд этарман халқ аро парвонавор,
Сабр-тоқат қолмади, эмди бўлибман беқарор,
Бўлмасун ҳеч ким менингдек булбули безътибор,
Хизматингда ҳозир ўлмай Машрабингдур шармисор,
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан.²⁵³

Тадқиқотчи Ж.Нутфуллаева Машрабинг Наманганга Андижон орқали келишини, Андижонга қайтиб онаси ва синглиси билан кўришади деб, унинг туғилган жойини Андижон деб келтирган. Тадқиқотчи юқоридаги шеър ҳақида шундай фикрни илгари сурган: Шоир онасини мусулмонларнинг энг муқаддас қадамжоси Каъбатуллоҳга қиёс этади. Бу масканга эса дилни покламай бориб бўлмайди, она ҳузурига ҳам худди шу тарзда ташриф буюриш зарур. Она фарзандини кутмаган дақиқанинг ўзи бўлмайди, лирик қаҳрамон – қаландар ўғил эса уни фироқ ўтига ташлаганидан афсусланади, азобланади, энди эса уни тавоф қилмоққа келди, бу ўғилнинг дил мақсади. Шоир ўз байтларида онани Каъбага қиёслаш орқали унинг муқаддаслигини, мўътабарлигини, улуғлигини, дийдори фарзандлар учун ҳамиша дил орзуси бўлиши кераклигини таъкидлайди.²⁵⁴

Нусратулло Жумахўжа Алишер Навоийга бағишланган жуда кўп тадқиқотлар олиб бориб, ўзи ҳам Навоийдан жуда кўп илм ўрганганлигини,

²⁵³ Машраб. Девон. . –Т.: “Янги аср авлоди” 2006. –Б. 458.

²⁵⁴ Ж.Нутфуллаева. Машраб ижодида кўнгил ва Каъба талқини. Тил ва адабиёт таълими. 2003, 6-сон. –Б.

унинг шахсияти ва ижодиётини ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб этиш орзуси эканлигини мамнуният билан қайд қилиб ёзади: Навоийнинг Ватанимиз, ҳатто ўзимнинг тақдиримда тутган ўрни ҳақида ўйласам, унинг нақадар авлиёсифат бир зот эканига яна бир бор имон келтираман. Навоий бир шоҳбайтида башорат қилиб айтган:

Кишиким қилса олимларга таъзим,

Қилур гўёки пайғамбарга таъзим.

Чунки пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бир ҳадиси шарифларида айтибдилар: «Олимлар пайғамбарнинг ворисларидирлар». Навоий эса олимларнинг алломаси. Олимни сийлаш пайғамбарни сийлаш билан баробар экан, пайғамбарни сийлаш Аллоҳнинг назарига тушиш демакдир.²⁵⁵

Шахсан ўзим ҳам Навоийдан кўп барака топдим. Шоир даҳосидан ҳали кўп умидворман. Навоий менинг яқин устозим, дўстим, сирдошим, маслаҳатгўйим, насиҳатгўйим, кўнглимга дард соладиган, дардимни оладиган дардкашим, доимий ҳамдамим, ҳамроҳим бўлиб қолди. Навоийнинг муродбахш шахсияти ҳамда ижодиётини тадқиқ ҳамда тарғиб этиш, ўқитиш, ўргатиш умрбод орзум бўлиб қолган ва шундай бўлиб қолади²⁵⁶.

Машраб ҳам шоҳбайтида башорат қилиб ёзган:

Олими нуктадон манам, пири ҳидояхон манам,

Шуҳрати шеър бобида Машраби мўътабар ўзум.

Комил инсон Машраб, пирига ўзини ҳидоя қилган, шеърят бобида шуҳрати оламини тутган, оламга ёйилган, у олими нуктадонлиги, азизу мукаррамлиги боис мўътабар инсон.

Буни жуда кенг шарҳласак бўлади, аммо мазкур сатрлар муаллифи (таъкид: Ҳ.М.) ва омма шоири Машрабнинг авлиёлигини, у ўзини Ҳаққа бағишлаган фақиру гадолигини, аммо мартабаси Илоҳ ва биз – омма олдида баландлигини ҳис қила оламиз. Шу боис Нусратулло Жумахўжа Навоийдан қанча кўп нарса олган бўлса, мен ҳам Машрабдан шунча кўп олишга ҳаракат

²⁵⁵ Нусратулло Жумахўжа. Абадий даҳо. Тафаккур, 2001, 2-сон. –Б. 29.

²⁵⁶ Ўша манба, ўша жой.

қилаётганимни, бироқ олганларим ҳали мени қаноатлантираётган эмаслигини, ҳали ундан кўп олишим кераклиги, унинг шахсияти ва ижодиётини тадқиқ этишга ҳамда тарғиб қилишга, у мени маънавий устоз эканлигини эътироф этишга, унинг ҳали ўрганилмаган қирраларини, комиллик тимсоли эканлигини оммага билдириш бурчим эканлигини англаб бормоқдаман.

А.Абдуғафуров Машраб лирикасидаги комил инсон образини шундай тасвир этади: Машраб ўз лирикасида ҳар томонлама комил, чиройли танҳо ёр образини чизади. У қотиб қолган, ҳаётдан айрим яшайдиган қандайдир афсонавий мавҳум образ эмас, унда бутун инсоний хислатлар мавжуддир. Шоир тасвирида у кишини бир боқишда ўзига мафтун эта оладиган баркамол ва бенуксон: ҳатто «у дунё» ҳуру филмонлари уни кўрганларида ҳайрон бўлиб, лол қоладилар, ўзларининг қусурли эканликларини тан олиб, унга чўри бўлишга рози бўладилар.

У шу қадар гўзал ва жозибадорки, лирик қаҳрамон унинг васли учун ҳар нарсадан, ҳатто диндан, имондан ҳам кечишга тайёр:²⁵⁷

Сени кўрдим ҳама элни унуттум,
Жаҳон лаззатидин кўнглум совуттум.
Сенга бердим дили жонимни ул дам,
Беҳишти жовидон таркини туттум.

Барча давр ва ҳар бир мутафаккирнинг илмий меросида етук жамият ва етук фозил-инсон сиймоси энг олдинги ўринда турган. Мутафаккирлар ўз илмий мерос ва дунёқарашида комил инсон муаммоси устида фикр юритганлар. Тасаввуфда мутасаввифлар комил инсон сиймосини яратишга уринганлар. Ибн Мисквейх, Беруний, Форобий, Ибн Сино каби мутафаккирлар дунёқарашида ҳам комил инсон муаммоси ёритилган.

VIII-XIII аср Шарқ мутафаккирлари ижтимоий-сиёсий қарашлари жамият, давлат ва инсон шахсий ҳаётида ҳукмрон табақалар, авлиёлар, пайғамбарлар, файласуфларни инсоният жамиятини фозил жамиятга,

²⁵⁷ А.Абдуғафуров. Эрк ва эзгулик куйчилари. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. –Б. 135.

инсоннинг ўзини эса комил инсонга айлантириш, тарбиялаш, уларга маънавий раҳбарлик қилишларини ўргатиш муаммоси турган.

Жаҳон алломалари комил инсон тўғрисида жуда кўп асарлар яратиб, энди комил инсонларга турлича таъриф ва тавсифлар берилган.

Қадимги юнон тарихчиси, файласуф олим Плутарх, кейинчалик Суқрот, Арасту инсонни чидамли ва бардошли бўлиши, қобилияти ва ахлоқи, Арасту эса кишини комиликка эриштириш назарияси устида ишлаб, уни такомиллаштиришда улкан хизмат қилдилар.

Библия, Таврот, Забур, Инжил каби муқаддас китобларда ҳам Исо Масих ва бошқа пайғамбарлар ҳақида инсоннинг комиллашуви тўғрисида рационал фикрлар айтилган.

Шарқда Хожа Исмоил ал-Бухорий, Имом ат-Термизий тўплаган ҳадиси шарифларда ҳам етук, баркамол, ақлли ва комиликка эришган инсон қиёфаси, унинг маънавияти ҳақида қимматли фикрлар билдирилган.

Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, ал-Розий, Ибн Сино, Журжоний, Беруний, Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Тусий, Давоний, Кошифий, Саъдий, Жомий, Навоий асарларида инсон маънавий олами, унинг камолоти, хулқ одоби, эгаллаган илм-фани, асосийси дунёқараши, унинг фозил ва етуклиги, камолоти масалалари эҳтиром билан тилга олинган.

Одам қанча қобилиятли бўлса, қанча кўшиш этса, куч сарфласа, унинг мақоми унинг билими ва амалига муносибдир. Инсонийлик ҳадди чегарасини билган ва эгаллаган ҳар бир киши комил инсон бўлади, ҳар бир одам Тангрининг улуғ оламдаги ҳалифасидир,-дейди Азизиддин Насафий.

Комил инсон ҳақида Жомий ва Навоий асарларини назардан четда қолдирмай, Жалолiddин Давоний, Ҳусайн Воиз Кошифий, Хондамир, Маҳмуд Асъад Жўшон, Азизиддин Насафий, Нажмиддин Комилов каби олимларнинг бу илмга қўшган ҳиссаларини таъкид этмоқ керак.

Айниқса, Азизиддин Насафийнинг «Зубдат ул-хақойиқ» ва Н.Комиловнинг «Тасаввуф» ҳақидаги 2 жилдлик китобларида комил инсон,

унинг инсоният жамиятида тутган ўрни ҳақида муфассал маълумотлар берилган.

Комил инсон идеал шахс бўлиб, барча дунёвий ва Илоҳий илмларни эгаллаган, руҳи мутлақ руҳга туташ, фазлу кароматдан сероб, сийрату сурати саранжом, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим покиза зот, Навоий тили билан айтганда:

Фонийвашеку, ҳам сўзидир пок, ҳам ўзи.

Комил инсонда Хизрнинг пайғамбарлиги, офтобнинг саховати мавжуд. Комил инсон одамзод орзу қилган жамики эзгу хислатларнинг ифодачиси.

Комилликнинг энг юқори нуқтаси олам мулкининг нигоҳбони Баҳоуддин Нақшбанд ва Махдуми Аъзам хожаги Косоний десак хато бўлмас. Жалолиддин Косоний: одам боласи туғилганидан кейин дунёга кўнгил бериб, Илоҳий руҳдан иборат бўлган унинг пок борлиғи булғанди ва бутунлай кўздан беркилиб, у билан ҳақиқий маҳбуб васли орасида ҳижобга айланди. Комил ва мукамал муршид раҳбарлигида оғир риёзат ва ибодат орқали кўнгил кўзгусида тажаллий қилиши мумкин,-деган ғояни илгари сурди.

Кубровия ва нақшбандия тариқатларида комил инсон сиймоси амалий ҳаётга мос келадиган шаклда тасвирланади.

Фаридиддин Аттор ривоятида тасвирланишича, шайх Абулҳасан Ҳарақоний барча халқ учун ўзи ўлимга тайёрлигини изҳор этган.

Н.Комилов Комил инсон тасаввуф адабиётида кўп марта тилга олинган, мунозараларга сабаб бўлган ва бу ҳақда китоблар ёзилган деб, Саййид Абулқодир Гилоний ва Азизиддин Насафийларнинг «Инсони комил» номли рисолаларини тилга олиб ўтган.

Гилоний комил инсон ҳақида фикр юритиб, у воқеан Муҳаммад (с.а.в.) каби фозил ва етук инсон бўлиши кераклигини таъкид этган.

Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний Машрабнинг комиллик сифатларини шарҳ этган ва у хаттоки фаришталардан ҳам устун туради, Яратувчи уларга бош қўйиб сажда қилишни буюрганлигини таъкидлаган. Жўзжоний фикрича Машрабнинг комиллик ҳақидаги қарашлари шундай ифодаланади: Ўзлари

комилсифат, ҳар лукмаси ҳаққи сағир. «Камоли нури раҳмат», «Жаҳон нуктадони» ва Яратгандан нур келдики, «сани ман жаннати қилдим» каби Машраб муждалари унинг комиллик ҳақидаги қарашлари ифодасидир.

Мутафаккир Машрабнинг «Манам» радифли ғазали комилликнинг энг юқори чўққиси саналиб, унда мутафаккир ўзини Яратган васлига етган деб ҳисоблайди ва ўзини Аллоҳ сифатларидан воқиф-огоҳлигини қайд этган:

Воқифам асари Ҳақдин, нури жони ҳам манам,

Машрабнинг коинот гултожи бўлган одамга муҳаббати умумбашарий моҳиятга эга. Тангри таоло жамики мавжудот ичра энг мукамал зот деб инсонни яратган ва инсон дилида ўзига нисбатан оташин муҳаббат уйғотган. Инсон сараси, унинг Худодан бохабари, унинг васли учун интилувчиси, ҳатто фаришталардан ҳам улуғи инсони комилдир.

Машраб ғазалларида Ҳаққа яқин комил инсон сиймосини яратгани ҳолда ўзига комил пир тутишини хоҳлаган, у биринчи пири мулло Бозор охундни, иккинчи Офоқхожани ҳам қалбан эътироф этган, уларга яқинлаша бориб, интилиб, у «бир пири комил керак» дея Худога муножот қилган:

Даври Аҳмад ўтти деб, кўп йиғлама, эй Машрабо,

Ҳақ таоло раҳм қилса, бир пири комил керак.

У пири комил топган, пир тариқатига, шу тариқат асосчиси бўлган мутасаввифга айтилади.

Машраб пиридан хатти иршод олмаган, аммо тариқат пирининг этагини тутган, Офоқхожа даргоҳида дарвешликни, унинг йўларини қабул қилган комил мурид эди.

Салмони Форсий саққо-мешкобчиларнинг бошлиғи бўлиб, ҳар бир хонадонга беминнат сув етказиб берган дарвешдир. Машраб ҳам Офоқхожа хонадонида мешкобчилик қилган ва сув ташиган, хонадонларга оби ҳаёт етказиб берган. Шунингдек, у Илоҳ жамолини кўриш иштиёқида пири устозларни зиёрат қилиб, инсони комил бўлган зотларнинг руҳониятларига бағишлаб шеърлар ёзди:

Туттум пирнинг этокин, охир йўлга бошлади,

Пири комилсан, ҳақиқат бобида дарёи ҳол.

Машраб учун кимки ўзини англаса, Раббини ҳам танийди, у оламини англайди, Илоҳий сиру асрор, ғайб ҳикматидан бохабар бўлади, деб хулоса чиқаради.

Машраб пири комил Офоқхожанинг олдига боришларидан бирида «Кони зар, толиби заргар, шуълаи аҳгар» бўлишни, еттинчи осмонга чиқиб Исосифат, ташналарга соқийи кавсар бўлишни ва комил инсон бўлишликни Аллоҳдан сўрайди:

Бўлибман кони зарман, толиби заргар бўлай дерман,

Мани комилсифат эт, офтоби нурдин Машраб.

Машраб ўн саккиз йиллик жудоликдан сўнг оналарининг ҳузурига қайтиб келганларида, сочлари оқарган, фарзанд фироғида йиғлаб кўзлари кўрмай қолган оналари Худога муножат қилиб, йиғлаб ўтирганлари устидан чиққан.

Машраб ўзини пирига ҳидоя қилган, шеърият бобида шуҳрати оламини тутган, олими нуктадон, азизу мукаррам, мўътабар сиймо.

А.Абдуғафуров Машраб лирикасидаги комил инсон образини афсонавий, мавҳум эмас, унда бутун инсоний хислат ва фазилатлар, яхши хулқ ва хусусиятлар мавжудлигини қайд этади.

Ишқ, зоҳирий кўринишдаги май, шароб, ичимлик бўлмай, балки Аллоҳ жамолидан баҳрамандлик – ишқ васлидан маст бўлишдек, ботиний муҳаббат рамзи деб тушунилган. «Машраб» сўзи «шароб» маъносидаги шоир ижодини, унинг дунёқарашини рамзий маънода тўла ифодалайди.

Шунинг учун Н.Комилов «Машраб» Илоҳий шаробдан сархуш дегани фикрини келтиради.

Б.Дўстқораев Машрабга «Эшон» атамаси қўшилиб айтилишини, борлигини йўқотган киши билан боғлиқ мавжуд сир, яъни мен йўқолиб, мисли соф май қолган, майнинг куйқаси кўзадан чиқиб кетган, бу Аллоҳга қўшилиб кетиш белгиси «улар» (дарвешлар) билан бирга мавжудлигини билдиради. Эшон, дарвеш, сўфий-улар-оломон ичида ёнаётган шаъм. Шу боис Машраб «Эшони шох Машраб» дейилган.

Машраб меросида комил инсон муаммоси ҳақида хулоса қилинганда, Розий, Ибн Мискавейх, Беруний, Фаробий, Ибн Сино, Гийлоний, Нақшбанд, Насафий, Навоий каби улуғ алломаларнинг комил инсон ҳақидаги умуминсоний ғояларини шеърлятида давом эттирди, Муҳаммад (с.а.в) расулуллоҳнинг сийратию – сувратини, у улуғ зотнинг қилган аъмолларини башарият учун ибрат қилиб кўрсатди. Пири комили Офокхожа, дарёдек жўшқин ва замонасида комилларнинг сарвари эканлигини таъкидлади: Пири комилсан, ҳақиқат бобида дарёи ҳол.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Ижтимоий-педагогик фикрлар негизида талабаларнинг маънавий-ахлоқий камолоти тизимини такомиллаштиришнинг методологик асослари ҳақида хулоса қилинганда;

биринчидан, талабалар маънавий-ахлоқий камолотини шакллантиришда Машраб асарларини роли ва ўрни хусусида, Машраб ахлоқий қрашларидаги таълимотлар аввало пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)нинг гўзал ахлоқ эгаси эканликларидан, Хожа Исмоил ал – Бухорийнинг муборак ҳадису шарифларидан, Амир Темурнинг ахлоқий қарашларидан, Алишер Навоийнинг инсоний фазилатлар тараннум этилан ахлоқий – таълимий, педагогик қарашларидан ибрат олганлигини эътироф этади. У ота – онани рози қилиш Аллоҳни рози қилишдир деган фикрни илгари суриб, ота -она ғазабига учраган одам Аллоҳнинг ғазабига учраш билан тенгдир деган ғояни таъкидлайди. Ота рози – Худо рози концепциясини таъкидлаб, инсон отадан иймонни ўрганишини уқтиради. Шунингдек, онанинг мақомини юқорига олиб, барча яқинларга муносабатни ҳам яхши томонга йўналтиришни, фарзанд улар олдида ўзини ғулом (қул) дек тутишлигини уқтиради;

иккинчидан, талабалар маънавий-ахлоқий камолотини шакллантиришда Машраб ижтимоий-педагогик қарашларини татбиқ этиш тизимини шакллантириш, шоирнинг инсоний фазилатлар ҳақидаги ғоялари ҳақида фикр юритилиб, Машраб, салафлари Яссавий ва Навоийларнинг ижодидан ибрат

олганлиги, жамиятдаги разолат, қабоҳат, жаҳолатнинг зидди бўлган инсоф, адолат, диёнат каби инсоний фазилатларни улуғлаганлиги таъкидланган.

Мутафаккир ҳар қандай кишининг пири комили бўлиши, ботиний қалби тоза бўлишини, инсон орифлик ва комиллик сари интилишини, нафсга берилмасликни, ўзлигини йўқотмаслигини, жисми, вужуди пок бўлиши билан бирга “ўзи пок, сўзи пок” бўлишини таъкидлаган. Н.Комилов таърифлаган ошиқнинг (Аллоҳнинг ошиғи) таъб нозиклиги, унинг сўз ва ифода нозиклиги, завқ ва идрок нозиклиги, феълнинг юмшоқ ва латиф бўлиши ҳам сўфий қалбининг поклигидан нишоналардир. Машраб инсоний фазилатларни Атойи, Лутфий, Навоий, Бобур, Офокхожа каби улуғ сўфий пирлардан ўзлаштирган. Илоҳийликни уларнинг асарларидан топган мутасаввиф зот эди;

учинчидан, талабалар маънавий-ахлоқий камолотини шакллантиришга оид машраб асарларидаги дидактик омилларнинг ўрнида Машраб меросида комил инсон муаммоси барча туркий халқлар миллий адабиётининг ва педагогикасининг умумий йўналиши, таракқиётида муҳим омиллардан бири бўлиб, инсон онги ва тафаккури, ривожини, унинг камолотига бевосита ижобий таъсир этиб келганлигини таъкид этмоқ керак. Шу боис бўлса керак, Мовароуннаҳр халқлари миллий адабиёти намояндалари кейинги асрлар педагогик адабиётининг барча вакиллари ҳам Навоий ва Машраб маънавий меросидан баҳра олдилар, уларни устоз дея қабул қилдилар ва улар билан фахрландилар. Баркамол инсон тарбиясида уларнинг асарларига мурожаат қилиб, ижодий тажриба, юксак намуна ва ибрат олиб, Навоий ва Машраб каби умрбоқий шеърят яратишни шараф деб билдилар. Навоий, Бобур, Машраб ғазалларига нигоҳ ташланганда, улардаги муштарак жиҳатларни англаш қийин эмаслиги аён бўлади.

**III-Боб. Талабаларнинг маънавий – ахлоқий камолоти
tizimini такомиллаштиришда Машраб асарларидан
фойдаланиш тизими**

**III.1 Талабалар маънавий-ахлоқий камолотини
такомиллаштиришнинг дидактик таъминоти**

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Бобораҳим Машраб ҳаёти, фаолияти, у қолдирган илмий мерос ҳақида ўз замонасида ва бугунги кунгача жуда кўп шоирлар, адиблар, олимлар фикр-мулоҳазаларини изҳор қилдилар ва қилмоқдалар. Айниқса, давлат мустақиллигига эришганимиздан сўнг, Машраб ҳақида илмий доира унинг мураккаб ҳаёт йўли, ижодиёти ҳақида ўз ҳолисона фикрини айта олди ва у ҳақда тадқиқотлар кўлами кенгайди.

XX асрнинг 90-йилларида у ҳақда «қисса»лар эълон қилинган бўлса, XXI аср илк ўн йиллигида унинг ғазалиёти «Девон» шаклида жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилди. Ўзбек адабиёти, Фалсафа тарихи ва педагогика тарихи соҳасида энди мутафаккир шоир ҳақида десертациялар тайёрланиб, тадқиқотлар қилинмоқда, монографиялар эълон қилина бошланди. Мазкур ишни ҳам шундай педагогика тарихи соҳасидаги уринишлардан бири деб ҳисоблаймиз. Тадқиқот ишимизнинг бу бўлимини Машраб меросида маърифий фикрлар талқинига бағишлаб, унда мутафаккир шоир Машраб ҳақида қилинган илмий

тадқиқот ишлар ва унинг ижодиётига илмий нуқтаи назардан ёндашилган фикр-мулоҳазаларга муносабат билдириш кўзда тутилган.

Машраб ҳақидаги «Қиссаи Машраб» ривоятлар асос бўлган маърифий киссани шоир замондошлари Пирмат Сеторий ва «Тазкираи қаландарон» нақллар эса Исҳоқ Боғистоний томонидан яратилган.

Шу мавзу бўйича йирик адабиётшунос ва файласуф олимлар, академиклар И.М.Мўминов, В.Й.Зоҳидов, М.М.Хайруллаев, А.Рустамов, А.П.Қаюмов, Б.Валихўжаев, М.Д.Баратов, В.Абдуллаев, И.О.Султонов, Ғ.Ғулом, фан докторлар, профессорлар ва турли илмий даражадаги атоқли олимлар А.Фитрат, С.Айний, Н.Комилов, И.Ҳаққулов, А.Ҳайитметов, И.Салоҳий, Д.Салоҳий, Ҳ.Алиқулов, Ж.Туленов, И.Сувонқулов, Ҳ.Болтабоев, А.Ш.Жўзжоний, Нусратилло Жумахўжа, Р.Орзибеков, П.Қайюмов, В.Раҳмонов, К.Исроилов, Қ.Тоҳиров, И.Ғафуров, А.Абдуғафуров, Э.Шодиев, Ё.Исҳоқов, А.Ёқубов, С.Ҳасанов, Ҳ.Ҳомидий, Б.Дўстқораев, Р.Воҳидов, Б.Тўхлиев, М.Тоджихўжаев, З.Ризаев, С.Ҳасанов, Р.Холиқов, П.Равшанов, Ҳ.Муҳаммадхўжаев, Илёсхон Ғозий, И.Адизова, О.Боқиев, Й.Жумабоев, Ғуломхон Ғафуров, Ж.Нутфуллаева, М.Жўраев, Сайфиддин Рафиддинов, Маҳмуд Ҳасаний, Қ.Қаҳҳорова, Қ.Тўқсонов, Р.Норматова, О.Жалилов, Саъдулла Аҳмад, М.Сиддиқов, О.Носиров, Аҳмад Убайдулло, Ж.Раҳимов, М.Маъмуров, А.Халилбеков, Р.Каримова, К.Муллахўжаева, Аҳмад Жаббор, Ғ.Саломоваларнинг илмий-тадқиқий ишларига мурожаат қилинди.

Таъкидлаб ўтмоқ керак, филология фанлари доктори, профессор Исматуллоҳ Абдуллоҳ Машраб асарлари юзага чиқишида фаол жон куйдирди. Хатирчилик Машраб фидойиси Ж.Юсупов Машраб «Девон»ларини нашр эттирди. Ўз даврида М.Зокиров тадқиқотлар эълон қилди. Тадқиқотчи Д.Ҳамроева докторлик диссертацияси устида ишламоқда. Э.Мусурманов «Қиссаи Машраб» бўйича диссертация ҳимоя қилган. М.Тоджихўжаев ва М.Сиддиқов илмий изланишларини ниҳоясига етказдилар.

Бобораҳим Машраб шеърӣ «Девон»ини нашрга тайёрлаган Ж.Юсупов китобнинг «Кириш»ида камтарона шундай лутф қилган: Машрабнинг ҳаёт

йўллари, бизга қолдиган бой адабий меросларини тадқиқ қилиш ишлари, «Мабдаи нур» ва «Кимё» каби асарларини тўлиқ ва мукаммал ҳолда нашр қилишдек, масъулиятли ва савобли юмушларни давом эттирмоқдамиз. Машрабнинг кўлингиздаги «Девон»лари таркибига аввалги нашрларга киритилмай қолган, комфирка тузуми эътиқодларига, яъни Худосизлик ғояларига тўғри келмайди, деб ҳисобланганлиги сабабли тушириб қолдирилган, аслида Машраб илмий меросининг қаймоғи бўлган кўплаб ахлоқий, диний-тасаввуфий ғазал, мустазод, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ ва мусамманларни киритдик.²⁵⁸

Машрабнинг шеърий меросини аслий кўринишига яқинлаштириш учун узоқ йиллардан бери изланишдамиз. Бу йиллар орасида менга мадад бериб, кўллаб-қувватлаб, руҳиятимга осудалик бахш этиб келган боболарим Мулло Жўрамурод, Мулло Абдуқодир, падари бузрукворим ва мураббийим, беминнатим Муҳаммадюсуф Ҳақберди ўғиллари ва волидаи мухтарамам Рисолат Абдусалом қизлари бу дунёи дағални тарк этиб, дорилбақо сари юз тутдилар. Уларнинг ҳар бирлари кўп ўқимишли, мумтоз адабиётимизни теран тушуниб етган ирфон соҳиблари эдилар.²⁵⁹

Халқимиз унинг маърифий меросидан баҳраманд бўлган.

Академик, файласуф олим И.М.Мўминов фикрича, халқ норозилик кўзғолонларидан сўнг меҳнаткашлар оммаси ҳар сафар алам ва хўрликни, ғазаб ва умидсизликни кўнгилларига тугиб, қутулиш йўлини топиш умидида сирли осмонга кўз тикиб, орқага чекинишга мажбур бўлган эдилар.

Ўзбек адабиёти ва ўзбек ижтимоий тафаккурида зиддиятлардан, ўзига хос ғоявий оқимлар ижтимоий негизлардан келиб чиқди. Шу жиҳатдан Машраб ижоди бирмунча аҳамиятга эгадир.

²⁵⁸ Ж.Юсупов. Ҳаққинга бир дуо айлай. Машраб. Девон. –Т.: «Янги аср авлоди», 2006. –Б.43.

²⁵⁹ Ўша манба. –Б. 45.

Саргардон шоир Бобораҳим Машраб ўткир зиддиятли шеърлари билан машҳур бўлиб, XIX асрда кенг халқ оммаси орасида Бедилдан ҳам ортиқроқ ном чиқарди.²⁶⁰

Машраб ижоди ички қарама-қаршиликларга эгадир, бунда бир томондан, меҳнатқаш омманинг золимларга қарши норозилиги, иккинчи томондан озодликка интилувчи, бирлашмаган ва уюшмаган халқ оммасининг оҳ-ноласи, ожизлиги равшан ифодаланган.

Машраб – шоирнинг таҳаллусидир. Шоирнинг исми Бобораҳим бўлиб, унинг ёшлиги Фарғона водийсининг Наманган шаҳрида ўтган.

Машрабнинг ажойиб шеърлари ҳар бир китобхонда чуқур туйғулар ва ички кечинмалар пайдо қилиб, руҳий озик беради. Мана, Машрабнинг юксак бадиий лирикасидан мисоллар:

Ишқинг ўтиға куйголи келдим

Ойдек юзингни кўрголи келдим.

Савдои зулфинг тушди бошиға,

Сендан давосин сўрголи келдим.

Машраб ўзбек бадиий сўзларининг моҳир устаси, ўткир дидли, жуда ҳам зўр юмор кучига эга шоирдир.²⁶¹

Фитратнинг «Машраб» ҳақидаги илмий мақоласи шоир Машраб ҳаёти, мероси, мутафаккирнинг маърифий қарашларини ўрганишда долзарб ва муҳим манбалар сирасига киради. Мақоланинг илмий қиммати, аҳамияти ва моҳияти шундаки, Фитрат бу тадқиқотда Машраб шахсияти ва шеърятини халқ оммаси томонидан қабул қилиниши, омма уни ардоқлаши, лекин унинг ижодий мероси ҳали чуқур ўрганилмагани, уни текшириш кераклигини, Машраб ижодининг кейинги шоирларга таъсири ошиши учун у ҳақда алоҳида тадқиқотлар қилиш зарурлигини таъкидлаган: Машрабнинг ўз замонида теран мутасаввиф ва кучли шоирлардан бўлганини асарларидан онглаганимиз каби у тўғруда Мажзуб Намангоний «Тазкират ул-авлиё»сида бизга очиқ хабарлар берадир. Шундай

²⁶⁰ И.М.Мўминов. Танланган асарлар. 1 том. –Т.: «Фан», 1969. –Б. 211.

²⁶¹ Ўша манба. –Б. 214.

бўлгач, унинг замондошлариға ва ўзидан сўнграги ўзбек шоирларига кўзга кўринарлик таъсир қилганини қабул қилмай чора йўқ. Лекин, бизнинг ҳали яхши текширилмаган, тартибка кирмаган, ҳатто кераклик материаллари, маъхазлари тўпланмаган бир адабиёт тарихимиз бор. Бу ҳол бизнинг истагимизча текширишни давом эттиришимизга монеъ бўладилар. Машрабнинг ўзидан кейинги шоирларга таъсирини текшириш учун айрича ишлашка тўғри келадир.²⁶²

Абдурауф Фитрат Машраб ҳақида чуқур илмий тадқиқот йўқлигини, П.В.Вяткин Машрабни тарихий шахс эмас, афсонавий шоир даражасига кўтарганлигини, Европада у машҳур эканлигини, Машрабни Фарғонада ҳеч ким билмаслигини афсус билан қайд қилган.

Орамизда шу қадар кўб ўқулиб, шуҳрат топқон Машраб ҳақида чиққан илмий, тадқиқий, тўла бир асар йўқ. Оврупа олимларидан Машраб ҳақида Н.С.Ликошиннинг «Дивана-и Машраб» исмли бир таржимаси билан П.В.Вяткиннинг «Ферганский мистик дивана-и-Машраб» (бўлиб) Вяткин домулло Машрабнинг тарихий бир шахс эканига шубҳа билан қараб, унинг афсонавий эканига ҳукм қилмоқчи бўладир ва XVII-XVIII асрларға бир Фарғона тарафларида Машрабнинг таржимаи ҳоли нари турсин, уни эслаган бир иборатка (ишора) ҳам учрамаганидан шикоят қиладир.²⁶³

Фитрат Машраб шеъриятидаги услубий нозикликларни, ундаги кучли жозибани теран англаб, таҳлил этган: Машрабнинг кучли бир услуб эгаси бўлганини форсийча, ўзбекча шеърларида кўра олдик. Машрабнинг тили соддадир. У кўпроқ шаҳар тилининг энг такаллуфсиз услубида ёзадир. «Дур» кўшимчасининг букун бизда ишлатилган «р»сиз шаклини кўбрак ишлатадир:

«Машраби бенаводуман,

Васлинг учун гадодуман.

Ҳажр ўтиға куёдуман,

Ёр жафосини кўринг».

²⁶² Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. –Т.: «Маънавият», 2000. –Б. 105.

²⁶³ Ўша манба. –Б. 83.

«Холу хатингни кўрмасам, йўкту қарорим эй санам».

«Девонадуман дўхтари султони ажамға».

Буқун бизда «билмайсан», «келмайсан» шаклида ишлатилган феълнинг чиғатойчада «билмон», «келмон» шаклида, ўғузчада «билмам», «келмам» шаклида ишлатилгани маълум. Машраб эса «билмайсан» феълни «билманг» шаклида ишлатадир:

Мани мавжудлиғим базми ҳаробот эрди сан, билманг

Гунаш кордир сарупойим, каромат эрдисан билманг.

Мани Мажнунни бекор англама, эй аҳли ғафлат сан,

Ки Кунда бошима юз мингча офат эрди сан билманг.²⁶⁴

Филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев адабиёт тарихи, тасаввуф адабиёти ва Шарқ мумтоз шеърятини чуқур илмий тадқиқ этган, теран мушоҳадали мақолалари билан илмий доирада ўз фикрларини изҳор этувчи фидоий педагог олимлар сирасига киради. Адабиётшунос «Шох Машраб Фитрат талқинида» мавзусига қўл уриб, мазкур тадқиқотида «Фитрат ва Машраб мавзуси», «Бобораҳим Машраб Намангонийми?», «Икки Машраб ихтирочилари», «Машраб ва қаландарийлик тариқати», «Мабдаи нур зиёси» каби қисмларга бўлиб, уни чуқур таҳлил этган ва Фитрат илмий хулосаларига ўз муносабатларини холисона билдирган. Эътироф этмоқ керак, Ҳ.Болтабоев масалани ҳар томонлама ўрганиб, ундаги ҳар бир деталга Фитрат талқинидаги илмий фараз ва қарашлар меъёрида ўз хулосасини берган. Шу нуқтаи назардан бу тадқиқотнинг аҳамияти ва моҳиятини назарда тутиб, қимматли таҳлилий илмий ишлардан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Биз (таъкид: Ҳ.М.) Бобораҳим Машраб мероси, маърифий фикрларини тадқиқ этувчи тадқиқотимизда Ҳ.Болтабоевнинг илмий мақоласидаги баъзи фикрларга эҳтиёж сезган ҳолда керакли ўринларда унга мурожаат қилишни лозим деб биламиз.

Адабиётшунос Ҳ.Болтабоев Фитрат Машраб ҳаёти, унинг қаландария тариқатига мансублиги, шоир асарлари ҳақидаги илмий қарашлари билан ўтган

²⁶⁴ Ўша манба. –Б. 101-102.

аср 20-йилларида ҳеч қайси тадқиқотчи олим айтмаган фикрни айтганлигини, бугунги адабиётшунослик илми учун ҳам бу асар вақт ўтса-да, қайтадан жонланиши ва Машраб меросини ўрганишда унинг илмий қиммати юқори эканлигини таъкидлаган:

Фитрат 20-йилларнинг охирида Машраб мавзусига қўл урар экан, XVI-XIX асрлар адабиёти, хусусан, Машраб яшаган даврнинг барча сиёсий-маданий хусусиятларини пухта ўргангандан кейингина бу масъулиятли вазифага ўзини бағишлади.

Фитратнинг мақола-тадқиқотини дастлаб нашрга тайёрлаган адабиётшунос Бойбўта Дўстқораев олимнинг Машраб мавзусига муносабатини шундай изоҳлаган: «Ноёб илмий истеъдод эгаси бўлган Фитрат ўзбек, умуман, Шарқ классик адабиётига оид ёзилган асарлардан етарли даражада қониқиш ҳосил қилмаса, уларда кўтарилган мавзуга қўл уриб бошқалар ҳал этиб беролмаган илмий муаммоларни ечишга интилган».

Фитрат мақоласида Машраб мавзуи билан боғлиқ уч муҳим масала илгари сурилган бўлиб, бу мақоланинг таркибида ҳам акс этган: 1. Машрабнинг ҳаёти. 2. Машраб ва қаландарийлик тариқати. 3. Машраб асарлари.²⁶⁵

Ҳ.Болтабоев Б.Дўстқораевнинг эътирофини келтириш билан Машраб таржимаи ҳоли тикланганлигини эътироф этилганлигини келтирган: «Фитрат талайгина маъҳаз, баёз ва бошқа манбаларга таяниб, Бобораҳим Машрабнинг таржимаи ҳолини биринчи марта илмий асосда тиклаб берган. Ундан кейин Машраб ҳақида ёзганлар гарчи Фитрат номини тилга олмасалар-да, у тиклаган шоир таржимаи ҳолини у ёки бу шаклда такрорлайдилар»²⁶⁶.

Ҳ.Болтабоев Фитрат афсонавийлашиб кетган Машрабнинг таржимаи ҳоли тикланганлигини, бунда манқаб, тазкира, тарих китоблари масалага аниқлик киритганлигини, Фитрат каби олимларнинг тадқиқотлари келажак учун қимматли ва қадрли бўлиб қолаверишини таъкидлаган: Фитрат 1930 йилда ёзилган «Машраб» номли мақоласида ўзбек адабиётшунослигида илк бор

²⁶⁵ Ҳ.Болтабоев. Шоҳ Машраб Фитрат талқинида. Мумтоз сўз кадри. (Адабий-илмий мақолалар) –Т.: «Адолат», 2004. –Б. 148.

²⁶⁶ Ўша манба, ўша жой.

Машраб мавзуига қўл уриб, унинг ярим афсонавий бўлиб кўринган таржимаи холини тиклади, манқабани билан замонасининг тазкира ва тарих китобларини қиёсан ўрганиб, шоир туғилган жойи ва вақти масаласига аниқлик киритган.

Улуғ шоир Бобораҳим Машраб ижодини ўрганишда ва унинг поэтик дунёсининг сирларидан халқимизни таништиришда истиқлол даврида яратилган шарт-шароитлар асосида холис, бирёқламаликларга бўйин бермаган илмий изчил ўрганишда Фитрат каби нуктадон машрабшунос яратиб қолдирган илмий асарлар келгусида ўз аҳамияти, ўрни ва қуввати билан хизмат қилажакдир.²⁶⁷

Шунингдек, адабиётшунос Ҳ.Болтабоев томонидан тайёрланган «Ислом тасаввуфи манбалари» (тасаввуф назарияси ва тарихи) китобида шарқнинг улуғ мутасаввиф мутафаккирлари ҳаёти ва фаолияти ва улар меросидан мухтасар маълумотлар қайд қилинган. Унда Бобораҳим Машрабга ҳам ўрин ажратилиб, мутафаккир шоир ҳақида Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкираи қаландарон» асари ҳам берилган.

Тасаввуф олими Н.Комилов тасаввуфга бағишланган «Тавҳид асрори» китобида Машраб жазбаси ҳақида фикр юритиб уни «Қамоли нури раҳматман» деб атаган. Унда тасаввуф тарихи, уни таълимоти ҳақида фикр юритилиб, Машраб Иброҳим Адҳам, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий ижодидан илҳомлангани, Мансур Ҳаллож мақомини орзу этганлиги таҳлил этилган.

Машраб бенаво-бечораларни кўрганда эзилган, ноҳақликлардан фиғон чекиб ўтли сатрлар битган. Бироқ, у ўз туйғуларини очик, яланғоч тарзда, аллақандай исён-тўполонларга даъват руҳида ифодалаган эмас. У ҳаётга бир Илоҳий ишқ ошиғи, тасаввуф нуридан порлаган қалб нигоҳи билан қарайди ва ҳислари, муҳокамалари ҳам шу асосда ривожланган.

Шунинг учун у «юртга ўлтурган» Маҳмуд қатағонбийга кўрқмасдан «тахтинга ўлтурдим, нима дейсан» дея олган. «Анал-Ҳақ» деган Мансур Ҳалложни замонасида тушуниб етмаган уламолар ва вазир ноҳақдан ўлимга ҳукм қилгани Машрабда ички исённи келтириб чиқарган, шунинг учун энди

²⁶⁷ Ҳ.Болтабоев. Мумтоз сўз кадри. – Тошкент: Адолат, 2004. –Б. 167-168.

очикчасига кураш йўлига ўтган, Машраб шуни хоҳлаган, унда Ҳаллож каби кўрқув бўлмаган. Н.Комилов буни шундай изоҳлаган: Аммо бу эътиқод Мансурга қандай фожеа олиб келган бўлса, Машрабга ҳам шуни насиб этди. Унинг ҳақ сўзидан оташин шеър ва тўғли ҳажвидан таҳликага тушган шариат «ҳимоячилари» ҳукмрон табақа вакиллари билан қўшилган ҳолда шоирни гуноҳкор ҳисоблаб ўлдирдилар. Тарих яна бир марта қонга беланди, яна бир марта маърифат билан зулмат, эркин тафаккур билан таассуф ва нодонлик тўқнаш келиб, қурбонлик берилди – шоирнинг ўзи бутун инсоният фалокати деган ўша Нафси лаин жоҳил уламолар қиёфасида ҳақиқатдан ўч олди²⁶⁸. Бироқ Машраб руҳи, шеърлари тирик, халқ бу гавҳарни бағрида сақлаб келди. Шуниси ҳам борки, унинг сўзларини ҳали ҳам турли хил талқин этувчилар, ўз қарашлари, манфаатларига хизмат қилдирувчилар бор. Тушуниб-тушунмай у ҳақда гапириш, ўзгараётган замонга қараб, унинг маъноларини мослаб олишга уриниш кузатилмоқда. Соёя раҳмат бошига тушган шаҳид шоир огоҳлантирган эди:

Машрабо, ҳар бир сўзингдир гавҳари қимматбаҳо,

Айтма бу сўзларни ҳар ноқасга нодонлик била.

Машрабнинг Илоҳий пок шеърятти тадқиқи ҳам пок ният, покиза қалб меҳнатини талаб қилади.²⁶⁹

Тасаввуф олими Иброҳим Ҳаққул Машраб маърифий ижоди ва унинг тасаввуфий қарашлари ҳақида теран фикр юритгани ҳолда, машрабшунослик учун долзарб илмий-тадқиқий мақолалар эълон қилган. Адабиётшуноснинг «Ҳақиқат йўл тутай десанг» ва «Сўзлар бизга оғриқдан бўзлар» мақоласи ана шундай ижод маҳсулидир.

Машраб соҳибжунун шоир. Машрабдаги жунун Илоҳий ишқ ҳосиласи. У ишқнинг энг шиддатли туғёнларида «жунун водийси»га қочади. Уни ҳамма жойда ва ҳамма томонда «ғам лашкари» таъқиб қилади. «Ғам лашкари ичра «ҳайрону хароб» шоир гоҳ «жисми» жони»нинг афғорлигидан сўзласа:

²⁶⁸ Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Тавҳид асрори. Иккинчи китоб. –Т., Ғафур .Фулом номидаги Адабиёт ва санъат ҳамда «Ўзбекистон» нашриётлари, 1999. –Б. 142.

²⁶⁹ Ўша манба, ўша жой.

«Лашкари ғам бу синук кўнглумни афгор айлади»; «Жисми жонимни фигур этти ғамингни лашкари», гоҳ ўзлигини «ғам тарозусиға» тортади: «Ғам тарозусиға тушган бори вазминмен бугун». Машрабнинг дарди – ғам, дардига дармони ҳам ғам:

Ғамдин ўзга бўлмади дардимга дармон оқибат,-

деганди у. Машрабнинг шахси ғам қуюни ичидаги бир дарахтга ўхшайди. Шоир қалбидаги беқарорлик, саргашталиқ, оворалиқ ва хайронлик мана шундан. Машраб шахсиятини тинглаган киши унинг ички ҳаётида ҳеч қачон сокинлик, хушнудлик бўлмаганлигига дарҳол ишонч пайдо қилади.²⁷⁰

Машраб ҳақидаги фикри давомида Иброҳим Ҳаққул шоирнинг инсоний ва ижодий ўзлиги сохта таҳлилларга дуч келганлигини, ҳанузгача, уни ўта Илоҳийлаштириб, унинг номи қайсидир тоифа манфаатларига мос талқин қилинаётганлиги ҳақида сўзлайди: Бобораҳим Машрабни Машраб таҳаллуси билан ижод қилган бошқа шоирлардан ажратиш учун ўзбек адабиётшунослигида анча ишлар амалга оширилди. Шу маънода шоир шеърларини йиғиб, нашр эттирган олимларнинг меҳнатлари таҳсинга лойиқдир. Лекин асл Машрабнинг қиёфаси - унинг шеърлятида, адабиётшунослик илмида, Машрабнинг инсоний ва ижодий ўзлиги тубдан ўзгартирилган ҳамда сохта талқинларга гирифтор этилган.²⁷¹

Машраб шеърларини ўқиб туриб, беихтиёр ўйланиб қоласан: шу қадар севиш, юракни шу даражаларда изтиробга солиш ва қайғуга чулғаш мумкинми? Мен бундай саволларга қатъий жавобларни қаторлаштириб ташлашдан чўчийман. Негаки, буюк шоир носамимийлик сабабидан ёхуд муболағага эҳтиёжидан:

Ҳеч кима маълум эмас ҳоли паришоним менинг,

Осмонни пора қилди оҳу афғоним менинг,

демаган. Машраб ҳолатидаги паришонлик, ғуссасозлик, фиғон сасларини шарҳлаш учун «ғайрат тиғи бирла юрак»ни чопиш, «жон тоғини ғам тешаси

²⁷⁰ Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърят. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. –Б. 173.

²⁷¹ Ўша манба. –Б. 178.

бирлан» тинимсиз казиш, ёрнинг биргина кўзи хаёлида «Ху-ху кушидек кечалар гўянда»лик қилиш, ишқ куйида «бир ўлиб, икки тирилиш», фироқ даштларига чиқиб «Мажнун ила ҳамхона» йиғлаш, «Дунё ясаниб жилва қилиб» олдига келганда ҳам «Борғил нари» деб кетига шатталаб ўта олиш сингари канчадан-канча ақлнинг эсини оғдирадиган заҳмат ва рухий меҳнатлардан огоҳлик зарур. Улуғ санъаткорлар ички бедорликларимиз олам чироғи бўлсин, деб орзу қилишган. Машраб қалби ва руҳияти тўғрисида сўзлашнинг энг катта масъулияти ҳали мана шунда. Машрабдаги бедорлик, юрак ёлқини, тафаккур оламни нурлантирадиган чироққа айланган. Шоирнинг маънавий-маърифий уйғоқлигига ҳамоҳанг равишларда фикри мулоҳаза юритмоқ учун ғофиллик, биқиқликнинг барча турларидан деярли озод Рух, кенг ва нур сочадиган қалб керак. Бу эса жуда мушкул талаб.²⁷²

Иброҳим Ҳаққул форсий ва туркий тилларни, тасаввуф адабиётини чуқур билгувчи ва таҳлил этувчи олимлардан. У Машраб ўлимнинг сабаби нима эканлигини, мутафаккир ўз ўлимини хушнудлик билан қабул этишини, бу ўлим моддий ўлим эрса-да, руҳоний ўлим эмаслигини, у ўз-ўзини муборак этишини чуқур, фалсафий таҳлил этган:

Форс-тожик шоири Соҳиб Табризий «Дарё шуди, Эй дил, дарёяд муборак» - «Дарё бўлибсан, эй дил, дарёлигинг муборак» деган ғоятда ҳаяжонли, юракка олқиш ёғдирувчи сўзларни ёзган.

Севгисиз кун кечириниш – саҳрога ўхшаш тап-тақир, хувиллаган кўнгилга судралиш. Бу – даҳшатли андух. Бундай андухнинг ишқ учун ҳеч даҳшати йўқ. У дашт, саҳро бўлиб ётган қалбларни дарҳол яшнатиб юборади. Инсон дилидаги шу икки ҳолат, манзарани бир ўринда Машраб қуйидагича гавдалантирган²⁷³:

Аввал эдим дашт, гулхона бўлдим.

²⁷² Иброҳим Ҳаққулов. Сўзлар бизга оғриқдан бўзлар. Адабиёт ва санъат. –Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. –Б. 106.

²⁷³ Ўша манба, ўша жой.

Бунақа толе ва иқбол шарафига ҳар қанча шукроналар айтса, қутлов сўзлари топса арзийди. Аммо Машраб ушбу жойда ишлатмаган «муборак»ни каранг, қандай ҳақиқат учун қўллаётир:

Чун муборак бўлсун, эй Машраб, қизил қонинг сени,

Хўб иш бўлди сенга, жон берганинг – офат эмас.

Очиғини айтиш керак, романтик кайфият, самовий хаёл, жўшқин ва кўтаринки эҳтирослардан табиати йироқ кишилар учун мазкур байтдаги маъно ва ифода завқ қўзғамайди. Одатда бундай романтик бўёкли сўзлар кўнгли «дашт» кимсаларнингмас, дили «гулхона» бўлганларнинг тушунча ва туйғуларини акс эттиради. Ва у ички эркини ахтараётган, маънавий ҳурликка чанқоқ ҳамма давр ва ҳамма замон одамларининг қалбини ҳамиша тўлқинлаштиришга қодирдир. Машраб ишқ баҳонасида, баъзан қонлар тўкиб ҳам эришиб бўлмайдиган, жон беришни ҳам «офат эмас», «хўб иш»га айлантирадиган, «ғофил одам»ларга насиб этмас сийрат эканлигини улуғлаган.²⁷⁴

Академик, В.А.Абдуллаев «Ўзбек адабиёти тарихи» китобида Бобораҳим Машраб ҳаёти, фаолияти, илмий мероси ҳақида ўтган аср сўнгги чорагида ўз даври учун қимматли фикрларни берган. Аммо у таҳлил бугунги кун учун аҳамияти йўқдай туюлади. Чунки китоб шўролар тузуми талаби доирасида ёзилиб, ўз даври мафкураси билан суғорилган. Унда Офокхожа ва мулло Бозор охундлар тамоман бошқача тарзда талқин этилган. Буни албатта замонасозлик деб тушунмоқ ва билмоқ керак. В.Абдуллаев Машраб фаолияти ва мероси ҳақида тўхталиб шундай фикрларни келтирган: Бобораҳим мулло Вали ўғли Машраб асосан ўзбек тилида, қисман тожик тилида шеърлар ёзган, ўз ҳаёти ва фаолиятини Ўрта Осиёнинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларида ўтказган, исёнкорлик руҳидаги халқчил шеърлари ва ишқий асарлари билан шуҳрат қозонган²⁷⁵.

²⁷⁴ Ўша манба. –Б. 199-120.

²⁷⁵ В.А.Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. –Т.: «Ўқитувчи», 1980. –Б.140-141.

Машрабнинг ишқий лирикаси «бечора»ларнинг, замонасининг бегуноҳ кулларининг мақсадлари билан суғорилган эди. Шоирнинг фикрича, ҳақиқий ошиқ ҳол-аҳвол сўрайдиган, ширинзабон, чиройли, хушфеъл ва самимий ёрни истайди. Ёрнинг пойқадамидан ошиқ даргоҳи чароғон бўлиши, ҳасрат-надомат ва оҳ-фиғон унутилиб, хушчакчақ оилавий ҳаёт бунёдга келиши керак. Бинобарин, шоир ҳақиқий ошиқнинг ўз ёрини кўриш истагини шундай ифодалайди:

Эй менинг нозик ниҳол ороми жоним, қайдасан?
Бул кўнгул бўстонида ғунча даҳоним қайдасан?
Неча йиллар бул кўнгул муштоқ эрур дийдоринга,
Ўргулай, эй дилбари ширин забоним, қайдасан?
Айрилиб мен ёрдин бир неча кун бўлдум жудо,
Ахтариб келдим сени, сарви равоним, қайдасан?
Ҳолу зорим кўп ёмондур, келмасанг бир йўл сўраб,
Эй менинг хуш меҳрибоним – ёри жоним қайдасан?
Кўзларим гирён бўлуб қолдим бу ғам саҳросида,
Ҳасратингда чиқти бул оҳу фиғоним, қайдасан?
Ташналабдур Машрабинг, бўлди юрак – бағри кабоб,
Фурқатингда чашмайи оби равоним, қайдасан?²⁷⁶

«Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар» китобида бошқа мутафаккирлар каби Машраб ижодиёти, шоирнинг илмий фаолиятига ҳам ўрин ажратилган. Унда Машраб илм эгаллаш мақсадида Намангандан сўнг 1671 йили Самарқандга боргани, 1672 йил ўз шогирди Пирмат Сеторий билан Қашқарга Офоқхожа хизматига жўнагани ва илмий фаолиятининг ўзаги шеърини ҳақида фикр юритилади. Машраб бизга бой мерос қолдирган. Унинг кўплаб ғазал ва рубоийлари, мухаммасу мусаддаслари халқ орасида машҳур, дейилган.²⁷⁷

Самарқандлик адабиётшунос олим Раҳмонкул Орзибеков томонидан лотин алифбосида «Ўзбек адабиёти тарихи» XVII-XIX (I ярми) асрлар янги

²⁷⁶ Машраб. Девон. –Т.: «Янги аср авлоди», 2006. –Б. 206.

²⁷⁷ Қ. Назаров таҳрири остида. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. –Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти нашриёти», 2004. –Б. 408.

ўқув кўлланмаси яратилди. Кўлланмага филология фанлари доктори, профессор Дилором Салоҳий муҳаррирлик қилган. Эътироф этмоқ керак, мумтоз адабиётимиз намояндалари ҳаёти, фаолияти, улар қолдирган ижодий мероснинг моҳияти, аҳамияти, ишланганлик даражаси ва даврнинг ижтимоий, маданий-адабий ҳаёти рисоладагидек ёзилган.

Р.Орзибеков ўзбек адабиёти тарихи муаммоларини чуқур, изчил, илмий тадқиқ этган. «Ўзбек адабиёти тарихи» китобида Бобораҳим Машраб ҳаёти ва фаолиятини ёритувчи илмий тадқиқий мавзу ўрин олган. Унда мутафаккир шоир меросининг ўрганилиш тарихи, Машраб ҳаёти ва ижодий фаолияти, адабий мероси, унинг поэтик маҳорати масалалари ёритилган. Машрабнинг тасаввуфий қарашлари, шоир ижодига салафлар таъсири ва ўзбек адабиётида унинг ўрни муаммолари чуқур ва илмий жиҳатдан холисона таҳлил этилган. Р.Орзибековнинг бу китоби ҳақида илмий доира ва адабиётшунослик ҳали ўз ижобий муносабатини билдиради. Шу ўринда муаллифнинг, хусусан, Машраб ҳақидаги илмий қарашларига мухтасар фикримизни холисона изҳор қилмоқчимиз. Р.Орзибеков Машраб ҳақида тадқиқий қалам тебратгунга қадар, муҳтарам олимимиз тилга олган олимлардан ташқари жуда кўп адабиётшунос ва файласуфлар, адиб ва ёзувчилар Машраб ижодиёти билан шуғулланишган, татқиқотлар қилишган, қилмоқдалар. Китобда рус олимлари ва хорижда Машраб ижоди ўрганилиши деярли айтилмаган. Қолаверса, жуда кам адабиётлар фондидан фойдаланилган, жузъий нуқсонлардан қатъий назар «Ўзбек адабиёти тарихи» китобини адабиётимиз тарихи учун қимматли манбалардан бири деб ҳисоблаймиз.

«Буюк сиймолар, алломалар» китоби соф фалсафий асар бўлиб, унда Мовароуннаҳрда яшаб ижод этган мутафаккир шоир ва адиблар қолдирган ижтимоий-маънавий мерос татқиқ этилган.

Унда Машраб мероси, шоирнинг дин ва тасаввуфга, таълим ва тарбияга, маънавият ва ахлоққа доир шеърлари, улардаги фалсафий ғоялар, уларнинг мазмун-моҳияти чуқур таҳлил қилинган: Машраб ўз ижоди билан ўзбек адабиётида халқчиллик, ижтимоий ва дунёвийликни чуқурлашувида, жаҳолат

ва бидъатга қарши кураш ғояларини кучайишида, шеърият шаклларининг такомиллашуви ҳамда бадииятнинг камолга эришувида катта ўрин тутган сўз усталаридан биридир.²⁷⁸

Машраб қолдирган ижодий меросда ҳаётийлик, тирик инсон ва унинг инсоний кечинмаларини ифодалаш, хислат-фазилатларини таърифлаш, орзу-умидлари, шодлик қувончлари ва ғам-ташвишларини ҳаққоний тасвирлаш ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Бу мавзу асосан, ҳаётий ишқ-муҳаббатни улуғлаш, гўзал ёр-маъшуқа ҳусни латофатини таърифлаш жараёнида таҳлил этилади.

Ҳаётий ишқ-муҳаббат мавзуи Машраб ижодида Шарқ шеъриятининг ғазал, мустазод, мураббаъ ва мухаммас, шунингдек, мусаддас ва мусаббаъ турларида ишланди. Бу гуруҳ асарлари асосида ташвиш ва лаззатларга тўла инсоний севги ётганлигини кўрамиз.

Машрабнинг ишқий лирикаси, унинг барча шеърлари каби ҳаётий мавзуи ва жўшқинлиги, ниҳоятда равон ва ўйноқлиги, халқ қўшиқлари каби содда ва самимийлиги билан тингловчилар қалбига тезда йўл топа билади, уларга бадиий завқ бахш этади. Шоир агар таъбир жоиз бўлса, асарларининг шу фазилатлари билан шеъриятда Машрабона услуб яратди.²⁷⁹

«Мабдаи нур» асарида турли ривоят, ҳикоят, афсона, тарихий воқеалар, шахслар шеърий мисралар ёрдамида баён этилади. «Мабдаи нур»нинг турли асрларда кўчирилган ва типографик нашр нусхалари ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти фондида сақланади.

1994 йили Машрабнинг бу асари ЎзР ФА «Фан» нашриёти томонидан босиб чиқарилди. Машраб тасаввуфнинг йирик намояндаси, ўз даврида кенг танилган мутасаввиф шоир. Мутафаккир кўп бўлмаса-да, форс тилида ҳам қалам тебратди, қатор ғазал, мухаммаслар яратди, «ширу шакар» (муламмаъ) шаклида намуналар битди.

Машраб ижоди шеъриятимизни етук асарлар билан бойитди, унинг кейинги ривожига баракали таъсир кўрсатди. Шоир шеърлари Ўзбекистонда

²⁷⁸ А.Абдуғафуров. Буюк сиймолар, алломалар. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1997. –Б. 46.

²⁷⁹ Ўша манба. –Б. 51.

бир неча бор нашр этилган, рус тилига таржима қилинган. Унга бағишланиб катор илмий, бадий асарлар ёзилган.

Фалсафа фанлари доктори, профессор Ҳ.Алиқулов Машрабнинг хурфикрлилик ғояларини илмий таҳлил этган. Унинг фикрича, Машраб ижодида мистик ғоялар тез-тез учраб туради. Дунёга келиб фақат азоб-уқубат тортганини, ҳамма ерда зулм, адолатсизлик, ўзбошимчалик ҳукм сураётганини у алам билан ёзади:

Онадин туғмиш куним рўзе ҳаловат кўрмадим,

Бу работи кўхнада мен истикомат кўрмадим.

Ғарқ бўлдум неча бор меҳнатга роҳат кўрмадим,

Ғуссадан ўлдим даме хоби фароғат кўрмадим.

Хонабордўши гадо бўлган кишидин дард сўранг.

Даст хушки бибизоатман жаҳондин бесамар.

Волидайдан айру тушганман, қолибман муштипар,

Бекасу бемуттако бўлган кишини ким сўрар.

Ичганим захрабо бўлди, моҳазар – хуни жигар.

Ўртаниб соҳиб азо бўлган кишидан дард сўранг.

Машраб бу дунёга, унинг ноз-неъматларига кўнгил бермасликка аҳд қилади ва бошқаларни ҳам шундай қилишга чақиради. Бу дунёни фоний, ўткинчи ва вақтинчалик эканлигини, шунинг учун ҳам унга берилиш фойдасиз эканлигини айтади ва бу фоний дунёдан кечиб охират умидида яшаш афзаллигини таъкидлайди.²⁸⁰

Филология фанлари доктори, профессор А.Ҳайитметов «Машраб ҳақида сўз» илмий мақоласида шоирнинг хурфикрлилик ҳақидаги ғояларини, шунингдек, мутафаккирнинг адабий мероси, унинг ўзбек адабиётида тутган ўзига хос ўрни ҳақида мулоҳазаларини баён этган: Бобораҳим Машраб ўзбек адабиёти тарихида ўзига хос услубга эга бўлган ва мактаб яратган шоир бўлиб, ундан бизга бой шеърӣй мерос қолган. Шоир шеърӣятининг катта қисми эса

²⁸⁰ Масъул муҳаррир академик М.М.Хайруллаев. Ўрта Осиё халқлари хурфикрлиги тарихидан / Алиқулов Ҳ. Машраб. –Т.: «Фан», 1990. –Б. 160.

муҳаббатни, дўстликни улуғлашга, ёнган кўнгилларга ширин ва жўшқин сўзлар билан тасалли беришга бағишланган. Шоирнинг бутун умри ишқ дафтарини яратишга, шу йўл билан инсонга хос энг нозик туйғуларни ардоқлашга сарф этилди, дейиш мумкин.²⁸¹

Машрабшуносликда «Мабдаи нур», «Кимё» асарлари ҳам Машраб каламига нисбат берилади. Машраб адабий меросини олимларимиз қилни қирқ ёриб, диққат билан ўрганмоқдалар. Шоир асарлари қўлёзмаларининг тарқоқлиги, қадимги нусхаларнинг камлиги бу ишни муваффақиятли олиб боришни мураккаблаштиради. Бироқ, шунга қарамай, бу соҳада айрим ютуқларимиз йўқ эмас. Шоир асарлари нашрлари йилдан-йилга мукамаллашиб бормоқда. Лекин бу соҳада қилинадиган ишлар ва ўрганиладиган муаммолар ҳали кўп. Биз қийин замонлардан ўтиб, бугун буюк шоиримизни йўқламоқдамиз. Машрабнинг ўлмас шеърини эса дилларимизни ҳар қачонгидан ҳам равшан ёритиб турибди.²⁸²

Академик Азизхон Пўлатович Қаюмов ташаббуси билан дастлаб Пўлатжон Домулло Қайюмовнинг «Тазкираи Қаюмий» 3 жилдлик тазкираси, бирмунча фурсатдан сўнг муаллифнинг «Тазкират уш-шуаро» икки китобдан иборат асарлари эълон қилинди. Истисносиз айтиш керак, ҳар бешала китобнинг юзага келишида А.П.Қаюмовнинг хизматлари катта бўлди.

А.Қаюмов бизга бир суҳбатларида жўяли фикрни айтган эдилар «Мабдаи нур» қайси Машрабники бўлишидан қатъий назар таҳлил қилиниши керак, таҳлилни тўхтатманг деб, таъкидлаган эдилар.

«Тазкират шуаро»нинг иккинчи китобида 10 та Машраб таҳаллусли шоир ҳақида мухтасар маълумот берилган. Шулардан 5 таси Машрабий бўлиб, 4 таси эронлик, 1 таси ҳиндистонликдир. Машраб таҳаллусли шоирлардан 3 таси эронлик, 2 таси ҳиндистонликдир.

²⁸¹ Абдуқодир Ҳайитметов. Адабий меросимиз уфқлари. –Т.: «Ўқитувчи», 1997. –Б. 40.

²⁸² Ўша манба. –Б. 41.

«Тазкираи Қайюмий»да 2 та Машраб тахаллусли шоир ҳақида мухтасар маълумот берилиб, шулардан бири Бобораҳим Машраб, иккинчиси Машраби Соний – Ҳофиз Рўзибой эканлиги қайд этилади.

Машраб I – бу киши Фарғона водийсидан бўлуб, Наманган шахридандир. Номи Бобораҳим бўлуб, мулло Вали номли кишининг ўғлидур. Эл орасинда шоҳ Машраб деб маъруфдир. Водий бўйича бу кишининг девони эскидан ўқулуб келинадур. Номаълум бир киши томонидан Машраб I нинг биографияси ила муносиб ўринга ғазал, мухаммаслар қўйилиб тартиб этилмиш китоби Тошкандда неча мароталаб литуграфияда бостирилмишдур²⁸³.

Бошда мулло Бозор номли кишини тарбиясинда бўлмиш. Сўнгра саёклик ила Қашқарга бормишдур, Даҳбадийлардан бири бўлмиш шайх мулло Ҳидоятулла хўжа лақаби Офоқ Ҳожамбек хонақоҳида бўлмиш. Хизматида туруб бир жорияси муошиқаси туфайли ҳайдалмиш. Унда Фарғона қараб юрмишдур. Қўқон шахрида бўлмаган. Лекин Яйфан йўли ила ўтгани Қадамжо номли жойлардан маълум бўладур. Хўжандга келгон. Ҳокими Хўжанд Окбўтабий юз билан мулоқат сўзланадур. Тошканд, Бухорода бўлгани, қалмоқ кизига учрагани ҳам сўзланур. Ниҳоят Амударёдан ўтуб, ундаги ўзбеклар уламолари ила мулоқатда бўлуб, қандайдур бир масъала устида куфр ила иттиҳом этилиб Қундуз шаҳари уламоларининг фатвоси билан Субхонқулихоннинг Балхга қўйилмиш амири Қатағон қабиласининг бошлуғи Маҳмудбий қатағон томонидан Балх шахрида осдирилиб ўлдирилмишдир. Ҳижрий ила 1123 нчи йил мелодий ила 1711 нчи йилга тўғри келадур. Офоқ хўжа 1695 йилда вафот этмиш эди. Демак Машраб бундан 16 (ўн олти) йил кейин вафот этгани кўринадур.²⁸⁴

Тазкира тартиб берган П.Қайюмов Садриддин Айний асарларидан ва тожик мумтоз адабиётидан жуда кўп фикрлар келтирган, иқтибослар олган: Ҳижрий ила 1177 йилда (1763-64) таълиф этилмиш «Мажмуаи Абдулматлаб»

²⁸³ Пўлатжон Домулло Қайюмов. Тазкираи Қайюмий. –Т.: 1998. –Б. 63-64.

²⁸⁴ Ўша манба. –Б. 65.

номли тазкирадан олиб «Намунаи адабиёти тожик»да мухтарам устод Садриддин Айний кўрсатмишлар эди. Мен бундан олдим:

Аламлик дардни ғамбода бўлган мубматодан сўр,
Юрак дардини мендек жигар банди адодан сўр.
Юракда зарра ғам бўлса изҳор этма бедардга,
Менингдек хонавайрон ва эшикларда гаодан сўр.
Муҳаббат дардини безавқ нодонлар нечук билсун,
Менингдек онадин туғмиш ҳамон бахти кародин сўр.
Ки айна нўшгиртимда ниҳолимни ҳазон этди,
Ду рўза ўтган умримни бориб боди сабодин сўр.
Ҳамма хавфу ражодин ҳеч киши ҳолий эмас, Машраб
Ёмону яхшиларни тонгла борганда Худодин сўр.²⁸⁵

Адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони нуқтадон публицист Иброҳим Ғафуров Шарқу ғарб шеъриятини чуқур тушунадиган, таҳлили чўнг алломалардандир. И.Ғафуров насрдагина эмас, мазмунан бой ва сермулоҳазали публицистик мақолаларида ҳам Машраб ижодиёти, унинг ўзбек шеъриятидаги мавқеи ҳақида тиниқ ва шаффоф фикр юритиб, шоир хитобларини таҳлил этади. У Машрабни «Фақирлар шоҳи», «Сурати башар, сийрати малак» деб атайдди, шеърятдаги мақомини «қудсий калом» деб таърифлайди: Мен Машрабни куйган ва тинимсиз куйишда давом этаётган одам эмас, балки бус-бутун, яъни бошдин-оёқ мунаввар алангага айланган ва оқ аланга тимсолида жаҳонни саргашта кезган ҳақиқат қидирган зот деб тасаввур қиламан. Унинг ғазаллари шу оқ аланганинг бутун Мовароуннаҳр бўйлаб тўкилган ва ҳамон ёнаётган парчаларидир²⁸⁶.

Шу маънода Машрабнинг девоналиги энг юксак маънодаги маърифат нишонаси, деб қаралмоғи керак. Машрабнинг девоналигини энг олий маърифат деб қарасаккина, унинг асарлари ўз асрор пардасини бизга андак очади. Яъни Машрабнинг ғазал оламини буюк аланганинг ўртасида очилган чечаклар деб

²⁸⁵ Ўша манба, ўша жой.

²⁸⁶ Иброҳим Ғафуров. Ҳаё-халоскор. –Т.: «Шарқ», 2006. –Б. 277.

карамоқ лозим бўлади. Бу чечаклар Намруд ўтига ташланган ҳазрат Иброҳим ёнида очилган чечакларга ўхшайди. Балки баайни ўша чечакларнинг ўзи бўлса ажабмас.²⁸⁷

И.Ғафуров фикрича, химоясиз, паноҳсиз халқнинг ночор аҳволига чидаёлмай Машраб дарбадарлик йўлини тутди. Зулм остида эзилган халқ аҳволига у бефарқ қараб туrolмади. Халқнинг дардини юрагига жо қилди. Бу дард шунчалик поёнсиз эдики, у дунёга сиғмай қолди. Адолатсизликлар ҳукм сурган дунёда у ўзини бегона сизди.

Асли башарият ўз ва жамият ташвиши билан фоний дунёдан ўтиб кетаверди. Лекин шундай шахслар туғиладики, улар жамият ва дунё марказида инсонни – башариятни хушёрликка чорлаб, огоҳ этиб туради. И.Ғафуров наздида ана шундай огоҳ этувчи шахслар сирасига, дунёни ўткинчи эканлигини, осойишта ва фаровон яшашга ундовчи ва даъваткор маърифий ғояларга чорловчи дунё марказида турган шахс деб Машрабни тушунади: Дунёнинг марказида қон ялаган, жаҳонни ўзи каби одамларнинг қонига ботирган ва ўзи каби одамларни неча ўн йиллаб тиканли симлар билан ўралган жаҳаннам чоғида сақлаган «доҳийлар» эмас, Бобораҳим Машраб туради²⁸⁸.

Бировнинг ризқини емаган, бировнинг молига ҳавас қилмаган, ўзи каби одамларга ҳеч қачон озор бермаган ва зиён-заҳмат етказмаган, ҳеч қачон ҳеч қандай бошпанаси, мол-дунёси, ҳирсу ҳаваси бўлмаган, жамики олам даргоҳларини ўзига уй деб билган, дунёни дарбадар кезиб ҳақиқат нуруни қидирган Машраб ўзини чиндан ҳам оламнинг марказида турган каби тасаввур этади.

Машраб ҳар бир ғазалини чин маънода манифест каби ёзади. Дунёни ўз қарашларидан, ўз аҳволидан, руҳий ҳаётида кечаётган, ҳеч тинмайдиган ғалаёнлардан хабардор қилади.

²⁸⁷ Ўша манба, ўша жой.

²⁸⁸ Ўша манба. –Б. 280.

Машраб манифест ғазалларида ўзини дунёга сиғмаган одам деб эълон қилади. Ўзини бахтсизларнинг бахтсизи, кулфатзадаларнинг кулфатзадаси, бир зум ҳам ғам юкидан фароғат кўрмаган кимса деб танитади:²⁸⁹

Дунёга келиб ранжу балони кўруб ўттум,
Юз ранжу бало шиддатин ўргулуб ўттум.
Дунёга кўнгул берса киши бўлғуси расво,
Бу фоний жаҳон мулкига шатто уриб ўттум.
Билдим мен они душмани маккор эканин,
Мардона бўлуб белга этак қистуруб ўттум.
Жон олғучи Азроил эмас, ул ўзи билғил,
Невчунки, они бирла мен улфат бўлуб ўттум.
Машраб сени деб ушбу жаҳондин кўнгул узди,
Девона бўлуб ондин эшоким суруб ўттум.²⁹⁰

Адабиётшунос олим А.Абдуғафуров Машраб ҳаёти, ижодиёти ва унинг илмий мероси ҳақида Исматуллоҳ Абдуллоҳ ва Ж.Юсуповдан кам иш қилмади дея олмаймиз. Афсусланарли томони шундаки, шўролар тузуми даврида замонасоз бўлган бу аллома бирон-бир илмий мақоласида Машраб ва унинг устози, пири Офоқхожа ва мулло Бозор охунд ҳақида салбий фикрларни жуда кўп айтишига қарамасдан, бу ҳақда лом-мим демасдан «Машрабшуносликнинг баъзи муаммолари» тадқиқида ўзи ҳақида эмас, Машрабни «Буюк исёнкор» даражасига чиқариб қўйган бошқа тадқиқотчиларга таънаю-маломат тошларини отган: Чиндан ҳам, эндиликда оддий ва ҳатто, одатий бўлиб қолган «исёнкор шоир», «дахрий шоир» унвонларини олайлик – улар заминида катта ижтимоий-сиёсий ва амалий мазмун-маъно ётишига эътибор бермай шундай айтаверамиз. Таъкидлаб айтиш керакки, «исёнкор шоир» дейилганда, шубҳасиз ботирсўз ва жасурқалб шоир асаридаги руҳий туғён ва жасоратли ҳайқирик; шиддатли хитоб ва қатъий оҳанг, зулм ва адолатсизликка қарши кескин норозилик ва аёвсиз фош этишни эмас, амалий фаолиятидаги зўравон

²⁸⁹ Ўша манба. –Б.281.

²⁹⁰ Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан. – Т.,Ғафур .Фулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. –Б. 116.

амалдорлар ва риёкор руҳонийлар билан мурасим баҳси ҳам эмас, балки сиёсий тушунчадаги исёнкорлик назарда тутилган. Бундай сиёсийлаштиришда шоирнинг дорга осилганлиги жиддий далилдек туюлган.²⁹¹

Аммо, машрабшуносликда деб ёзади А.Абдуғафуров, – катъиятлик билан исёнкор сифатида кўрсатишга зўр беравердик... охириги йилларда «Буюк исёнкор» деб тузатдик. А.Абдуғафуров 1980 йил В.Раҳмонов томонидан «Девон»га ёзилган сўзбошида: Унга бағишланган мақолалардан бирига худди шундай сарлавҳа қўйилган. Шоирнинг «буюк исёнкор»лигини исбот этиш учун янги-янги ривоятлар тўқишга тўғри келди – натижада Машраб инқилобчи даражасига яқинлаштириб қўйилди.

«Синфий курашлар жангида (?) халқ ўз маънавий-маданий йўлбошчиларини етиштиради. Халқнинг мана шундай маънавий, маърифий устозларидан бири Машраб эди. Яна ўқиймиз: «Машраб халқнинг руҳий раҳбари эди...»²⁹²

Машрабнинг ўзбек классик поэзиясидаги ўзига хос сиймоси шоирнинг исёнкор руҳи ва исёнкор шеърини билан гавдаланди. Тасаввуф фалсафаси ва атоқли пантеистлар ҳақида сўз борганда, уларнинг халқ учун устоз ва раҳнамо эканликларини уқтирган эдик. Биз Машрабни ҳам ўша улуғ зотлар жумласидан деб ҳисоблаймиз. Бу бежиз эмас, чунки шоир ўзининг санъаткорона вазифаси ва халқ олдидаги маънавий раҳбарлик бурчини аъло даражада англаган.²⁹³

Машраб «буюк исёнкор» бўлса «халқнинг руҳий раҳбари» ва «халқ олдидаги ўз маънавий раҳбарлик бурчини аъло даражада англаган», «синфий курашлар жангида халқ етиштирган йўлбошчи» бўлса – у қамалиши, зиндонга ташланиши ёки жила бўлмаса сургун қилиниши керак. Чиндан ҳам, сургун қилинмаган исёнкор-исёнқорми ёки тарихда қайси буюк исёнкор сургун қилинмаган? Мантиқ Машрабни сургун қилинишини талаб қилади. Бобораҳим Машраб таваллудининг 350 йиллиги юбилейига таёргарлик муносабати билан босилган мақолаларнинг бирида жиддий тарзда Машрабнинг «Намангандан

²⁹¹ Абдурашид Абдуғафуров. Қалб қаъридаги кадрятлар. – Т., Ўқитувчи, 1998. –Б. 160.

²⁹² В.Раҳмонов. Буюк исёнкор. Машраб «Девон»ига ёзилган сўзбоши. –Т.: 1980. –Б. 6.

²⁹³ Ўша манба. –Б. 22.

Қашғарга номаълум муддатга ва эҳтимол, умрбод» бадарға этилганлиги ҳақида сўз боради.²⁹⁴ Муҳсин Зокиров ҳам тадқиқотларида шоирни Қашғардан сургун қилингани ҳақида «ўз юртидан қувилиб, ўзга элларда дарбадар ҳаёт кечиришга маҳкум этилганлиги»ни, Наманганда «сўнгги дамлари ғоятда қийинчилик ва таъқибларга тўлиқ бўлганлигини очик-равшан исбот этади».²⁹⁵

Изтиробли томони шундаки, айнан Машраб ҳақида ижод қилувчи адиблар ва тадқиқотчилар Машраб сиймосини халққа ана шундай етказишга ҳаракат қилдилар. Ҳали-хануз у ҳақидаги бадиий ва илмий мақолаларда Машрабнинг «мураккаб шахс»лиги тилга олиниши, кечириб бўлмас фожиали хатогина эмас, Машраб шахсиятини чуқур билмаслик, унга нисбатан бўҳтондир. Мулло Бозор охунд хонадонидан Офоқхожа даргоҳига бориб, илмларни ўрганиши ва уни кенгайтириши тасаввуф назарияси билан чуқур танишуви, улуғ шоирнинг илтифоти билан «қутбул ақтов»лик (авлиёлар улуғи) даражаси, мақомига эришуви ва нақшбандия, яссавия таълимотини қадами етган жойларгача ёйиши эди.

Офоқхожа эшон билим доираси жуда кенг, бадиий адабиётдан ҳам анчагина хабардор бўлган, хусусан, шеърятнинг кадр-қимматини, унинг оммага таъсир кучини яхши тушунган. Шу боис, унинг даргоҳида шеърят ҳам юқори баҳоланган.²⁹⁶

Машраб биринчи навбатда ўткир лирик шоир. Унинг шеъряти бадиий юксаклиги, ҳис-туйғуларнинг жўшқинлиги, нозик нуктапардозлиги, халқ ижодига хос бўлган маъно ва манзараларига бойлиги, жозибали самимияти билан минг қиррали олмосдай товланиб китобхонларни сеҳрлайди. Шоир асарларининг энг муҳим фазилати, икки нуктада: бир томондан маъно ва мазмун баркамоллиги, иккинчи томондан, ифода мусиқийлиги тоғ жилғалари каби шарқироқ оқимида ўзлигини кўрсатиб туради.²⁹⁷

²⁹⁴ Ҳамид Гулом. Машрабга дебеча. «Ўзб. адаб. ва сан.» 1990, 3 август.

²⁹⁵ Муҳсин Зокирий. Машраб. Адабий-танқидий очерк. -Т., Бадиий адабиёт нашриёти, 1966. –Б. 13.

²⁹⁶ Абдурашид Абдуғафуров. Қалб қаъридаги кадрятлар. – Т., Ўқитувчи, 1998. –Б. 161.

²⁹⁷ Раҳмонов В. Буюк исёнкор / Машраб. Девон. -Т., Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1980. –Б. 17.

Уни «девона», «парвона», «бегона», «вайрона» қилиб, «ул хоби хаёлот»га фарқ қилган, гўзал маъшуқа қизми ёинки Аллоҳнинг ўзими Машраб наздидаги «доно»лик, зукколик, закийлик қобилияти бор шеърят мухлиси ундаги муסיқийлик ва ажиб хусусиятни тез илғайди:

Эй моҳ, ишқинг ўти айлади расво, девона бўлибман,
Ишқ ўти ёнар жисмим орасида бенаво парвона бўлибман.
Ул дамки ўшал моҳ юзин бир йўли кўрдим, ул хоби хаёлот,
Найранги рақиб ўлдию, ё хурлик Худодур, бегона бўлибман.
Машраб ҳолини сўрғали оламда ким бор, ким додига етгай,
Йўқтур бу бузук дилни сўрар маҳрами доно, вайрона бўлибман.²⁹⁸

Машрабнинг Алишер Навоий ижодий меросидан ўрганиши, унинг асарлари анъаналарини ўзлаштириши учун қачон қуруқ таъсирланиш, юзаки тақлидчилик, нусха олиш даражасида бўлмаган, устоз тажрибаларидан руҳланиб яратган асарлари эса шаклий ўхшашлик доирасидагина қолиб кетмаган. Аксинча, Бобораҳим Машраб улўғ шоир анъаналарига ўз даври ҳаёти ва талаблари, жорий ижтимоий онг ҳолати ва ахлоқ-одоб мезонлари, адабий дид ва бадиий завқ савияси нуқтаи назаридан тўла маънода ижобий муносабатда бўлган.²⁹⁹

Адабиётшунос А.Абдуғафуров «Ўзбек адабиёти тарихи» беш жилддигининг учинчи жилдида Бобораҳим Машраб ҳаёти, ижоди, шоир мероси ва унинг бадиияти ҳақида маълумот берган. Китоб 1978 йилда яратилган бўлиб, ҳали мумтоз адабиёт тарихи ҳануз янгиланган эмас. Бинобарин, шоир ижоди ҳам шўролар тузуми мафқураси, нуқтаи назаридан тадқиқ қилинган. Шунинг учун биз тадқиқотимизда бу китобларга кам ўринлардагина мурожаат қилдик. Тўғри, бугунги кунда мазкур китоб адабиёт тарихини ўрганувчилар учун асосий қўлланма – дарслик эканлигини истифода этмаймиз. Аммо бу дегани Машраб илмий фаолияти бу китобда қандай ёзилган бўлса, шундайлигича қабул қилиш дегани ҳам эмас.

²⁹⁸ Қиссаи Машраб. –Т.: «Ёзувчи», 1992. –Б. 29.

²⁹⁹ Абдурашид Абдуғафуров. Буюк бешлик сабоқлари. –Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995. –Б. 160.

Бобораҳим Машраб илмий фаолияти, ижодининг туб моҳияти ҳақида А.Абдуғафуров куйидаги холисона фикрларни келтирган: Албатта, уламо – муллоларнинг Машрабни инкор этиб, уни шоир сифатида ҳам, кучли мантиқ соҳиби ва журъаткор шахс сифатида ҳам тан олмасликка интилишлари ойни этак билан ёпишга тиришиш қабилидаги тентакона ҳаракат эди, холос. Машраб ҳаётлик чоғида ҳам, вафотидан кейин ҳам халқ орасида шу қадар кенг шуҳрат қозонган эдики, бу довруқни айрим табақа гуруҳлар хоҳишига кўра босиб бўлмас эди. Шоирнинг халқ дилига (чордевор ортидаги хотин-қизлар орасида ҳам) сингиб кетганлиги, тилдан тилга ўтганлиги факти Машрабдан кўз юмиш муносабатининг мувафакқият қозона олмаганлигини кўрсатади. Шунинг учун бўлса керакки, ҳоким табақалар идеологлари, руҳоний арбоблар юқоридагича ёндошувга батамом зид муносабатни ҳам илгари сурдилар – Машраб шахсияти ва ижодий фаолиятига тамомила диний тус бериб, уни ўз идеологлари сифатида кўрсатишга ҳаракат қиладилар³⁰⁰. Машраб ҳақидаги қисса диққат билан ўқилса, ана шундай интилишнинг ҳам аниқ изларини кўриш мумкин. Бу ерда гап бутун қисса давомида Машрабни авлиёсифат талқин этишга ҳам уриниш мавжудлиги ҳақида бораётир. Бу ишда, шубҳасиз, руҳонийлар ташаббус кўрсатганлар. Худди шулар томонидан Машраб баъзи ўринларда қандайдир ғайри-табиий салоҳиятга эга авлиё, айна замонда девона табиат, ринд, реал ҳаёт ва дунё ташвиш-роҳатлари билан алоқани узган, тажанг шахс сифатида гавдалантирилади, унинг ана шу белгилари тасдиқига, ҳатто, шоир «ижоди»дан намуналар ҳам келтириладик, булар реал ҳаётга батамом зиддир.³⁰¹

Машраб классик поэзиямизнинг турли лирик жанрларига мурожаат этди, уларни ҳам мазмунан, ҳам бадиий жиҳатдан етук асарлар билан бойитди. Шоир қайси бир жанрда қалам тебратмасин, у, аввало, кенг ўқувчилар оммасига яқин ва маълум бўлган шаклларини излади, арузнинг энг енгил вазнларини қўллади.

Машрабнинг адабий мероси тўғрисида сўз борганида, унинг мустазод ва мураббалари ҳақида ҳам алоҳида тўхташ зарурати бор. Таъкидлаш лозимки,

³⁰⁰ А.Абдуғафуров. Ўзбек адабиёти тарихи. 2-жилд. -Т.: Фан, 1984. –Б. 239-240.

³⁰¹ Ўша манба, ўша жой.

Машраб ўтмиш поэзиямизда энг кўп ва ҳар жиҳатдан маъқул мустазод яратган ижодкорлардан биридир. Шоир ўз асарлари билан бу жанрнинг адабиётимизда мустаҳкамланиши ва бойишига катта ҳисса қўшди. Машраб мураккаб, нозик лирик жанр бўлган мустазодда ҳам юксак бадиий маҳорат кўрсата билди. Унинг мустазодлари энг яхши ғазаллари каби шўх ва таъсирчан бўлиб, равон ва енгил ўқилади, китобхон ёдида тез сақланиб қолади. Мустазод соф лирик жанр. Унинг мавзуи – ишқ-муҳаббат, ошиқ садоқати, маъшуқа гўзаллиги, нозу ишваси, жабру жафоси, аҳду вафоси.

Шоир ўз мустазодларида ҳам ёр гўзаллигини мадҳ этди, унинг баркамол чиройи ва фазилатларини улуғлади. Мустазодларнинг ҳам лирик қаҳрамони оташин севги ўтида ёнган, ўз севгилиси томон талпинаётган садоқатли ошиқдир. Лирик қаҳрамоннинг кечинмалари, висолга етишиш йўлида интилиши, орзу-умидлари, хижрон азобида қийналиши, дарду хасратлари ҳаётий лавҳаларда ўз ифодасини топади.³⁰²

Машрабни ҳайрон, сарсон, нолон, гирён, сўзон, тобон, қурбон қилган ғамзали маъшуқанинг мақсади нима экан ўзи?

Кўз учи билан дилбари раъно манга боқти, –

Ҳайрон бўла қолдим,

Юз нозу карашма била ёр қошини қоқти, –

Сарсон бўла қолдим.

«Жонимни олур бўлсанг ол!» деб ёнига бордим, –

Кулди: «нари тур!» деб,

Бехуд қилибон бошима савдосини солди, –

Нолон бўла қолдим.

Айдимки, яна: «Ўргулайин, қошима келсанг», –

Юзини ўгурди,

Ҳушум кетибон кўздаги ёш қон бўлуб оқти, –

Гирён бўла қолдим.

Боскан изини кўзума суртгум нола айлаб: –

³⁰² Ўша манба. –Б. 259-260.

«Дилбар қайдасан?» деб,
Чикмади садо, ишқ ўтини жонима ёқти –
Сўзон бўла қолдим.
Оҳ урдиму айдимки, «Сани қайда топарман излаб –
Деди: «Сабр эт!»
Ҳеч қолмади сабрим, жигарим сув бўлуб оқти, –
Табон бўла қолдим.
Машрабга сахар ёри ширин сўз котиб ўтти, –
Жондин кеча қолдим,
Девона қилиб, жоним олиб, биллах(ки) йиқти, –
Қурбон бўла қолдим.³⁰³

Адабиётшунос олим Иззат Султон 1936 йили «Асл Машраб» номли илмий мақола ёзган, мақола ўз даврида эълон қилинган ва у 1972 йил Иззат Отахоновичнинг «Ҳаёт, адабиёт ва маҳорат» китобидан ўрин олган.

Адабиётшуноснинг ўзи камтарлик билан мақола хийла эскирганлигини эътироф этган. Мухтасар айтилганда, мақолада Машрабни турли талотўплардан ҳимоя қилиб, унинг ижодини халққа етказиш масаласи қўйилган. Ўз даври нуқтаи назаридан келиб чиқиб, Машрабнинг диний, тасаввуфий қарашлари, уни душманлардан ҳимоя қилиш ва асл Машрабни халққа танитиш кўндаланг қўйилган. Мазкур мақолада Машраб сиймоси ўта даҳрий, Илоҳни тан олмайдиган, Худога ширк келтирувчи – атеист қиёфасида тасвир этилган. Балки ўша давр мафқураси учун Иззат Отахоновичдек ёш адабиётшунос олимга шу тахлитдаги илмий мақола ёзиш зарур бўлгандир: Рухонийлар Машрабнинг «Девон»ини ўз манфаатларига мослаб тузиб чиқардилар. Унга ўзларининг кўп диний-мистик шеърларини қўшиб, уларни ҳам Машрабники қилиб кўрсатмоқчи бўладилар. «Девони Машраб»нинг кўп нусхаларидан биз Пскентда ўтган Мансурнинг ва Намангандан чиққан шоира Маҳвашнинг кўп шеърларини учратамиз. Анча шеърларда эса ҳеч кимнинг имзоси (тахаллуси) қўйилмаган. Ўтакетган диний тасаввуф руҳида ёзилган шеърларнинг жуда кўпи, бизнингча,

³⁰³ Машраб. Девон. –Т.: «Янги аср авлоди», 2006. –Б. 337.

кейин ана шулардан манфаатдор ҳокимлар томонидан киргизилгандир. Китоб Машрабнинг саргузаштларини тасвирлаган қисмининг ҳам кўп ўзгартирилгани шубҳасиздир.³⁰⁴

Мазкур илмий мақолада И.Султон инқилобнинг 20 йилида Машраб номи ўчиб кетаётганлигини ташвишланиб ёзган ва унинг ижодини халққа ташвиқ қилиш зарурлигини, ўша вақт етганлигини кўрсатган:

Демак, бугун руҳонийлар томонидан Машрабга динчилик сифатининг тақилиши янгилик эмас. Улар ўзларининг қалбакичи боболарининг ишларини давом эттирмоқдалар.

Бу ерда жуда муҳим савол келиб чиқади: нима учун биз бугун, инқилобнинг 20 йилида Машрабдек анча жиҳатдан халқ кайфиятини акс эттирган шоирнинг номи, шуҳратининг халқ душманлари қўлида қурол бўлишига йўл бериб ўтирибмиз? Нечун биз ҳануз Машрабдек катта шоирларни яхши ўрганмаймиз, уларнинг ижодини халққа ташвиқ этмаймиз?! Машраб номининг диний ташвиқот қуроли бўлиб келаётган бизнинг эски адабиётимиз классикларига жинояткорона эътиборсиз қарашимиз натижаси эмасми?!

Машрабни душманлар қўлидан тортиб олиш, унинг энг яхши асарларини кенг оммага ёйиш вақти аллақачон етган!³⁰⁵

Иззат Отахонович айтган гап бизнингча, эскирган эмас, чунки омманинг жуда кўп тоифаси ҳали Машраб ижодини, унинг саргузаштларга бой ҳаёт йўли саҳифалари ҳақида маълумотга эга эмаслар. (таъкид бизники: Ҳ.М. Институтда бирга ишлайдиган филолог профессорлардан бири, Машрабнинг мухлисман деб юрувчи домла, унинг қўлида менинг 2 та монографиям бўлгани ҳолда Машраб ҳаёти, фаолияти ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмаслиги мени таажжубга солди).

Иззат Султоннинг «Асл Машраб» мақоласи хусусида А.Абдуғафуров куйидаги фикрларни билдирган: Айни замонда, ўқувчи ва шоир ўртасига тўсиқ қўйиш, «оддий бандалар»нинг «авлиё» Машраб билан тенглаша

³⁰⁴ Иззат Султон. Ҳаёт, адабиёт ва маҳорат. Иккинчи том. –Т., Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. –Б. 23.

³⁰⁵ Ўша манба, ўша жой.

олмасликларини таъкидлаш, у айтган аччиқ узиб олувчи гапларни, шарманда қилувчи фаолиятини ўзгалар қайтармаслиги лозимлигини, улар фақат «шоҳ» Машрабгагина хос бўлиб, фақат унинггина кўлидан келганлигини уқтириш каби чуқур мақсадларни ҳам кўзлаганлар.

Иззат Султон таъкидлаганидек, чиндан ҳам «Машрабни илоҳийлаштириб «авлиё» ва девона қилиб кўрсатишларидан мақсадлари шуки, улар: Машраб оддий одам эмас эди, у Худога яқин одам эди, шунинг учун у нима қилса узрли эди, аммо оддий фуқаро Машраб айтгандек гапларини айтмаслиги, Машраб қилгандек ишларни қилмаслиги, лозим, демоқчи бўладилар...»³⁰⁶.

III.2. Талабалар маънавий-ахлоқий камолотини таъминлаш тизимини такомиллаштириш

Бобораҳим Машрабнинг дидактик қарашлари ҳақида гап кетганда унинг «Кимки толибдур анинг ганжи ниҳони тавбадур», «Жумлайи мақсудни сан зоти Аллоҳдин тила», «Асли давлат дин эрур, марди гуноҳдин, манки ёнмасман хануз», «Ошиқ улдур то дилига сақласа асрорни» ва бошқа шеър мухаммасларида панд-насихат, ўғит, ахлоқий фикрлар, таълим-тарбиявий ғоялар, дидактик қарашлар илгари сурилган.

Машраб илм-фан, ахлоқ йўлига кирган кишининг ички яширин-ниҳони тавбадир дея таълим беради. У инсонларга мурожаат қилиб, тирикликнинг, иймоннинг, бандаларнинг, шоҳу гадонинг маслаги тавба бўлиши зарур дея одамларга панд-насихат қилади. У тавба деган сўзни оғзига олган кишиларда гуноҳ қолмаслигини, инсоннинг қилиб қўйган гуноҳини тавбаси учун Аллоҳ таоло афв этишини, ҳатто Қуръони каримда ҳам Аллоҳ бандалари тавбасини афв этишини айтганлигини, тавба қилмаган киши ҳеч қачон мақсадга етолмаслигини, «Жумлаи шоҳу гадонинг соябони тавбадур» дея ўғит беради.

Машраб тавбани дарёга қиёслаб кишини дарё тубидан дур изловчига ўхшатади, шармандаи шармисор киши тавбаси туфайли покиза бўлади дейди у.

³⁰⁶ Абдурашид Абдуғафуров. Эрк ва эзгулик куйчилари. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. –Б. 109-110.

Тавба унинг фикрича, инсон гарданидаги гуноҳларини кетказди, Аллоҳга содиқ бандаларгина тавба-тазарру қиладилар дея, насиҳат қилади.

Унинг ўғит беришича, Холиқ тавбасиз, муножотсиз тоат-ибодатни ҳаргиз қабул қилмайди, тавба қилмаганларни Яратган даргоҳида қабул қилмайди, тавбани Аллоҳ ва унинг элчиси Расулulloҳ мўъминлар учун фарз этди, то жонинг борича Яратган даргоҳида тавба-тазарруда бўл, дейди.

У мусулмонларга панд-насиҳат қилиб, ҳар соат инсон тавба қилишини уқтиради, инсон борки унинг нуқсони борлигини эслатиб, у истиғфор айтишини таъкидлайди, бир гуноҳ қилиб қўйсанг, Аллоҳга минг бора тавба қил дея маслаҳату ўғит беради:

Машрабо, ҳар соате сан тавбани такрор қил,
Банда бенуқсон эмасдур, кунда истиғфор қил,
Оби ҳасратдин дидангни ҳар замон хунбор қил,
Бир гуноҳнинг устида тавбангни минг изҳор қил,
Жумлайи шоҳу гадонинг соябони тавбадур.³⁰⁷

Машрабнинг панд-насиҳат ҳақидаги қарашларини таҳлил этишда Ж.Юсуповнинг устози Ғайбулла ас-Салом айтиб юрган бир фикрни келтиришни лозим топдик. Чунки тасаввуфда ҳар доим бир нарса таъкидланади: олимнинг фаросатлисидан кўрқ: Машраб «жойи келса авлиёликдан фаросатлилик афзалдир», -дейдилар. Дарҳақиқат, домламиз раҳматлида фаҳмлаш қобилияти, донолик, юзга қараб ични билишдек ўта ноёб бир фазилат, хислат бор эди. Машрабни шунчалик севардиларки, таҳсил давомида хиргойидан тўхтаб «Машрабни тушуниш учун Машрабнинг дардини, Машрабнинг аламлари марказини топиш керак. Бу марказнинг нақ ўртасида Одам Ато ва Момо Ҳавомизнинг Жаннатдан қувилишлари машмашаси туради»³⁰⁸, -дердилар.

Машраб фарзандларга ўғит-насиҳат қилиб мақсудингни Аллоҳдан тила дейди, сен фоний дунё бандасисан, Шайъанлиллоҳ-(Худо учун бир нарса

³⁰⁷ Машраб. Девон. . –Т.: “Янги аср авлоди” 2006. –Б. 496.

³⁰⁸ Ўша асар. –Б. 45.

беринг ёки сўранг) ҳожатингни Яратгандан тила, чунки Аллоҳ бандаларга ваъда қилган, у сўраса мен уни тилакларини адо этаман деган, агар сен унга-Ҳаққа ножоиз иш қилсанг, ҳатто ўқилган намозинг ҳам унинг даргоҳида қабул бўлмайди, шунинг учун сен бутга эмас, Каъбага сажда қилиб, мушкулотингни Аллоҳдан тила, Аллоҳнинг Ягона ва дуоларини қабул қилишини, унинг карами дарё каби кенг ва сув мўллигини эсингдан чиқарма дея, ўгит беради:

Жумлайи мақсудни сан зоти Аллоҳдин тила,

Сан гадосан, ҳожатингни шайъанлиллоҳдан тила.

Ваъда қилғондирки: Ҳеч мўъминни зоеъ қўймайин,

Онча ҳожатингни сан ажран жамолин тила.³⁰⁹

Мутафаккир фарзандларга насиҳат қилиб, асли давлат «дин эрур» яъни, исломиятдан хабардор киши, Худодан кўрққан, тўғри йўлдан юрувчидир дейди. Қалбингда, дилингда маъно, илм бўлмаса ўзингни марди бадавлат санама, ҳақиқат талабида бўлаверма,-дейди.

У Ҳотам Тоий сахийлик рамзи, гарчи сен Ҳотам Тоий каби саховатпешалигинг жаҳонни тутса-да, риёдан йироқ бўл, ўзингни саховатли, сахий деб ҳисоблама дейди. У ҳеч қачон ўзини насл-насаби билан фахрланмаслигини, ҳатто пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) авлодидан бўлса-да, унинг авлодиман дея керилмасликни, «муттақий» (тақводор, парҳезкор) бўлса-да, бу йўлда нафси амморани ўлдиришни, «зиндалик» (тирикликда) бўлмасанг, яъни ҳушёр бўлиб, тариқат йўлни тутмасанг, ўзингни аҳли тариқат ҳисоблама деб, ўгит беради.

Фоний дунёнинг тоат-ибодатини адо этишда Яратган олдида ўзингни заиф ва ожиз, хоксор ва нотавон тут, дилингни чиркинатлардан тоза тутган, аритган ҳолда аҳли тоатман дея кўрма, ўзингни Яратган олдида сомелик билан некбин ҳолда тут,-дейди.

Ўзингни мухтасиб-шариатга хилоф ишларни текширувчи, бозордаги тош-тарозу ва нархларни назорат қилувчи каби тут, дилингни ғуборлардан тозала, нодонлик билан соҳиб насиҳат санама,-дейди.

³⁰⁹ Ўша асар. –Б. 50.

Агарда етти иқлим сенинг фармонингга итоат этиб турса-да, аччиқ бўлса-да, шавкатлиман деб керила кўрма дея насиҳат қилади.

Мустақим (тўғри йўлдан юрувчи) бандаликда шу йўл тўғрилигини гарданингга ол, йўқлик йўлини тутмоқчи бўлсанг: «Сан адам йўлини тутгил, аҳли хизматман дема», дейди.

Фоний дунёда улуғлик сифатларини қабул қил, сен нафсинг билан уруш, унга қарши бор, «То Сиротдин ўтмасанг, аҳли саломатман дема», дейди.

Яратган хузурида, боқий дунёда ҳам сен ўзингни камбағал, мол-мулксиз деб ҳисоблама, беҳиммат деб билма, негаки Яхёдек пайғамбар шому сахар унинг Яратган ишқи билан мотам тутиб йиғлайди, сен ҳам қалбан кўз ёш тўк, лекин аҳли надомат чекиб, афсусланма деб, панд-ўғит беради.

Ғазал охирида Машраб хастадил шоирини ҳолини сўрамоқчи бўлсанг, унинг асрорини, руҳониятидан хабар олмоқчи бўлсанг, эй менинг хаста дилимни даволагувчи ҳақим табиб деб у беш кунлик хатарли умр йўлидасан, ўзингни соҳиб каромат санама дея, насиҳат қилади:

Асли давлат дин эрур, марди бадавлатман дема,

Дилда маъни бўлмаса аҳли ҳақиқатман дема.

Мухтасибу нафс бўлсанг, дилни ширкатдин арит,

Сан бу нодонлик билан соҳиб насиҳатман дема.

Хастадил Машрабнинг асрорини билсанг, эй ҳақим,

Бул хатарлик йўлдасан, соҳиб кароматман дема.³¹⁰

Мутафаккир Машраб ўзини дўзах ўтида ёнишини, бунинг ҳисобига бошқалар ёнмаслигини Аллоҳдан илтижо қилиб сўрайди. Ҳамма ғафлат уйқусидан уйғонганлигини, ўзигина ҳали уйғонмаганлигидан афсус надомат чекади.

Барча Яратган олдида тавбаю тазарруда зор-зор йиғлаб турганлигини, у эса охират аъмолин айтиб, ҳануз ундан қутула олмаганидан афсус чекади.

³¹⁰ Ўша асар. –Б. 54.

Машраб бандаларини Аллоҳ лутфидан, марҳаматидан умидвор эканлигини, у эса бедаво нафс учун хали ҳануз ундан ноумид ҳолда юрганлигини таъкидлаб ўтади.

У Ҳаллоқи олам олдида ҳамма орифу содиқлар панд-насихатни олганлигини, у ҳамон панд-насихат, ўғит, ибрат олмаганидан афсус чекади. У такаббурлик шайтоний феълли одамларга хошлигини, такаббурдан ҳеч қайси замон холи эмаслигини таъкидлайди.

Азозил-Иблисининг номи, шайтон Одам Атога ғурур ва кибр қилиб, Аллоҳнинг амрига бўйсунмаганлиги учун улёйи жаннат мақомидан ерга ҳайдалган. Машраб Азозилнинг саркашлик қилиб Аллоҳнинг амрига бўйсунмаганлиги, итоатсизлиги учун ерга қувилганлигини, ҳатто дунёи давлатни кўп йиққан Қорун ҳам ер қаърига кирганлигини, Аллоҳ бандаси бўлишни истасанг ҳавою ҳирсдан кечишинг, бу дунёнинг хою ҳавасларидан узоқда бўлишинг керак деб, панд-насихат қилади:

Барчалар ёнди гуноҳдин, манки ёнмасман ҳануз,

Хоби ғафлатдан уёнди, ман уёнмасман ҳануз.

Орифи содиқ хама панди насихат олдилар,

Барча пандинг олдилар, пандингни олмасман ҳануз.

Банда бўлсанг, Машрабо, кечкил ҳавойи ҳирсдин,

Кечди барча ҳирсидин, ҳаргиз кечолмасман ҳануз.³¹¹

Машраб Ҳақ йўлига кирган ошиқни ҳар қандай сир-синаотни ўзида сақлай олишини, бор-йўқни ўзида англай олиши, қачонки инсон хаста бўлсагина ҳақим уни сўраб келишини, у осий банда эканлигини, Аллоҳ даргоҳидан ноумид қилмаслигини, бир гул учун ва минг гул учун ҳам бирдай сув ва парвариш кераклигини, у инсон дилида маърифатдан иймон нури бўлмаса, сўфийлар бир хурга буни алмаштириб юборишларини айтади.

Шунинг учун мутафаккир инсон хотирини пок қилиб дунёга берилмаслигини, дилда агар ғубор бўлса, Аллоҳга етишиш мумкин эмаслигини англатади.

³¹¹ Ўша асар. –Б. 84.

Машраб бани одамзотга ва ўз лирик қаҳрамонига муаллиф сифатида фоний дунёда авлиёлардек муаззам комил инсон бўлайин десанг, Ҳаққа фақат тавба қилиб истиғфор айт дея, ўғит, таълим беради:

Ошиқ улдур то дилига сақласа асрорни,
Барҳам урса йўлига оламда йўқу борни.
То дилиннга маърифатдин нури иймон бўлмаса,
Сўфилар, бир ҳуга алмашман-дасторни.
Авлиёлардек муаззам бўлайин десанг вале,
Машрабо, ҳеч қанда қилма дилдин истиғфорни.

Мутафаккирнинг дидактик қарашлари ҳақида хулоса чиқаришда аввало, Шарқда таълим-тарбиявий, маънавий-ахлоқий йўналишда ижод этган Яссавий, Умар Хайём, Кайковус, Фирдавсий, Саъдий, Жомий, Навоий асарларининг Машраб ижодига таъсирини назарда тутмоқ керак.

Бобораҳим Машраб адабий услуби, унинг тили халқ тилига жуда яқин. Буни шундан билса бўладики, у ижодида халқ оғзаки маънавий меросини чуқур ўрганиб, илҳомланган, ундан кўп ўзлаштирган Машраб Ҳофиз ва Саъдий Шерозийлар ижодини яхши билганлиги кўзга ташланади. Хусусан Навоий ва Хондамир шеърляти ва ундаги маънавий-ахлоқий, дидактик ғояларни чуқур билган.

Шарқ тасаввуфий қарашларидаги дидактик таълимотлар, таълимий қарашлар, шунингдек, унинг сиймоси шоир асарларига кўчган.

Шуни эътироф этмоқ керакки, аввало Машраб дунёқарашига таъсир этган унинг маънавиятини бойитган омил Маҳдуми Аъзам чевараси бўлган Офқоқхожа хонадонида таълим-тарбия олиб, камолга етганлигидир. Шу боис у ўз шеърларида тасаввуфона истилоҳлар қўллаган, тасаввуф адабиёти намояндалари ижодига эътиборини қаратган. Шеърларида йирик мутасаввифларнинг номларини тилга олган. У фарзандларга мурожаат қилиб, аввало Яратувчига ҳамд, сано, наът, суруд ўқиган. Сониян, ота-онага муҳаббатли бўлишга, уларнинг ўғит насиҳатларини тинглашга, ибратомуз намуна бўладиган жиҳатларини ўзлаштиришга даъват этган.

У яратган шеърият таълимий ва дидактик қарашлари долзарблиги, мазмун-моҳиятининг теран ва фалсафийлиги билан қимматли ва бугунги кун педагогикамиз талабларига жавоб бера олади.

Машраб кишиларни бойликка хирс қўймасликка, ўзгаларга яхшилик қилишга, сахийликка чақиради, у инсон ва унинг тарбияси ҳақида сўз юритар экан, киши кичиклигидан тўғри йўлдан бориши, ўзига муносиб устоз танлаши лозимлигини уқтиради. Айниқса, у инсон учун илм эгаллашнинг афзаллигини айтиб шундай дейди:

Сахледур агар билса киши илми нужуми,

Аллома эрур зоҳирида бўлса улуми.

Таҳсил эмас ул бўлмаса гар зарра ҳумуми,

Яъники «Шитоб айла» деди мавлави Румий,

Султони тариқат шаҳи мардонани кўрди.³¹²

Машраб дилида ғами бор киши кўзига нам келишини, одамнинг одамдан фарқи борлигини, маълум бир муддатда башарият учун керакли одам туғилишини, муллолар илмига мағрурланмаслиги, ҳар бир ишнинг рўзи маҳшар куни тош босишини, мевали дарахтга одам тош отишини, инсон боши аршга етса-да, ўзидан кетмаслиги, мағрурланмаслиги, кибрга берилмаслигини эслатади:

Ҳар кишининг дарди бўлса, дийдасидан нам келур,

Кимки мунда шодлиғ истар, орқасидин ғам келур.

Одамийнинг асли бирдур, бир-биридин фарқи бор,

Неча қарн ўтгонидин дунёга бир одам келур.

Муллолар илмига мағрур, омилар исёнга ғарқ,

Кас на билсун, рўзи маҳшар кимни тоши кам келур.

Гар бошинг аршга етушса, сен ўзунгдин кетмагил,

Ҳар дарахтнинг меваси кўп бўлса, боши хам келур.³¹³

³¹² Акад. М.М.Хайруллаев таҳрири остида. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. –Т.: «Ўзбекистон», 1995. –Б. 197.

³¹³ Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан. – Т., Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. –Б. 193.

Машраб лирикасига хос нидолар фақатгина шоирнинг хусусий кайфиятлари бўлмай, улар ниҳоятда чуқур ижтимоий илдизга эга бўлган, ўз замондошлари учун бахт ахтарган, эзгуликка интилган, аммо қаерга бормасин бахтсизлик ва разолатдан қутилиш йўлларини тополмаган ўша даврнинг илғор ва хур фикрли фарзандларининг ички драмасидир, дейиш тўғри бўлур эди. Аслини олганда, Машраб лирик созига бундай нолакор оҳанг ва кайфиятларни сингдирар экан, бу билан жамият кишилари диққатини катта ахлоқий, ижтимоий, фалсафий муаммолар атрофига жалб этишга интилади. Бу Ўрта аср шароитида нақадар катта журъат, жасорат эканлиги ўз-ўзидан аён. Шунинг учун ҳам разолат муҳити Машраб ва Машрабдек шахслар учун тор эди. Уларни замона зўрларининг чиқиштирмаслиги, таъқиб ва таҳқирларга дучор қилиниши табиий эди.³¹⁴

У пок ва кудратли қалбидаги олижаноб ғояларининг улуғворлигини матонат ва собитқадамлик билан умрининг сўнгги нафасигача сақлаб қола билди. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, Машрабнинг лирик қаҳрамони (шоирнинг ўзи) анъанавий заиф ва ожиз, ўзини «ёр кўчасининг итлари» билан тенглаштирувчи хоксор ошиқ банда эмас, бу қаҳрамон гўзал маҳбубанинг кўнглини овлаш ва уни ўзига ром қилиш учун ҳар қандай қийинчиликни ҳам бошдан кечиришга, мушкулларни бартараф қилишга қодир.

Шу нарса муҳимки, Машраб ўз ҳамюртларини маърифатга чорловчи фикрларни айрим байт – мисралардагина ифодалаш билан қаноатланиб қолмай, балки бу мавзуда қатор мукамал шеърлар ҳам ёзган. Мана ана шундай шеърдан намуна:

Тарозуи амални қўлга ол сўнгра баробар тут,

Хатарлик йўлдасан, то жистужу қил, яхши раҳбар тут.

Бошинг гардунга етса, бўлмағил зинҳор хурсанде,

Ўзунгни ҳар хасу хошадин, эй банда, камтар тут.

³¹⁴ Муҳсин Зокиров. Эрк ва маърифат куйчилари. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. –Б. 95-96.

Машраб шеъриятидаги асосий ғоялардан бири дунёнинг ўткинчи эканлиги, ҳаётда буни англаш жуда муҳим. Чунки лаҳзалик нарсаларни ғанимат билиш лозим. Машраб асарларида шу жаҳоншумул муаммога катта эътибор берилган. Инсониятни ғафлатдан, мудроқликдан огоҳ этади. Кўнгилларни тирикликка, уйғоқликка даъват этади. Шоир фикрлари билан танишган ҳар бир ўқувчи ўзида ғайрат, куч-қувват пайдо бўлганини ҳис этади. Атрофга тийрақроқ назар ташлай бошлайди. Қуйидаги каби мисралар эса ҳар бир кишига, мен ёнимдаги инсонни англаяпманми? Унинг юрагида қандай армонлар қоляпти? Қандай қилсам у ўзини бахтли ҳис қилиши мумкин, деган саволлар беришга мажбур этади:

Ҳасратимга тоғу тузлар йиғлагай,

Ҳеч ким йўқтур сўзимни англагай.

Машраб шеъриятининг асосий мақсади – инсонларни мудроқликдан уйғотиш. Бир-бирига муҳаббат билан боқиш, бир-бирини англаш ва бу орқали Аллоҳни англашга йўналтиришдир.³¹⁵

Бобораҳим Машрабнинг ижтимоий-маънавий ва дидактик қарашлари адабий-бадиий жиҳатдан ҳали таҳлил этилмаганлигини, аммо мутафаккир қолдирган маънавият, улардаги хулқ-одоб, таълим-тарбия, панд-насиҳат тарзидаги шеърлар кечаги кун учунгина эмас, балки бугунги ва эртанги кун учун ҳам муҳим ва қимматли эканлигини, ўз аҳамияти, моҳияти, мазмуни, фалсафаси, бадиийлиги билан долзарб эканлигини қайд этмоқчимиз.

Машраб ўзбек миллий ғазалчилиги шу билан бирга шоир шеъриятидаги турли жанрлар қоидасига амал қилгани ҳолда ундаги ҳамма жанрларда қалам тебратган мутафаккир шоирдир. У маънавияти кенг шоир ва аллома назари билан панд-насиҳат тарзида дидактик асарлар яратган энг сермаҳсул ижодкорлардан бири ҳисобланади.

Не ҳолки, то мустақилликгача Машрабнинг дидактик асарларидан, айниқса, мустазодлари, мураббаълари, мусамманлари, мусаддаслари, мусаббаълари, мусамманларидан, улардаги юксак ахлоқий, маърифий,

³¹⁵ Иқболой Адизова. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. –Т.: «Фан», 2006. –Б.109-111.

маънавий, дидактик ғоялардан бебаҳра қолдик. 1990 йилгача чиққан Машраб девонлари уч-тўрт марта нашр этилганлигига қарамай, улардаги Илоҳий мазмунни ифода этган шеърлар «пати юлиниб», қайчиланиб босмадан чиқарилган.. Тангри номи, пайғамбарлар, азиз авлиёлар, аҳлуллоҳлар исми зикр этилган жойлар «юлиб олинган»и ҳолда нашрга тайёрланган. Бу Машрабни Худосиз, даҳрий, исёнкор дегувчилар учун қўл келган. Аммо мустақилликнинг шукуҳи, шарофати шуки, бугунги кунда уни ишқи Илоҳийдан ажратмаган ҳолда ўқиш бахтига муяссар бўлдик. Ўша кезларда энг кўп «йўқолган», «йўқотилган» шеърлари унинг дидактик ва маънавийга доир асарлари эди. «Мабдаи нур», «Кимё», «Қиссайи Вайсул-Қараний», «Қиссайи Меърожи расули Акрам с.а.в.» каби асарлари, ҳатто у ҳақдаги «Қиссаи Машраб», «Тазкираи қаландар» асарлари ҳам чоп этилмади.

Машраб шеърятда Фузулий, Лутфий, Навоий, Бобур каби мутафаккир шоирлар ғазалларига жавоб айтган, уларнинг асарларига мухаммаслар боғлаган шоирдир. Унинг шеърятти қаҳрамони шоирнинг ўзидир. Демак, шундай экан, у айтган, айтмоқчи бўлган фикр ва турлича ахлоқий, таълимий, дидактик, маънавий қарашлар у томонидан одам аҳлига аталган, унга юборилган насиҳатомуз, ибратомуз, дидактик ғоялардир.

Аллоҳнинг оташин ошиғи, ишқ-муҳаббат тушунчаларининг, туйғуларининг хассос куйчиси, одам фарзандига маънавий севги тушунчаларидан бонг урувчи ошиқ-маъшукларни гуноҳкор деганларга дарғазаб хитоб қилган:

Қилма иғво зоҳидо, мен ёр учун девонаман.

Машраб Аллоҳ севгиси билан яшади, шу муқаддас туйғуни тўлиб-тошиб куйлади, дунёпарастлик ва жоҳилликни қоралади, унинг нигоҳи поклик, йўли софлик бўлиб, маънавий-ахлоқий фикрларни илгари сурди.

У олам аҳлига мурожаат қилиб, ўзининг дидактик, панд-насиҳатларини йўллаб, Аллоҳдан мадад сўрайди. У олам аҳлига ҳамдард ва ҳамфикрлигини: «То кишига дард тегмай бўлмасди бағри кабоб, дилда дардинг бўлмаса

сардафтаримни кавлама» деб ўғит берди ва дард аҳли топиб, кўзин ёшин сепиб ўтганлигини таъкидлайди:

На ерда аҳли дард топдим, кўзум ёшин сепиб ўттум.

Машраб фарзандларга ўғит-насиҳат қилиб, «Зохиру ботинни сан нури аҳлуллоҳдан тила», – дейди.

У фарзанду аржумандларга ўғит бериб, кўз нури кетмасдан ғайрат, шижоатни ҳис қилган ҳолда ҳаракат қилишни, Ҳақ зикрини унутмасликни, дўзах ўтини сувга айлантирган Аллоҳни эслашни, унигина дуога қўл очиб тилак тилашни ўғит берган:

Кўзни нури кетмайин соҳибдуони излагил,

ёки:

Машрабо, қилғил дуо соҳиб насиҳатнинг ҳақи.

Машраб таълим-тарбия олган, ахлоқий-дидактик, ўғит-насиҳатлар эгаллаган Офоқхожа хонадони ва у ердаги тасаввуфий таълимотлар шоир ижодиёти орқали жамиятнинг турли тоифа ва табақалари онги ва тафаккурига етиб борганлигини унутмаслик керак бўлади. Сабаби Махдуми Аъзам хожаги Косоний авлоди бўлган бу хонадон тарқатган тариқат бобоколонлари мероси билан уйғунлашиб, нафақат Шарқий Туркистон, Моварауннаҳр ва биз номларини кўрсатиб берган, Машраб изи ва қадами етган мусулмон ўлкаларига, Осиё, Шимолий Африка ҳудудларигача етиб борганлигини таъкид этмоқ керак. Шунинг учун у шундай дейди:

Насиҳатлар қулоғимга пиримдан англаган қулман.

ёки:

Наманган шаҳрида юрдум, Хожамни бир йўли кўрдум,

Ки ондин то абад, дўстлар, Хожамни излаган қулман.

яна бир шеърида у:

Ўзунг – доно, ўзунг – бино, ўзунгни излаган қулман.

И.Сувонқулов Машрабнинг ижтимоий-маънавий, панд, насиҳат ҳақидаги қарашларига муносабат билдириб: унинг лирикасида инсон шарафи ва эрки,

гўзаллиги ва маънавияти эзгуликка талпиниши юксак бадий ифодасини топганлигини қайд этади.

Машраб хазрати Муҳаммаддек комил дин, ахлоқ тарғиботчисининг уммати бўлишдек давлату бахтга эгаллиги билан фахрланади. У одамзот қавмига ўғит бериб, айтади: «Кўлинг бирла тилингдан етмасин ҳеч кимга озоре».

Мутафаккир шоир Шарқнинг азиз авлиёлари Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож, Жунайд Бағдодий, Имодиддин Насимий, Иброҳим Адҳам номларини ғазал, муҳаммасларида тилга олган. Аҳлуллоҳ, подшо, азизу авлиё, шоиру уламо бўлган бундай улуғ зотлар ҳаёти Машраб учун ибрат ва намуна бўлиб, ёзган маънавий-ахлоқий, дидактик асарларидан у илҳом олган. Иброҳим Адҳам подшоликни ўз ихтиёрлари билан дарвешликка алишиб, салтанату сарватни, мулку давлатни ҳирқага алмашган, дарвешликни ихтиёр этган эди, бу эса Машрабни ўзига қаратган, унинг ғояларида икки шоир Илоҳий дардни кўрган эди:

Мисли Адҳамдек жаҳондин мосуво қилди бу дард.

ёки:

Орифи Ҳақ бўлай десанг Адҳами бенаво керак.

Машраб Аллоҳ таолонинг бандаларга раҳмдил ва меҳрибон эканлигини, гуноҳкорлар гуноҳини авф этишини, Ҳақ йўлига кирган киши гуноҳлардан пок ва мосуво эканлигини, аввал Худо, кейин унинг элчиси Муҳаммад (с.а.в.)дан умид кутиб, унинг даргоҳи улуғлигини, севган кулларини ноумид кўймаслигини, умидворлигини изҳор қилади:

Аввали охир Худо, ул кун Муҳаммаддин умед.

ёки:

Ташналар Маҳшар куни қилғай шафоатдин умед.

Машраб Аллоҳнинг расули, элчиси бўлган пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)га бағишлаб ҳамд, сано ўқийди, у фоний дунё давлату бойлигини кўзга илмаслигини ва ундан кўрқишни огоҳ этиб панд-насихат қилади, Муҳаммаддек пайғамбари борлигига шукрона келтириб уни мадҳ этади:

Баён эт, Машрабо, шому саҳар наъти Муҳаммадни.

Закои Кўнрапанинг «Пайғамбаримиз ва ашшараи мубашшара» китобида талқин этилганидек, пайғамбар (с.а.в.) юксак ахлоқнинг намунаси эдилар. У кишининг башарият, унинг иқболи, келажаги учун қолдирган ўғит-насихатлари, панду-аъмоллари, ахлоқий-таълимий, намуна ва ибрат бўладиган ижтимоий-маънавий мероси, дидактик қарашлари Машраб ижодида такомил даражасида, ижодиётида қаламга олинди:

Расулнинг умматиман, Мустафодин ўзга ёрим йўқ.

Шунингдек, Машраб муножотлари ҳам мазкур бўлимда таҳлил этилди ва Навоий муножотларига қиёсан ўрганилди.

Машраб ижодидаги ижтимоий-маънавий ва дидактик қарашлар шоир ижодининг бетакрор ва қимматли эканлиги инсониятни яхшилик ва эзгулик сари чорлаб туриши билан аҳамиятлидир.

Ш.3. Талабалар маънавий–ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизими методлари (Бобораҳим Машраб асарлари мисолида)

Жамиятда ўсиб, улғайиб келаётган талаба-ёшларнинг маънавий-ахлоқий камолоти таълим-тарбия соҳасида амалга ошириладиган ишларни аниқ манзилли режалаштириш, белгиланган вазифаларни изчил амалга оширишни, турли метод ва усуллардан фойдаланишни талаб этади. Ишнинг юқоридаги бобларида ижтимоий-педагогик фикрлар негизида талабаларнинг маънавий–ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизими Бобораҳим Машрабнинг асарлари мисолида мукамал тарзда баён этилгани, уларда ёшларнинг маънавий-ахлоқий камолот сифатларини шакллантиришнинг турли методлари мавжудлиги ҳақида сўз борди.

Ижтимоий-педагогик фикрлар негизида талабаларнинг маънавий–ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизими (Бобораҳим Машраб асарлари мисолида)ни халқимиз педагогик меросининг турли метод ва усуллари ва замонавий тарбия воситаларидан фойдаланиш мумкин. Ушбу методлар таълим-тарбия мақсадларидан келиб чиқиб танланади. Уларни танлашда қуйидаги педагогик тамойилларга суяниш мақсадга мувофиқдир:

-тарбиянинг мазмуни;

-талабаларнинг ёши, руҳий ҳолати, савияси ва бошқ.

Юқоридаги тамойиллар асосида қуйидаги анъанавий методларни танладик:

Маъруза методи. Бу метод ўқув материални ҳажмини катталигини, мантиқий тузилиши, образлари исбот ва умумлаштиришнинг анчагина мураккаблиги билан фарқланади. Агар ҳикоя дарснинг бир қисминигина эгалласа, маъруза одатда уларни тўла камраб олади. Маъруза давомида муаммоли вазиятларни вужудга келтириш, мавзуга оид кўргазмали материалларни намойиш этиш, маъруза охирида умумий хулосалар чиқариш кабилар самарадорликни оширади. Маъруза методи кенг қамровли ахборотни талабаларга етказишда жуда ҳам қўл келади. (Қуйида маъруза методи асосида дарс ишланмаси баён этилди).

Семинар методи. Ўқув материални оғзаки баён қилишни кўзда тутуди, ҳикоя методидан ўзининг ҳажми катталиги, мантиқий қурилиши, умумлаштиришнинг мураккаблиги билан ажралиб туради. Семинар бутун дарс ёки машғулотни банд этади. Ҳикоя эса фақатгина унинг бир қисмини эгаллайди. Ушбу метод орқали мутафаккир Бобораҳим Машраб меросида ижтимоий-педагогик фикрларни мустақил ўрганиш, олинган билимларни ўзаро айрибошлаш орқали мустаҳкамлаш имконияти туғилади.

Семинар давомида информацияни оғзаки баён қилиш, узоқ вақт давомида диққатни тутиб туриш, тингловчиларни фикрларини фаоллаштириш усуллари, аргументлаш, исботлаш, таснифлаш, системалаштириш, умумлаштириш ва бошқалардан фойдаланилади.

Ҳикоя методи. Нутқ маданиятини ўстиришда ҳикоянинг ўқитиш ва фикрларни баён қилиш методи сифатидаги имкониятлари бошқа методларга нисбатан юқоридир. Ҳикоя қилиш - педагог томонидан янги ўтилаётган мавзуга айна ўрганилаётган Бобораҳим Машраб ҳаёти, ижодига оида қўлёзма ва бошқа дунё кутубхоналарида сақланаётган манбаларда акс этган факт, ҳодиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисмларга бўлиб, образли тасвирлаш йўли билан

ихчам, қисқа ва изчил баён этилади. Бу метод материалларни баён қилишда, образларга характеристика беришда, табиат ҳодисалари ва ижтимоий ҳаётдаги воқеаларни тасвирлашда қўл келади. Ҳикоя қилиш давомида талабалар пассив тингловчи бўлиб қолишларига йўл қўймаслик керак. Талабаларнинг диққатини тасвирланаётган объектга қаратибгина қолмай, балки худди шу объект ҳақида улар онгли ва актив фикр юритишларини ҳам таъминламоқ лозим.

1. Оғзаки методлар:

Сухбат. Бу метод асосан савол-жавоб йўсинида олиб борилади. Сухбатларнинг маълум мақсадга қаратилганлиги уларнинг характерини белгалайди. Сухбат эвристик характерда, этик характерда, инструктор методик характерда бўлиши мумкин. Сухбат методи талабаларни фаол иштироқи орқали ўтказилганлигидан мустақил фикрлаш, хулосалаш каби хислатларни талабаларда такомиллаштирилади. Ижтимоий-педагогик фикрлар негизида талабаларнинг маънавий–ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизими (Бобораҳим Машраб асарлари мисолида)ни амалга оширишга қаратилган суҳбатларни иккига бўлиш мумкин: 1) савол-жавоб; 2) маъруза, ўзаро фикр алмашиш. Сухбатнинг ҳар иккала шаклида ҳам мавзуга алоқадор бўлган миниатюралар, расмлар, қўлёзма манбалар, илмий асарлар, бадий асарлар, кўрилган спектакль, ҳужжатли филмлар, бадий филмлар, саёҳат давомида тўпланган билим ва кузатилган воқеалардан фойдаланиш мумкин. Сухбатларни яккама-якка ёки алоҳида-алоҳида гуруҳларга ажратган ҳолда ўтказиш мақсадга мувофиқ. Сухбатларни ташкил этишда профессор-ўқитувчилар қуйидагиларга эътибор қаратишлари керак:

Ижтимоий-педагогик фикрлар негизида талабаларнинг маънавий–ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизими (Бобораҳим Машраб асарлари мисолида)да қўлланиладиган методларнинг турлари:

Оғзаки методлар	Амалий методлар	Намойиш қилиш методлари
суҳбат; тушунтириш;	ўргатиш; рағбатлантириш;	турли байрам, маросимларда иштирок этиш;

насихат; намуна кўрсатиш.	танловлар уюштириш; вазиятли кейс технологияларни ечиш; лойиҳалар тайёрлаш.	кўргазмалар ташкил этиш; саёҳатлар уюштириш.
------------------------------	---	---

1.Суҳбат ўтказиладиган сана, вақт ва жойни олдиндан белгилаб, талабалар диққатига ҳавола қилинади.

2.Суҳбат мақсади ва мавзуси аниқ белгилаб олинади.

3.Суҳбат вақтида талабаларнинг ёши, билим савияси ва қизиқишларини эътиборга олиш.

4.Саволларнинг мавзуга тааллуқли бўлишини таъминлаш ва ҳ.к.

Таълим-тарбиянинг анъанавий суҳбат усулидан асосан дарсдан ташқари вақтларда фойдаланилади. Биз тадқиқ қилаётган муаммо юзасидан суҳбатларни талабалар турар жойларида ва очиқ табиат қўйнида баҳс мунозара шаклида ўтказиш мумкин. Бунинг учун: “Бобораҳим Машраб меросида ижтимоий-педагогик фикрлар”, “Бобораҳим Машраб ижодида Ватан тараннуми”, “Бобораҳим Машраб ғазалиётида илм ва маърифатнинг улуғланиши”, “Бобораҳим Машраб ижодида ота-она ва устозларнинг қадрланиши”, “Бобораҳим Машраб сиймосида қатъиятлилик, ирода ва матонатнинг гавдаланиши”, “Бобораҳим Машраб асарларида миллий руҳият жилваси”, “Машраб қарашларида ҳалол ва ҳаром тушунчалари талқини”, “Машраб меросида нафс тарбияси муолажаси”, “Машраб мероси ижтимоий-маънавий иммунитет манбаи” ва ҳ.к. мавзуларни тавсия этиш мумкин.

Суҳбатларни баҳс-мунозара шаклида олиб бориш катта аҳамиятга эга. Масалан, мумтоз адабиётимизга қизиқиши юқори бўлган талабалар ўртасида “Бобораҳим Машраб меросида Ватан, юрт соғинчи қандай бадий талқинларда ифодаланган?”, “Машраб меросидан фарзанд тарбиясига оид намуналар келтиринг!”, “Оташабон Бобораҳим Машраб ижодида гуманистик ғоялар

тўғрисида сўзлаб беринг!” ёки “Машраб муножотларида тарбияга оид панд-насихатларга муносабат билдириш!” каби мавзуларда баҳс-мунозара ташкил қилиш мумкин. Ушбу суҳбатлар жараёнида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланилса, янада таъсирчан бўлади. Бунда компьютер жамланмаси орқали суҳбат мавзусига оид Машраб ғазаллари куйланган кўшиқлар, шоир ғазаллари ўқилган видео ва аудио ёзувлари, етакчи олимларнинг шоир меросига оид илмий-маърифий суҳбатлари намойиш қилиниб сўнгра суҳбат давом эттирилади.

Тушунтириш. Мазкур методининг асосий мақсади талабаларни ижтимоий онгли, дунёқарашни теран, юксак маънавиятли, ғурури баланд, она Ватанни севадиган, аждод мутафаккирлар изидан борадиган, уларга муносиб ворис бўлишга интиладиган, маънавий дунёси бой, маънавий-ахлоқий фазилатлари юксак, ўз тарихи ва маънавиятини қадрлайдиган қилиб тарбиялашда фойдаланилади. Тушунтириш жараёнида “Ижтимоий-педагогик фикрлар негизида талабаларнинг маънавий–ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизими” (Бобораҳим Машраб асарлари мисолида)да масаласи моҳиятини очувчи, жанр, мумтоз сўз ва бадий ибораларга алоҳида урғу бериш, кўргазмали ва мультимедияли воситалардан фойдаланиш кутилган самарадорликка эришиш имконини беради.

Насихат. Мумтоз адабиётимиз бисотининг нодир дурдоналари, хусусан, Бобораҳим Машраб меросида ўғит ва панд насихат руҳидаги фикрлар жуда катта ижтимоий-педагогик аҳамият касб этади. Бобораҳим Машрабнинг юксак маънавий феноменга айланган “Ўзунгни ҳар хасу хашакдин, эй банда, камтар тут!”, “Зоҳиру ботинни сан нури аҳлуллоҳдан тила”, “То кишига дард тегмай бўлмасди бағри кабоб, дилда дардинг бўлмаса сардафтаримни кавлама”, каби назмий шаклдаги насихатомуз иборалари педагогик жиҳатдан ғоят қимматлидир. У шунингдек, “Ноқис аҳлига, пасткаш кишиларга насихат қилмасликни, Ҳақ ва ҳақиқатни тушунишни истаганларга тўғри йўл кўрсатиш лозим”лигини ўз ғазалида қуйидагича таърифлайди:

Қўлингдан келса ҳар ҳайратни вақтидин ўткарма,

Деди хайрул башар бу сўзни бемехнатга роҳат йўқ,
Ривожни корини аблаҳга айтманг, аҳли ноқисдир,
Ҳақиқат аҳлига мундин дуруст неку насихат йўқ.

Бобораҳим Машрабнинг ижтимоий-маънавий ва дидактик қарашлари маънавият, хулқ-одоб, таълим-тарбия, панд-насихат тарзидаги шеърлар кечаги кун учунгина эмас, балки бугунги ва эртанги кун учун ҳам муҳим ва қимматли эканлигини, ўз аҳамияти, моҳияти, мазмуни, фалсафаси, бадиийлиги билан долзарб эканлигини қайд этмоқчимиз.

Намуна кўрсатиш. Машраб мероси комил инсон муаммосининг тадқиқ манбаи бўлиб, инсон онги ва тафаккури ривожини, унинг камолотига бевосита ижобий таъсир этиб келди. Маълумки, ахлоқ ва ахлоқий муносабатлар масаласи доимо инсониятни қизиқтириб келган. Бобораҳим Машраб меросида ислом дини, тасаввуф ва ахлоқ, хулқ-одоб қоидалари, таълим-тарбия, ўзаро муомала, ахлоқий фазилатларни касб қилиш, покланиш, комил инсонни тарбиялаш каби масалалар асосий ўринни эгаллаган. Демак, талабалар Бобораҳим Машраб меросидан баҳраманд бўлиш асносида ўз хулқ-атворларини тузатиб, мутафаккир орзу қилган маънавий идеалга тақлид қилиб яшашни истадилар, салбий феъл-атворли кишиларнинг хатти-ҳаракатларидан тийиладилар.

Мустақил мутолаа методи. Талабаларни Бобораҳим Машраб мероси дурдоналарини мустақил мутолаа қилишга ўргатади. Талабаларни – мавзуга оид билимларни манбаалардан излаш, мустақил ола билишга, фикрлай олиш, аллома асарлари ҳақида илмий-маърифий мустақил позицияда тура олишга ўргатади. Барча талабалар олган билимлари асосида маънавий-ахлоқий камолот даражасидаги кўникма ва малакаларга эга бўлишларига эришилади. Олинган амалий ва назарий билимлар уйғунлаштирилади, талабанинг ўзлаштириш имкониятлари кенгайди.

Илмий тадқиқот методи. Бу метод олий таълим тизимида кенг тарқалган метод бўлиб, маълум тайёргарликни талаб этади. Олий малакали педагог раҳбарлигида талабалар ёки бир талаба аллома Бобораҳим Машраб асарларида

ижтимоий-педагогик фикрлар тараққиёти масаласида маълум илмий тадқиқотларни ўтказиши ва маълум илмий мавзу учун янги хулосаларни ясаши, мана шу методни қўллаш жараёнида вужудга келади. Бу метод олий таълимда кўпроқ қўлланилади. Бу метод давомида илмий билиш жараёни содир бўлади, яъни ҳали номаълум бўлган билимлар кашф этилади ва эгалланади. Бунинг учун илмий тадқиқот режаси тузилади. Мақсад белгиланади ва тадқиқот усуллари танлаб олинади. Тадқиқот натижалари асосида хулосалар ясалади

Луғат устида ишлаш методи. Олий таълимда луғат устида ишлашнинг қўлланилиши сифатида Бобораҳим Машраб асарларида мавжуд мумтоз тушунчаларни ўрганишга имкон беради. Шунингдек, луғатни бойитиш, талабалар илмий йўналиши муаммолари луғатига аниқлик киритишда ҳам хизмат қилади. Талабаларнинг нутқий кўникмасини оширади, уларнинг луғатни бойитишдаги ролини оширади. Луғат ёрдамида талабалар Бобораҳим Машраб асарларида мавжуд синоним ва антоним, кўп маъноли сўзлар устида ишлаш имкониятига ҳам эга бўладилар.

Ўқиш, бадиий асарни қайта ҳикоялаш, материални ўрганиш, баён ва иншога тайёрланиш билан боғлиқ ҳолда талабалар луғатини фаоллаштириш мумкин.

2. Амалий методлар.

Ўргатиш. Ўргатиш методи-бу ижтимоий хулқ атворнинг одатий шаклига айлантириш мақсадида тарбияланувчиларнинг бажаришлари учун режали ва изчил тарзда ташкил қилинадиган турли ҳаракатлар, амалий ишлар мажмуини ўз ичига олади.

Ўргатиш бир неча изчил ҳаракатлардан иборат фаолиятдир. Талабалар ушбу ҳаракатларни кўрсатиб беришлари, тушунтиришлари, изоҳлашлари лозим. Масалан, талабаларга Машраб сиймосини хорижий ва олдинги асрлардаги ёзилган қисса ва маноқибларда ёритилиши масалаларига доир дарвеш шоирнинг айрим ғайритабиий ишларни қилганлиги, унинг сабабини санокли мутасаввифларгагина насиб қилган бир хислат билан изоҳлаш мумкин. Иброҳим Адҳам ва Мансур Ҳаллож изидан бориб, дилни фақат Аллоҳга

топшириш, «Ишқ муҳаббат ягона Ҳаққадур» ақидасига амал қилганлигини, соддароқ қилиб тушунтирадиган бўлсак, “Одамлар мени яхши кўриб қолиши, Аллоҳга бўлган меҳрлари сусайиши мумкин” ақидаси Машрабнинг асосий ғояси бўлган. Шунинг учун халқ орасида у “Девонаи Машраб”, “Телба Машраб”, “Шоҳ Машраб”, “Девонаи Барҳақ” деб номланган. Талабалар Бобораҳим Машрабнинг ушбу девонавор, журъаткор ва ҳақиқатгўй сиймосини, унинг кийиниши, феъл-атвори, одатларини гавдалантиришлари мумкин. Ушуб метод муайян даражада Машраб мероси ғояларини ҳис қилиш, оташин шоир сиймосида яширинган ҳурлик ва адолатпарварлик туйғуларини кўрсатиб беришга хизмат қилади.

Машраб жамият разолатларидан, қабоҳат ва жаҳолатларидан, мавжуд тузум адолатсизликларидан ларзага тушган. У золим шоҳ ва адолатсиз амалдорларнинг ахлоқсизлигидан, халққа ўтказётган зулмидан ғазабини яширмаган, уларни адолатга, инсоф ва диёнатга чақирган. Такаббурлик ва таъмагирликни, жоҳиллик ва мунофиқликни, мағрурлик ва киндорликни, ғофиллик ва ноқобилликни қоралаган. Ҳимоясиз, паноҳсиз халқнинг ночор аҳволига чидаёлмай Машраб дарбадарлик йўлини тутди. Зулм остида эзилган халқ аҳволига у бефарқ қараб туролмади. Халқнинг дардини юрагига жо қилди. Бу дард шунчалик поёнсиз эдики, у дунёга сиғмай қолди. Адолатсизликлар ҳукм сурган дунёда у ўзини бегона сизди. Албатта, ушбу метод орқали талабаларда Машрабнинг юқоридаги инсоний сифатларини тарбиялаш мумкин бўлади.

Лойиҳа методи-бу таълим олувчиларнинг якка ва гуруҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича маълумот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш, натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиҳа ишлаб чиқиш якка тартибда ёки гуруҳга оид бўлиши мумкин. Метод асосида талабаларга қуйидаги мавзуларни тавсия этиш мумкин. “Бобораҳим Машраб

меросида ахлоқий қадриятлар ва ҳозирги замон”, “Машраб ҳаёти ва жасоратида инсонпарварлик ғояларининг ўрни” ва ҳаказо.

Рағбатлантириш. Мазкур метод мутафаккир Бобораҳим Машраб мероси ва халқ педагогикасида маънавий-ахлоқий қадриятлар, хулқ-атвори қўллаб-қувватлаш, маъқуллаш, унга муносабат билдириш имконияти сифатида маълум. Рағбатлантиришнинг оғзаки рағбатлантириш, олқишлаш, мукофотлаш шакллари мавжуд. Рағбатлантириш талабаларнинг кўнглини кўтариб, ўз куч ва имкониятларига ишончни мустаҳкамлайди. “Бобораҳим Машраб” давлат мукофоти ва стипендияси таъсис этилиши, “Бобораҳим Машраб издоши”, “Машраб мероси билимдони” каби танловларнинг ўтказилиши талабаларни рағбатлантиради.

Танловлар уюштириш. Талабалар ўртасида Бобораҳим Машраб асарлари асосида машрабхонлик кечалари ташкил қилиш, талабалар камолотида Машраб меросининг маънавий-ахлоқий ўрни ва бошқа мавзуларда иншолар танловини ташкил қилиш, талабаларни дарсдан бўш вақтларида “Машраб издошлари” номли тўғаракнинг Машраб меросига доир энг яхши илмий мақолалар, Машраб ғазалларига мухаммас танловини ўтказиш. Бу каби танловлар талабаларда мустақил изланиш, ижод қилиш, ишлаш кўникмаларини шакллантиради.

3. Намойиш қилиш усуллари.

Турли байрам, маросимларда иштирок этиш. Машраб ғазаллари, мухаммас, мустазод ва мураббаълари оддий авом халқнинг диди ва савиясига мос услуб ва тилда яратилган. Оммавий байрамларда Машраб ғазалларини қўлида сози (танбур) билан халқ орасида ижро этилиши, қўшиқ ва ғазалларида Оллоҳга бўлган чексиз муҳаббат, ростгўйлик, меҳр-оқибат, ҳаё, ҳалоллик, инсоф, диёнат, инсонпарварлик, одиллик, иймон-эътиқоднинг шарафланиши талабаларда юқорида санаб ўтилган ахлоқий фазилатларни шакллантиришга хизмат қилади. Айни вақтда унинг ғазалиётида иймонсизлик, разолат, қабихлик, жаҳолат, таъмагирлик, кибр, манманлик, ёлғончилик сингари иллатларни аёвсиз фош қилиниши турли миллий маросимларда оқсоқол ва

зиёли кишилар томонидан тарғиб қилиниши, фуқароларимиз, айниқса, талабаларда ушбу салбий одатлардан тийилишни тарбиялайди.

Кўргазмалар ташкил этиш. Ҳар бир таълим муассасасида иқтидорли ва ижодкор талабалар кўплаб топилади. Мана шу талабаларнинг ижод маҳсуллари асосида кўргазмалар ташкил қилиш педагогик жиҳатдан катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Бундай тадбирлар ижодкор талабаларни илҳомлантиради, ўзига ишончни кучайтиради. Қолаверса, бошқа талабаларга эстетик завқ беради, ижодга ундайди. Кўргазмалар қуйидаги мавзуларда ташкил қилиниши мумкин: 1) Бобораҳим Машраб кезган юртлар ва унинг жаҳоний, маърифий-исломий мероси; 2) Машраб сиймосига ишланган портрет ва асарларига ишланган суратлар; 3) Машраб асарлари нашрлари намойиши ва ҳ.з.

Ушбу кўргазмалар ўқув бинолари, талабалар турар жойи ва олий ўқув юрти жойлашган маҳаллаларда ташкил қилинади.

Саёҳат. Талабаларда она юртга меҳр-муҳаббатни, аجدодлар руҳи, меросига ихлосни шакллантиришда, улар қўним топган кадамжоларга саёҳатлар ташкил этиш катта ўринга эга. Хусусан, Наманган шаҳридаги Бобораҳим Машраб уй музейи, Машраб боғи, Машраб салафлари қўним топган кадамжолар, музей ва қадимий қўлёзмалар сақланадиган олимларимизнинг шахсий кутубхоналарига саёҳат ватанимизнинг ўтмиши буюк эканлигини, маънавий-ахлоқий ва ижтимоий-педагогик меросимиз ҳақида батафсил маълумотлар беради. Шу билан бир қаторда саёҳатлар талабаларга бадиий эстетик завқ ва руҳий-маънавий қувват беради.

Ўқув машғулотларини ташкил этиш бўйича дарс ишланмаларидан намуна:

Мавзу: XVII асрдан XIX асрнинг ярмигача тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар ривож.

Дарснинг мақсадлари:

а) таълимий:

XVII асрдан XIX асрнинг ярмигача тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар ривожиди, Бухоро амирлиги, Хива, Қўқон хонликларида таълим-тарбия, мактаб, фан ва маданият тўғрисида тушунча бериш. XVII - XIX асрларда яшаб ўтган маърифатпарвар аллома Бобораҳим Машраб асарлари асосида талабаларнинг маънавий-ахлоқий камолотини шакллантириш тизими.

б) тарбиявий:

Маърифатпарвар аллома Бобораҳим Машраб асарлари асосида талабалар маънавий-ахлоқий тарбиясини такомиллаштириш.

в) ривожлантирувчи:

XVII - XIX асрларда яшаб ўтган маърифатпарвар алломалар, хусусан, Бобораҳим Машраб асарлари асосида талабалар маънавий-ахлоқий тарбиясини такомиллаштириш.

Дарснинг тури: назарий

Дарсда қўлланиладиган методлар:

- маъруза;
- ақлий ҳужум;
- Б / Б / Б;

Дарснинг жиҳозланиши;

1. Маъруза материаллари;
2. Такдимот слайдлари.
3. Дарсликлар, ўқув, методик ва қўлёзма, илмий, бадиий адабиётлар.
4. Ўз-ўзини баҳолаш мезони ифодаланган карточкалар.

Дарсдан кутилаётган натижалар:

-XVII асрдан XIX асрнинг ярмигача тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар ривожиди ҳақидаги тушунчага эга бўладилар.

-Бухоро амирлиги, Хива, Қўқон хонликларида таълим-тарбия, мактаб, фан ва маданият ҳақидаги билимга эга бўладилар.

-XVII - XIX асрларда яшаб ўтган маърифатпарвар алломалар, хусусан, Бобораҳим Машраб ижодий мероси, асарларининг мазмуни ва маърифатпарварлик ғоялари билан танишадилар.

Дарсинг бориши.

Дарсинг ташкилий қисми.

Янги дарсни ташкил этиш учун ўқитувчи дарс вақтида ўқувчиларга бериладиган саволларни, мавзу ҳақидаги видеофильм ва керакли жиҳозларни, ўз-ўзини баҳолаш мезони ифодаланган карточкалар тайёрлаб қўйиши керак.

Дарсинг мазмуни.

Бобораҳим Машраб яратган асарлар Туркистон маданияти ривожига, ўзбек маънавий меросига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. У ёзган асарларда таълим-тарбияга оид фикрларнинг кенг ёритилгани педагогика фани таракқиётида ҳам муҳим ўрин тутади.

Машраб ижодида унинг «Мабдаи нур» ва «Кимё» номли шеърӣ асарлари алоҳида ўрин тутади. Бу икки асар жуда муҳим фалсафӣ, ахлоқӣ, тарбиявий, илмӣ аҳамиятга эга бўлиб, Машраб асарлари сифатида халқ томонидан ўқилиб, оғиздан-оғизга ўтиб келган. Ҳеч ким бу китобларни қандайдир Машрабга нисбат бермаган. «Мабдаи нур» ва «Кимё» ҳақида илмӣ фикр юритиш XX аср бошларидан пайдо бўлди.

Мовароуннаҳр халқлари миллий адабиёти намояндалари кейинги асрлар педагогик адабиётининг барча вакиллари ҳам Навоӣ ва Машраб маънавий меросидан баҳра олдилар, уларни устоз дея қабул қилдилар ва улар билан фахрландилар. Баркамол инсон тарбиясида уларнинг асарларига мурожаат қилиб, ижодий тажриба, юксак намуна ва ибрат олиб, Навоӣ ва Машраб каби умрбоқӣ шеърӣят яратишни шараф деб билдилар. Навоӣ, Бобур, Машраб ғазалларига нигоҳ ташланганда, улардаги муштарак жиҳатларни англаш қийин эмаслиги аён бўлади.

Машраб мероси, шоирнинг дин ва тасаввуфга, таълим ва тарбияга, маънавият ва ахлоққа доир шеърлари, улардаги фалсафӣ, бадиӣ, педагогик ғоялар, мазмун-моҳияти чуқур таҳлил қилинганда: Машраб ўз ижоди билан ўзбек адабиётида халқчиллик, ижтимоӣ ва дунёвийликни чуқурлашувида, жаҳолат ва бидъатга қарши кураш ғояларини кучайишида, шеърӣят

шакллариининг такомиллашуви ҳамда бадииятнинг камолга эришувида катта ўрин тутган сўз усталаридан бири эканлиги англашилади.

Бобораҳим Машрабнинг ижтимоий-маънавий ва дидактик қарашлари адабий-бадий жиҳатдан ҳали таҳлил этилмаганлигини, аммо мутафаккир қолдирган маънавият, улардаги хулқ-одоб, таълим-тарбия, панд-насихат тарзидаги шеърлар кечаги кун учунгина эмас, балки бугунги ва эртанги кун учун ҳам муҳим ва қимматли эканлигини, ўз аҳамияти, моҳияти, мазмуни, фалсафаси, бадийлиги ахлоқий-таълим-тарбиявий жиҳати билан долзарб эканлигини қайд этмоқчимиз.

Машрабнинг ижтимоий – маънавий ва дидактик қарашлари хулқ – одоб, таълим – тарбия, панд –насихат тарзидаги ғазаллари фалсафийлиги, бадийлиги ахлоқий-таълимий-тарбиявий жиҳати билан бугунги педагогика тарихи фани талабларига жавоб бера олади.

Мавзу доирасида қуйидаги саволлар доирасида “Ақлий хужум” методи асосида талабалар жамоаси фикри ўрганилади:

1-савол: Маърифатпарвар аллома Бобораҳим Машрабнинг ижтимоий-педагогик мероси ҳақида фикр билдиринг?

2-савол: Алломанинг асарларидан ижтимоий-маънавий ва дидактик ғазаллардан намуналар айтиб беринг?

3-савол: Мутасаввиф алломанинг ёшлар маънавий-ахлоқий камолотини шакллантиришга оид диний-ахлоқий фикрларини ёритинг?

Юқоридаги саволларга жавоб олингач, ўқитувчи мультимедиа технологияси ёрдамида мавзуга оид хужжатли фильмни намойиш қилиш орқали мавзуни мустаҳкамлайди.

Дарсинг кейинги босқичида ўқитувчи гуруҳни иккига ажратиб топшириқ беради:

1-гуруҳга	2-гуруҳга
XVII-XVIII асрларда Мовароуннаҳрда тарбия, мактаб ва Бобораҳим Машраб	Бухоро амирлиги, Хива, Қўқон хонликларида таълим-тарбия,

ижодининг тараққийётига нималарни биласиз?	педагогик таъсири	фикрлар ҳақида	мактаб, ва Бобораҳим Машраб меросининг жаҳон илм-фани ва маданияти хазинасидаги ўрни ҳақида нималарни биласиз?
--	----------------------	-------------------	---

Ҳар бир гуруҳ ўзига берилган топшириқни айтилган вақт оралиғида тақдимот лойиҳасини тайёрлайди.

Берилган вақт тугагач, гуруҳлар ўз лойиҳаларини ҳимоя қиладилар, камчиликлар ўқитувчининг кўмаги билан тўлдирилади.

Янги мавзуни мустаҳкамлаш:

Ўқитувчи янги мавзуни мустаҳкамлаш учун гуруҳлар тақдимотидан сўнг талабалар диққатини слайдлар асосида муаммоли топшириқларни тақдим этади.

Таянч сўзлар: Аллоҳ, пайғамбар, пир, устоз, мурид, шогирд, дин, Қуръон, ҳадис, шариат, ботин, зоҳир, маънавият, маданият, маърифат, руҳият, ҳақиқат, сулук, тасаввуф, илм, ахлоқ, хулқ, панд, насихат, муножот, тавба, савоб, яхшилик, ёмонлик, дидактика.

Талабаларни рағбатлантириш: Талабаларни рағбатлантириш баҳолаш орқали амалга оширилади. Баҳолашда қуйидагиларга эътибор берилади:

- талабанинг фикрлай олиш қобилиятлари;
- ўз фикрини эркин баён эта олиши;
- таълим олувчининг муаммоли ҳолатларни муҳокама қила олиши;
- берилган амалий топшириқни бажара олиши.

Ўқитувчи талабаларга ўз-ўзини баҳолаш бўйича топшириқлар тавсия этиши мумкин.

Ўз-ўзини баҳолаш мезони:

1. Мавзу ҳақидаги тушунчага эга бўлиш - 2 балл
2. Мавзуда келтирилган ғоялардан фойдалана олиш - 2 балл
3. Мавзу юзасидан муаммоли топшириқ ярата олиш - 2 балл
4. Мавзу ғоясининг ҳозирги кундаги долзарблигини асослаш - 3 балл
5. Мавзунинг мақсади ва вазифаларини баён қилиш - 1 балл.

9-10 балл учун 5 баҳо,

7- 8 балл учун 4 баҳо,

5-6 балл учун 3 баҳо,

5 баллдан кам тўпланган балл учун эса 2 баҳо қўйилади.

Уйга вазифа:

Топшириқ: XVII-XIX асрларда яшаб ўтган маърифатпарвар алломаларнинг ижодий меросидан парчалар ёд олиш.

**XVII асрдан XIX асрнинг ярмигача тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар ривожининг мавзусидаги маъруза машғулоти
технологик модели**

Маърузага ажратилган вақт – 2 соат	Тингловчилар сони – 60
Ўқув машғулотининг шакли:	Маълумотли маъруза
Ўқув машғулотининг тузилиши:	1)XVII асрдан XIX асрнинг ярмигача Мовароуннаҳрда тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар ривожининг. 2)Бобораҳим Машраб мероси Мовароуннаҳр ижтимоий-педагогик фикрлар таракқиётида муҳим манба. 3) Бобораҳим Машрабнинг талаба-ёшлар маънавий-ахлоқий камолотини такомиллаштиришга оид қарашлари ва маърифатпарварлик ғоялари.
Ўқув машғулотининг мақсади:	XVII асрдан XIX асрнинг ярмигача Мовароуннаҳрда тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар ривожининг, Бобораҳим

	<p>Машраб ижтимоий-педагогик қарашларининг талаба-ёшлар маънавий-ахлоқий камолотини шакллантиришда маърифатпарвар алломанинг ижодий меросидан фойдаланиш.</p>
<p>Педагогик вазифалар: Мавзуни шарҳлаш. Мавзунинг асосий мақсадини ёритиб бериш. Турли назариялар билан таништириш. Таянч тушунчаларни мазмунини ёритиб бериш. Мавзуни режалар бўйича мазмунини ёритиб бериш.</p>	<p>Ўқув фаолиятининг натижалари: -XVII асрдан XIX асрнинг ярмигача Мовароуннаҳрда тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар ривожига ҳақидаги тушунчага эга бўладилар. -Бобораҳим Машраб мероси Мовароуннаҳр ижтимоий-педагогик фикрлар таракқиётида муҳим манба эканлиги ҳақидаги билимга эга бўладилар. -Бобораҳим Машрабнинг талаба-ёшлар маънавий-ахлоқий камолотини шакллантиришга оид қарашлари ва маърифатпарварлик ғоялари билан танишадилар.</p>
Таълим методи	Маъруза, Сухбат, «Дебат» стратегияси» «Ақлий хужум», «БББ» методи.
Таълимни ташкил этиш шакли	Маъруза, фронтал, умумжамоа
Дидактик воситалар	Тарқатма материаллар, дарсликлар, методик ва бадиий адабиётлар.

Таълимни ташкил этиш шароити	Компьютер билан таъминланган аудитория
Назорат	Ўз-ўзини назорат қилиш.

XVII асрдан XIX асрнинг ярмигача тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар ривожини мавзусидаги маъруза машғулотнинг технологик харитаси

Машғулоти	Фаолият		Вақт
	Ўқитувчи	Талабалар	
1-босқич Кириш	Саломлашиш. Янги мавзунинг мақсади ва кутилаётган натижани эълон қилиш	Диққат билан ўқитувчининг тинглаши, янги мавзунинг ёзиб олиши	5 дақиқа
2-босқич Янги мавзунинг кириши	Гуруҳга муаммо билан саволлар билан мурожаат этиш ва муаммога электрон ўқув методик қўлланмадаги слайдлар билан яқин ясаш	Берилган вазифани тушуниб олиш, муаммога саволларга жавоб топишга ҳаракат қилиши	10 дақиқа
3-босқич Мавзунинг ишлаши	Мавзунинг мос видеонинг электрон ўқув методик қўлланмадан намоиши этиш	Видеонинг томоша қилиши	10 дақиқа
4-босқич Янги мавзунинг	Топшириқни резюме технологияси асосида ўқувчиларга бериш ва	Топшириқни бажариш ва ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этиш	20 дақиқа

мустах камлаш	уларнинг тинглаш жавобини		
5-босқич Тест ечиш	Тест саволларига жавоб топишни кузатиб бориш	Мавзуга мос тестни ечиш	20 дақиқа
6-босқич Якуний	Мавзуни яқунлаш, уйга вазифа бериш	Уйга вазифани ёзиб олиш	5 дақиқа
Жами			80 дақиқа

Машғулотлар бўйича умумий баҳолаш мезонлари

Т/р	Мезонлар	Баҳо
1.	Фан бўйича ўтилган мавзу мазмунини чуқур ва тўла эгаллаб олгани, ўқув материалидаги назарий ва амалий машғулотларда ўрганиладиган билимларни фактик жиҳатларни ажрата билганлиги, ўқитувчи томонидан берилган саволларга эркин, ижодий фикрлаб жавоб қила олгани, айтилган таъриф ва тушунчаларни изоҳлай билгани, шунингдек, жавоблар тўғри услубда, ижодий, ишончли ва беҳато бўлиши керак.	аъло
2.	Дарсдан кутилган натижага тўлақонли эришилган, лекин таълим олувчи топшириқларни бажаришда ноаниқликларга, жавоб мазмунида, шакли ва услубида айрим хатоларга йўл қўяди. Дарсдан кутилган натижага қисман тўлиқ бўлмаган ҳолда эришилади.	яхши
3.	Фан бўйича таълим олувчи ўқув материалидаги асосий боғланиш ва қоидаларни ўрганганлиги, тушунганлигини англатади. Лекин у тушунчаларни, амалий топшириқлар мазмунини етарли даражада чуқур эгаллаб олмаганлигидан далолат берадиган хатоларга йўл қўяди, айтадиган фикрни	қони- қарли

	баён эта олмайди. Жавобида бирлик йўқ бўлади. Жавоб тўғри бўлса ҳам, у алоҳида, тарқоқ фикрлардан иборат бўлади. Жавоб беришда иккиланади, кўп ҳолларда таълим берувчининг ёрдами билан жавоб беради.	
4.	Таълим олувчи фан бўйича системасиз, тарқоқ билимларга эга бўлганлиги учун қўйилади. Назарий ва амалий топшириқлар мазмунни бир-биридан фарқини билмайди. Жавоб бериш мазмунида қўпол хатоларга йўл қўяди. Фан бўйича ёд олинган ибораларни такрорлайди, амалий топшириқларни мустақил бажара олмайди.	қони-қарсиз

Учинчи боб бўйича хулосалар

Талабаларнинг маънавий-ахлоқий камолоти тизимини такомиллаштиришда Машраб асарларидан фойдаланиш тизими ҳақида хулоса қилинганда, қуйидагиларни қайд этиш мақсадга мувофиқ;

биринчидан, талабалар маънавий-ахлоқий камолотини шакллантиришнинг дидактик таъминоти адабиётшунос педагоглар Н.Комилов, И. Ҳаққул, Б.Дўстқораев, Н.Жумахўжа каби мунаққидлар тоталитар тузум давридаги синфийлик нуқтаи назаридан кўра, замонасозликдан холи, мустақилликдан кейин унинг ижоди тор доирада эмас, балки холисоналик руҳида ўрганилаётганлигини таъкидлашган.

Машраб Марказий Осиёнинг деярли ҳамма шаҳар ва музофотларини кезган, халқнинг ижтимоий аҳволдан хабардор бўлган, уларни маърифатга, илмга чорлаб, ўтли ғазаллар битган. Унинг шеърлари халқчиллиги, жаҳолат ва бидъатга қарши кураш ғояларини кучайишида, шеърятнинг такомиллашуви ва бадииятнинг камолга эришувида муҳимлиги билан бетакрордир. У ўзбек педагогикаси тарихида маърифий фикрлари билан ўзига хос мактаб яратган шоир ва бой мерос қолдирган улуғ, устоз муаллимдир. У “Фақирлар шоҳи, “Суврати башар, сийрати малак” шериятдаги мақоми “Қудсий калом, ҳақиқат

қидирган зот” унинг девоналиги замирида эса энг олий маърифатга эришган зот тимсоли мужассам эди.

иккинчидан, талабалар маънавий-ахлоқий камолотини таъминлаш тизимини шакллантириш хусусида Машраб педагогик қарашларида унинг илм – фан, таълим – тарбия, панд – насихат, ахлоқ, ибрат, намуна бўлиш ҳақидаги ғоявий қарашлари, ўғитлари тоат – ибодат, тавба – тазарру, истиғфор ва муножот, Аллоҳга доим сажда қилиш каби таълимий- ахлоқий, дидактик ғоялар билан суғорилган: Барчалар ёнди гуноҳдин, манки ёнмасман хануз, - дея фоний дунёда авлиёлардек муаззам комил инсон бўлай десанг, Ҳаққа фақат тавба қилиб, истиғфор айт дея, - таълим берган: “Машрабо, ҳеч қанда қилма дилдин истиғфорни”.

Машрабнинг ижтимоий – маънавий ва дидактик қарашлари хулқ – одоб, таълим – тарбия, панд –насихат тарзидаги ғазаллари фалсафийлиги, бадийлиги билан бугунги педагогика тарихи фани талабларига жавоб бера олади.

учинчидан, талабалар маънавий-ахлоқий камолотини шакллантириш тизими методлари (Бобораҳим Машраб асарлари мисолида) халқимиз педагогик меросининг турли усуллари ва замонавий тарбия воситаларидан фойдаланиш, бу эса таълим-тарбия мақсадларидан келиб чиқиб танланади. Бунда маъруза методи, семинар методи, ҳикоя методи, оғзаки методлар-суҳбат, тушунтириш, насихат, намуна кўрсатиш, мустақил мутола методи, луғат устида ишлаш, амалий методлар, намойиш қилиш усуллари, кўргазмалар ташкил этиш, саёҳат методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

IV-Боб. Талабалар маънавий – ахлоқий камолоти тизимини такомиллантиришнинг педагогик самарадорлиги ва тажриба-синов ишлари натижалари

IV. 1 Талабалар маънавий-ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизимини амалиётга жорий этиш

Дунё адабиётшунослигида Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб ва Хўжаназар Хувайдо ҳаёти, ижодий фаолиятини тадқиқ этиш ҳамда хориж университетларида ўзбек тили ва адабиёти дарсликларини яратиш борасида Германия, АҚШ, Франция, Россия, Туркия олимлари томонидан кўплаб изланишлар олиб борилган. Энг муҳими, бундай ишлар бизнинг тилимиз, адабиётимиз ва қалам соҳибларимизга бўлган юксак дўстона муносабат, қолаверса, улуғ тарихий шахсларимизга бўлган чексиз ҳурмат – эътибор намунасидир. Мусо Тоджихўжаевнинг фикрича: Бундай тадқиқот ва таржималарнинг яратилиши айни пайтда, Европа халқлари, хусусан, немис халқи билан Марказий Осиё, жумладан, ўзбек халқи ўртасидаги дўстлик, буюк биродарликнинг ёрқин намунаси ҳам эди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, немис шарқшуноси Мартин Хартманннинг ўзбек мумтоз адабиёти бўйича яратган таржима асарлари тенгсиз кадр – қимматга эга.³¹⁶

Бобораҳим Машраб ижоди Ғарбда-Европада XIX асрдан бошлаб ўрганила бошлаганлигини, унинг шеърлари таржима қилиниб, ғарб адабий доиралари

³¹⁶ Тоджиходжаев Мусо Муйдинбаевич. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари Мартин Хартманн таржимаси ва талқинида. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати, Наманган, 2021. –Б. 5.

фикрини ишғол қилганлигини французлар(фаранглар), немислар унинг ижоди юқори баҳолаганлигини қайд этиб ёзади: Шарқда Бобораҳим Машрабнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш унинг ҳаётлигидаёқ бошланган бўлса, Фарбда-Европада эса изчил ва илмий ўрганиш XIX асрдан бошланган.

Биз биламизки, Шарқнинг кўплаб буюк адиблари асарлари аллақачонлар Фарб тилларига таржима қилинган ва кенг ўрганилган. Жумладан, сўз мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ҳофиз Шерозий, Фузулий каби буюк шоирларнинг асарлари вафотларидан биров вақт ўтгач, Фарб адабий оламига кириб келганлар. Лекин гўзал ва ўйноқи, оҳангли, кенг маъноли ғазаллар соҳиби Машрабнинг ижоди наҳотки Европада қабул қилинмаган бўлса?! Бироқ кейинги тадқиқотларимизнинг натижалари шуни кўрсатаптики, ҳамюртимизнинг асарлари ҳам навоийшунослик, фузулийшунослик каби Фарб адабий доираларининг фикрини тортган. Нозик таъб французлар шеърят ихлосмандлари бўлмиш олмонлар, жаҳонгашта венгрлар Бобораҳим Машрабнинг ҳаёти ва ижодига юксак баҳо берганлар³¹⁷.

Машраб ижоди билан дастлаб Европа адиблари Ҳерман Вамбери, Дитрель де Ренн, Бернер Гренер, Йоханнес Аветараннанлар шуғулланган.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан Европа олимлари А.П.Хорошхин, В.П.Наливкин, Н.И.Веселовский, Н.Н.Пантусов, Н.С.Ликошин, В.Л.Вяткин, А.Карцев, Л.В.Дмитриева, Г.П.Снесарев, Н.П.Остроумов, Н.Э.Петровский, В.И.Беляев, А.Н.Кононов, Н.Д.Миклухо – Маклай, А.А.Молчанов, М.А.Салье, А.А.Семёнов, О.И.Смирнова, А.Э. Шмидтлар Машраб ижоди билан шуғулланиб, машрабшунослик – шарқшунослик фани тараққиётига ҳисса қўшганлар.

Замонавий машрабшуносликка катта ҳисса қўшган рус олимлари Н.С. Веселовский, В.Л. Вяткин, У.Е. Остроумов, Н.С. Ликошинларнинг хизматларини юксак баҳолагани ҳолда, улар билан тенг пайтда иш бошлаган Ҳерман Вамбери, Мартин Хартманн, Бернар Гренар, Дитрел де Рэн, Йоханнес

³¹⁷ Тоджихўжаев.Мусо. Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодининг хорижда ўрганилиши. Адабиёт кўзгуси. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти. 2000. –Б. 172.

Аветараниан, АҚШ Фанлар Академияси аъзоси, олмон шарқшуноси Аннамарие Шиммель каби тадқиқотчиларнинг бу борадаги хизматлари бениҳоя юксак эканлигини қайд этиш лозим.

Буюк олмон шарқшуноси, араб, форс, турк ва айниқса, ўзбек тиллари мутахассиси, исломшунос олима А. Шиммель Шарқнинг кўплаб мутасаввифлари қатори Бобораҳим Машрабнинг тасаввуфий қарашларини ҳам кенг ўрганган. Шиммель “Ипак йўли мерослари” китобининг “Германия ва Ўзбекистон” бўлимида машрабшуносликка катта ҳисса қўшган олмон шарқшуноси М.Хартманн ва можор шарқшуноси Х.Вамбери номларини эҳтиром билан тилга олади³¹⁸.

Ҳозирга қадар машрабшунослик билан Марказий Осиё хорижий Шарқ ва Россия олимлари шуғуллангани маълум бўлса, эндиликда Ғарбий Европа ҳамда Шимолий Америка шарқшунослари ҳам бу соҳада бир қатор тадқиқотлар олиб борганликлари аниқланди. Шу тариқа “жаҳон машрабшунослиги” деган янги атама пайдо бўлди. Ватанимиз олимларининг фаолиятига оид муҳим мулоҳазалар баён қилинган, шоирнинг янги топилган асарлари шарҳланган, ғазаллари бадиий – услубий ва ирфоний жиҳатдан таҳлил қилинган. Таъкидлаганимиздек, ҳозиргача Машраб асарларининг хорижий тилларга, хусусан, Ғарбий Европа ҳалқлари тилларига таржималари ўрганилмаган ва бу хусусда махсус тадқиқот яратилмаган.³¹⁹

Шунингдек, Машраб асарларининг Туркияда босилганлиги, айниқса, мутафаккирнинг “Мабдаи нур”нинг олти марта нашр этилиши, станбуллик Маҳмудбек матбасида чиқарилиши ҳақида файласуф М. Тоджихўжаев маълумот бериб қуйидаги фикрларни келтирган:

XIX аср охирлари ва XX аср бошларида Марказий Осиё зиёлилари Туркистон эҳтиёжи учун бир қатор китобларни Туркияда нашр қилдирганлар. Ушбу нашрлардан бири ҳақида проф. И.Абдуллаев “Бобораҳим Машраб, Мабдаи нур” китобининг 24-25 бетларида “Ҳозиргача бизга “Мабдаи нур” нинг

³¹⁸ Ўша манба. –Б. 171-172.

³¹⁹ Тоджихўжаев Мусо. Ўзбек адабиёти намуналари Мартин Хартманн таржимаси ва талқинида. -Т.: “Bayoz”, 2016. -Б. 60.

олти марта нашр қилингани маълум” деб, ўша китобларнинг нашр йили, жойи, кимнинг эҳтимоми билан нашр этилгани ва Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида белгиланган тартиб рақамлари келтирилган. Шунда олтинчи рақам остида куйидаги ёзувни ўқиймиз:”...Сиддиқ хожа Хожандий эҳтимоми билан 1319 ҳижрий йил сафар ойида (1901 йил мелодий) Истанбулда Маҳмудбек матбаасида босилган.³²⁰

Устознинг сўзларини яна бир бор тасдиқлаш учун Мартин Хартманннинг 1902 йил август ойида ёзилган «Доно дарвеш ва авлиё даҳрий» китобининг сўзбошисидан бир парча таржима келтирамиз:...”Мен умуман кутилмаганда унга эришдим. Стамбуллик китобфурушлардан бири 1901 йилнинг кузида менинг Марказий Осиё адабиётларига оид илтимосимга кўра, икки литографик усулда чоп этилган китоб кўрсатди ва ўқиб берди. Бири Хувайдонинг шеърий девони, иккинчиси Машрабнинг шеърий девони: биринчи китоб Хўжаназар Чимёнийнинг (Хувайдо унинг тахаллуси) шеърлари тўплами, “Девонаи Машраб” эса аксинча, Машраб тахаллусли кишининг кўплаб шеърларидан иборат ҳикоялари...”³²¹.

Мусо Тоджихўжаев немис олимлари Намангандек кичик шаҳардан Машраб, унинг устозлари, ҳаммаслак дўстлари чиққанлигидан, улар илмли эканлигидан ҳайратини яширмаганлигини, венгр олимлари эса Машраб кўлёмалари уларда сақланаётганлигини билдирганлигини айтади:

Наманган шаҳри асримиз бошларида Фарғона водийсининг гўзал масканларидан бири бўлиб, аҳолиси эса атиги 61 минг киши бўлган. Шундай кичик жойдан XVII-XVIII асрларда Машраб, мулло Бозор охунд ва тарихчи Зиёвуддин Исҳоқ Боғистоний каби буюк сиймолар чиққани олмон олимини ҳайратга солади. У Наманган ҳақида кенгроқ маълумот олиш учун олмон ориенталисти Ф. Шварцнинг «Туркистон» номли китобига мурожаат қилади. Бундан ташқари, Хартманн Қашқарда узоқ йил яшаган венгр ориенталисти Й. Аветрианиан билан ёзишиб, “Шоҳ Машраб” ва “Девонаи Машраб” ҳақида

³²⁰ Тоджихўжаев Мусо. Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодининг хорижда ўрганилиши. Адабиёт кўзгуси. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти. 2000. –Б. 172.

³²¹ Ўша манба. –Б. 172.

қўшимча манбалар сўрайди. Аветрианиан “Девонаи Машраб”даги ғазалларда кўплаб ғализликлар борлигини айтади ва Қашқардаги уйда Машраб, Офокхожа шахсларига оид ёзувлар борлиги “Девони Машраб”нинг нуқсонсиз, чиройли ёзилган қўлёзма, тошбосма нусхалари сақланаётганлигини билдиради. Бу ёзувлардан кўринадики, Бобораҳим Машраб ҳақида илк бор илмий изланишлар олиб борган олимлардан бири венгр олими Йоханнес Аветрианиандир³²².

Наманганлик Мусо Тоджихўжаев Бобораҳим Машраб ижодиётини ғарбда ўрганилишини тадқиқ этаётган тадқиқотчи. Мазкур тўпламда тадқиқотчининг «Бобораҳим Машраб шахсининг Оврўпача эътирофи» деган илмий мақоласи бор. Унинг эътирофича, Машраб ҳаёти ва ижоди нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам катта қизиқиш уйғотган. Машраб ҳаётини ўрганиш Европада XIX асрдан бошланган. Машҳур рус шарқшунослари Н.С.Веселовский, В.Л.Вяткин, У.Е.Остроумов, Н.С.Ликошинлардан ҳам олдин можор олими Ҳерман Вамбери «Чиғатой тили сабоқлари» асарида Машраб ғазалларидан намуналар берган. Ҳ.Вамбери кейинчалик яна Машраб мавзусига қайтиб, у «Марказий Осиёнинг икки – замонавий шоири – Мунис ва Амирий» деб номланган асарида Машраб ижодига баҳо бериб ўтган.³²³

Ф.Гренар ва Дитрел де Рен каби француз адабиётшунос ва этнографлари 1895 йилда Марказий Осиёга сафар уюштириб, унинг таассуротлари ва натижаларини «Буюк Осиёга илмий сафар» номли китоблар ёзганлар. Бу китобда Машраб шахси, яшаган даври ва ғазалларига тўхтанган. 1900 йилда бу икки француз тадқиқотчиси Парижда ўтказилган шарқшуносларнинг халқаро конгрессида шу мавзуда доклад қилганлар.³²⁴

“Европада машрабшунослик мактабининг шаклланиши” номли биринчи фаслда жаҳон адабиёти ва фалсафасида Машраб бадиияти ва фалсафий қарашлари асосида шаклланган асарлар ҳақида сўз юритилади.

³²² Ўша манба. –Б.173.

³²³ Мусо Тоджихўжаев. Бобораҳим Машраб шахсининг Оврўпача эътирофи. Олими нуқтадон манам. Тўплам. -Т.: 2006. –Б. 131-132.

³²⁴ Ўша асар, ўша жой.

Вамберининг 1867 йилда Германиянинг Лейпциг шаҳрида нашр қилган “Chahataische Sprachstudien” (Чифатой тили дарслиги) китобидаги “ Куйди жоним ўртаниб, ул ёр келмайдур хануз, Жон димакка етти, ул дилдор келмайдур хануз” байти билан бошланувчи ғазали ҳақидаги маълумотлар бизнинг тадқиқотларимизга қадар маълум бўлса-да, аммо бу ғазал Ўзбекистондаги мавжуд адабиётларда учрамайди.

М.Тоджихўжаев Машраб ҳақидаги фикрларни, ғализ бўлса-да, айнан келтирган: «... Мен эшитган дostonларнинг кўпчилиги, жумладан «Аҳмад ва Юсуф» эпоси ҳамда халқ калбини чуқур эгаллаган муқаддас Туркистоннинг кувноқ ва ғаройиб дарвеш, қаландар Машраб ҳикояти машҳур китоблардан жой олганлар. Рабле ва Диоганнинг бир-бирига аралаштириб юборилган афсонавий манбаларида ёзилишича, ўнганмас, дайди сайёҳ, тўрваю таёғидан бошқа бисоти йўқ, майпараст бу дарвеш ёруғ оламнинг буюк кишиларини ўзича масхаралаб, уларнинг устидан кулиб юрган. Мухтожларга ёрдам беришга доим тайёр, сабр-тоқатли, ҳаётини зое ўтказган, гоҳо ақли, гоҳо телба, шу билан бирга жиддий инсон бўлмиш бу Машраб раҳмдил Аллоҳга аталган ҳамду санолар, шукроналик ҳамда амру маъруфчиликни эрмак қилиб мазахлайди. Ўзининг бу қилиқларини турли уйдирмалар билан оқлаб юради...»³²⁵

М.Тоджихўжаев германиялик шарқшунос Хартманн Марказий Осиё тадқиқига бағишлаб юзлаб асарлар ёзганлигини, Машраб ижоди билан шуғулланганлигини, у ҳам 1902 йилда «Девонаи Машраб» ва «Шоҳ Машраб» асосида «Машраб-доно телба ва авлиё даҳрий» асарини ёзганлигини келтирган.

М.Хартманн Машраб асарларининг Қашқар ва Марказий Осиёдаги аҳамияти ҳақида маълумот сўраб, олмон шарқшуноси Йоханнес Аветаранианга мурожаат қилган. Йоханнес Аветараниан 5 йил давомида Шарқ адабиёти ва тарихига оид кўплаб материаллар тўплаган ва шулар асосида бир қатор асарлар яратган. Жавоб хатида жаноб Аветараниан М.Хартманн қўлида «Шоҳ Машраб» маноқибда кўплаб хатоликлар ва ғализликлар борлигини билдирган. У

³²⁵ Тоджихўжаев Мусо. Ўзбек адабиёти намуналари Мартин Хартманн таржимаси ва талқинида. –Т.: “Bayoz”, 2016. –Б. 132.

Қашқардаги уйда «Шоҳ Машраб» ва «Девони Машраб»нинг беҳато ва чиройли ёзилган нусхалари қолганини билдирган ва таржимонга ўзининг маслаҳатларини берган.

Хартманн 1900 йилда Туркиянинг Истанбул шаҳрида туркий тиллар бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борётганда маҳаллий китобфирушлардан Бобораҳим Машраб ва Хўжаназар Хувайдо девонларини сотиб олган. Китоблар Истанбулдаги Маҳмудбей босмахонасида Марказий Осиё китобхонлари учун нашр қилинган бўлиб, уларнинг барчасини ватанга олиб келиш режа қилинган эди. Аммо уддабуррон турк савдогарлари айрим китобларни ўзларига олиб қолишган.³²⁶

Хартманн “Шоҳ Машраб” маноқибдаги ғазалларни тушириб қолдириб, ҳикоятларни қисқартириб, таржима қилган, китобнинг тили ва шеърларнинг бадиий – стилистик таҳлили ҳақида қисқа мулоҳазалар билан чекланган. Бунгача араб, форс ва турк тилларидан кўплаб шеърӣй ва насрий асарлар таржима қилган, адабиётшуносликка оид илмий асарлар ёзган Хартманнни маноқибдаги Машраб ғазалларидан кўра китобда илгари сурилган Шарқ диний – маърифий ва фалсафий ғоялари кўпроқ қизиқтирган. Қаландар ва дарвеш – девоналар ҳақида Европа ва Шимолий Америкада кўплаб асарлар телба, ҳам авлиё ҳам даҳрий Машраб образи Европа учун янгилик эди. Ҳолатни муаллиф шундай изоҳлайди: ... Такрор бўлса ҳам айтаманки, журналнинг бу сонида аввало, диний – маърифий мавзудаги халқ китоби ва унинг миллатлар кўнглидан мустаҳкам жой олиб, миллионлаб кишиларни фикрлашга ундовчи, ҳиссиётга чорловчи халқ қаҳрамони ҳақида мухтасар ҳикоя қилмоқчиман.³²⁷

Тадқиқотчи М.Тоджихўжаев фикрича, М.Хартманн маноқибда келтирилган тарихий шахсларнинг фаолияти ва ривоятлардаги воқеаларни ойдинлаштириш учун инглиз, немис, француз, турк ва форс тилларидаги ўнлаб китобларни ўрганиб, уларни қиёслаб, ўзининг хулосаларини баён қилган. «...

³²⁶ Тоджихўжаев Мусо Муйдинбаевич. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари Мартин Хартман таржимаси ва талқинида. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати, Наманган, 2021. –Б.15.

³²⁷ Hartmann M. Der weisse Narr und fromme Ketzer // Der islamische Orient. Berichten u. Forschungen.V. – Berlin, 1902. – S. 190.

Бошқача қилиб айтганда, – деб ёзади у, – Машраб тахаллусли шоирнинг яшаб ўтганига шубҳам йўқ. Унинг ўзига хос ғоявий йўналиши эса бу шахснинг буюклиги белгисидир. Бу ғоялар шоирнинг шеърларида ифодаланган. Сўнгра улар турли ҳикоятлар билан ўралган»³²⁸

Мартин Хартманн “Девони Машраб”ни қандай усулда топгани аниқ ёзилган, бироқ, “Шоҳ Машраб” асарини қандай тарзда қўлга киритганини билмаймиз. “Доно дарвеш ва авлиё даҳрий” китобининг матни остида шундай сўзлар ёзилган : “ ... Юқорида 1318 йил раби – ул – охирнинг биринчи кунда чоп этилган Истанбул литографиясин ташқари (гап “Девони Машраб ҳақида кетяпти. –т М.Т) мен таржимонда 1316 ҳижрий ака – ука Порцевлар матбаасида Тошкентда нашр қилинган ва 1898 йил 2 октябрь кунги цензура белгиси билан рақамланган 158 бетли “Шоҳ Машраб” номли китоб ҳам бор...”³²⁹.

Олмон шарқшуноси мана китобни ўқиб чиқиб, улар асосида 1902 йилда “Доно дарвеш ва авлиё даҳрий” китобини ёзади. Китоб кириш ва асосий қисмлардан иборат бўлиб, кириш қисмида Бобораҳим Машрабнинг таваллуд жойи Наманган шаҳри эканлиги, унинг яқинлари – отаси, онаси, синглиси ва устози мулло Бозор Охунд ва унинг мактаби, Наманган шаҳри марказидаги бозор, бозор яқинида жойлашган ҳовуз ҳам муаллифнинг эътиборидан четда қолмаган. Китобда Наманган шаҳри жами 5 марта тилга олинган. Бундан сал кам 100 йил илгари ёзилган бу ватандошимизнинг таваллуд йили ва она шаҳри аниқ кўрсатилган бўлса -да, айрим ўзбек адабиётшунос олимларимиз шоирнинг туғилиб ўсган жойини иккиланиброқ бошқа шаҳарга ўтказиб юборганлари таассуфлидир.³³⁰

Тадқиқотчи Машрабнинг туғилиб ўсган юрти Наманган шаҳри эканлигини таъкидлаб, унинг ота-онаси ва устози ҳақида мухтасар маълумотлар берган. М.Хартманн таржимани тугатиб, уни журналда чоп эттирган, 1902 йилнинг кузида Марказий Осиёга сафар уюштирган. У Қашқар, Ўзбекистон,

³²⁸ М.Тоджихўжаев. Бобораҳим Машраб шахсининг Оврўпача эътирофи. Тўплам. –Б. 137.

³²⁹ Тоджихўжаев.Мусо. Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодининг хорижда ўрганилиши. Адабиёт кўзгуси. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2000. –Б. 173.

³³⁰ Ўша асар. –Б. 173.

Қирғизистон ва Тожикистон шаҳар ва қишлоқларини кезиб чиққан. Қашқарда маҳаллий олим Орифдан сабоқ олган. Оксувда «Девони Машраб»нинг айрим бобларини таҳлил қилган.

Сафар таассуротлари ҳақида М.Хартманн «Қадамжо» мақоласини яратиб, 1903 йилда «Ориенталише литературцайтунг» журналида эълон қилган.

Мақолада олим ва сайёхнинг Хитой ва Қирғизистон тоғликларидаги Машраб қадамжолари, оддий халқнинг шоирга бўлган муносабати баён қилинган. У Машраб қатлини 1693 йил деб ёзган.

М.Тоджихўжаев бу сафарни Европада машрабшуносликка қўшилган янги бир ҳисса деб баҳолаган. 1904 йилда М.Хартманнинг Марказий Осиё китоблари коллекцияси орасида 6 та «Шоҳ Машраб» ва «Девона Машраб» китоблари ҳам ўрин олган бўлиб, сўнгра уларнинг нашр йили, ҳолати ва мазмуни тасвирланган.

Бобораҳим мулло Вали ўғли Машраб ғарбда ҳам, худди шарқдаги каби афсоналарга бурканган шахс, ажойиб лирик ва сўфий шоир сифатида эътироф этилган, деган фикрга келади, М.Тоджихўжаев.

Марказий Осиё маданияти ва адабиётининг мухлислари бўлмиш француз шарқшунослари Фердинанд Гренар ва Дитрёл де Рэн 1890 – 1895 йилларда Туркистонга илмий сафар уюштирганлар. Сафар натижаси сифатида 1897 – 98 йилларда Парижда 3 жилдан иборат “Mission scientifique dans la Haute Asie” (Буюк Осиёга илмий сафар) номли китоб чоп қилинди. Китобда Марказий Осиё халқларининг тарихи, маданияти, адабиёти ва тили ҳақида кенг маълумот берилган бўлиб, Машраб ҳақида қуйидагича фикр билдирилган:³³¹

“... Мен эшитган ғазалларнинг кўпчилиги, шунингдек, “ Аҳмад ва Юсуф” қиссаси ва халқ кўнглига чуқур ўрнашган муқаддас Туркистоннинг қувноқ ва ғаройиб дарвешини, қаландар Машраб ҳикояти машҳур китоблардан ўрин олган. Раблэ ва Диогеннинг бир – бирига аралаштириб юборилган афсонавий манбаларида ёзилишича, ўнганмас дайди, тўрва – ю, таёғидан бошқа бисоти

³³¹ Тоджихўжаев Мусо. Ўзбек адабиёти намуналари Мартин Хартманн таржимаси ва талқинида. –Т.: “Bayoz”, 2016. - Б. 63.

йўқ, майпараст бу дарвеш ёруғ оламнинг буюк шахсларини ўзича масхаралаб, уларнинг устидан кулиб юрган. Муҳтожларга ёрдам беришга доимо тайёр, сабр – тоқатли, гоҳо доно, гоҳо телба, ҳаётини зое ўтказган ва айни пайтда жиддий бу Машраб ўзининг хатти – ҳаракатлари ва сўзлари билан раҳмдил Аллоҳга айтилган ҳамду санолар, шукроналик, фарзи номоз ва амр маъруфчиликни масхаралайди. Ўзининг бу қилиқларини турли уйдурмалар билан оқлаб юради.³³²

“Шоҳ Машраб”да берилган тарихий фактлар, шахслар номи ва саналар билан бир қаторда ривоятлар ҳам олмон шарқшуносининг эътиборини тортганини пайқайди. Фикримизнинг исботи учун, Машрабнинг Шайх Нуриддинни шайтонлар чангалидан қутқариш учун йўлга чиққач, тоғ довоида Офокхожа томонидан дарвеш шоирга совға қилган муқаддас Қуръонни ўғирлаш нияти бўлган ўғри воқеасининг жойи Хартманннинг фикрича, халқ китобида нотўғри берилган. Бу воқеа Ўксалурда-қирғизлар қишлоғида рўй берган деб билади. Мақолада оддий халқнинг Машрабга бўлган муносабати, дарвеш шоир номи билан боғлиқ доvon, турли мазорлар, чегара пости ҳақида сўз юритганда, Европа кишиларининг маҳаллий аҳолига бўлган ҳурмати ҳам акс эттирилган. Лекин кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, мақолада Машрабнинг вафоти 1105 ҳижрий (1693 мелодий) деб берилган. Бу янглишиш сабабини қуйидаги икки факт билан изоҳлаш мумкин: М. Хартманн жойларда турли кишилар билан мулоқотда бўлган. Бу кишилар шоирнинг ҳаёт йўлини турлича талқин қиладилар, уларнинг маълумотлари кўпинча бир-бирига зид эди. Инглиз шарқшуноси Ховарт Афғонистондаги ҳукмдорлардан иккита Маҳмудларни ўзининг “Туркистон” номли китобида келтирган.

Масалан, “Туркестанские ведомости”нинг 1896 йил сонида П.Л.К.Ю. ўзининг «Марғилон мактублари» мақоласида рус ўқувчиларини Машраб ҳаёти ва ижоди билан таништириш зарурияти ҳақида ёзади. Профессор Н. И. Веселовскийнинг 1895 йилда Петроградда нашр этилган “Шарқ хотиралари” (“Восточные заметки”) китобидаги мазкур масалага доир фикрларни келтиради.

³³² Ўша асар. –Б.64.

Профессор Веселовский ўша асарида шундай деб ёзади: Девонаи Машраб-Ўрта Осиёда жуда ҳам машҳур бўлган беадаб, ҳазил-мутойибачи. Мазмунан одоб-ахлоқдан ташқаридаги ҳикматлар, панд-насихатлардан тузилган тўпламлари бор. Бизнингча, турли диний масалаларга муносабатда ҳурфикрли одам сифатида ҳамда ўзбеклар босқинигача бўлган давр халқ ақлий ҳаёти маҳсули сифатида бу шахс чуқур диққат-эътибор ва ўрганишни талаб этади. Девона маҳаллий руҳонийлар билан турли масалаларда доим баҳслашган ва ҳамиша ғолиб чиққан!³³³.

Машраб ҳаёти ва ижодий фаолияти деярли барча туркий халқлар адабиётида ўрганилган. Туркияда шоир мероси олий ўқув юртлари дастурларига киритилган. “Қиссаи Машраб” ва “Девони Машраб” манокиблардаги ғазаллар ҳам турк тилига ўгирилган, кўплаб нусхаларда босилиб чиққан ва кенг шарҳланган. Адабиётшунос олимлар ва адиблар қаландар шоир ҳақида кўплаб асарлар яратганлар.³³⁴ Айниқса, шоирнинг “Мабдаи нур” ва “Кимё” асарлари Туркияда кўп баҳс ва мунозараларга сабаб бўлмоқда. Айрим олимлар бу асарларни Жалолиддин Румий фалсафий қарашлари таъсирида ёзилган, мустақил асар деб ҳисобласалар, бошқа адабиётчилар “Маснавий маънавий”нинг ўзбекча таржимаси деб ҳисоблайдилар.³³⁵

Жумладан, адабиётшунос Исмаил Гулез “Mesreb in Kitabi, Mebde – I nuru” Mevlenanin Mesnevisinin serhimidur?” номли мақоласида Машраб меросининг Ўзбекистон ва Туркияда ўрганилишига оид кенг маълумотлар келтириш билан бирга шоирнинг “Мабдаи нур” китобидан парчалари турк тилига ўгириб, кенг шарҳлаган.³³⁶

Мақолада ўзбек машрабшунослари тадқиқотларига юқори баҳо берилган. Айниқса, профессор Исматуллоҳ Абдуллаевнинг бу борадаги хизматлари

³³³ Абдулла Жаббор. Исмингиз нима, Шоҳ Машраб? –Наманган: 2007. –Б. 40-41.

³³⁴ Бу ҳақда қ. Fuad Kuprulu/ Cagatay Edebiyati. Dslam Ansiklopedisi/ - Istanbul.MEB.1945, - S. 316.

³³⁵ Бу ҳақда қ. Abdalbaki Colpnarli.Mevlanadan sonar mevlevlik.2. baski. – Istanbul: dnkilar ve Aka. 1983. Sefik Can. Mevlana . Hayati , sahsiyati,fiklari. – Istanbul. Otuken, 1997. Esa Celik. Mevlenanin Mesnevisinin tergimi ve serhlari. A. U. Turkiyat Arastimalari Enstituti Dergisi, Sayi 19, Erzurum 2002. – S. 71 – 93.

³³⁶ Gules Ismail. Mesrebin Kitabi “ Mebdei nuru” Mevlenanin Mesnevisinin serhimidur? Ilmi Arastirmalar Dil ve Edebiyat Incelemeleri, 16 (Guz 2003), S. 135 – 142.

алоҳида таъкидланган. Туркияда Машраб ҳаёти ва ижодий фаолияти, шоир меросининг ўрганилиши, ижодининг турк шоирларига таъсири ва аксинча, турк шоирларининг Машраб ижодига таъсири ҳақида бир қатор докторлик тадқиқотлари ёзилган бўлиб, уларда асосан ўзбек машрабшуносларининг кучли таъсирини кўрамиз.³³⁷

“Девони Машраб” ҳикоятлари ва ғазаллари билан 1993 йилда француз тилига таржима қилинди. Таржимонлар Жан – Лу Бальп ва Ҳамид Исмоилов ҳамкорликда яратган бу асар Франциянинг “Галлимар” нашриётида “Serie Asie centrale” (Марказий Осиё китоблари серияси)да нашр қилинган... Муаллифлар француз ўқувчилари диди ва Шарққа бўлган қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, китобдаги ҳикоятлар сони ва ҳажмини бир мунча қирқартиришган. “Девони Машраб” маноқибни французчада “Le vagabond flamboyant” (Нур таратувчи дарвеш) деб аталган.³³⁸

Китобга Машрабнинг 55 та ғазали, 4 та мухаммаси ва 2 та мураббаъси французча таржималарда киритилган. Ғазалларда, асосан муҳаббат мавзуси устувор бўлса – да, улар шоирнинг ижодий йўналишини намоиш қилиши кўзда тутилган. Матн остида ғазалларда учрайдиган айрим ибора, миллий ва диний хосликларга изоҳлар берилган. Муаллифлар китобга кириш сўзи ёзиб, унда Фарғона водийси, Наманган ва Машраб ҳаёти, ижодига мухтасар маълумот бериш билан бирга ғазал жанри ҳақида ҳам тушунчалар берганлар.

“Нур таратувчи дарвеш” китобининг энг муҳим хусусияти унинг маънавий – ахлоқий йўналишдалигидир.³³⁹

Бобораҳим Машраб асарлари Америка қитъасида ҳам юксак қизиқиш билан ўрганилмоқда. Кузатишларимиз натижаси шуни кўрсатмоқдаки, немис шарқшуноси Мартин Хартманннинг “Машраб – доно телба ва авлиё даҳрий”

³³⁷ Mahmud Fidaci. Sah Mesreb menekib – nemesi (dnceleme – Metin – Sozlu). – Istanbul Universiteti Sosial bilimlar Enstitusi (Yayilamamis Doktora tezi). – Istanbul, 1994. // <http://www.yok.gov.tr>. Hatice Aynur . Universitetlerde eski turk edebiyati calishmalari , tezler, yayınlar, heberler, 1 – 12. – Istanbul. 2000 – 2002. Sevkiye Kazan. Turk dili ve edebiyati, tarih dncelemeleri/ - S. 13/2002, S. 229 -271, S. 14/2002, S. 277 – 301.

³³⁸ Der Dichter Maschrab.// Literaturen der Volker der Sowjetunion Hg. Prof. Dr. Yarri Junger. – Leipzig. VEB Bibliographisches Institut, 1967. – S. 116.

³³⁹Годжихўжаев Мусо. Ўзбек адабиёти намуналари Мартин Хартманн таржимаси ва талқинида. –Т.: “Bayoz”, 2016. -Б. 70 -71.

мақоласи Европа ва Шимолий Америка мамлакатларида катта қизиқиш уйғотган. Маноқиб ҳикоятларидаги динлараро, миллатаро ва маданиятлараро бағрикенглик исломий бўлмаган халқларнинг ҳам меҳрини қозонган. Мақола нашрдан чиқиши билан Европа ва Шимолий Америкадаги турли миллий ва диний ташкилотларнинг нашрий органлари томонидан қайта босилган ва шарҳланган. Жумладан, 1903 йилда Германия халқшунослик жамияти (“Verein fuer Volkskunde”) расмий органи – “Zeitschrift fuer Volkskunde” (Халқшуносликка оид журнал)нинг 13 – 14 – қўшма томларида Хартманннинг ушбу асари шарҳлар ва қўшимчалар билан босилиб чиқди.³⁴⁰ 1904 йилда мақолага Хессен ўлкаси халқшунослик жамияти органи – “Hessische Blaetter fuer Volkskunde” (Хессен халқшунослик журнали)да муносабат билдирилди ва кенг шарҳланди.³⁴¹

АҚШ Чикаго университети диншуносликка оид – “The American Journal of Teology “ (Америка диншунослик журнали)нинг 1904 йил апрел сонида диншунос олим Ж.Р.Жеветт (J.R. Jewett) исломшунослик соҳасида нашр этилган янги асарларни шарҳлаб Хартманн мақоласига махсус тўхталган.³⁴²

Машраб шеърлари инглиз тилига таржима қилинган ва Шарқ қўшиқлари фестивалларида ижро этилган. АҚШнинг Юта штати Сольтсти шаҳрида яшовчи Альфредо исмли қўшиқчи Машраб ғазали билан ажойиб бир қўшиқ яратган. Қўшиқ тингловчиларга жуда манзур бўлгани ҳақида интернет саҳифаларида маълумотлар берилган. Бу хусусда машҳур араб қўшиқчиси Самира Саид шундай ҳикоя қилади:

... Бирдан даврага, ҳаммани ҳайратга солиб, Альфредо чиқиб келди. Мен у билан 14 йиллик танаффусдан сўнг кўришяпман. У менинг биринчи устозим. Альфредо Ўзбекистон худудида 1700 йилларда яшаб ўтган шоир Бобораҳим Машраб шеъри билан ажойиб қўшиқ куйлади. Қўшиқ шу қадар жозибали эдики, ҳамма сеҳрлангандек эди. Альфредонинг ўзи эса ушбу қўшиқ

³⁴⁰ Zeitschrift fuer Volkskunde. Band 13 -14 .Verein fuer Volkskunde. – Berlin. Verband Deutscher Vereine fuer Volkskunde . - 1903.

³⁴¹ Hessische Blaetter fuer Volkskunde. Band 3 . Hessische Vereinigung fuer Volkskunde. – Hessen, 1904.

³⁴² J.R. Lewett. Review. Recent on Literature on Islam, / The American Journal of Theology, vol . 8, N2 (April 1904) pp.429 – 431. / www. Jstor.org/stable

Машрабнинг инглиз тилига ўгирилган биринчи шеъри экани ва бундан илгари унинг ҳеч бир шеъри инглиз тилига ўгирилмаганини айтди ва шоир ҳақида маълумот берди.³⁴³

“Машраб қадамжолари бўйлаб шахсий экспедиция” деб номланган фаслда Хартманннинг 1902 йил сентябрь – 1903 йил апрел оyi давомида Туркистонга уюштирган илмий сафари ҳақида маълумотлар берилган.

“Девони Машраб” ва “Шоҳ Машраб” маноқибларидаги ҳикоят ҳамда ғазалларининг мазмуни ва моҳияти Хартманннинг Марказий Осиё ва Туркистон ҳақидаги тасаввурларини ўзгартириб юборди. Туркистон сафари учун Хартманн университет раҳбариятидан маблағ ололмагач, дўстлари ва яқинларидан кўмак олиб, сафарга чиқди. Тадқиқотчи сафар олдида илмий ҳамкорлари билан режаларини ўртоқлашди ва 8 бўлимдан иборат режа тузди.³⁴⁴

Дастлаб 4 ойга режалаштирилган экспедиция 7 ой давом этди. Илмий сафар учун 2 та гуруҳ тузилди. Биринчи гуруҳга Хартманннинг қайниси – шарқшунос олим доктор Эрнст Хардер бошчилик қилиб, Берлиндаги уйда Хартманн гуруҳини Европа ва Осиёдаги ҳамкорлари билан боғлаб турди, шунингдек, Хартмандан келган хат – хабар, мақолаларни Европадаги журналларга юборди. Иккинчи гуруҳ – сафар гуруҳига Хартманн ўзи раҳбар бўлди. Гуруҳда унинг аёли Элизабет фотограф, синглизси котиб вазифасида ишлади.

Хартманн гуруҳи Қора денгиз ва Каспий денгизи орқали 4 сентябрда Тифлисга кириб келди. Гуруҳ аъзолари Тифлистан Тошкентга ўтиб, 27 сентябрда Самарқанд орқали Қашқарга жўнади. 1902 йил 10 октябрда саёҳатчи олим Терек довони орқали Қашқарга етиб келди.³⁴⁵

Хартманн гуруҳи 7 ой давомида Ёркент, Хўтан, Ўқсалур ва Оқсув шаҳарларида, режа асосида, иш олиб борди. 1903 йил февраль оyi охирларида

³⁴³ Babarahim Mashrab./ 1) www.myspage.com/maharasha. 2) www.youtube.com/maharasha.

³⁴⁴ Тоджиходжаев Мусо Муйдинбаевич. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари Мартин Хартман таржимаси ва талкинида. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Наманган, 2021. –Б. 17.

³⁴⁵ Ўша манба, ўша жой.

Терек довони устидан Эргаштом ва Олуғчат кишлоқлари орқали Ўшга, ундан Тошкентга қайтиб келдилар. Тошкентда 15 мартгача бўлган экспедиция апрель ойининг охирларида Берлинга етиб келди. Экспедиция давомида тўпланган, аниқланган маълумотлар кўплаб асарлар ёзилишига манба бўлди. Жумладан, халқ оғзаки ижоди намуналари ёзиб олинди, таҳрир қилинди ва немис тилига ўтирилди, кўплаб китоблар сотиб олинди. Айниқса, Офоқхожа эшон шажараси ёритилган “Тазкираи азизон” китобининг кўплаб шарҳ ва изоҳлар билан таржима қилинган ғарб таржимашунослиги ва исломшунослигининг катта ютуғи бўлди.³⁴⁶

Экспедициянинг мақсадидан хабар топган маҳаллий аҳоли уларга жуда яхши муносабатда бўлди. Қашқарнинг турли доиралари уларни меҳмондорчиликка чақириб, ёрдамларини таклиф қилдилар. Албатта, бунга Хартманн ва оиласининг ислом аҳкомларини яхши билиши, Қуръон ва ҳадис илмини мукамал ўрганганлиги, Шарқ адабиёти ва тарихий чуқур эгаллаганлари сабаб бўлди. Хартманн Қашқар Шайхулисломи билан учрашиб, ундан зарур ёрдам олди. Шайхулислом унга “Девони Машраб” китоби таҳлили учун қашқарлик мулла Иброҳимбойни тавсия қилди. Немис олими мулла Иброҳимбой билан ҳижрий 1319 (мелодий 1900) йилда Тошкентда Ильин нашриётида босилган 157 саҳифали “Девони Машраб”нинг катта қисмини бадиий – стилистик таҳлил қилди.³⁴⁷

Бу китоб кейинчалик бошқа китоблар билан биргаликда Хартманн томонидан Германияга олиб кетилди. Хартманн коллекциясида жами 6 та “Шоҳ Машраб” ва “Девони Машраб” номли тошбосма китоблар мавжуд бўлиб, уларнинг 4 тасини олим Туркистон сафари давомида сотиб олган.

Экспедиция давомида тўпланган материаллар кейинчалик кўплаб асарлар ёзилишига манба бўлди. “Қадамжой”, “Шарқни ўрганиш юзасидан маърузалар”, “Хартманнинг Шарқий Туркистонга оид кўлөзмалар тўплами”, “Туркистонда матбаачилик ва Хартманннинг туркий китоблари тўплами”, “Евроосиё

³⁴⁶ Ўша манба, ўша жой.

³⁴⁷ Ўша асар. –Б. 145.

тарихи”, “Ёркентдан топилган туркий матн”, “Қирқ чилтан тарихи”, “Тошкентдан топилган қабртош”, “Ислом мамлакатлари санъатидаги Шарқу Ғарб муносабатлари” каби мақолалари, доктор Футтерер билан ҳамкорликда ёзилган “Осиё бўйлаб” номли илмий – географик мавзудаги китоб, Муҳаммад Содикнинг Машраб пири – Офқоқхожа эшоннинг шажарасига оид “Тазкираи азизон” китобининг немис тилига таржимаси каби асарлар шулар жумласидандир.³⁴⁸

Машраб Хоразмда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига бориб, савдо – сотиқ қилувчи савдогарларга эргашиб Каспий денгизи орқали Озарбайжонга, у ердан Туркияга ўтган. Озарбайжонда Имомиддин Насимий адабий мероси ва хуруфийлик таълимоти билан яқиндан танишган. Машраб айнан Насимий таъсирида Жалолиддин Юсупов китобида аҳамият берган,³⁴⁹ “Хуруфи ҳижо”, “Хуруфи далолат”, “Алиф – лом” бадиий санъатларини ижодий ўзлаштиради ва унинг таъсирида асарлар яратади. Насимий каби инсон юзида ҳарфлардан тимсоллар яратди:

Қофу нун – кўзи лабинг, мадд алифу мадд -қошинг,

Рўйи асторинг бошингдан оёғинг Қуръон қиз.³⁵⁰

Машраб ҳаёти ва ижодини илмий асосда ўрганиш, XX аср бошларида Туркистонга келиб ишлаган рус шарқшунос олимлари томонидан бошлаб берилди. Юқорида тилга олганимиз Н.С. Ликошин мақоласи ва у тайёрлаган “Қиссаи Машраб”нинг русча таржимасидан кейин В.А.Вяткин (1869 – 1932) ва А. Карцевларнинг Машраб ҳаёти ва ижодига оид мақолалари эълон қилинди.³⁵¹

...Инглиз мусиқашунос олими Теодор Крейг Левин (Theodor Graig Levin) ўзининг “The hundred thousand fools of God” – (Худонинг юз минг дарвешлари) номли китобида кўплаб ўзбек мумтоз ва замонавий хонандалар репертуари ҳақида фикр юритилган. Китобда Яссавий, Навоий, Машраб, Хувайдо каби

387 Ўша асар. –Б. 145-146.

³⁴⁹ Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан. – Т., Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. –Б. -24-28.

³⁵⁰ Э. Мусурманов. Раҳимбобо Машраб ҳақида янги маълумотлар. - Самарқанд: СамДУ, 2015. –Б. 72.

³⁵¹ И. Абдуллаев. Мерос ва талкин. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2008. –Б. 221.

шоирларнинг шеърлари билан айтиладиган мумтоз кўшиқлар ижрочилари Жўрахон Султонов, Орифхон Ҳотамов, Муножот Йўлчиева, Юлдуз Усмонова ва бошқа кўплаб машҳур хонандаларнинг ижро маҳорати қаламга олинган. Унда Машраб шеърлари юз йиллар ҳам аввал куйга солингани, бу кўшиқларнинг ўзбеклар, уйғурлар, тожиклар, қирғизлар, яҳудийлар ва бошқа миллат кишилари томонидан севиб тингланиши, Машраб кўшиқларининг барча миллатларни ўзаро яқинлаштирувчи қудрати ҳақида сўз юритилган.³⁵²

Наманганлик Мусо Тоджихўжаев Навоий, Ҳувайдо, Машраб ҳақидаги тадқиқотида Машраб ижодининг Европа, Америка, Туркия, Россия, Озарбайжон ва бошқа халқлар томонидан ўрганилишини ва ўша халқлар томонидан шеърларининг севиб ўқилиши, омманинг шоир шахсиятига қизиқиши каби жиҳатларини кенг ёритган.

Ўзбек халқининг бой тарихи, тили, адабиёти, санъати, маънавий – маърифий мероси ҳақида ғарбда энг кўп асарлар ёзган шарқшунос олимлардан бири Эдвард Олвортдир.³⁵³

У “Замонавий ўзбеклар” ўн тўртинчи асрдан то ҳозирги давргача : - халқларнинг сабоқлари мавзуидаги 400 саҳифадан зиёд китобида ўзбек халқининг ўн тўртинчи асрдан йигирманчи аср охиригача бўлган тарихи, адабиёти, санъати ва турмуш тарзи ҳақида ҳикоя қилган. Унда илк ўрта асрлардан тортиб замонавий тарихимиз мухтасар ёритилган. Китобда ўзбек адабиётига кенг ўрин берилган. Илк ўрта асрлар туркий намоёндалари – Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Хўжаназар Ҳувайдо каби мумтоз адабиётимиз алломалари ва йигирманчи аср шоирлари ижодига мухтасар муносабат билдирилган.³⁵⁴

Машраб ҳаёти ва фаолияти батафсил ёритилган. Унда шоирнинг ўзига хос ҳаёт тарзи, фалсафаси ва шеърляти ҳақида кенг маълумот бор. Шунингдек, рисолада Машраб шахсияти ва меросининг Марказий Осиё, Россия ва

³⁵² Тоджихўжаев Мусо. Ўзбек адабиёти намуналари Мартин Хартманн таржимаси ва талқинида. –Т.: “Вауoz”, 2016. - Б. 74.

³⁵³ Ўша манба, ўша жой.

³⁵⁴ Ўша манба. –Б. 75.

жаҳоннинг бошқа шарқшунослари томонидан ўрганилиши далиллар асосида баён қилинган.³⁵⁵

Шеър ва ҳикоятлардан иборат “Девонаи Машраб” номли машҳур халқ китоби шоир ҳақида ёзилган, , ҳикоятларнинг бир қисми унинг ўзи томонидан ёзилган бўлса керак. Шоир номи бошқа китобларда ҳам кўп бора тилга олинган. Китобдаги ҳикоятларда кўплаб шахсларнинг номлари келтирилган. Авлоддан авлодга ўтиб келувчи шеърларни сон – саноксиз кишилар чин дилдан ёд олганлар. Рус шарқшуносининг фикрича, 1920 йилларда Марказий Осиё мусулмонлари орасида бу маноқибга тенг келувчи бошқа асар бўлмаган. Бу ажойиб асарда сўфий шоир ҳамда ва унинг исёнкорона руҳи ҳимоя қилинади. Олворт қаландар шоирнинг илк замонавий тадқиқотчилари ва шоир шахси ҳақидаги тортишувлар ҳақида ҳам маълумот берган.³⁵⁶

Хартманн 1900 йилларда Туркиянинг Истанбул шаҳрида турк тиллари бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган вақтда “Девони Хувайдо” ва “Қиссаи Машраб” каби китобларни қўлга киритди ва дарҳол уларнинг таржималари ва таҳлилига киришди. Хартманнинг ўзи бу ҳақда шундай ёзади:³⁵⁷

Мен бунга кутилмаганда эришдим, истамбуллик китобфирушлардан бири 1901 йилда Марказий Осиё туркий халқлари адабиётига оид илтимосларимга кўра , иккита тошбосма китоб кўрсатди ва ўқиб берди. Китоблар Туркистон халқлари эҳтиёжлари учун чоп қилинган бўлиб, биринчиси Хувайдо исмли шоирнинг девони, кейингиси эса Машраб девони эди...”Девони Машраб” ҳикоятлар тўплами, унда Машраб таҳаллусли шоирнинг кўплаб шеърлари жамланган.³⁵⁸

Матн ости изоҳларида муаллифнинг қўлида Машрабнинг 1318 ҳижрий йилнинг раббиул охир ойида чоп қилинган, 155 саҳифали истанбул нусха девонидан ташқари 1316 ҳижрийда Тошкентда Порцев босмахонасида чоп қилинган ва 1898 йил 2 октябрь цензура белгиси билан тасдиқланган. 158

³⁵⁵ Ўша манба, ўша жой.

³⁵⁶ Ўша манба. –Б. 76.

³⁵⁷ Ўша манба. –Б. 80.

³⁵⁸ Ўша манба, ўша жой.

саҳифали “Шоҳ Машраб” номли китоб борлиги ҳам ёзилган.”Хартманнинг Марказий Осиёга оид китоблари коллекцияси”да 7 -, 8 -, 9- ,10 -,11- ва 12 – рақамлар остида 6 дона Машраб маноқиблари кўрсатилган.Демак, муаллиф қолган 4 та девонни Туркистон сафари вақтида сотиб олган.³⁵⁹

... “Машраб, Ғаззолий, Мискин, Сўфи Оллоёр, Хушрўй, Бедил Мирзо ва Махтумқули каби халқ шоирлари ижодида шеърятнинг ажойиб намунасини кўрамизки, саҳродаги содда кўчманчилар ижодида бундай руҳиятни кўрганимиздан ҳайратдамиз” ...Аммо “Шоҳ Машраб” номли халқ китобидаги Машраб таҳаллуси билан ёзилган шеърлар ҳақиқий санъат намунасидир. Уларда кўчманчилар руҳиятининг учқуни ҳам йўқ!³⁶⁰

Хартманн “Шоҳ Машраб” номли маноқибдаги ғазалларни тушириб қолдириб, матнни қисқартириб таржима қилган, китобнинг тили ва шеърларининг вазни ҳақида батафсил сўз юритмасдан фақат қисқа мулоҳазалар билдириш билан чекланган. Мутаржим бу ишни бошқа ўринда бажарган.Бунгача араб, форс ва турк адабиётидан кўплаб шеърӣ ва насрий асарлар таржима қилган Хартманн маноқибдаги Машраб ғазалларидан кўра китобда илгари сурилган диний – маърифий ва фалсафий ғоялар кўпроқ қизиқтирган. Қаландарлар ва дарвеш – девоналар ҳақида Европада турли жанрларда , кўплаб асарлар ёзилган бўлса – да, бир пайтнинг ўзида ҳам шоҳ, ҳам қаландар, ҳам доно, ҳам телба Машраб образи Европа учун янгилик эди.³⁶¹

Такрор бўлса ҳам айтаманки, журналнинг ушбу сонидан аввало, диний – маърифий мавзудаги халқ китоби ва унинг миллатлар кўнглидан мустаҳкам жой олиб, миллионлаб кишиларни мулоҳаза қилишга ва ҳиссиётга чорловчи халқ қаҳрамони ҳақида мухтасар ҳикоя қилмоқчи эмасман, холос...³⁶²

Ўрта Осиё халқ китоби – “Шоҳ Машраб”да кўпгина қизиқарли нарсаларни кўрдим. Унда номоз ва рўза ибодатлари устидан ҳазил қилинган ва Ҳофизнинг байтлари Қуръон оятларига тенглаштирилган...Буларнинг ҳаммаси

³⁵⁹ Ўша манба. –Б. 80- 81.

³⁶⁰ Ўша манба. –Б. 81-82.

³⁶¹ Ўша манба. –Б. 82.

³⁶² Ўша манба. –Б. 82.

халқчил ва диний – илмий аҳамиятли бўлиб, ҳозиргача ҳеч биримизнинг назаримиз тушмаган. Яқин орада унинг қисқача маъносини изоҳлар билан бирор нашрга топшираман.

1902 йил 24 июндаги хатида Хартманн маноқиб устидаги тадқиқотларини тугатиб, нашриётга топширгани ҳақида ёзади:

Нихоят, “Машраб – доно телба...Марказий Осиё халқ китоби” нашрга кетяпти. Шоҳ Машраб ҳақида бирор маълумот биласизми? Билганингизда Сиз , шуменлик жаноб Аветаранианни ҳисобга олмаганда , Европада ягона олим бўласиз. Бу ғаройиб авлиё – Машраб ажойиб кароматлар қилган. Ишонаманки, менинг тадқиқотларим натижаси Сизни ҳам туркшуносликдаги тадқиқотларим билан яраштириб қўяди. Марказий Осиё кўплаб қизиқарли масалалару, нотаниш воқеалар макони. У ерга бориб, шу ажойиботларни териб келмоқчи бўлганларни, бу ерда қўлламайдилар. Бошқа ишларга эса пулни сочиб ташлайдилар...

Кўринадики, Шоҳ Машраб маноқибдаги ҳикоят ва ғазаллар Хартманн таржималаридан кейин Европадаги кўпчилик шарқшуносларни ҳаяжонга солган.³⁶³

Ҳақиқатдан, Гольциер Хартманннинг Машраб ҳақидаги фикрларини ўқиб, Туркистон ва унинг алломалари ҳақида янги тадқиқотларга киришди. У Машраб маслаги устида изланишлар олиб бориб, унинг маломатия тариқати вакили эканини аниқлади маломатийликни шундай шарҳлади:

Шоҳ Машраб ҳикояси мени қанчалик қизиқтириб қўйганини билсангиз эди. Мен бир неча тадқиқотлардан сўнг маломатийлар деб аталмиш дарвешлар турига тегишли жамоани пайқадим. Уларнинг мақсади турли, ғайри оддий, нолойиқ ҳаракатлар билан кишиларнинг ғазабини қўзғатиб, эътиборини ўзларига тортиш. Улар доимо эътиборда туришни хоҳлайдилар ва шунинг учун ғайриоддий қилиқлар қиладилар. Сизнинг Машрабингиз ҳам шундай маломатийлардан бўлса керак..³⁶⁴

³⁶³ Ўша асар, ўша жой.

³⁶⁴ Ўша асар. –Б. 85.

Хартманнинг яна бир илмий ҳамкори Йоханнес Аветараниан 5 йил давомида Қашқарда яшаган даврида Машраб ва бошқа туркий шоирлар ижоди билан яқиндан танишган эди. У турк адабиётидан немис тилига қилган таржималари билан ҳам ном қозонган. Хартманнинг Машраб ижоди ҳақидаги сўровига жавоб қайтарилиб, немис мутаржимининг кўлидаги Тошкент ва истанбул нашрларида кўплаб хатоликлар борлигини, ўзининг Қашқардаги уйда хатоларсиз, чиройли ҳуснихат билан битилган маноқиб қолганини ёзган. Хартманн Аветаранианинг бу фикларига қўшилмайди. Унинг ёзишича, маноқиблардаги айрим хатоликлар хаттотларнинг айби, ғазалларнинг айримлари нуқсонсиз.³⁶⁵

Хулоса шуки, Машраб тахаллусли шоирнинг яшаб ўтганига иккиланиш ўринсиз. Унинг асарлари фақат ўзига хос ва яққол кўзга ташланувчи диний характерли бўлиб, қадимий ҳикоятлар шеърларни ўзаро боғлаган...³⁶⁶

Кўринадики, хорижий машрабшунослар ўз олдиларига қўйган муаммолар билан ватанимиз машрабшунослари шуғулланаётган масалалар бир – бирига жуда яқин. Аммо ўзбек олимлари муаммо деб билмаган айрим масалалар хорижий шарқшуносларнинг тадқиқот объектига айланганини кўрамиз. Машраб мероси мавзуга мурожаат қилган олимларнинг қайси соҳага тааллуқли эканликларига қараб, шу соҳалар юзасидан фикр юритишган. Жумладан, 1995 - 96 йилларда француз тилига ўгирилган “Қиссаи Машраб” маноқибни – “Le vagabond flamboyant” (Нур таратувчи дарвеш) китобидан асосий мақсад Шарқ адабиёти ва маънавиятининг йирик вакиллари ҳақида Европа аҳлига маълумот олиш бўлса, иккинчи томондан Шарқ ахлоқ анъаналари билан ёшларни тарбиялаш эди. Америкалик Натан Лайтнинг диссертацион тадқиқотидан асосий мақсад, Туркистон фольклор тарихи ва унинг манбаларини ўрганиш бўлиб, Яссавий, Навоий, Машраб, Ҳувайдо каби мумтоз адабиётимиз вакиллари шеърларининг халқ оммаси томонидан ардоқланиб, куйга солингани ва бу кўшиқларнинг ижрочилари -охундлар ҳақида маълумот бериш эди.

³⁶⁶Ўша асар. –Б. 87.

Ўтган асрнинг бошларидаги рус олимларининг тадқиқотларида Марказий Осиё мусулмон дунёсининг алломалари ҳақида маълумот тўплаш бўлиб, мақсад маҳаллий миллатларнинг ўзаро бирлаштирувчи манбаларини тадқиқ қилиш эди. Мартин Хартманн тадқиқотларидан асосий мақсад эса Марказий Осиё халқларининг диний – маърифий адабиётини ўрганиш орқали маҳаллий аҳолининг исломга бўлган муносабатини кузатиш эди.³⁶⁷

“Қиссаи Машраб” даги ҳикоятларнинг Европа халқлари, қадимий араб ва яҳудий манбаларида ҳам учраши маноқибни ёзган муаллиф (ёки муаллифлар)нинг нақадар кенг билим эгаси бўлгани, у(лар)нинг Европа ва Яқин Шарқ мамлакатлари адабиёти билан яқиндан таниш бўлганини кўрсатади. Халқ китоблари услубида ёзилган бу асарда умумжаҳон адабиётининг, қолаверса, умуминсоний маданият излари ва ғояларининг узвийлигини сезиш мумкин.

IV.2. Талабалар маънавий-ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизимининг педагогик самарадорлигини аниқлаш мезонини ишлаб чиқиш

Ўзбек халқи асрлар давомида бениҳоя бой, хилма – хил оғзаки ва ёзма адабиёт яратди. Ўзбек оғзаки ва ёзма адабиёти, адабий тили ва педагогика тарихи, шунингдек, адабиётшунослиги тараққиёти натижасида ўтмишда жуда кўп адабиётшунослик терминлари шаклланди. Бу адабиётшунослик терминларининг такомилида адабий алоқалар салмоқли ўрин тутди, катта роль ўйнади. Маълумки, ўзбек халқи тожик, қирғиз, қозоқ, туркман, кавказ, эрон, араб, ҳинд халқлари ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқнинг бошқа халқлари билан яқиндан иқтисодий, маданий ва адабий алоқада бўлган. Адабий алоқалар адабиётшунослик терминлари тараққиётида ҳам чуқур из қолдириб, ҳамса, ғазал, рубоий, маснавий, мухаммас, мусаддас, тажнис, тазод каби жуда кўплаб муштарак терминларни вужудга келтирди. Ўтмишда вужудга келган

³⁶⁷ Ўша асар. –Б. 92.

адабиётшунослик терминларининг кўпи ҳозирги кунда ҳам илмда ва адабий ижодда яшаб, кенг қўлланиб келмоқда.³⁶⁸

Ўзбек классик поэзиясида кўп тарқалган лирик жанрлардан бири мустазоддир.

Алишер Навоий “Мезонул-авзон” асарида мустазодга бундай таъриф беради:

“Ва яна бу халқ орасида бир суруд бор экандурким, ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнида анга байт боғлаб битиб, анинг мисрасидин сўнгра ҳамул баҳрнинг икки рукни била адо қилиб, суруд нағамотиға келтурурлар эрмиш ва ани “мустазод” дерлар эрмиш, андоқким (мустазод):

Эй, хуснунга зарроти жаҳон ичра тажалли,

Мафъулу мафойилу мафойилу фаулун

мазҳар сенга ашё,

мафъулу фаулун.

Сен лутф била кавну макон ичра мувалли,

олам санга мавло”³⁶⁹.

Навоий таърифидан маълум бўладики, мустазод ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф (мафъулу мафойилу мафойилу фаулун) вазнида ёзилиб, охирги икки рукнига мос тўла бўлмаган мисра орттирилган экан. Мана шунинг учун бу жанр бир-бири билан алоқада бўлган орттирма маъносини берувчи мустазод (зиёдалиқ) деб аталади. Бошқа муаллифлар ҳам мустазоднинг шу хусусиятини ифодалаб, мулоҳаза юритганлар. Мустазоднинг ғоявий-тематик мундарижаси худди ғазалники сингари бўлганидан ўтмиш муаллифлар мустазодни тематик-ғоявий хусусиятларини алоҳида ёритмаган бўлишлари мумкин.

Янги замон адабиётшунослари мустазод ва унинг келиб чиқиши, хусусиятлари тўғрисида, ғазалга алоқаси ҳақида қимматли фикрлар берадилар.

³⁶⁸ Н. Ҳатамов. Б.Саримсоқов. Адабиётшунослик терминларининг русча – ўзбекча изоҳли луғати. -Т.: “Ўқитувчи”, 1979. -Б. 6.

³⁶⁹ Алишер Навоий. Асарлар. XIV том. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967. – Б. 180-181.

Чунончи турк адабиётшуноси Огоҳ Сирри Левенд, Е.Э. Бертельс, А. Ҳайитметов, Э. Рустамов, М. Зокирий ва бошқалар мустазод, унинг хусусиятлари ҳақида фикр юритиб, унинг ғазалга ўхшашлигини, ундан ўсиб чиққанлигини таъкидлайдилар. Жумладан, профессор Е.Э. Бертельс қуйидагиларни ёзади:

“Мустазод нисбатан камроқ учрайдиган формалардандир. Бундай шеърлар қуйидагича тузилади: ўз шаклига эга бўлган одатдаги ғазалга ҳар мисра охирида қофиядан сўнг ўша вазннинг бир ёки икки стопаси қўшилади. У янги қофияга эга бўлиб, ғазалнинг умумий қонуниятларига бўйсунди. Бу қўшимча ўзига хос нақоратдир”³⁷⁰.

Адабиётшунос олим А. Абдуғафуров Машраб шеъриятнинг мустазод ва мурабба жанрида сермахсул ижод қилган шоир эканлигини таъкидлаб ёзади:

Машрабнинг адабиётимиз тарихидаги улкан хизматларидан бири қатор лирик турларнинг шеъриятимизда узил-кесил қарор топиши ва шакл сифатида қатъий ўрин эгаллашида юзага чиқади. Гап моҳият эътибори билан соф лирик тур бўлган ва ҳанузгача илмда деярлик ўрганилмаган мустазод ва мураббалар ҳақида бормоқда. Шоир ижодий фаолиятининг бу соҳаси амалий аҳамиятини яхшироқ тасаввур этиш учун шуни айтиш керакки: Алишер Навоийнинг ўн олти адабий турда уч минг бир юздан ортиқ шеърларини ўзида жамлаган «Ҳазойин ул маоний» девонида фақат тўрт донагина мустазод учрайди, мурабба туридан эса умуман намуналар йўқ³⁷¹.

Навоий ижодий меросида мустазодлар сон жиҳатидан кўп эмас. Аммо шоир лириканинг бу ўйноқи турига ҳам алоҳида аҳамият беради. “Ҳазойин ул-маоний”ни ташкил этувчи девонларнинг ҳар бирига, шоирнинг ўз иборалари билан айтганда, “дилпазир мустазодлар”дан киритилиши, бизнингча, тасодифий бўлмаган: бу билан улуғ шоир мустазоднинг шеъриятимизда ғазал, мухаммас, мусаддас ва бошқа турлар қаторида қонуний ўрин олиш ҳуқуқини махсус таъкидлаб ўтган, деган хулосага келиш мумкин. Бобораҳим Машраб эса

³⁷⁰ Е.Э. Бертельс. Навои и Джами. Москва. стр. 88.

³⁷¹ А. Абдуғафуров. Машраб маҳорати. Адабиёт кўзгуси. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1998, 4-сон. –Б. 81.

улуғ шоирнинг бу ишорасини тўғри тушунган кўринади. У умуман адабиётимиз тарихида энг кўп мустазод яратган ижодкорлардан бири. Машраб мустазодлари мавзу жиҳатидан ранг-баранг. Улар орасида Навоий мустазодларига татаббу тарзида яратилган тасаввуфий намуналар ҳам, гўзалликни улуғловчи, маъшуқа хусни-латофатини васф этувчи, ошиқнинг севги-садоқатини тараннум қилувчи ўрнаклар ҳам анчагина.

Навоий ижодий фаолиятига хос яна бир катта фазилатнинг Машраб томонидан қабул қилиниб, давом эттирилгани ҳақида ҳам эслаб ўтайлик. Гап зуллисонайнлик, яъни икки тилда қалам тебратиш тажрибаси устида бормоқда. Машраб бу анъанани давом эттириб, қатор форсча шеърлар яратади, ўзбек ва форс тилларида ширу шакар шаклида ғазаллар битади³⁷².

Адабиётшунослар Наримон Ҳатамов ва Баҳодир Саримсоқовнинг “Адабиётшунослик терминларининг русча – ўзбекча луғати” да мустазод жанри ҳақида қуйидагича маълумот берилган: Мустазод халқ шеъри заминида юзага келган бўлиб, кейинчалик ёзма адабиётга ўтган. Ўзбек классик шоирлари унинг гўзал намуналарини яратганлар. Энг кўп мустазод яратган ўзбек Машрабдир. Кейинчалик Огахий ижодида мустазоднинг янги шакли юзага келган.³⁷³

Бобораҳим Машраб мумтоз шеъриятимиз тарихида энг кўп мустазод ёзган ижодкорлардан биридир. Шоир ҳаёти ва меросининг чуқур билимдони проф. Абдурауф Фитрат 1930 йилда босилган мақоласида бу ҳақда шундай ёзади: “Машрабнинг энг кўп суйган шакли мустазод шаклидир. Мустазод ғазалнинг ҳар бир мисрасидан кейин шул мисрадаги вазннинг маълум бир миқдори қадар сўз илова қилинган шаклга айтиладур... Ўзбек ва чигатой шоирлари орасида мен Машраб қадар мустазодни кўп ёзган шоирни учратмадим. Машрабни чиройли мустазодлари бор”. Проф. Фитрат “Чиройли мустазодлар”га мисол сифатида ўз мақоласида :

Бу хаста вужудимни мани ўртади бир йўл,

³⁷² Абдурашид Абдуғафуров. Буюк бешлик сабоқлари. -Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995. -Б. 165.

³⁷³ Н. Ҳатамов. Б.Саримсоқов. Адабиётшунослик терминларининг русча – ўзбекча изоҳли луғати. -Т.: “Ўқитувчи”, 1979. -Б. 194.

Ул ғунчаи хандон.

Ул гул юзини ишқида мен волаю хайрон,

Ул зулфи паришон.

матлаи билан бошланувчи мустазоддан тўрт байт келтиради.

Равшанки, гап Машрабнинг сон жиҳатдан кўп мустазод ёзганлигидан эмас. Проф. Фитратнинг «кўп» мезони қаторида пурмаъно “чиройли” деган баҳони ҳам алоҳида таъкидлаши худди шундай ёндашганини кўрсатади. Чиндан ҳам, Машраб мустазодларининг ҳар бири ўқувчи ва тингловчиларни аввало юксак бадиияти ва ҳаётий мазмуни билан ўзига ром қилади. Худди ғазаллар каби, шоир мустазодлари марказида инсон ва унинг камолоти, эрк-эзгулик ва юксак фазилатлар даъвати туради. Бу соф дунёвий ва чин халқчил ғоя асосан ишқ-муҳаббат ва вафо-садоқатни, гўзаллик ва инсоний интилишларни улуғлаш воситасида, висол лаззатлари ва қувончи, ҳижрон уқубатларидан шикоят мазмунлари ечимида, киши қалбининг нозик тебранишлари ва ширин орзу-хаёлнинг чексиз парвозлари талқинида ниҳоятда таъсирчан бир услубда олға сурилади³⁷⁴. Шоир мустазодларида гўзалликда тенги йўқ ўзбек аёли-маъшуқа чехраси бутун ҳусну латофати, нозу ишваси, келишган қадди қомати ва чиройли юриш-туриши билан худди тирикдек аниқ гавдаланади. Айни замонда, ўз севгисига содиқ, висол йўлида барча азоб-уқубатларга, синов-тўсиқларга тайёр чин ошиқнинг руҳий кайфияти, ички кечинмалари, севгиси томон талпиниши лирик “мен” тимсолида жуда жонли ва ишонарли намоён бўлади.³⁷⁵

Ширин сухану моҳи башар, хури ликое,

Ҳусн аҳлига сардор.

Жонимни ҳалок этмак учун турфа балое,

Ул золими хунхор.

Шайдою саросимаю девона қилибдур,

Бечора кўнгулни.

³⁷⁴ А. Абдуғафуров. Машраб маҳорати. Ўзбек тили ва адабиёти, 1998, 4-сон. –Б. 82.

³⁷⁵ Ўша манба, ўша жой.

Бошимға, бәсе, ёғдурубон тири жафое,
Ул шўхи ситамкор.
Гар истар эсанг хусни закотингни берурни,
Оламда топилмас.
Мендек яна бир мустаҳиқу зору гадое,
Ишқингга гирифтор.
...Васлингга ҳаётимни нисор этсам ажаб йўқ,
Машрабки бўлуб маст.
Булбулга не тож жонини гар қилса фидое,
Кўргач гулу гулзор³⁷⁶.

Машраб умумлирикасининг, жумладан, мустазодларининг хос хусусиятларидан бири мавҳум баёнчиликдан қочиб, ҳаётийликка интилишда, бевосита тасвирга-лавҳаларда кўрсатишга асосий диққатни қаратишда кўринади. Бундай, таъбир жоиз бўлса, “кўргазмалилик” шоир ижодининг хусусан, лирикасининг бош фазилати даражасига кўтарилган, дейиш мумкин. Дарҳақиқат, мана бу мисраларга диққат қилайлик: Шоир ошиқ билан маъшуқанинг кўчада кутилмаганда учрашиб қолиш лавҳасини моҳир наққошдек жуда жонли чизади. Уларни ўқиган ҳар бир китобхон келишган кийимларини хилпиратиб чиройли юриш билан ўтаётган маъшуқани ҳам, унинг ошиқ, “қош қоқиши”, имо билан “бир боқиши” ва “юз жилва”сини ҳам, ошиқ юрагини ўртаб бепарво кетишини ҳам гўё «ўз кўзи билан кўради”. Айни замонда, ногоҳоний учрашувдан довдираб, саросимага тушган ошиқнинг жон талвасасида ёр томон тинимсиз эгилиб таъзимини ҳам равшан “кузатади”, маъшуқанинг бепарво ўтиб кетишидан унга юзланган руҳий изтиробларни ҳам жуда аниқ ҳис этади³⁷⁷.

Машрабнинг мустазод жанрига мисол бўлувчи ўйноқи дилбар шеъри куйидагидир:

Нозик бадано, сунъи Худованди жаҳонсан,-

³⁷⁶ Машраб. Девон. –Т.: “Янги аср авлоди” 2006. –Б. 252.

³⁷⁷ А. Абдуғафуров. Машраб маҳорати. Ўзбек тили ва адабиёти, 1998, 4-сон. –Б. 82.

Эй офати даврон,
Зулфи чу мусалсал, қоши ёсан, на балосан,-
Жон тахтиға султон.
Билмам на бало кўз учидин гоҳ боқарсан,-
Эй кўзлари офат,
Гоҳ мунда, гаҳи анда манга жилва қилурсан,-
Бандангга на фармон?
Эгма қошинга ўсма қўюб жоним олурсан,-
Раҳминг нега келмас?
Ҳам кулгу билан қайрилибон ғамза этарсан,-
Эй қошлари камон,
Монанди куёшдек юзунга ман боқа олмон,-
Бўлдум тақи гирён,
Ваҳ, нукра бадан, писта даҳан, нозук адосан,-
Хуш лаҳжайи хушхон,
Машраб сани деб кечти тамом икки жаҳондин,-
Раҳм айла, нигорим,
Ёлбора санга ташлади ўзни, на қилосан,-
Эй дилбари жонон³⁷⁸?

Ўзбек классик шеърлятида мусаммат Алишер Навоий ижодиётдан бошланади. Навоий мусамматнинг ҳар икки турида асарлар яратди. У “Муҳокаматул-луғатайн”да асарларнинг шакл ва услуб хилма-хиллиги ҳақида сўзлаб бундай деган эди: “... Ажам шуароси ва форс фусаҳоси ҳар қайси услубдаким, сўз арусига тил ва намоийш бериб эрдилар, турк тили била қалам сурдум ва ҳар нечук қоидадаким, маъно акборига зийнат ва оройиш кўргузуб эрдилар, чиғатой лафзи била рақам урдум. Андоқким, то бу мазкур бўлгон тил ва лафз биносидур, ҳеч нозимға бу даст бермайдур ва ҳеч роқимға муяссар бўлмайдур...”³⁷⁹.

³⁷⁸ Машраб. Девон. . –Т.: “Янги аср авлоди”, 2006. –Б. 342.

³⁷⁹ Алишер Навоий. Муҳокаматул-луғатайн. –Т.: “Фан”, 2001. –Б. 79.

Навоийдан кейин ўзбек мумтоз шеърлятида мусаммат ёзиш кенг тарқалди. Авваллари кўпроқ мухаммас, мусаддас каби жанрларда шеърлар битилган бўлса, Машрабдан (XVII аср) бошлаб мурабба жанри ҳам салмоқли ўрин олди³⁸⁰.

Мурабба-ўзаро қофияланган бир неча тўртлик шаклидаги бандлардан ташкил топган лирик шеърлий шакллардан бири. У қофияланиш тартибига кўра, бошқа шеър турларидан фарқ қилади: у а-а-а-а б-б-б-а, в-в-в-а шаклида қофияланган бўлиб, асар охирида шоир ўз тахаллусини келтиради. Ўзбек адабиёти тарихида мурабба Машраб, Огахий, Муқимий каби шоирлар ижодида мавжуд³⁸¹.

Машрабнинг сўнгги 2006 йилги девонига 4 та мураббаси киритилган. Бу жанр халқ мумтоз адабиётининг энг гўзал шеърлий жанри ҳисобланиб, унинг энгил ва ўйноқи оҳанги ашулага айниқса, мақом куйига мос тушади. Биз кўп ҳофизлар томонидан ижро этилган “Ёрга етар кун борму, ёронлар” ашуласи жуда машҳур бўлиб кетганлигини биламиз.

Машраб бутун ижодига хос бўлган халқона услуб ва бадиий-тасвирий воситаларнинг ранг-баранглиги, самимийлик ва жўшқинлик ўзининг бутун фазилатлари билан мураббаларида ҳам кўзга ташланади. Агар худди мустазодлар каби, мурабба ҳам Машрабгача адабиётимизда кам ишлатилганлигини назарга олсак, шоир яратган тўрт-беш етук намуналарнинг ўзиёқ катта амалий-назарий аҳамиятга молик эканлиги намоён бўлади.

Шоир меросида умумий ҳажми йигирма саккиз банддан иборат бўлган, мавзу ва талқин жиҳатдан бир-бирининг мантиқий давоми сифатида ўқилувчи тўрт мураббадан ташкил топган туркум мавжуд. Соф инсоний ишқ-муҳаббат, севги садоқат ва висолга интилиш мавзуида бўлган бу туркумнинг биринчисида ҳижрондаги ошиқнинг дарду хасратлари, айрилиқдаги ички кечинмалари, киши қалбини ўртовчи оху нолаши ниҳоятда таъсирчан ва ҳаётий ифодаланган. Шу бандданок халқ кўшиқлари вазни ва руҳи, жўшқинлиги ва жозибаси яққол

³⁸⁰ О. Носиров, С. Жамолов, М. Зиёвуддинов. Ўзбек классик шеърляти жанрлари. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б. 115.

³⁸¹ А. Зуннунов, Н. Хотамов. Адабиёт назариясидан қўлланма. –Т.: «Ўқитувчи», 1978. –Б. 140.

кўриниб турган мураббада романтик кайфият ҳам етакчилик қилади. Машраб ошиқнинг чин севгисини, маъшуқага садоқати ва фидоийлигини чизишда романтик тасвирга, халқ кўшиқлари тажрибасига мурожаат этмоқда. Ошиқнинг севгилиси нома ёзиши, “кўксининг дардини тошга битиши”, бод (шамол) га ёлбориб ёрига салом етказишни илтижо қилиши ўқувчи кўзи олдида фавқулодда манзара шакллантиради, ширин хаёллар оғушига элтади.

Аввал деёюн ҳамди Худойим,
Дуввум дуруди ул Мустафойим,
Мандин узоқда ул дилрабойим,
Эй бод, еткур ёра саломим.

Ул меҳрибондин ўлдум жудое,
Ишқида куйдум, бўлдум адое,
Тошларни ёрди кўксумни оҳи,
Эй бод, еткур ёра саломим.

Кўрмай юзингни девона бўлдум,
Халқи жаҳондин бегона бўлдум,
Юз дарду ғамга ҳамхона бўлдум,
Эй бод, еткур ёра саломим.

Ёрим ёнимдин ул кунки борди,
Тиғи жафоси кўксумни ёрди,
Кетти дил учуб, жон қуши қолди,
Эй бод, еткур ёра саломим.

Ёрдин жудо ман ўлгунча бўлдум,
Қонларни юттум, ҳасратга тўлдум,
Дарду ғамидин, валлоҳки, ўлдум,
Эй бод, еткур ёра саломим.

Нома битарман ул қора қошга,
Ҳажрида, найлай, кўз тўлди ёша,
Ҳар дам урарман бошимни тоша,
Эй бод, еткур ёра саломим.

Кўксумни дардин тоша битарман,
Ҳасратда бошим олиб кетарман,
Онинг кўйида, валлох, ўтарман,
Эй бод, еткур ёра саломим.

Қайдин топарман ул шўхи хўбон,
Дарду ғамидин бўлди юрак қон,
Келмади ҳаргиз ул номусулмон,
Эй бод, еткур ёра саломим.

Кийган тўнимни мардона бичдим,
Ишқинг шаробин риндона ичтим,
Гурбат сувидин мастона кечтим,
Эй бод, еткур ёра саломим.

Қачон кўрарман ёрим юзини,
Қалам қошини, шахло кўзини,
Дафтар этарман ҳар бир сўзини,
Эй бод, еткур ёра саломим.

Кечаву кундуз тинмай юрурман,
Вайроналарда итдек ўлурман,
Во ҳасрато, деб кўрмай ўлурман,
Эй бод, еткур ёра саломим.

Ҳижрона Машраб афғон этадур,
Бағрини чандон бирён этадур,
Кўзини ҳар дам гирён этадур,
Эй бод, еткур ёра саломим³⁸².

Бу мурабба Машраб лирикасининг гўзал намунаси деса бўлади.

Машраб шеърятнинг қайси бир турига мурожаат қилмасин, у аввало ўз асарларининг инсоний ғоя ва ҳаётӣ мазмун, енгил ифода ва жўшқин рух жихатдан тўла халқчил бўлишига асосий диққатини қаратди, кенг ўқувчилар оммасига яқин ва маълум шаклларни излади, жумладан, арузнинг шўх ва ўйноқи вазнларини кўллади. Зикр этилган фазилатларга кўра шоир асарлари ўша замонлардаёқ барча туркий халқлар ўртасида катта шуҳрат қозонди. Машрабга доврў келтирди. Худди шу боис ҳам унинг:

Бу Машраб сўзини дурдонаи қимматбаҳо дерлар,
Жамии халқ аро сўз бобида соҳиби суҳан келдим.

Шуҳрати шеър бобида Машруби мўътабар ўзум,-
каби фахрия услубидаги мисралар битиши табиий туйилади. Бундай маънавий қониқиш ва табиий фахрни мустазодлар таркибида ҳам учратамиз.

Мухаммас классик поэзиядаги лирик шеър шакларидан бири бўлиб, у беш мисрадан тузилган бир неча банддан ташкил топади. Унинг биринчи бандидаги мисраларининг ҳаммаси ўзаро бир хил қофияланади, кейинги бандларнинг тўрт мисраси эса алоҳида, бешинчи мисралари эса дастлабки банднинг бешинчи мисраси билан қофияланади, яъни унинг қофияланиш тартиби а-а-а-а-а, б-б-б-б-а, в-в-в-в-а шаклида бўлади.

Мухаммас икки хил усулда яратилади: 1) бутун шеър маълум бир шоирнинг ўзи томонидан яратилади, шунинг учун у мустақил мухаммас (классик адабиётда таъби худмухаммас) деб юритилади. Бундай мухаммаслар классик адабиётда ҳам, ҳозирги поэзияда ҳам кўп учрайди; 2) бирор ўзга

³⁸² Машраб. Девон. . –Т.: “Янги аср авлоди”, 2006. –Б. 2006, 355-356.

шоирнинг ёки ўзининг ғазалига бағишланган мухаммас. Бундай мухаммаслар тахмис ёки тазмин деб юритилади³⁸³.

Машрабнинг кўпчилик ғазаллари мустазод, мухаммаслари ўзининг хаётий мавзуи ва жўшқинлиги, равон ва ўйноқлиги, халқ кўшиқлари каби содда ва самимийлиги, музикийлиги ва таъсирчанлиги билан тингловчилар калбига тезда йўл топа билади, уларга бадий завқ бахш этади. Айтиш керакки, шоир шундай бадий маҳорат камолотга кўтарилишида ҳам, “улуғвор соддалик” ка эришувида ҳам Алишер Навоидан кўп ўрганди. Шўх вазн ва жарангдор радиф-қофияларни танлашда, халқ жонли тилидан ўринли ва унумли фойдаланишда Навоий мероси, унинг бадий маҳорати Машраб учун ўрناق бўлди³⁸⁴.

Шуни таъкидламоқ керакки, Машрабнинг 1990 йилда ва 2006 йилда чиққан девонларида унинг мухаммаслари ўзга шоирга тахмис ёки тазмин билан бағишланган эмас, балки мустақил мухаммас, таъби худ мухаммаслардир:

Ишқингда ёнмас ошиқ девона бўлмағунча,
Шаъмингга қуймагай ул парвона бўлмағунча,
Боғлаб белин бу йўлда мардона бўлмағунча,
Бошға олиб маломат афсона бўлмағунча,
Севмас садафни сарроф дурдона бўлмағунча.

Сансиз манга, нигоро, икки олам керакмас,
Тахту бахти Сулаймон, манга хотам керакмас,
Хизр умри зиндалиги манга ул ҳам керакмас,
Сансиз ўлай, бу оқил менга бул дам керакмас,
Жону таним қолмади бегона бўлмағунча.

Аршинг куяр оҳимдин тонгла бўлса Қиёмат,
Инсу малак титрашиб айтур: “Нечук аломат?”

³⁸³ Зуннунов А., Ҳотамов Н. Адабиёт назариясидан қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1978. –Б. 143-144.

³⁸⁴ А.Абдуғафуров. Ўзбек адабиёти тарихи. III том. –Т.: “Фан”, 1978. –Б. 251-252.

Хуру ғилмон, биҳиштинг этишурлар надомат,
Чикса оҳим учқуни ҳеч ким қолмас саломат,
Қолмас молик дўзахинг, сўзона бўлмағунча.

Тушти бошимға ишқинг ларза қилиб йиғладим,
Тақдир азал шундоғ деб, белим маҳкам боғладим,
Ошиқ иши қаттиғ деб, оҳу воҳлар айладим,
Дардинг беҳад зўрлади, даргоҳингга йиғладим,
Раҳм айламас нигорим гирёна бўлмағунча.

Вақти баҳор май ичгил билсанг ишрат ғанимат,
Соқий, сунгул кадаҳни фурсат, сиҳат ғанимат,
Зоҳид айтур, ёронлар, тасбех, тоат ғанимат,
Машраб қаландарингга дарду меҳнат ғанимат
Кўрмас маъшуқ юзини афсона бўлмағунча³⁸⁵.

Мусаммат бандлар асосида тузилган шеър турларидандир. Мусамматлар сирасига мусаллас, мурабба, мухаммас, мусаддас, мусабба, мусамман, таснеъ, машруъ киради. Ўзбек мумтоз адабиётида мусамматдан, айниқса, мурабба (тўртлик), мухаммас (бешлик), мусаддас (олтилик), мусабба (еттилик) ва мусамман (саккизликлар) кенг тарқалган.

Е. Э. Бертельснинг фикрича форс-тожик классик шеърлятида мусаммат дастлаб XI аср шоири Манучехрий ва Қатрон Табризий ижодида кўринади³⁸⁶. XII- XIII аср шоирларида, масалан, Саъдийда кенг ривожланган. Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, мусамматнинг илдизлари ёзма шеърлятдан анча илгари халқ ижодида пайдо бўлган эди. Худди шунингдек ҳолатни туркий халқлар, жумладан, ўзбек адабиётида ҳам кўриш мумкин.

Мусаддас классик адабиётдаги лирик турга мансуб шеър шаклларида бўлиб, унинг ҳар бир банди олти мисрадан таркиб топади. Мусаддас ўзининг

³⁸⁵ Машраб. Девон. . –Т.: “Янги аср авлоди”, 2006. –Б. 362-363.

³⁸⁶ Е. Э. Бертельс. История персидско-таджикской литературы. Москва. ”Наука”, Стр. 360.

қофияланиш шаклига кўра икки хил бўлади: 1) биринчи банднинг барча мисраси бир хилда қофияланади. Кейинги бандларнинг беш мисраси алоҳида қофияланиб, олтинчи мисраси биринчи бандга қофиядош бўлиб келади, яъни а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-а, в-в-в-в-в-в каби; 2) биринчи банддан кейинги бандларнинг тўрт мисраси бир хилда қофияланиб бешинчи ва олтинчи мисралари биринчи бандга қофиядош бўлади, яъни а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-а-а, в-в-в-в-а-а каби³⁸⁷.

Машрабнинг кейинги девонига еттита мусаддас киритилган ва улар ҳажман салмоқли шеърлардир. Катта лирик жанр мусамматнинг (олтилик) сирасига кирувчи бу мусаддас Фурқатнинг машҳур “Сайдинг қўя бер, сайёд, сайёра экан мандек” деб бошланувчи асарига ўхшайди, ушбу лирик жанрнинг ҳажман катта бўлганлиги боис ундан парчани намуна қилиб келтирамиз.

Бошимга доимо Ҳақ раҳмати саршор учун келдим,
Муҳаббатдин олай деб маҳзан ул-асрор учун келдим.
Работи кўхнага ман ошиқи дийдор учун келдим,
Жаҳон бир ҳаббаега арзимас, ман ёр учун келдим,
Сира келмас эдим ман Аҳмади Мухтор учун келдим,
Набийнинг сояси умматларига бор учун келдим.

Ўшандоғ арзи ҳолимни дедим шоҳи такаллумга,,
Мани руҳумни кўрди, тушти шўриш кулли мардумга,
Юзумни баъдазон суртмоқчиман ҳоки тазаллумга,
Отам боҳиммат эрди сотти ҳафт Жаннатни, гандумга,
Сира келмас эдим ман Аҳмади Мухтор учун келдим,
Набийнинг сояси умматларига бор учун келдим.

Муборак доманига рўзи аввал чанг солганман,
Агарчи зоҳирим исён дарёсида қолганман,
Бу йўлда тийғи Иллаллоҳ билан бағримни чолганман,
Бериб Жаннатни гарди домонини сотиб олганман,

³⁸⁷ А. Зуннунов, Н. Ҳотамов. Адабиёт назариясидан қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1978. –Б. 141.

Сира келмас эдим ман Аҳмади Мухтор учун келдим,
Набийнинг сояси умматларига бор учун келдим.

Умедим кўп эрур руҳим ҳам қолабни йўқлар деб,
Тамоми мужтахидлар толиби мазҳабни йўқлар деб,
Карамли подшоҳим ошиқи матлабни йўқлар деб,
Шафоат тахтига чиққан Шоҳи Машрабни йўқлар деб,
Сира келмас эдим ман Аҳмади Мухтор учун келдим,
Набийнинг сояси умматларига бор учун келдим³⁸⁸.

Мусаммат ўзбек классик шеърлятида энг кўп тарқалган лирик жанр.
Мусаммат арабча-ипга ўтказилган марварид деган маънони билдиради.

Бу сўзнинг луғавий ва терминологик маънолари тўғрисида Қабул Муҳаммад қуйидагиларни ёзади:

“Билгилки, тасмид (яъни мусаммат) луғатда ипга ўтказилган марваридни англатади. Истилоҳда шундайки, олдин ёзилган мисралар охириги вазн ва қофияга мувофиқ мисралар қўшадилар. Аксарият (мусаммат) саккиз хил бўлади деб ҳисоблайдилар: мусаллас, мурабба, мухаммас, мусаддас, мусабба, мусамман, таснеъ, машруъ”.

Келтирилган таърифдан маълум бўладики Қабул Муҳаммад ғазаллар асосида яратилган мусамматларнигина назарда тутди. Классик поэзияда ғазалларга янги мисралар қўшибгина эмас, балки батамом мустақил равишда ёзилган мусамматлар ҳам кенг тарқалган.

Мусамматлар анча кенг тарқалган лирик жанрлардан бўлгани сабабли ҳам Е. Э. Бертельс, А. Ҳайитметов, Р. Мажидий, М. Гулизода сингари адабиётшунос олимлар унга катта эътибор берганлар ва муҳим назарий фикрларни билдирганлар. Уларнинг асарларида мусамматнинг тўла ва атрофлича таърифи берилмаган бўлса ҳам, у ёки бу муносабат билан

³⁸⁸ Машраб. Девон. 2006. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2006. –Б. 517.

мусамматга хос бўлган ғоявий-тематик ва формал-поэтик жиҳатлар бирмунча ёритилган³⁸⁹.

Мусабба-мусаммат таркибидаги жанрдир. Мусабба-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-а-а-а-а-а-а ва ҳоказо тарзида қофияланади. “Девон”га Машрабнинг иккита мусаббаси киритилган.

“Эй ғунчай навхези гулистони малоҳат” мисраи билан бошланувчи мусаббаси бугунги кунда ўзбек халқининг энг сеvimли ашуласи бўлиб, уни хофизу хонандалар маромига етказиб куйлашади.

Эй ғунчай навхези гулистони малоҳат,
Эй тоза ниҳоли чаман аройи назокат,
Зулфи сияҳинг фитнаву, холи ҳадинг-офат,
Йўлингда тегар бошима минг санга маломат,
Мақбулсан эй дилбари хуш лаҳжа бағоят,
Ваҳ-вах, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!
Ҳай-ҳай, на жафо қилса санам жонима роҳат!

Ул холики кунжа лаби жонона тушибдур,
Жон олмоқ учун кўзлари мастона тушибдур,
Ҳинду бачае мулки Сулаймона тушибдур,
Ул чоҳи занаҳдонига бир дона тушибдур,
Чун Юсуфу Канъонки бу зиндона тушибдур,
Ваҳ-вах, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!
Ҳай-ҳай, на жафо қилса санам жонима роҳат!

Гулғунчайи нозик баданим лолаузорим,
Шамшод қадим, сийм танним, чашми хуморим,
Ҳусн мулкини султони ўзинг-шоҳсуворим,
Ҳам сабру қарор қолмади ҳам дилда мадорим,

³⁸⁹ О. Носиров, С. Жамолов, М. Зиёвуддинов. Ўзбек классик шеърини жанрлари. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б. 113.

Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!
Ҳай-ҳай, на жафо қилса санам жонима роҳат!

Эй муғбача, марғублиғинг ҳаддин ўтибдур,
Овозаи хуснунг ҳама оламини тутибдур,
Гулзори жамолингга гулу лола бутубдур,
Машшотайи тақдир сани хуш ясатубдур,
Юзинг кўруб Одам тоқи Жаннат унутубдур,
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!
Ҳай-ҳай, на жафо қилса санам жонима роҳат!

Кокулларинг ҳалқасини ой кўрубман,
Жон риштасин ҳар ториға баржой кўрубман,
Киприкларинг ўқларини ёй кўрубман,
Гисуларинг сунбулини барпой кўрубман,
Машрабни ўзим ошиқи худрой кўрубман,
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!
Ҳай-ҳай, на жафо қилса санам жонима роҳат!³⁹⁰.

Мусамман классик поэзиядаги лирик турга мансуб шеър шакли бўлиб, унда ҳар бир банд саккиз мисрадан иборат бўлади. Мусаммандан биринчи банд ягона қофияланишга эга бўлади. Қолган бандларнинг етти мисраси ўзаро, саккизинчи мисраси биринчи бандга қофиядош бўлади, яъни а-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-а, в-в-в-в-в-в-а каби. Баъзи мусамманларда биринчи банддан кейинги бандлардаи олти мисра ягона қофияга эга бўлса, еттинчи ва саккизинчи мисралар биринчи банддаги охирги байтнинг такрорланишидан иборат бўлади³⁹¹.

Машраб «Девон»ида битта мусамман бўлиб, бу саккизлик ҳажман салмоқли шеърий асардир.

³⁹⁰ Машраб. Девон. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2006. –Б. 533-534.

³⁹¹ А. Зуннунов., Н. Ҳотамов. Адабиёт назариясидан кўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1978. –Б. 142.

Сан асло ғам ема, эй банда, Раббоно чорлар,
Қадам бу йўлга дуруст қўйки раҳнамо чорлар,
Дуо талаб кишини соҳиби дуо чорлар,
Бу йўлнинг раҳравини яхши пешво чорлар,
Қиёмат кунида ҳар кимни ошно чорлар,
Ҳамиша мунтазири бўлки, подшо чорлар,
Худо талаб кишини охири Худо чорлар,
Шикаста умматисан, тонгла Мустафо чорлар.

Нишони бандалик улдурки аҳли тоат бўл,
Мудом кўшиши қилғил пайрави шарият бўл,
Ҳамиша хоксору соҳиби тариқат бўл,
Умедвори дури ул баҳрийи ҳақиқат бўл,
Худого ташлаб ўзунгни ғариқи раҳмат бўл,
Ки жону дил билан саъй эт Расулга уммат бўл,
Сан асло ғам ема, эй банда, Раббано чорлар,
Шикаста умматисан, тонгла Мустафо чорлар.

Расулнинг наътиға умрини айлаб адо Машраб,
Сафойи қалб топиб, бўлди дилбино Машраб,
У хонадонига қилиб жонин фидо Машраб,
Сабаб бул эрди шаҳид бўлди пур бало Машраб,
Худонинг олдида йиғлаб бу додҳоҳ Машраб,
Тамомий умматиға бўлди хун баҳо Машраб,
Сан асло ғам ема, эй банда, Раббано чорлар,
Шикаста умматисан, тонгла Мустафо чорлар³⁹².

Маснавий (кўплиги-маснавиёт) арабча сўз бўлиб, иккилик деган маънони билдиради. Шеъринг терминологияда эса ҳар икки мисраси алоҳида –алоҳида

³⁹² Машраб. Девон. . –Т.: “Янги аср авлоди”, 2006. –Б. 536-538.

қофияланиб борадиган (банди икки мисрадан тузиладиган) шеърлар маснавий иккилик дейилади.

Бундай шеърнинг формал-поэтик хусусиятлари тўғрисида «Ал-мўъжам фи маорий ашъор ул-Ажам» асарида Қайс ар-Розий бундай деб ёзади. “... Ажам шоирлари ҳар бир байтдаги мисраларнинг ўзаро қофиядош бўлиши нуқтаи назаридан уни маснавий деб атайдилар”.

Мумтоз адабиётда сюжетли кичик шеърӣ асарлар ҳам, дostonлар ҳам маснавий деб юритилган.

Туркий адабиётда маснавий формаси биринчи марта Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида қўлланган. Ўзбек дунёвий адабиёти пайдо бўлиши билан маснавий жанри катта шуҳрат тутди. Қутбнинг “Хусрав ва Ширин”, Дурбекнинг “Юсуф ва Зулайҳо”, Ҳайдар Хоразмийнинг “Махзанул-асрор”, Лутфийнинг “Гул ва Наврўз” сингари асарлари маснавийда битилди.

Буюк Навоий даврига келиб эпик шеърӣятнинг асосий жанри бўлиб қолди³⁹³.

Маснавий Шарқ халқлари шеърӣ шаклларида бири. Маснавийга оид асарлар аруз вазнида ёзилиб, ҳар байт а-а, б-б, в-в тарзида қофияланади. Туркий шеърӣятда дастлаб Юсуф Хос Ҳожиб (XI аср)нинг “Қутадғу билиг” асари маснавийда битилган. Хоразмий, Қутб, Дурбек, Ҳайдар Хоразмий, Амирий, Саййид Қосимий каби ўзбек шоирлари номачилик ва дostonчиликда маснавийдан фойдаланганлар. Навоий асарларида маснавий кўпроқ дostonчиликни англатган. Улуғ шоир шеър турлари орасида маснавийни биринчи ўринга қўйган. Унингча, ҳеч бир шеър тури ҳаётни, воқеа ва ҳодисаларни, инсон характери маснавийдагидек кенг ва чуқур ёритиб бера олмайди. Бунда юзта қаҳрамон бўлса ҳаммасини мукаммал тасвирлаш имкони бор. Шоир “Сабъаи сайёр” дostonида бу ҳақда шундай дейди:

Маснавийким, бурун дедим они,

Сўзда келди васе майдони.

³⁹³ О. Носиров, С. Жамолов, М. Зиёвуддинов. Ўзбек классик шеърӣяти жанрлари. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б. 125.

Вусъатида юз ўлса маъракагир,
Кўргузур санъатин бори бир-бир.

Форс-тожик, озарбайжон, ўзбек ва бошқа халқлар адабиётидаги ўрта асрларда яратилган барча дostonлар биринчи галда «Хамса»га оид дostonлар маснавийда ёзилган. Ҳазрат Навоий-Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Шайх Саъдий, Амир Хусрав Дехлавий, Котибий, Абдурахмон Жомийларни маснавийнинг буюк устозлари деб ҳисоблаган³⁹⁴.

Машраб “Девон”ида 1 маснавий бўлиб, у классик шеърятдаги талаблар асосида ёзилган. Маснавий а-а, б-б, в-в, г-г тарзида қофияланган:

Ишқ топти Ҳазрати Одамға жой,
Зору зор йиғлаб Ҳаво деб урди вой.
Ишқ Довудни чунон хушхон қилиб,
Неча савтда хониши Қуръон қилиб.
Ишқи айлаб Зикриёни зокири,
Арра бирлан кесди жумла кофири.
Ишқи айлаб Ҳазрати Айюбни ҳам,
Қуртга ем қилди неча тортди алам.
Ишқи айлаб Иброҳимни корини,
Оташи Намруд топиб гулзорини.
Ишқи Исмоилни озмоиш учун,
Жонидин кечурди қурбонлаш учун.
Ишқи Яъқубни чунон кўр айлади,
Олами одамға машҳур айлади.
Ишқ Юсуфни қилиб чоҳға асир,
Чун Зулайҳо ишқидин бўлди басир.
Ишқ Юнусға бўлибон ҳамдами,
Чун балиғ қорнида беғами³⁹⁵.

³⁹⁴ А. Ҳайитметов. Адабий меросимиз уфқлари. –Т.: “Ўқитувчи”, 1997. –Б. 206-207.

³⁹⁵ Машраб. Девон. . –Т.: “Янги аср авлоди”, 2006. –Б. 540.

Фарднинг кўплиги-муфрадот-арабча сўз бўлиб, ёлғиз, ягона, якка деган маъноларни билдиради. Адабий термин сифатида “классик лириканинг энг кичик жанри, ёлғиз бир байтдангина иборат бўлган шеър”.

Бу жанр форс-тожик, араб ва туркий халқлар адабиётида, жумладан, ўзбек адабиётида кенг тарқалган. Фард алоҳида асар бўлиб, мустақил ҳолда келади, лекин шу билан бирга у катта ҳажмли асарлар тўқимасига кириб, хулоса яшаш, “қиссадан ҳисса” вазифасини ўтайди.

Алишер Навоий фард термини каторида байт сўзини ҳам қўллайди. Унинг “Маҳбубул-қулуб”, “Муншаот” асарларида шундай ҳолни кўриш мумкин. Адабиётшунослар А.Зуннунов ва Н. Ҳатамовларнинг “Адабиёт назариясидан қўлланма” ўрта мактаблар учун дарслик китобида фардга шундай таъриф берилган: Фард – классик лириканинг энг кичик жанри бўлиб, бир байтдан иборат мустақил шеърдир. Фарднинг ҳар икки мисраси қофияланиб келади. Фардда кўпинча ибратомуз ҳикматли фикр, баъзан шоирнинг ички кечинмаси ихчам ва таъсирли ифодаланади. Фард ҳам ахлоқ – одоб, панд – насиҳат темаларида ёзилади.³⁹⁶

Машраб “Девон”ида 11 та фард мавжуд:

Ёр ўтоғосин кўруб телба кўнглум толпинодир,
Жон қушин долбойидур бошидаги қарқараси³⁹⁷.

Ул жоми муҳаббатни тутган манга жонондур,
Доғ устина доғ қўйган ул сарви хиромондур.³⁹⁸

Машраб тўртликлар ҳам яратган:

Кўтарсанг пардани ногоҳ юзунгни бир кўрай дерман,
Жамолиннга назар солиб, ки ҳуснунгга тўйай дерман.
Халойиқ қиблага боқиб деюрлар: “Раббиял аъло”,

³⁹⁶ А. Зуннунов, Н. Ҳатамов. Адабиёт назариясидан қўлланма. –Т.: “Ўқитувчи”, 1978. –Б.139.

³⁹⁷ Машраб. Девон. . –Т.: “Янги аср авлоди”, 2006. –Б. 544.

³⁹⁸ Ўша асар. –Б. 543.

Намозу рўза Сан деб Санга сажда қила дейман.

Бадиий ижодда ҳар бир адабий жанр , уни бошқа жанрлардан ажратиб турувчи ўзига хос характердаги белги ва хусусиятлари билан туғилади. Гарчи ўзларига хос шу белги ва хусусиятларини жанрлар асрлар мобайнида турғун сақлаб қолсаларда, бироқ конкрет тарихий даврлар талаби асосида ула маълум бир аломатларини ўзгартириб, бойитиб боришга ҳам маҳкумдирлар.

Уни ишқий, ахлоқий, айниқса, фалсафий маънолар талқини учун изчил ва зўр маҳорат билан хизмат қилдирди. Ўзбек рубойчилигининг Навоидан сўнгги ёрқин саҳифалари Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан боғлиқдир. Бобур рубойида Навоий традицияларининг давомчисигина эмас, уларни ривожлантириб, чинакам бадиий кашфиётлар ярата олган йирик талант эгаси эди.³⁹⁹

Шарқ классик лирикаси, жумладан, ўзбек классик лирикаси ғазал, рубой, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусамман, қитъа, туюқ ва ҳоказо жанрларга бўлинган. Бу жанрларнинг аксарияти ҳозир ҳам шеърятда қўлланилмоқда. Халқ лирикасида эса лирик жанрлар у ёки бу халқнинг урф – одати , бадиий асарнинг ижро этилиш ўрни, вазияти ва мавсумига қараб ўзгариб боради.

IV. 3. Тажриба – синов ишлари ва уларнинг натижалари таҳлили

Олий таълим муассасасалари талабаларининг Ижтимоий – педагогик фикрлар негизида маънавий – ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизимида Бобораҳим Машрабнинг умуминсоний ва инсонпарварлик ғоялари моҳиятини ёритиш, шунингдек, жаҳон педагогик тафаккури ривожига ўрнини ўрганиш юзасидан тажриба синов ишлари ташкил этилди.

талабаларининг Ижтимоий – педагогик фикрлар негизида маънавий – ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизимида Бобораҳим Машрабнинг умуминсоний ва инсонпарварлик ғоялари моҳиятини ёритиш, шунингдек,

³⁹⁹И.Ҳаққулов. Ўзбек поэтикасида рубойи. -Т.: “Фан” нашриёти, 1981. -Б.96 -97.

жаҳон педагогик тафаккури ривождаги ўрнини ўрганиш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари қуйидаги тартибда ўтказилган.

1. Аниқлаш ва тайёргарлик босқичи (2020-2021 йй). Ушбу босқичда тадқиқотни амалга ошириш режаси тузилди, тажриба-синов майдонлари аниқлаб олинди. Талабаларнинг Ижтимоий – педагогик фикрлар негизида талабаларнинг маънавий – ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизимида Бобораҳим Машрабнинг умуминсоний ва инсонпарварлик ғоялари моҳиятини ёритиш, шунингдек, жаҳон педагогик тафаккури ривождаги ўрнини ўрганишдаги норматив-ҳуқуқий база, ўқув дастурлар намуналари таҳлил қилинди, фараз шакллантирилди. Бу босқичда талабаларнинг Бобораҳим Машрабнинг умуминсоний ва инсонпарварлик ғоялари моҳиятини ёритишга доир йўналишлар ва мезонлар белгилаб олинди. Тадқиқот муаммосига доир талабаларнинг биш даражалари дастлабки назорат ишлари орқали аниқланди.

2. Амалга ошириш босқичи (2020-2021 йй). Талабаларнинг Ижтимоий – педагогик фикрлар негизида маънавий – ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизимида Бобораҳим Машрабнинг умуминсоний ва инсонпарварлик ғоялари моҳиятини ёритиш, шунингдек, жаҳон педагогик тафаккури ривождаги ўрнини ўрганиш модели ишлаб чиқилди ва синовдан ўтказилди. Моделни самарали амалга оширишда педагогик шарт-шароитлар аниқланди инновацион бошқарувни ривожлантирувчи технологиялар белгилаб олинди. Талабаларнинг Ижтимоий – педагогик фикрлар негизида маънавий – ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизимида Бобораҳим Машрабнинг умуминсоний ва инсонпарварлик ғоялари моҳиятини ёритиш, шунингдек, жаҳон педагогик тафаккури ривождаги ўрнини ўрганиш бўйича Жиззах давлат педагогика университети (209 нафар), Наманган давлат университети (204 нафар), Ўзбек тили ва адабиёти университети (207 нафар) жами 620 нафар талабалар ихтиёрий танлаб олинди. Танлаб олинган гуруҳлар тажриба(ТГ) ва назорат(НГ) гуруҳларига ажратилди.

3. Якунловчи босқичи (2022 й). Тажриба-синов ишлари натижалари сарҳисоб қилинди, якуний диагностик ташхислар ўтказилди, натижалар қайта

кўриб чиқилди, тажрибадан ўтказилган маълумотлар тизимлаштирилди ва иш натижалари расмийлаштирилди

4.3.1-жадвал. Танлаб олинган гуруҳлар ва респондентлар сони

Худуд	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	Жами
Жиззах давлат педагогика университети (ЖДПУ)	104	105	209
Наманган давлат университети (НамДУ)	101	103	204
Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети (ТДЎТАУ)	103	104	207
Жами:	308	312	620

Танлаб олинган гуруҳларнинг Ижтимоий – педагогик фикрлар негизида маънавий – ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизимида Бобораҳим Машрабнинг умуминсоний ва инсонпарварлик ғоялари моҳиятини ёритиш, шунингдек, жаҳон педагогик тафаккури ривожигаги ўрнини ўрганиш бўйича баҳолаш мезонлари ва баҳолаш даражалари аниқланди

4.3.2-жадвал.

Мезонлар	Баҳолаш даражалари			
	аъло	яхши	қониқарли	қониқарсиз
Назарий билимларни ўзлаштириш	Қандай баҳо қўйилади ёзиш керак	Қандай баҳо қўйилади ёзиш керак	Қандай баҳо қўйилади ёзиш керак	Қандай баҳо қўйилади ёзиш керак
Ижодкорлик-креативлик	Қандай баҳо қўйилади ёзиш керак	Қандай баҳо қўйилади ёзиш керак	Қандай баҳо қўйилади ёзиш керак	Қандай баҳо қўйилади ёзиш керак
Шахс сифатида журъаткорлик ва ироданинг	Қандай баҳо қўйилади ёзиш керак	Қандай баҳо қўйилади ёзиш керак	Қандай баҳо қўйилади ёзиш керак	Қандай баҳо қўйилади ёзиш керак


кучлилиги				
Ташаббускорлик ва мустақилликни намоён қила олиш	Қандай баҳо қўйилади ёзиш керак	Қандай баҳо қўйилади ёзиш керак	Қандай баҳо қўйилади ёзиш керак	Қандай баҳо қўйилади ёзиш керак
.Диний мутаассибликка қарши курашувчанлик	Қандай баҳо қўйилади ёзиш керак	Қандай баҳо қўйилади ёзиш керак	Қандай баҳо қўйилади ёзиш керак	Қандай баҳо қўйилади ёзиш керак
Адолатпарварлик, хурфикрлилик, ростгўйлик	Қандай баҳо қўйилади ёзиш керак	Қандай баҳо қўйилади ёзиш керак	Қандай баҳо қўйилади ёзиш керак	Қандай баҳо қўйилади ёзиш керак
Баркамол инсон бўлиб етишишга қатъият билан интилиш	Қандай баҳо қўйилади ёзиш керак	Қандай баҳо қўйилади ёзиш керак	Қандай баҳо қўйилади ёзиш керак	Қандай баҳо қўйилади ёзиш керак
Этик ва эстетик хис-туйғуларга эгалик	Қандай баҳо қўйилади ёзиш керак	Қандай баҳо қўйилади ёзиш керак	Қандай баҳо қўйилади ёзиш керак	Қандай баҳо қўйилади ёзиш керак

Ушбу баҳолаш мезонлари ва даражалари асосида талабаларнинг бошлангич ва якуний натижалари олинди

4.3.3-жадвал. ЖДПУ талабаларнинг Ижтимоий – педагогик фикрлар негизида маънавий – ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизимида Бобораҳим Машрабнинг умуминсоний ва инсонпарварлик ғоялари моҳиятини ёритиш, шунингдек, жаҳон педагогик тафаккури ривожигаги ўрнини ўрганиш бўйича дастлабки босқич натижалари

Мезонлар	Гуруҳлар	сон	аъло	яхши	қониқарли	қониқарсиз
			5	4	3	2
Назарий билимларни ўзлаштириш	ТГ	104	8	21	43	32
	НГ	105	9	20	44	32


Ижодкорлик-креативлик	ТГ	104	9	22	45	28
	НГ	105	9	21	47	28
Шахс сифатида журъаткорлик ва ироданинг кучлилиги	ТГ	104	8	23	47	26
	НГ	105	9	24	44	28
Ташаббускорлик ва ва мустақилликни намоён қила олиш	ТГ	104	7	25	43	29
	НГ	105	8	23	44	30
.Диний мутаассибликка қарши курашувчанлик	ТГ	104	8	26	42	28
	НГ	105	9	24	43	29
Адолатпарварлик, хурфикрлик, ростгўйлик	ТГ	104	9	25	44	26
	НГ	105	8	26	45	26
Баркамол инсон бўлиб етишишга қатъият билан интилиш	ТГ	104	8	24	45	27
	НГ	105	9	25	42	29
Этик ва эстетик ҳис-туйғуларга эғалик	ТГ	104	9	24	44	27
	НГ	105	7	26	46	26
Мезонлар бўйича умумийси	ТГ	104	8	24	44	28
	НГ	105	9	24	44	29



-расм. ЖДПУ талабаларинг дастлабки босқич натижаларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари

4.3.4-жадвал. НамДУ талабаларнинг Ижтимоий – педагогик фикрлар негизда маънавий – ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизимида Бобораҳим Машрабнинг умуминсоний ва инсонпарварлик ғоялари моҳиятини ёритиш, шунингдек, жаҳон педагогик тафаккури ривождаги ўрнини ўрганиш бўйича дастлабки босқич натижалари

Мезонлар	Гуруҳлар	сон	аъло	яхши	қониқарли	қониқарсиз
			5	4	3	2
Назарий билимларни ўзлаштириш	ТГ	101	8	20	43	30
	НГ	103	7	18	52	26
Ижодкорлик-креативлик	ТГ	101	8	19	44	30
	НГ	103	8	20	45	30
Шахс сифатида журъаткорлик ва ироданинг кучлилиги	ТГ	101	9	18	46	28
	НГ	103	8	21	45	29
Ташаббускорлик ва мустақилликни намоеън қила олиш	ТГ	101	9	20	44	28
	НГ	103	9	22	42	30
.Диний мутаассибликка қарши курашувчанлик	ТГ	101	8	21	42	30
	НГ	103	7	22	45	29
Адолатпарварлик, ҳурфикрлилик, ростгўйлик	ТГ	101	8	23	46	24
	НГ	103	8	24	47	24
Баркамол инсон бўлиб етишишга қатъият билан интилиш	ТГ	101	7	25	46	23
	НГ	103	8	24	48	23
Этик ва эстетик ҳис-туйғуларга эгалик	ТГ	101	8	23	44	26
	НГ	103	9	22	45	27
Мезонлар бўйича умумийси	ТГ	101	8	21	44	27
	НГ	103	8	22	46	27




-расм. НамДУ талабаларнинг дастлабки босқич натижаларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари

4.3.5-жадвал. ТДЎТАУ талабаларнинг Ижтимоий – педагогик фикрлар негизда маънавий – ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизимида Бобораҳим Машрабнинг умуминсоний ва инсонпарварлик ғоялари моҳиятини ёритиш, шунингдек, жаҳон педагогик тафаккури ривождаги ўрнини ўрганиш бўйича дастлабки босқич натижалари

Мезонлар	Гуруҳлар	сон	5	4	3	2
			аъло	яхши	қониқарли	қониқарсиз
Назарий билимларни ўзлаштириш	ТГ	103	8	21	45	29
	НГ	104	9	20	44	31
Ижодкорлик-креативлик	ТГ	103	9	22	46	26
	НГ	104	8	23	47	26
Шахс сифатида журъаткорлик ва ироданинг кучлилиги	ТГ	103	7	24	42	30
	НГ	104	9	22	42	31
Ташаббускорлик ва ва мустақилликни намоён қила олиш	ТГ	103	8	23	42	30
	НГ	104	7	25	43	29
.Диний мутаассибликка қарши	ТГ	103	9	23	44	27

курашувчанлик	НГ	104	8	24	46	26
Адолатпарварлик, хурфикрлилик, ростгўйлик	ТГ	103	8	24	45	26
	НГ	104	9	25	42	28
Баркамол инсон бўлиб етишишга қатъият билан интилиш	ТГ	103	8	26	42	27
	НГ	104	7	28	41	28
Этик ва эстетик ҳис-туйғуларга эгалик	ТГ	103	8	25	43	27
	НГ	104	8	24	45	27
Мезонлар бўйича умумийси	ТГ	103	8	24	44	28
	НГ	104	8	24	44	28




-расм. ТДЎТАУ талабаларнинг дастлабки босқич натижаларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари

4.3.6-жадвал. Барча ОТМлари талабаларнинг Ижтимоий – педагогик фикрлар негизда маънавий – ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизимида Бобораҳим Машрабнинг умуминсоний ва инсонпарварлик ғоялари моҳиятини ёритиш, шунингдек, жаҳон педагогик тафаккури ривождаги ўрнини ўрганиш бўйича дастлабки босқич натижалари

Мезонлар	Гуруҳлар	сони	аъло	яхши	қониқарли	қониқарсиз
----------	----------	------	------	------	-----------	------------


			5	4	3	2
Назарий билимларни ўзлаштириш	ТГ	308	24	62	131	91
	НГ	312	25	58	140	89
Ижодкорлик-креативлик	ТГ	308	26	63	135	84
	НГ	312	25	64	139	84
Шахс сифатида журъаткорлик ва ироданинг кучлилиги	ТГ	308	24	65	135	84
	НГ	312	26	67	131	88
Ташаббускорлик ва мустақилликни намоеън қила олиш	ТГ	308	24	68	129	87
	НГ	312	24	70	129	89
.Диний мутаассибликка қарши курашувчанлик	ТГ	308	25	70	128	85
	НГ	312	24	70	134	84
Адолатпарварлик, хурфикрлилик, ростгўйлик	ТГ	308	25	72	135	76
	НГ	312	25	75	134	78
Баркамол инсон бўлиб етишишга қатъият билан интилиш	ТГ	308	23	75	133	77
	НГ	312	24	77	131	80
Этик ва эстетик ҳис-туйғуларга эғалик	ТГ	308	25	72	131	80
	НГ	312	24	72	136	80
Мезонлар бўйича умумийси	ТГ	308	25	68	132	83
	НГ	312	25	69	134	84



-расм. Барча ОТМлар талабаларнинг дастлабки босқич натижаларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари

4.3.7-жадвал. ЖДПУ талабаларнинг Ижтимоий – педагогик фикрлар негизда маънавий – ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизимида Бобораҳим Машрабнинг умуминсоний ва инсонпарварлик ғоялари моҳиятини ёритиш, шунингдек, жаҳон педагогик тафаккури ривождаги ўрнини ўрганиш бўйича якуний босқич натижалари

Мезонлар	Гуруҳлар	Сони	Аъло	Яхши	Қониқарли	Қониқарсиз
			5	4	3	2
Назарий билимларни ўзлаштириш	ТГ	104	21	43	40	0
	НГ	105	10	21	60	14
Ижодкорлик-креативлик	ТГ	104	22	44	37	1
	НГ	105	10	22	61	12
Шахс сифатида журъаткорлик ва ироданинг кучлилиги	ТГ	104	20	45	38	1
	НГ	105	10	25	55	15
Ташаббускорлик ва мустақилликни намоеън қила олиш	ТГ	104	21	46	37	0
	НГ	105	9	24	60	12
.Диний мутаассибликка қарши курашувчанлик	ТГ	104	22	48	34	0
	НГ	105	10	25	59	11
Адолатпарварлик, ҳурфикрлилик, ростгўйлик	ТГ	104	23	49	32	0
	НГ	105	9	27	58	11
Баркамол инсон бўлиб етишишга қатъият билан интилиш	ТГ	104	22	50	31	1
	НГ	105	10	26	57	12
Этик ва эстетик ҳис-туйғуларга эғалик	ТГ	104	23	49	31	1
	НГ	105	11	27	54	13
Мезонлар бўйича умумийси	ТГ	104	22	47	35	1
	НГ	105	10	25	58	13




-расм. ЖДПУ талабаларнинг якуний босқич натижаларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари

4.3.8-жадвал. НамДУ талабаларнинг Ижтимоий – педагогик фикрлар негизида маънавий – ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизимида Бобораҳим Машрабнинг умуминсоний ва инсонпарварлик ғоялари моҳиятини ёритиш, шунингдек, жаҳон педагогик тафаккури ривождаги ўрнини ўрганиш бўйича якуний босқич натижалари

Мезонлар	Гуруҳлар	сон	аъло	яхши	қониқарли	қониқарсиз
			5	4	3	2
Назарий билимларни ўзлаштириш	ТГ	101	16	44	40	1
	НГ	103	8	20	61	14
Ижодкорлик-креативлик	ТГ	101	17	38	45	1
	НГ	103	9	21	55	18
Шахс сифатида журъаткорлик ва ироданинг кучлилиги	ТГ	101	18	42	40	1
	НГ	103	9	22	58	14
Ташаббускорлик ва ва мустақилликни намоён қила олиш	ТГ	101	20	43	38	0
	НГ	103	10	23	58	12
.Диний мутаассибликка қарши курашувчанлик	ТГ	101	17	44	40	0
	НГ	103	8	23	56	16
Адолатпарварлик, хурфикрлилик,	ТГ	101	18	48	35	0

ростгўйлик	НГ	103	9	25	55	14
Баркамол инсон бўлиб етишишга қатъият билан интилиш	ТГ	101	17	48	36	0
	НГ	103	9	25	53	16
Этик ва эстетик ҳис-туйғуларга эгалик	ТГ	101	19	49	33	0
	НГ	103	10	23	57	13
Мезонлар бўйича умумийси	ТГ	101	18	45	38	0
	НГ	103	9	23	57	15




-расм. НамДУ талабаларнинг якуний босқич натижаларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари

4.3.9-жадвал. ТДЎТАУ талабаларнинг Ижтимоий – педагогик фикрлар негизида маънавий – ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизимида Бобораҳим Машрабнинг умуминсоний ва инсонпарварлик ғоялари моҳиятини ёритиш, шунингдек, жаҳон педагогик тафаккури ривожигаги ўрнини ўрганиш бўйича якуний босқич натижалари

Мезонлар	Гуруҳлар	Сони	5	4	3	2
			аъло	яхши	қониқарли	қониқарсиз
Назарий билимларни ўзлаштириш	ТГ	103	19	50	33	1
	НГ	104	10	21	60	13
Ижодкорлик-креативлик	ТГ	103	21	48	34	0
	НГ	104	9	24	58	13
Шахс сифатида журъаткорлик ва	ТГ	103	20	49	33	1


ироданинг кучлилиги	НГ	104	10	23	56	15
Ташаббускорлик ва ва мустақилликни намоён қила олиш	ТГ	103	19	49	35	0
	НГ	104	8	26	57	13
.Диний мутаассибликка қарши курашувчанлик	ТГ	103	20	52	31	0
	НГ	104	9	25	58	12
Адолатпарварлик, хурфикрлилик, ростгўйлик	ТГ	103	19	53	30	1
	НГ	104	10	26	54	14
Баркамол инсон бўлиб етишишга қатъият билан интилиш	ТГ	103	21	53	29	0
	НГ	104	10	29	51	14
Этик ва эстетик ҳис-туйғуларга эгалик	ТГ	103	22	52	28	1
	НГ	104	9	25	59	11
Мезонлар бўйича умумийси	ТГ	103	20	51	32	1
	НГ	104	9	25	57	13



-расм. ТДЎТАУ талабаларнинг якуний босқич натижаларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари

4.3.10-жадвал. Барча ОТМлари талабаларнинг Ижтимоий – педагогик фикрлар негизида маънавий – ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизимида Бобораҳим Машрабнинг умуминсоний ва инсонпарварлик ғоялари моҳиятини ёритиш, шунингдек, жаҳон педагогик тафаккури ривожигаги ўрнини ўрганиш бўйича якуний босқич натижалари

Мезонлар	Гуруҳлар	сон	аъло	яхши	қониқарли	қониқарсиз
			5	4	3	2
Назарий билимларни ўзлаштириш	ТГ	308	56	137	113	2
	НГ	312	28	62	181	41
Ижодкорлик-креативлик	ТГ	308	60	130	116	2
	НГ	312	28	67	174	43
Шахс сифатида журъаткорлик ва ироданинг кучлилиги	ТГ	308	58	136	111	3
	НГ	312	29	70	169	44
Ташаббускорлик ва ва мустақилликни намоён қила олиш	ТГ	308	60	138	110	0
	НГ	312	27	73	175	37
.Диний мутаассибликка қарши курашувчанлик	ТГ	308	59	144	105	0
	НГ	312	27	73	173	39
Адолатпарварлик, хурфикрлилик, ростгўйлик	ТГ	308	60	150	97	1
	НГ	312	28	78	167	39
Баркамол инсон бўлиб етишишга қатъият билан интилиш	ТГ	308	60	151	96	1
	НГ	312	29	80	161	42
Этик ва эстетик ҳис-туйғуларга эғалик	ТГ	308	64	150	92	2
	НГ	312	30	75	170	37
Мезонлар бўйича умумийси	ТГ	308	60	142	105	1
	НГ	312	28	72	171	40



-расм. Барча ОТМлар талабаларнинг якуний босқич натижаларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари

Ўтказилган тажриба-синов натижаларига асосланган ҳолда Ижтимоий – педагогик фикрлар негизида маънавий – ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизимида Бобораҳим Машрабнинг умуминсоний ва инсонпарварлик ғоялари моҳиятини ёритиш, шунингдек, жаҳон педагогик тафаккури ривождаги ўрнини ўрганишнинг самарадорлик даражасини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари бўйича тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўртача ўзлаштиришларини Студентнинг математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этдик. Тажриба-синовда жами 620 нафар тингловчилар қатнашиб, тажриба гуруҳида 308 нафарни ва назорат 312 нафарни ташкил этди.

Масаланинг қисқача моҳияти қуйидагилардан иборат: иккита бош тўплам берилган бўлсин. Бири тажриба гуруҳидаги талабалар билимининг ўртача баллари, иккинчиси эса назорат гуруҳи талабалари билимининг ўртача баллари. Баҳолар нормал тақсимотга эга деб ҳисобланади. Бундай фараз ўринлидир, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар бажарилади.

Юқоридаги жадвалга асосан талабаларнинг тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўзлаштиришлари самарадорлигини кўрсатувчи H_1 гипотеза ва унга зид бўлган H_0 гипотеза танланади.

Юқоридаги жадвал кўрсаткичларига асосланган ҳолда Ижтимоий – педагогик фикрлар негизида маънавий – ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизимида Бобораҳим Машрабнинг умуминсоний ва инсонпарварлик ғоялари моҳиятини ёритиш, шунингдек, жаҳон педагогик тафаккури ривождаги ўрнини ўрганишнинг самарадорлик даражасини натижаларини қуйидаги жадвалда акс эттирамиз:

Ўтказилган тажриба-синов ишлари бўйича олинган натижаларнинг ҳаққонийлигини текшириш ва статистик таҳлилинини ўтказиш мақсадида

математик-статистик усуллар орқали қайта таҳлил қилинди. Статистик таҳлилни амалга оширишда Пирсоннинг хи квадрат усулидан фойдаланилди.

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўртача ўзлаштириш қийматлари	$\bar{X} = \frac{1}{m} \sum_{i=1}^{n=3} n_i x_i \quad \bar{Y} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i y_i$
Бу ерда n - тажриба гуруҳидаги талабалар сони, m -назорат гуруҳидаги талабалар сони, \bar{X} -тажриба гуруҳида, \bar{Y} –назорат гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш қийматлари	
Самарадорлик коэффициентини ҳисоблашда ўртача ўзлаштириш қийматларининг нисбати	$\eta = \frac{\bar{X}}{\bar{Y}}$
танланма дисперсияларни ҳисоблашда эса	$D_n = \sum_{i=1}^{n=3} \frac{n_i (x_i - \bar{x})^2}{n - 1}$ $D_m = \sum_{i=1}^{n=3} \frac{n_i (y_i - \bar{y})^2}{m - 1}$
Ўртача квадратик четланишлар	$\tau_n = \sqrt{D_n}, \quad \tau_m = \sqrt{D_m}$
Ишончли интервал	$\bar{X} - t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}}$ $\bar{Y} - t_\gamma \cdot \frac{n}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_\gamma \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}}$

Тадқиқотда χ^2 усулини қўллаш, бош тўплам, яъни ўқув жараёнининг нормал тақсимот қонунига бўйсиниши ҳақидаги фаразни текширишни талаб этади. Тажриба-синов ишларининг ўзлаштиришларини таққослаш мақсадида танлаб олинган тажриба ва назорат гуруҳларида ўзлаштиришни аниқлаш, яъни гуруҳлардаги ўзлаштиришнинг ўртача қиймати олинди.

гуруҳлардаги ўзлаштиришнинг ўртача қиймати	$x = \frac{\sum x_i m_j}{N}$
Бу ерда x_i – ўзлаштириш кўрсаткичи бўлиб, улар 5-аъло, 4-яхши, 3-кониқарли, 2-кониқарсиз даражаларнинг қабул қиладиган қийматлари. m_j –	

баҳолардан такрорланишлар сони, N–тажрибада иштирок этаётган талабаларнинг сони	
H ₀ гипотеза	тажриба ва назорат гуруҳларида баҳолаш турлари бўйича кутилаётган эҳтимоллар тенг ($p_{11}=p_{21}, p_{12}=p_{22}, \dots, p_{1c}=p_{2c}$)
H ₁ гипотеза альтернатив сифатида	($p_{11} \neq p_{21}, p_{12} \neq p_{22}, \dots, p_{1c} \neq p_{2c}$) олинди.
Ушбу статистик гипотезани текшириш учун χ^2 мезонидан фойдаланди	
χ^2 мезони формуласи	$\chi^2_{\text{кузатув}} = \frac{1}{n_1 n_2} \sum_{i=1}^c \frac{(n_1 O_{2i} - n_2 O_{1i})^2}{O_{1i} + O_{2i}}$

Ушбу статистик гипотезани текшириш учун дан фойдаланди. Яъни, формуласидан фойдаланамиз. Бу ерда $\chi^2_{\text{кузатув}}$ статистик қиймат, n_1 ва n_2 тажрибада иштирок этган респодентлар сони бўлиб, n_1 тажриба гуруҳидаги, n_2 – назорат гуруҳларидаги қатнашган респодентларнинг сони. O_{1i} ва O_{2i} лар мос равишда тажриба ва назорат гуруҳларидаги баҳолаш турларига нисбатан олинган баҳолар миқдори.

Педагогик гипотеза сифатида $\chi^2_{\text{кузатув}}$ қиймати $\chi^2_{\text{критик}}$ билан такқосланади. Агар $\chi^2_{\text{кузатув}} > \chi^2_{\text{критик}}$ бўлса H_0 (олиб борилган тажриба-синов ишларидаги тажриба гуруҳларидаги олинган натижалар самарасиз) гипотеза рад этилиб, H_1 (олиб борилган тажриба-синов ишларидаги тажриба гуруҳларидаги олинган натижалар самарали) гипотеза қабул қилинади.

Бу ердаги $\chi^2_{\text{критик}}$ - нормаллашган четланиш ишонч эҳтимоли p асосида аниқланади. Озодлик даражаси эса $K=C-1$ формуласи орқали топилади C – баҳолаш турлари χ^2 мезонини тажриба натижалари танлаган респодентларда 4 та баҳолаш турлари асосида олиб борилгани учун $C=4$ га тенг унда, $p=0,05$ деб олсак, $K=C-1=3$ бўлиб χ^2 жадвали асосида олинган $\chi^2_{\text{критик}} = 7,81$ га тенг.

ЖДПУ талабаларнинг Ижтимоий – педагогик фикрлар негизида маънавий – ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизимида Бобораҳим

Машрабнинг умуминсоний ва инсонпарварлик ғоялари моҳиятини ёритиш, шунингдек, жаҳон педагогик тафаккури ривождаги ўрнини ўрганиш бўйича дастлабки босқич натижалари (4.3.3-жадвал) асосида юқоридаги статистик формулалар ва функциялар орқали статистик ҳисоб жадвалини келтирамиз

4.3.11.-жадвал

Мезонлар	Гуруҳлар	Ўртача баҳо	Самарадорлик	Хи квадрат	Критик қиймат	танланма дисперсия	стандарт хатолик	Ишонч интервали	Хулоса	
Назарий билимларни ўзлаштириш	ТГ	3,05	1,00	0,09	7,81	0,48	0,69	2,96	3,14	Н0
	НГ	3,06				0,50	0,70	2,96	3,15	
Ижодкорлик-креативлик	ТГ	3,12	1,00	0,06	7,81	0,48	0,69	3,02	3,21	Н0
	НГ	3,10				0,48	0,69	3,01	3,20	
Шахс сифатида журъаткорлик ва ироданинг кучлилиги	ТГ	3,13	1,00	0,25	7,81	0,45	0,67	3,04	3,21	Н0
	НГ	3,13				0,48	0,69	3,04	3,23	
Ташаббускорлик ва ва мустақилликни намоён қила олиш	ТГ	3,10	1,00	0,17	7,81	0,45	0,67	3,01	3,18	Н0
	НГ	3,09				0,47	0,68	3,00	3,18	
Диний мутаассибликка қарши курашувчанлик	ТГ	3,13	1,00	0,16	7,81	0,47	0,68	3,04	3,22	Н0
	НГ	3,12				0,49	0,70	3,03	3,22	
Адолатпарварлик, хурфикрлилик, ростгўйлик	ТГ	3,16	1,00	0,08	7,81	0,48	0,69	3,07	3,26	Н0
	НГ	3,15				0,45	0,67	3,07	3,24	
Баркамол инсон бўлиб етишишга қатъият билан	ТГ	3,13	1,00	0,25	7,81	0,46	0,68	3,04	3,21	Н0
	НГ	3,13				0,49	0,70	3,04	3,23	

интилиш										
Этик ва эстетик ҳис- туйғуларга эгалик	ТГ	3,14	1,00	0,39	7,81	0,48	0,69	3,05	3,24	H0
	НГ	3,13				0,43		3,05	3,22	
Мезонлар бўйича умумийси	ТГ	3,12	1,00	0,01	7,81	0,47	0,68	3,03	3,21	H0
	НГ	3,12				0,47		3,03	3,21	



-расм. Дастлабки босқичдаги ЖДПУ талабаларининг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари

НамДУ талабаларининг Ижтимоий – педагогик фикрлар негизида маънавий – ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизимида Бобораҳим Машрабнинг умуминсоний ва инсонпарварлик ғоялари моҳиятини ёритиш, шунингдек, жаҳон педагогик тафаккури ривождаги ўрнини ўрганиш бўйича дастлабки босқич натижалари(4.3.4-жадвал) асосида юқоридаги статистик формулалар ва функциялар орқали статистик ҳисоб жадвалини келтирамиз

4.3.12.-жадвал

Мезонлар	Гуруҳлар	Ўртача баҳо	Самарадорлик	Хи квадрат	критик қиймат	тавланма дисперсия стандарт хатолик	Ишонч интервали	Хулоса	
Назарий билимларни ўзлаштириш	ТГ	3,06	1,00	1,29	7,81	0,48 0,69	2,97	3,15	Н0
	НГ	3,06					2,98	3,14	
Ижодкорлик-креативлик	ТГ	3,05	1,00	0,02	7,81	0,47 0,69	2,96	3,14	Н0
	НГ	3,06					2,97	3,15	
Шахс сифатида журъаткорлик ва ироданинг кучлилиги	ТГ	3,08	1,00	0,30	7,81	0,48 0,68	2,98	3,17	Н0
	НГ	3,08					2,99	3,17	
Ташаббускорлик ва мустақилликни намоён қила олиш	ТГ	3,10	1,00	0,19	7,81	0,49 0,71	3,00	3,19	Н0
	НГ	3,10					3,00	3,19	
.Диний мутаассибликка қарши курашувчанлик	ТГ	3,07	1,00	0,19	7,81	0,48 0,69	2,98	3,16	Н0
	НГ	3,07					2,98	3,15	
Адолатпарварлик, хурфикрлик, ростгўйлик	ТГ	3,15	1,00	0,01	7,81	0,45 0,67	3,06	3,24	Н0
	НГ	3,16					3,07	3,24	
Баркамол инсон бўлиб етишишга қатъият билан интилиш	ТГ	3,16	1,00	0,11	7,81	0,43 0,67	3,08	3,24	Н0
	НГ	3,17					3,08	3,25	
Этик ва эстетик ҳис-туйғуларга эгалик	ТГ	3,13	1,00	0,09	7,81	0,46 0,69	3,04	3,22	Н0
	НГ	3,13					3,03	3,22	
Мезонлар бўйича умумийси	ТГ	3,10	1,00	0,02	7,81	0,47 0,68	3,01	3,19	Н0
	НГ	3,10					3,01	3,19	

Ушбу жадвал маълумотларига кўра барча таълим муассасаларида $\chi^2_{\text{кузатув}} <$

$\chi^2_{\text{критик}}$ бўлгани учун тажриба ва назорат гуруҳларидаги барча мезонлар бўйича

билим даражалари мавжуд ҳолати бир-бирдан фарқ қилмайди ва уларда

самарадорлик 1,00 га тенг бўлгани учун уларнинг билим даражалари бир хил ва

танланган гуруҳларнинг танлаб олиш тасодифий эмас деб хулоса қилиш мумкин. Уларнинг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари диаграммаси куйидаги кўринишни олади



-расм. Дастлабки босқичдаги НамДУ талабаларининг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари

ТДЎТАУ талабаларнинг Ижтимоий – педагогик фикрлар негизида маънавий – ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизимида Бобораҳим Машрабнинг умуминсоний ва инсонпарварлик ғоялари моҳиятини ёритиш, шунингдек, жаҳон педагогик тафаккури ривожига ўрнини ўрганиш бўйича дастлабки босқич натижалари(4.3.5-жадвал) асосида юқоридаги статистик формулалар ва функциялар орқали статистик ҳисоб жадвалини келтирамиз

4.3.13.-жадвал

Мезонлар	Гуруҳлар	Ўртача баҳо	Самардорлик	Хи квадрат	критик қиймат	танланма дисперсия стандарт хатолик	Ишонч интервали	Хулоса		
Назарий	ТГ	3,08	1,00	0,16	7,81	0,46	0,68	2,99	3,17	H0

билимларни ўзлаштириш	НГ	3,07				0,49	0,70	2,97	3,16	
Ижодкорлик-креативлик	ТГ	3,14	1,00	0,09	7,81	0,48	0,69	3,04	3,23	Н0
	НГ	3,13				0,45		0,67	3,04	
Шахс сифатида журъаткорлик ва ироданинг кучлилиги	ТГ	3,08	1,00	0,35	7,81	0,45	0,67	2,99	3,17	Н0
	НГ	3,09				0,50		0,71	2,99	
Ташаббускорлик ва мустақилликни намоён қила олиш	ТГ	3,09	1,00	0,17	7,81	0,48	0,69	3,00	3,18	Н0
	НГ	3,10				0,45		0,67	3,01	
Диний мутаассибликка қарши курашувчанлик	ТГ	3,14	1,00	0,14	7,81	0,48	0,70	3,04	3,23	Н0
	НГ	3,13				0,45		0,67	3,05	
Адолатпарварлик, хурфикрлик, ростгўйлик	ТГ	3,14	1,00	0,25	7,81	0,46	0,68	3,05	3,22	Н0
	НГ	3,14				0,49		0,70	3,05	
Баркамол инсон бўлиб етишишга қатъият билан интилиш	ТГ	3,15	1,00	0,17	7,81	0,47	0,68	3,06	3,24	Н0
	НГ	3,13				0,45		0,67	3,05	
Этик ва эстетик хис-туйғуларга эгалик	ТГ	3,14	1,00	0,06	7,81	0,46	0,68	3,05	3,23	Н0
	НГ	3,13				0,46		0,68	3,04	
Мезонлар бўйича умумийси	ТГ	3,12	1,00	0,00	7,81	0,47	0,68	3,03	3,21	Н0
	НГ	3,11				0,47		0,68	3,02	

Ушбу жадвал маълумотларига кўра барча таълим муассасаларида $\chi^2_{кузатув} < \chi^2_{критик}$ бўлгани учун тажриба ва назорат гуруҳларидаги барча мезонлар бўйича билим даражалари мавжуд ҳолати бир-биридан фарқ қилмайди ва уларда самарадорлик 1,00 га тенг бўлгани учун уларнинг билим даражалари бир хил ва

танланган гуруҳларнинг танлаб олиш тасодифий эмас деб хулоса қилиш мумкин. Уларнинг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари диаграммаси куйидаги кўринишни олади



-расм. Дастлабки босқичдаги ТДЎТАУ талабаларининг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари

Барча ОТМлари талабаларнинг Ижтимоий – педагогик фикрлар негизида маънавий – ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизимида Бобораҳим Машрабнинг умуминсоний ва инсонпарварлик ғоялари моҳиятини ёритиш, шунингдек, жаҳон педагогик тафаккури ривожигадаги ўрнини ўрганиш бўйича дастлабки босқич натижалари (4.3.6-жадвал) асосида юқоридаги статистик формулалар ва функциялар орқали статистик ҳисоб жадвалини келтирамиз

4.3.14.-жадвал

Мезонлар	Гуруҳлар	Ўртача баҳо	Самарадорлик	Хи квадрат	критик қиймат	танланма	дисперсия стандарт	хатолик	Ишонч интервали	Хулоса

Назарий билимларни ўзлаштириш	ТГ	3,06	1,00	0,45	7,81	0,47	0,69	3,01	3,11	Н0
	НГ	3,06				0,47		0,68	3,01	
Ижодкорлик-креативлик	ТГ	3,10	1,00	0,06	7,81	0,48	0,69	3,05	3,15	Н0
	НГ	3,10				0,46		0,68	3,04	
Шахс сифатида журъаткорлик ва ироданинг кучлилиги	ТГ	3,09	1,00	0,24	7,81	0,46	0,68	3,04	3,15	Н0
	НГ	3,10				0,48		0,69	3,05	
Ташаббускорлик ва мустақилликни намоеън қила олиш	ТГ	3,09	1,00	0,03	7,81	0,47	0,69	3,04	3,15	Н0
	НГ	3,09				0,47		0,69	3,04	
.Диний мутаассибликка қарши курашувчанлик	ТГ	3,11	1,00	0,14	7,81	0,48	0,69	3,06	3,17	Н0
	НГ	3,11				0,46		0,68	3,06	
Адолатпарварлик, хурфикрлик, ростгўйлик	ТГ	3,15	1,00	0,07	7,81	0,46	0,68	3,10	3,20	Н0
	НГ	3,15				0,46		0,68	3,10	
Баркамол инсон бўлиб етишишга қатъият билан интилиш	ТГ	3,14	1,00	0,09	7,81	0,45	0,67	3,09	3,19	Н0
	НГ	3,14				0,46		0,68	3,09	
Этик ва эстетик ҳис-туйғуларга эгалик	ТГ	3,14	1,00	0,09	7,81	0,47	0,68	3,08	3,19	Н0
	НГ	3,13				0,46		0,68	3,08	
Мезонлар бўйича умумийси	ТГ	3,11	1,00	0,00	7,81	0,47	0,68	3,06	3,16	Н0
	НГ	3,11				0,47		0,68	3,06	

Ушбу жадвал маълумотларига кўра барча таълим муассасаларида $\chi^2_{\text{кузатув}} < \chi^2_{\text{критик}}$ бўлгани учун тажриба ва назорат гуруҳларидаги барча мезонлар бўйича билим даражалари мавжуд ҳолати бир-биридан фарқ қилмайди ва уларда самарадорлик 1,00 га тенг бўлгани учун уларнинг билим даражалари бир хил ва танланган гуруҳларнинг танлаб олиш тасодифий эмас деб хулоса қилиш мумкин. Уларнинг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари диаграммаси куйидаги

кўринишни олади



-расм. Дастлабки босқичдаги Барча ОТМлар талабаларининг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари

4.3.7-жадвал. ЖДПУ талабаларнинг Ижтимоий – педагогик фикрлар негизида маънавий – ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизимида Бобораҳим Машрабнинг умуминсоний ва инсонпарварлик ғоялари моҳиятини ёритиш, шунингдек, жаҳон педагогик тафаккури ривожигаги ўрнини ўрганиш бўйича якуний босқич натижалари (4.3.7-жадвал) асосида юқоридаги статистик формулалар ва функциялар орқали статистик ҳисоб жадвалини келтирамиз

4.3.15-жадвал.

Мезонлар	Гуруҳлар	Ўртача баҳо	Самарадорлик	Хи квадрат	критик қиймат	танланма дисперсия стандарт хатолик	Ишонч интервали	Хулоса		
Назарий билимларни ўзлаштириш	ТГ	3,82	1,17	29,4	7,81	0,55	0,74	3,71	3,92	Н1
	НГ	3,26		6		0,45	0,67	3,17	3,34	

Ижодкорлик- креативлик	ТГ	3,84	1,17	27,0 1	7,81	0,55	0,74	3,73	3,94	Н1
	НГ	3,29				0,44		0,67	3,20	
Шахс сифатида журъаткорлик ва ироданинг кучлилиги	ТГ	3,81	1,16	24,4 0	7,81	0,53	0,73	3,71	3,91	Н1
	НГ	3,29				0,46		0,68	3,20	
Ташаббускорлик ва ва мустақилликни намоён қила олиш	ТГ	3,85	1,17	29,1 6	7,81	0,53	0,73	3,74	3,95	Н1
	НГ	3,29				0,42		0,65	3,20	
.Диний мутаассибликка қарши курашувчанлик	ТГ	3,88	1,17	29,4 6	7,81	0,53	0,72	3,78	3,99	Н1
	НГ	3,32				0,45		0,67	3,24	
Адолатпарварлик, хурфикрлик, ростгўйлик	ТГ	3,91	1,18	31,0 0	7,81	0,52	0,72	3,81	4,01	Н1
	НГ	3,32				0,43		0,65	3,24	
Баркамол инсон бўлиб етишишга қатъият билан интилиш	ТГ	3,89	1,17	29,0 6	7,81	0,51	0,71	3,80	3,99	Н1
	НГ	3,32				0,45		0,67	3,24	
Этик ва эстетик ҳис- туйғуларга эгалик	ТГ	3,90	1,17	27,1 1	7,81	0,52	0,72	3,80	4,00	Н1
	НГ	3,34				0,47		0,69	3,25	
Мезонлар бўйича умумийси	ТГ	3,86	1,17	28,0 8	7,81	0,53	0,73	3,76	3,97	Н1
	НГ	3,30				0,45		0,67	3,22	

Ушбу жадвал маълумотларига кўра барча таълим муассасаларида $\chi^2_{\text{кузатув}} > \chi^2_{\text{критик}}$ бўлгани учун тажриба ва назорат гуруҳларидаги билим даражалари бир-биридан фарқ қилади ва уларда самарадорлик 1,17 баробарга юқори эканлиги, **танлаб олинган статистик мезоннинг эмпирик қиймати критик қийматдан катталиги ва ишонч оралиқларининг бир бири билан устма уст тушмаслиги танланган мезон бўйича Н₁ гипотезани қабул қилишига олиб келади.** Уларнинг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари диаграммаси куйидаги кўринишни олади



-расм. Якуний босқичдаги ЖДПУ талабаларининг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари

НамДУ талабаларининг Ижтимоий – педагогик фикрлар негизида маънавий – ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизимида Бобораҳим Машрабнинг умуминсоний ва инсонпарварлик ғоялари моҳиятини ёритиш, шунингдек, жаҳон педагогик тафаккури ривожигадаги ўрнини ўрганиш бўйича якуний босқич натижалари (4.3.8-жадвал) асосида юқоридаги статистик формулалар ва функциялар орқали статистик ҳисоб жадвалини келтирамиз

4.3.16-жадвал.

Мезонлар	Гуруҳлар	Ўртача баҳо	Самарадорлик	Хи квадрат	критик қиймат	танланма дисперсия стандарт хатолик	Ишонч интервали	Хулоса
Назарий билимларни ўзлаштириш	ТГ	3,74	1,16	27,28	7,81	0,50	0,71	Н1
	НГ	3,21						
Ижодкорлик-креативлик	ТГ	3,70	1,16	23,55	7,81	0,54	0,74	Н1
	НГ	3,20						
Шахс сифатида	ТГ	3,76	1,16	23,8	7,81	0,53	0,73	Н1

журъаткорлик ва ироданинг кучлилиги	НГ	3,25		1			0,43	0,66	3,1	3,3	
Ташаббускорлик ва мустақилликни қила олиш	ТГ	3,82	1,16	25,5	4	7,81	0,54	0,74	3,7	3,9	
	Намоён	НГ					3,30		0,45	0,67	3,2
.Диний мутаассибликка қарши курашувчанлик	ТГ	3,77	1,17	28,4	7	7,81	0,51	0,72	3,6	3,8	
	Намоён	НГ					3,22		0,41	0,64	3,1
Адолатпарварлик, хурфикрлилик, ростгўйлик	ТГ	3,83	1,17	28,6	7	7,81	0,50	0,70	3,7	3,9	
	Намоён	НГ					3,28		0,44	0,66	3,2
Баркамол инсон бўлиб етишишга қатъият билан интилиш	ТГ	3,81	1,17	28,9	4	7,81	0,49	0,70	3,7	3,9	
	Намоён	НГ					3,26		0,44	0,66	3,1
Этик ва эстетик ҳис-туйғуларга эгалик	ТГ	3,86	1,17	31,5	7	7,81	0,50	0,70	3,7	3,9	
	Намоён	НГ					3,29		0,45	0,67	3,2
Мезонлар бўйича умумийси	ТГ	3,79	1,16	26,9	2	7,81	0,52	0,72	3,6	3,8	
	Намоён	НГ					3,25		0,43	0,66	3,1

Ушбу жадвал маълумотларига кўра барча таълим муассасаларида $\chi^2_{кузатув} > \chi^2_{критик}$ бўлгани учун тажриба ва назорат гуруҳларидаги билим даражалари бир-биридан фарқ қилади ва уларда самарадорлик 1,16 баробарга юқори эканлиги, **танлаб олинган статистик мезоннинг эмпирик қиймати критик қийматдан катталиги ва ишонч оралиқларининг бир бири билан устма уст тушмаслиги танланган мезон бўйича Н₁ гипотезани қабул қилишига олиб келади.** Уларнинг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари диаграммаси куйидаги кўринишни олади



-расм. Якуний босқичдаги НамДУ талабаларининг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари

4.3.9-жадвал. ТДЎТАУ талабаларининг Ижтимоий – педагогик фикрлар негизида маънавий – ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизимида Бобораҳим Машрабнинг умуминсоний ва инсонпарварлик ғоялари моҳиятини ёритиш, шунингдек, жаҳон педагогик тафаккури ривождаги ўрнини ўрганиш бўйича якуний босқич натижалари (4.3.9-жадвал) асосида юқоридаги статистик формулалар ва функциялар орқали статистик ҳисоб жадвалини келтирамиз

4.3.17-жадвал.

Мезонлар	Гуруҳлар	Ўртача баҳо	Самардорлик	Хи квадрат	критик қиймат	танланма дисперсия	стандарт хатолик	Ишонч интервали	Хулоса	
Назарий билимларни ўзлаштириш	ТГ	3,84	1,18	32,76	7,81	0,49	0,70	3,75	3,94	Н1
	НГ	3,27						3,18	3,36	
Ижодкорлик-креативлик	ТГ	3,87	1,18	32,06	7,81	0,52	0,72	3,77	3,97	Н1
	НГ	3,28						3,20	3,36	
Шахс сифатида журъаткорлик ва	ТГ	3,85	1,18	30,91	7,81	0,51	0,71	3,76	3,95	Н1
	НГ	3,27						3,18	3,36	

ироданинг кучлилиги										
Ташаббускорлик ва ва мустақилликни намоён қила олиш	ТГ	3,84	1,17	29,79	7,81	0,50	0,71	3,75	3,94	Н1
	НГ	3,28				0,41		0,64	3,20	
.Диний мутаассибликка қарши курашувчанлик	ТГ	3,89	1,18	33,83	7,81	0,48	0,70	3,80	3,99	Н1
	НГ	3,30				0,43		0,65	3,22	
Адолатпарварлик, хурфикрлик, ростгўйлик	ТГ	3,87	1,17	30,14	7,81	0,47	0,69	3,78	3,96	Н1
	НГ	3,31				0,46		0,68	3,22	
Баркамол инсон бўлиб етишишга қатъият билан интилиш	ТГ	3,92	1,18	30,97	7,81	0,48	0,69	3,83	4,01	Н1
	НГ	3,34				0,46		0,68	3,25	
Этик ва эстетик ҳис- туйғуларга эгалик	ТГ	3,92	1,19	34,29	7,81	0,49	0,70	3,83	4,02	Н1
	НГ	3,31				0,43		0,65	3,23	
Мезонлар бўйича умумийси	ТГ	3,88	1,18	31,55	7,81	0,49	0,70	3,78	3,97	Н1
	НГ	3,29				0,44		0,66	3,21	

Ушбу жадвал маълумотларига кўра барча таълим муассасаларида $\chi^2_{\text{кузатув}} > \chi^2_{\text{критик}}$ бўлгани учун тажриба ва назорат гуруҳларидаги билим даражалари бир-биридан фарқ қилади ва уларда самарадорлик 1,18 баробарга юқори эканлиги, **танлаб олинган статистик мезоннинг эмпирик қиймати критик қийматдан катталиги ва ишонч оралиқларининг бир бири билан устма уст тушмаслиги танланган мезон бўйича Н₁ гипотезани қабул қилишига олиб келади.** Уларнинг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари диаграммаси куйидаги кўринишни олади



-расм. Якуний босқичдаги ТДЎТАУ талабаларининг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари

4.3.10-жадвал. Барча ОТМлари талабаларнинг Ижтимоий – педагогик фикрлар негизида маънавий – ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизимида Бобораҳим Машрабнинг умуминсоний ва инсонпарварлик ғоялари моҳиятини ёритиш, шунингдек, жаҳон педагогик тафаккури ривождаги ўрнини ўрганиш бўйича якуний босқич натижалари (4.3.10-жадвал) асосида юқоридаги статистик формулалар ва функциялар орқали статистик ҳисоб жадвалини келтирамиз

4.3.18-жадвал.

Мезонлар	Гуруҳлар	Ўртача баҳо	Самардорлик	Ҳи квадрат	критик қиймат	танланма	дисперсия стандарт	хатолик	Ишонч	интервали	Хулоса
Назарий билимларни ўзлаштириш	ТГ	3,80	1,17	88,68	7,81	0,52	0,72	0,66	3,74	3,86	Н1
	НГ	3,25							3,20	3,29	
Ижодкорлик-креативлик	ТГ	3,81	1,17	80,72	7,81	0,54	0,74	0,66	3,74	3,87	Н1
	НГ	3,26							3,21	3,30	


Шахс сифатида журъаткорлик ва ироданинг кучлилиги	ТГ	3,81	1,16	78,57	7,81	0,53	0,72	3,75	3,87	Н1
	НГ	3,27				0,45		0,67	3,22	
Ташаббускорлик ва ва мустақилликни намоён кила олиш	ТГ	3,84	1,17	84,34	7,81	0,53	0,72	3,78	3,90	Н1
	НГ	3,29				0,43		0,65	3,24	
.Диний мутаассибликка қарши курашувчанлик	ТГ	3,85	1,17	90,75	7,81	0,51	0,71	3,79	3,91	Н1
	НГ	3,28				0,43		0,66	3,23	
Адолатпарварлик, хурфикрлик, ростгўйлик	ТГ	3,87	1,17	89,01	7,81	0,50	0,71	3,82	3,93	Н1
	НГ	3,30				0,44		0,66	3,26	
Баркамол инсон бўлиб етишишга қатъият билан интилиш	ТГ	3,88	1,17	88,13	7,81	0,50	0,70	3,82	3,93	Н1
	НГ	3,31				0,45		0,67	3,26	
Этик ва эстетик ҳис- туйғуларга эгалик	ТГ	3,90	1,18	91,91	7,81	0,50	0,71	3,84	3,95	Н1
	НГ	3,31				0,45		0,67	3,26	
Мезонлар бўйича умумийси	ТГ	3,84	1,17	86,08	7,81	0,52	0,72	3,79	3,90	Н1
	НГ	3,28				0,44		0,66	3,23	

Ушбу жадвал маълумотларига кўра барча таълим муассасаларида $\chi^2_{\text{кузатув}} > \chi^2_{\text{критик}}$ бўлгани учун тажриба ва назорат гуруҳларидаги билим даражалари бир-биридан фарқ қилади ва уларда самарадорлик 1,17 баробарга юқори эканлиги, **танлаб олинган статистик мезоннинг эмпирик қиймати критик қийматдан катталиги ва ишонч оралиқларининг бир бири билан устма уст тушмаслиги танланган мезон бўйича Н₁ гипотезани қабул қилишига олиб келади.** Уларнинг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари диаграммаси куйидаги кўринишни олади



-расм. Якуний босқичдаги Барча ОТМлар талабаларининг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари

Олиб борилган тадқиқот ишида талабаларнинг Ижтимоий – педагогик фикрлар негизида маънавий – ахлоқий камолотини шакллантириш тизимида Бобораҳим Машрабнинг умуминсоний ва инсонпарварлик ғоялари моҳиятини ёритиш, шунингдек, жаҳон педагогик тафаккури ривождаги ўрнини ўрганиш бўйича ўтказилган натижалар тажриба якунида олинган натижалар билан таққослаганда билиш даражаси тажриба охирида юқори экналиги кузатилди. Буни самарадорлик диаграммасида ҳам кўриш мумкин



-расм. Тажриба якунидаги ўртача самарадорлик кўрсаткичлари

Демак талабаларнинг Ижтимоий – педагогик фикрлар негизида маънавий – ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизимида Бобораҳим Машрабнинг умуминсоний ва инсонпарварлик ғоялари моҳиятини ёритиш,

шунингдек, жаҳон педагогик тафаккури ривождаги ўрнини ўрганиш бўйича билиш даражаси тажриба якунида 1,17 баробарга, яъни 17% га юқорилиги **математик статистик усуллар билан исботланди.**

Тўртинчи боб бўйича хулосалар

Талабалар маънавий-ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизимининг педагогик самарадорлиги ва тажриба–синов ишлари натижалари ҳақида хулосага келинди;

биринчидан, талабалар маънавий-ахлоқий камолотини шакллантириш тизимини амалиётга жорий этиш, бинобарин, Машраб ижодининг хорижда ўрганилиши ва ўрта мактабларда шоир шеърятининг жанр хусусиятлари ҳақидаги таълимотларни ўрганиш методикаси ҳақидаги хулосалар таҳлили шуни кўрсатадики, Алишер Навоий, Хожамназар Хувайдо ва Бобораҳим Машраб ҳаёти, фаолияти, хориж университетларида, хусусан, Германия, АҚШ, Франция, Россия, Туркия олимлари томонидан ўрганилган. Фарб, Европа – французлар, немислар XIX асрдаёқ Херман Вамбери, Дитрел де Ренн, Бернер Гренер, Йоханнес Аветараннанлар шуғулланишган.

Европа олимлари Н.И.Веселовский, Н.С, Ликошин, В.Л.Вяткин, Н.П.Остроумов, М.А Салье, А.Э.Шмидт машрабшунослик фани тараққиётига улкан ҳисса қўшганлар. Германиялик Мартин Хартманн 1902 йил “Девонаи Машраб”, “Шоҳ Машраб” асосида “Машраб – доно телба ва авлиё даҳрий” илмий асарини ёзган. Наманганлик Машраб тадқиқотчиси Мусо Тоджихўжаев шу хусусда илмий тадқиқот иши эълон қилган. Туркияда Машрабнинг “Мабдаи нур” асари турк тилида чоп этилган. Машраб асарлари инглиз тилига ҳам шарқшунос олим Эдвард Олворт томонидан таржима қилиниб, Фарбда қизиқиш билан ўқилмоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, “Қиссаи Машраб” араб, яҳудий, Европа халқлари тилларига таржима қилиниб, умумжаҳон адабиётининг бетакрор мулкига айланган;

иккинчидан, талабалар маънавий-ахлоқий камолотини шакллантириш тизимининг педагогик самарадорлигини аниқлаш мезонини ишлаб чиқиш шуни кўрсатадики, Марказий Осиё халқлари адабиётида тожик, қирғиз,

козок, туркман, шунингдек, кавказ, эрон, араб, ҳинд адабиётида шеърининг жанр хусусиятлари, лириканинг жанрлари мустақод, мураббаъ, ғазал, маснавий, мухаммас, мусаддас, хамса, рубоий, тажнис, тазод, фард каби турлар ўрганиб келинган. Бу анъана Алишер Навоий, Сўфи Оллоёр, Хожамназар Ҳувайдо ва Бобораҳим Машраб томонидан ривожлантирилган. Ўзбек адабиётидаги мумтоз мурабба (тўртлик), мухаммас (бешлик), мусаддас (олтилик), мусамман (саккизлик)лар кенг тарқалиб, бу жанрларда Машраб ҳам сермахсул ижод этган. Барча туркий халқлар, жумладан, ўзбек адабиёти тарихида бу жанрларда ранго – ранг шеърининг дурдоналари яратилган. Е.Э.Бертельс, А. Ҳайитметов, Р. Мажидий, М. Гулизода фикрларига таянсақ, Машраб мусаддас, мустақод жанрларида ҳатто, Навоийдан кўра кўпроқ асарлар яратганликлари маълум бўлади. Умумтаълим мактабларида ўқувчиларга ва олий таълимда талабаларга Машраб шеърининг жанр хусусиятларини ўргатиш ва сингдириш педагог ўқитувчиларнинг амалий ишлари эканлигига шубҳа билдира олмаймиз.

Хулоса

Ижтимоий-педагогик фикрлар негизида талабаларнинг маънавий-ахлоқий камолотини таъминлаш тизимини такомиллаштириш (Бобораҳим Машраб асарлари мисолида) мутафаккир педагогик ғояларини тадқиқ ва талқин этиш ва умумлаштириш асосида қуйидагича хулосаларга келинди:

1. Талабалар маънавий-ахлоқий камолотини такомиллаштириш-педагогик муаммо сифатида асосий эътибор мавзунини бирламчи манбалар асосида илмий ёритишга йўналтирилган.

XVII – XVIII асрлар Шайбонийхон Мовароуннаҳрда кучли марказлашган давлат барпо этишга уринган бўлса, унинг ўлимидан сўнг ўзаро урушлар авж олиб кетди ва бу ҳудудда учта хонлик, аввало, Бухоро амирлиги ва Хоразм, XVIII аср охирига келиб, Қўқон хонлиги қарор топди. Хонликлар ўртасидаги бетўхтов ўзаро урушлар мамлакатни маълум даражада хароб этди, фан ва маданият соҳасида турғунлик юз берди. Лекин шунга қарамай, ахлоқий-педагогик фикрлар соҳасида истеъдодли ижодкорлар-Саидо Насафий, Турди, Сўфи Оллоёр, Хожамназар Хувайдо, Юсуф Қорабоғий, Муҳаммад Шариф Бухорий, Бобораҳим Машраб каби алломалар жамиятни илм-фанга, маърифатга даъват этдилар, тафаккур, мантиқ, таълим-тарбия масалалари ҳақида фикр юритдилар, ўз даврининг мутафаккир тарбиячиси, қомусий олимлари бўлиб танилдилар.

2. Талабалар маънавий-ахлоқий камолотини такомиллаштиришнинг ижтимоий жиҳатдан зарурлиги хусусиятларини ёритишда Машраб шеърини бу дунёдан норози кетган покдил инсонларнинг виждон қичқириғи, нур қидириб, нурга талпинган юракнинг нола-фиғони янгради: “Соёи одамга келдим, нури маъни изладим”-дейди шоир. Машраб шеърини мумтоз адабиётнинг энг илғор заминида шаклланди.

3. Талабаларга маънавий-ахлоқий тарбия беришда, Машрабнинг ижтимоий-маънавий мероси дидактик асос сифатида ёритишда буюк аждодларимиз миллий маънавиятимизни ривожлантиришга ҳисса қўшиб, жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк ҳиссаси, академик Н.

Веселовский таъкидлаган: “Машраб чукур эҳтиром ва эътибор билан ўрганишга муносиб шахсдир”. Ундан “Мабдаи нур”, “Кимё” каби китоблар қолди. “Девони Машраб”, “Қиссаи Машраб”лар, ахлоқий-таълимий, тарбиявий-маърифий педагогик руҳдаги маънавий, шеърий мерос қолди.

4. Талабалар маънавий-ахлоқий камолотини такомиллаштиришда Машраб асарларининг роли ва ўрни хусусида фикр юритилганда, мутафаккир, мураббий тарбиячи ва курашчан инсоннинг, на фалаку тақдир, на ердаги тартиботлар билан келиша олмайдиган, ҳокиму-подшоларга хайиқмасдан сўзини ўткази оладиган, ўлимдан ҳам қўрқмай, унга тик бора оладиган жасоратли руҳнинг нидосидир. Машраб Мансур Ҳаллоҷ таълимотини ҳақ билиб, дунёпараст амалдорлар ва жоҳил уламоларга ҳақ сўзни айта олди ва Ҳаллоҷ қандай ўлим топган бўлса, Машрабни ҳам шундай қатл этиб, сўнг тинчидилар.

5. Талабалар маънавий-ахлоқий камолотини такомиллаштиришда Машраб ижтимоий-педагогик қарашларини татбиқ этиш тизимини шакллантиришда мутафаккирнинг нафсга қарши кураш, уни мағлуб этишга интилиш тасаввуф аҳли ахлоқининг асосий хусусиятларидан бўлиб, бу ҳол маънавий поклик ва мукамалликка раҳна солиб келган. Шу боис Машраб шеъриятида нафсу ҳирсу ҳавасдан покланишга, сақланишга даъват этган, инсоний фазилятларни улуғлаган.

6. Талабалар маънавий-ахлоқий камолотини такомиллаштиришга оид Машраб асарларидаги дидактик омилларнинг ўрни таҳлил этилганда, мутафаккир фикрича, комил инсон жаҳонни акс эттирувчи кўзгу, ўликни тирилтирувчи Исо, қушларнинг тилини билгувчи соҳиби салтанат Сулаймон, оби ҳаётдан қонган Хизрдир. Ҳамма давр, ҳамма замонлар учун ўрнатилган ва намуна бўлган инсони комил Аллоҳнинг расули Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбаримиздир. Пайғамбаримизни идеал деб билган шоир: Боиси бир нуктадин Машраб замонга сиғмадим,-дея олган.

7. Талабалар маънавий-ахлоқий камолотини такомиллаштиришнинг дидактик таъминотида таъкидлаш лозимки, файласуф олим И.М.Мўминов

фикрича, халқ норозилик кўзғолонларидан сўнг меҳнаткашлар оммаси ҳар сафар алам ва хўрликни, ғазаб ва умидсизликни кўнгилларига туғиб, қутулиш йўлини топиш умидида осмонга кўз тикиб, орқага чекинишга мажбур бўлган. Машраб: “Умидсизлик куфр эрур, дўстлар, умид қилмоқ керак”,-дея халққа рағбат берган. Унинг ички исёни, у очикчасига кураш йўлига ўтган. Махмуд катағонбийга кўркмасдан “Тахтинга ўлтурдим, нима дейсан”,-дея олган.

8. Талабалар маънавий-ахлоқий камолотини таъминлаш тизимини такомиллаштиришда “Кимки толибдур, анинг ганжи ниҳони тавбадур”-деб, мухаммасларида панд-насихат, ўғит, ахлоқий фикрлар, таълим-тарбиявий ғоялар, дидактик қарашлар илгари сурилган.

9. Талабалар маънавий-ахлоқий камолотини такомиллаштириш тизими методларида Машраб асарларини талаба-ёшларга етказишда ўқув машғулотларини ташкил этиш бўйича дарс ишланмалар, маъруза машғулотининг технологик модели, харитаси, баҳолаш мезонлари каби ишлар бажарилди.

Юқорида келтирилган хулосаларга асосланиб, қуйидаги амалий таклиф ва методологик тавсиялар берилди:

1. Наманган шаҳрида “Машраб боғи” бунёд этилиши мақсадга мувофиқ.
2. Тошкент шаҳрида “Адиблар хиёбонида” Машраб ҳайкалини ўрнатиш.
3. Наманган вилоятида “Халқаро Машраб фонди” ташкил этиш
4. Глобаллашаётган даврнинг хусусиятлари ва фуқаролик жамиятининг ижтимоий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, олий ўқув юртларида, “Машрабнинг педагогик қарашлари” бўйича махсус курслар ташкил этиш, таълим муассасалари, маҳалла, оммавий ахборот воситаларида шоир асарлари асосида тарғибот ишларини амалга ошириш.

5. Хориж давлатлар кутубхоналарида сақланаётган Машраб ижодига доир манбаларни тўплаш, хусусан, Туркия – (Тўпқопи), Франция- (Лувр), Бельгия- (Брюссел), Буюк Британия-(индия-оффис), Германия-(Берлин), Россия-(Санкт – Петербург) кутубхоналаридан шоир асарлари факсимилиеларини Ўзбекистонга келтириш.

6. Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган Машраб асарлари қўлёзмаларини тадқиқот қўламини кенгайтириш.

7. Машраб таваллуди ва вафоти мавзусида жуда кўп ҳарҳиллиликни бартараф этиш мақсадида аниқ фикрни илгари сурамиз. Машраб 1653 йил туғилганини ҳисобга олсак, у 1711 йил 22 май куни Балхда 58 ёшида дорга осиб ўлдирилган, шоир вафотига 311 йил, туғилганига 369 йил бўлганлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқ.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. -Т.: Ўзбекистон, 2017. – 483 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Т.: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.
3. “Буюк алломалар, адиб ва мутасаввифларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори // Халқ сўзи. 2018 йил, 15-май.
4. Мирзиёев Ш.М. Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик // “Халқ сўзи”. 2016 йил, 19 октябр.

II. Матн ва манбалар:

5. Абдуғафуров А. Буюк сиймолар, алломалар. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1997.
6. Абдуғафуров А. Қалб қаъридаги қадриятлар. -Т.: Ўқитувчи, 1998.
7. Абдуғафуров А. Ўзбек адабиёти тарихи. II том. -Т.: Фан, 1978.
8. Абдуғафуров А. Ўзбек адабиёти тарихи. III том. -Т.: “Фан”, 1984.
9. Абдуғафуров А. Эрк ва эзгулик куйчилари. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.
10. Абдурашид Абдуғафуров. Буюк бешлик сабоқлари. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995.
11. Абдулла Жаббор. Исмингиз нима, Шоҳ Машраб? -Наманган: 2007.
12. Абдуллаев В.А. Ўзбек адабиёти тарихи. 2-китоб. -Т.: “Ўқитувчи”, 1980.
13. Абдуллаев И. Мерос ва талқин. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2008.
14. Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. -Т.: Адолат, 2001.
15. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. II жилд. -Т.: Маънавият, 2000.

16. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. -Т.: «Маънавият», 2000.
17. Абу Абдуллоҳ ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. IV жилд.-Т., 1992.
18. Абу Исо Термизий. Саҳиҳи Термизий. -Т.: Ўзбекистон, 1992.
19. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993.
20. Абу Ҳамид Ғаззолий. Мукошафат-ул-қулуб. -Т.: «Янги аср авлоди», 2004.
21. Адизова Иқболой. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. -Т.: «Фан», 2006.
22. Акад. Хайруллаев М.М. таҳрири остида. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. -Т.: «Ўзбекистон», 1995.
23. Алиқулов Ҳ. Ислом, тарих ва маънавият. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2000.
24. Алимардонов Тўлқин. Сиёсат ва ахлоқ. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2005.
25. Алишер Навоий. Асарлар. XIV том. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967.
26. Алишер Навоий. Ғазаллар, шарҳлар. -Т.: «Камалак», 1991.
27. Алишер Навоий. Муҳокаматул-луғатайн. -Т.: “Фан”, 2001.
28. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. -Т.: Ўқитувчи, 1993.
29. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.
30. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар.-Т.: “Ўқитувчи”, 1994.
31. Аҳмедов Бўрибой. Ўзбекистон тарихи манбалари. -Т.: “Ўқитувчи”, 2001.
32. Ҳайитметов А.. Ҳаётбахш чашма, Мақолалар. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1974.
33. Бертельс Е. Э. История персидско-таджикской литературы. -Москва, “Наука”. 1965
34. Бертельс Е.Э. Навои и Джами. -Москва, “Наука”. 1971
35. Бобораҳим Машраб. «Мабдаи нур». -Т.: «Фан», 1994.

36. Бобораҳим Машраб. «Меҳрибоним кайдасан». -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.
37. Бобораҳим Машраб. Девон. -Т.: “Янги аср авлоди”, 2006.
38. Бобораҳим Машраб. Мабадаи нур. Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Сўзбоши. -Т.: Фан, 1994.
39. Бобур. Бобурнома. -Т.: “Камалак”, 1989.
40. Бобур. Танланган асарлар. -Т.: «Ўқитувчи», 1976.
41. Болтабоев Ҳ. Шоҳ Машраб Фитрат талқинида. Мумтоз сўз қадри. (Адабий-илмий мақолалар) -Т.: «Адолат», 2004.
42. Валихўжаев Ботир. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. -Т.: “Ўзбекистон”, 1993.
43. Ғафуров Иброҳим. Ҳаё-ҳалоскор. -Т.: Шарқ, 2006.
44. Дўстқораев Б. Ўзбек насрида Машраб тимсолини яратиш тажрибаси ҳақида мулоҳазалар / Мустақиллик даври адабиёти. Тўплам. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006.
45. Жумабоев Йўлдош. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан.-Т.: “Ўқитувчи”-“Зиё ношир”, 1997.
46. Жўраев М., Рафиддинов С. «Қиссаи Машраб» хусусида». -Т.: «Ёзувчи», 1992.
47. Жўраев У., Саиджонов Й. Дунё динлари тарихи. -Т.: «Шарқ», 1998.
48. Зайниддин Восифий. “Бадоеъул вақое”. (Нодир воқелар). -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.
49. Закои Кўнрапа. Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. -Т.: “Камалак”, 2019.
50. Зиёмуҳаммадов Бўри. Комилликка элтувчи китоб. -Т.: «Турон-Иқбол», 2006.
51. Зоҳидов Воҳид. Улуғ шоир ижодининг қалби. -Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1970.
52. Зуннунов А., Тўхлиев Б., Маъсудов Х. Педагогика тарихи. -Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2002.

53. Зуннунов А., Ҳотамов Н. Адабиёт назариясидан қўлланма. -Т.: «Ўқитувчи», 1978.
54. Мўминов И.М.. Танланган асарлар. 1 том. -Т.: «Фан», 1969.
55. Иброҳим Ҳаққул. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.
56. Иброҳим Ҳаққул. Ирфон ва идрок. -Т.: Маънавият, 1998.
57. Иброҳим Ҳаққул. Сўзлар бизга оғриқдан бўзлар. Адабиёт ва санъат. Тўплам. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.
58. Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърият. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991.
59. Иброҳим Ҳаққул. Ўзбек поэтикасида рубоий. -Т.: “Фан” нашриёти, 1981.
60. Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1969.
61. Иззат Султон. Ҳаёт, адабиёт ва маҳорат. Иккинчи том. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.
62. Имом Исмоил Ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. -Т.: Ўзбекистон, 1990.
63. Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Сўзбоши. Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур. – Т.: “Фан”, 1994.
64. Комилов Н., Саломов Ғ. Шоири аналҳақ. Сўзбоши / Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.
65. Комилов Нажмиддин. Тасаввуф. Биринчи китоб. -Т.: «Ёзувчи», 1996.
66. Комилов Нажмиддин. Тасаввуф. Тавҳид асрори. Иккинчи китоб. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат ҳамда «Ўзбекистон» нашриётлари, 1999.
67. Қаюмов Азиз. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. -Т.: “Sharq”, 2014.
68. Қиссаи Машраб. -Т.: «Ёзувчи», 1992.

69. Қуръони карим. Т.: “Камалак”, 1992.
70. Мажмуаи Абдул Муталлиб Хўжа Фаҳмий. -Т.: 1992.
71. Масъул муҳаррир академик Хайруллаев М.М. Ўрта Осиё халқлари хурфикрлиги тарихидан / Алиқулов Ҳ. Машраб. -Т.: «Фан», 1990.
72. Масъул муҳаррир: Мўминов И.М. Самарқанд тарихи. Икки томлик. Биринчи том. -Т.: Ўзбекистон ССР “Фан” нашриёти, 1971.
73. Масъул муҳаррир: Хайруллаев М.М. Маънавият юлдузлари. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1999.
74. Маудуди А.А. Ислом этикаси. Лампур. 1953.
75. Маҳмуд Ҳасаний. Шоҳ Машраб қиссаси. Сўзбоши. -Т.: «Шарқ», 1991.
76. Машарипова Зиёда. «Қиссаи Машраб»да ошиқ тимсоли. Олими нуқтадон манам. Тўплам. -Наманган, 2004.
77. Машраб. Куллиёт. Мирзо Кенжабек сўзбошиси. -Т.: “Муҳаррир” нашриёти, 2017.
78. Машраб. Девон. (Нашрга тайёрловчилар: Ваҳоб Раҳмонов ва Комилжон Исроилов). -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.
79. Мусурманов Э. Раҳимбобо Машраб ҳақида янги маълумотлар.- Самарқанд, СамДУ, 2015.
80. Муҳаммад Ҳузарий. Нур-ул яқин. -Т.: Чўлпон-Камалак, 1992.
81. Муҳаммадиева Ойниса. Бедил ва ахлоқий қадриятлар фалсафаси.--Т.: “YANGI NASHR”, 2016.
82. Муҳиддинов М. “Хамса”ларнинг биринчи дostonларида комил инсон тасвири. -Самарқанд, 2001.
83. Муҳсин Зокирий. Машраб. Адабий-танқидий очерк. -Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1966.
84. Муҳсин Зокиров. Эрк ва маърифат куйчилари. -Т.: “Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”, 1984.
85. Назаров Қ. таҳрири остида. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. -Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти нашриёти», 2004.

86. Насимий. Асарлар. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.
87. Носиров О., Жамолов С., Зиёвуддинов М. Ўзбек классик шеърляти жанрлари. -Т.: Ўқитувчи, 1979.
88. Пўлатжон Домулло Қайюмов. Тазкираи Қайюмий. -Т.: 1998.
89. Раҳмонов В. Машраб. Девон. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1980.
90. Раҳмонов В. Буюк исёнкор. Машраб «Девон»ига ёзилган сўзбоши. -Т.: 1980.
91. Раҳмонов Ваҳоб. Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат. –Т.: “Ўқитувчи”, 1983.
92. Сирождидинов Ш. Сўфи Оллоёр илоҳиёти. I-қисм. Жамият ва бурч. -Т.: 2001.
93. Султонмурод Олим. Ишқ, ошиқ ва маъшук. -Т.: «Фан», 1992.
94. Сўфи Оллоёр. Саботул ожизин. -Т.: Чўлпон, 1992.
95. Тоджихўжаев Мусо. Бобораҳим Машраб шахсининг Оврўпача эътирофи. Олими нуқтадон манам. Тўплам. -Т.: 2006.
96. Тоджихўжаев Мусо. Ўзбек адабиёти намуналари Мартин Хартманн таржимаси ва талқинида. -Т.: “Вауоз”, 2016.
97. Тузувчи ва илмий муҳаррир: фал.ф.д. Назаров Қиёмиддин. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. -Т.: “Файласуфлар миллий жамияти нашриёти”, 2004.
98. Тузувчи-муаллиф профессор: Зуннунов А. Ўзбек педагогикаси тарихи. -Т.: “Ўқитувчи”, 1997.
99. Тўлонов Ж., Ғафуров З. Фалсафа. -Т.: «Ўқитувчи», 1997.
100. Тўланов Жондор. Қадриятлар фалсафаси. –Т.: «Маънавият», 1998.
101. Умид Бекмуҳаммад. Навоийнинг армонлари. -Т.: “Янги аср авлоди”, 2011.
102. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. -Т.: Истиқлол, 1999.

103. Усмонов Қ., Содиков М., Обломуродов Н. Ўзбекистон тарихи. I қисм. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2002.
104. Халилбеков Алихон. Наманган адабий гулшани. -Наманган, “Наманган” нашриёти, 2007.
105. Хожамназар Ҳувайдо. Девон. Иккинчи нашр. -Т.: “Янги аср авлоди”, 2017.
106. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. -Т.: “Ўқитувчи”, 1997.
107. Ҳакимхон Тўра. «Мунтахаб-ат-таворих». -Т.: Ўқитувчи, 2001.
108. Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., Ҳамидов Ҳ. Педагогика тарихи. -Т.: “Ўқитувчи”, 1997.
109. Ҳасаний М. Муқаддима / Шоҳ Машраб қиссаси. -Т.: Ёзувчи, 1991.
110. Ҳатамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча – ўзбекча изоҳли луғати. -Т.: ”Ўқитувчи”, 1979.
111. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Бобораҳим Машраб ва унинг “Мабдаи нур” асари. Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур (Тадқиқ қилувчи, эски ўзбек ёзувидан нашрга тайёрловчи, тадқиқ этувчи, луғат ва изоҳларни тузувчи Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ).-Т.: Фан, 1994.
112. Ҳофиз Шерозий. Ишқ гавҳари. -Т.: «Шарқ», 2006.
113. Ҳошимов К., Нишонова С., Иномова М., Ҳасанов Р. Педагогика тарихи. -Т.: “Ўқитувчи”, 1996.
114. Ҳошимхонов М. Машраб ва Ўрта Осиёда ижтимоий фикр тараққиёти. Ўқув қўлланма. Т., 1994.
115. Ҳошимхонов М. Машраби мўътабар ўзум. (“Машрабнинг ижтимоий фалсафий қарашлари”). Монография. –Т.: “Шарқ”, 2001.
116. Ҳошимхонов М. Бобораҳим Машраб ижодини ўрганиш. Методик қўлланма. Т., 2002.
117. Ҳошимхонов М. Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодий фаолияти. Монография. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.

118. Ҳошимхонов М. Машраби мўътабар ўзум. (Машраб ва Мовароуннаҳрда ижтимоий таназзулнинг социологик таҳлили. XVII-XVIII асрлар). Монография. Иккинчи жилд. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.
119. Ҳошимхонов М. “Машраби мўътабар ўзум”. (Бобораҳим Машраб ижтимоий-маънавий, диний-тасаввуфий, ахлоқий мероси ва унинг илмий-бадиий адабиётдаги талқини. XVII-XVIII асрлар). Монография. III-жилд. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008.
120. Ҳошимхонов М. Машраби мўътабар ўзум. (Бобораҳим Машрабнинг матний портрети: Мажзуб сўфий, каландар ва шоир). Монография. -Т.: “Noshirlik yog’dusi”, 2018.
121. Ҳошимхонов М. Бобораҳим Машраб меросида ижтимоий-педагогик фикрлар ривожи. –Т.: “Fan va ta’lim” нашриёти, 2022.
122. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. –Т.: Мовароуннаҳр, 2004.
123. Энгельс Ф. “Германияда дехқонлар уруши”. Асарлар. 1933 йил. IV босмаси.
124. Юсупов Ж. Ҳаққингга бир дуо айлай. Машраб. Девон. -Т.: «Янги аср авлоди», 2006.
125. Юсупов Ж.. Уни девонаи Машраб дерлар. Девонга сўз боши. -Т.: “Янги аср авлоди”, 2006.
126. Abdulkali Colpnarli. Mevlanadan sonar mevlevlik. baski. -Istanbul: dnkilar ve Aka. 1983.
127. Der Dichter Maschrab. // Literaturen der Volker der Sowjetunion Hg. Prof. Dr. Yarli Junger.-Leipzig. VEB Bibliographisches Institut, 1967.
128. Esa Celik. Mevlenanın Mesnevisinin tergimi ve serhlari. A. U. Turkiyat Arastimalari Enstituti Dergisi, Sayi 19, Erzurum 2002.
129. Fuad Kuprulu/ Cagatay Edebiyati. Dslam Ansiklopedisi/-Istanbul. MEB.1945.

130. Gules Ismail. Mesrebin Kitabi “Mebdei nuru” Mevlananin Mesnevisinin serhimidur? Ilmi Arastirmalar Dil ve Edebiyat Incelemeleri, 16 (Guz 2003).
131. Hartmann Martin. Der weisse Narr und fromme Ketzer // Der islamische Orient. Berichten u. Forschungen.V.-Berlin, 1902.
132. Hatice Aynur . Universitetlerde eski turk edebiyati calishmalari, tezler, yayinlar, heberler,1-12.-Istanbul. 2000-2002.
133. Hessische Blaetter fuer Volkskunde. Band. Hessische Vereinigung fuer Volkskunde.-Hessen, 1904.
134. Hoshimov K., Nishonova S. Pedagogika tarixi. -T.: Alisher Navoiy nomidagi O‘zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2005.
135. Lewett J.R. Review. Recent on Literature on Islam, / The American Journal of Theology, vol. 8, N2 (April 1904) pp.429-431. / www. Jstor.org/stable
136. Mahmud Fidaci. Sah Mesreb menekib-nemesi (dnceleme-Metin-Sozluk).-Istanbul Universiteti Sosial bilimlar Enstitusi (Yayilamamis Doktora tezi).-Istanbul, 1994. // <http://www.yok.gov.tr>.
137. Orzibekov R. O‘zbek adabiyoti tarixi. -T.: O‘zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg‘armasi nashriyoti, 2006.
138. Sefik Can. Mevlana. Hayati, sahsiyati, fikleri.-Istanbul. Otuken, 1997.
139. Sevkiye Kazan. Turk dili ve edebiyati, tarih dncelemeleri/-S. 13/2002,S. 229-271, S. 14/2002, S. 277-301.
140. Zeitschrift fuer Volskunde. Band 13-14. Verein fuer Volskunde.-Berlin. Verband Deutscher Vereine fuer Volkskunde.-1903.

III.Диссертация ва авторефератлар:

141. Рузматзода Қодиркул Рузмат ўғли. Хожамназар Хувайдо диний-мистик қарашларининг XVII-XVIII асрлар Марказий Осиё тасаввуфи ривожигадаги ўрни. Фалсафа фанлари доктори (DSc) диссертацияси, 2020.
142. Мусурманов Эркин. Раҳимбобо Машраб ва унинг бадий адабиётдаги талқини. Фил. фан. ном. илмий даражасини олиш учун ёзилган дессертация автореферати. -Самарқанд, 1995.

143. Годжиходжаев Мусо Муйдинбаевич. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари Мартин Хартман таржимаси ва талқинида. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. -Наманган, 2021.

144. Ҳамроева Дилором Юнусовна. Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: 2004.

IV. Журналлар:

145. Абдуғафуров А. Машраб маҳорати. Адабиёт кўзгуси. -Т.: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1998, 4-сон.

146. Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф таълимотида комил инсон сиймоси. Илмий-таҳлилий ахборот, 2-сон. -Т.: Ислом университети, 2003.

147. Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Ғайри илм шарпаси. «Тафаккур». 2005, 1-сон.

148. Исҳоқ Боғистоний. Тазкираи қаландарон. «Шарқ юлдузи». 1990, 8-сон.

149. Комилов Н. Маънавий камолот илми. Ахборот. 2003, 2-сон.

150. Нусратулло Жумахўжа. Абадий даҳо. Тафаккур. 2001, 2-сон.

151. Нутфуллаева Ж. Машраб ижодида кўнгил ва Каъба талқини. Тил ва адабиёт таълими. 2003, 6-сон.

152. Оқбўтаев Ботир. Алишер Навоий севгиси адабиётшунослар талқинида. Адабиёт кўзгуси, Илмий тўплам. 2000, №5.

153. Сиддиқов Мўминжон. “Мабдаи нур”да ишқ талқини. Ўзбек тили ва адабиёти. 2001, 3-сон.

154. Сирожиддинов Шухрат. Навоий кимни севган? “Ёшлик”. Баёз. Тўплам. 1988, 5-сон.

155. Сулаймонова Фозила. «Масих»нинг маъноси. «Фан ва турмуш». 1993, 1-сон.

156. Годжихўжаев Мусо. Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодининг хорижда ўрганилиши. Адабиёт кўзгуси. Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти. 2000, 5-сон.

157. Тошланов Т. Зулмат ичра нур. «Шарқ юлдузи». 1988, 12-сон.
158. Ҳайитметов Абдуқодир. Навоий нега уйланмаган? Гулистон. 2004, 1 сон.
159. Ҳамроева Д. Машраб ҳақида қайдлар. Ўзбек тили ва адабиёти. 2003, 4-сон.
160. Эргаш Очил. Дарвеш-комил инсон тимсоли. «Ўзбек тили ва адабиёти». 2000, 2-сон.
161. Эргаш Очил. Фарҳод-комил инсон. Тафаккур. 2000, 3-сон.
162. Юсупов Ж. Машраб. Тафаккур. 1997, 3-сон.

V.Газеталар:

163. Машраб шеърятидан. «Ўзб. адаб. ва сан.». 2001, 21 май.
164. Ғафуров Иброҳим. Муҳаббат маърифати. «Ўзб. адаб. ва сан.». 2004, 10 декабрь.
165. Жўрабоев Отабек. Машраб. Ҳуррият газетаси. 2005, 9 феврал.
166. Машраб. Ғазаллар. «Ўзб. Адаб. ва сан.» 1991, 22 май.
167. Муҳаммад А. Аёл – Аллоҳ нури. Ҳуррият газетаси. 2003, 1 октябрь.
168. Ҳамид Ғулом. Машрабга дебеча. «Ўзб. адаб. ва сан.». 1990, 3 август.
169. Ҳамроева Дилором. Машраб ҳақидаги афсона ва ҳақиқатлар. «Ишонч» газетаси. 2004, 7 май.
170. www.myspage.com/maharasha
171. www.youtube.com/maharasha